

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

*Ф.И.Хайдаров,*

*Н.И.Халилова*

**ПСИХОЛОГИЯ  
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

(ўқув кўлланма)

Тошкент-2006

101

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика  
университети

Ҳайдаров Ф.И.

Халилова Н.И.

**ПСИХОЛОГИЯ ФАҲЛАРИНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

(ўқув қўлланма)

24  


ТОШКЕНТ – 2006

Мазкур ўқув қўлланмада психология фанларини ўқитиш методикасининг предмети, мақсад ва вазифалари, ўқитиш шакллари, дарс типлари, ўқитиш услублари, психология соҳаларини ўқитишда интерфаол усуллар, шунингдек назарий ва амалий психологияни ўқитишнинг методик хусусиятлари борасидаги назарий материалларни қамраб олган. Шунингдек, ўқув қўлланма ўқитиш жараёни билан боғлиқ жиҳатларни, қамраб олмасдан, балки талабалар ўқув фаолияти, унинг тузилиши, улар билан олиб бориладиган мустақил ишларни бошқариш, сиртқи таълим ўқув фаолияти ва уларни адабиётлар билан ишлаш масалаларига доир мулоҳазалар ёритиб берилган.

Муаллифлар томонидан ёзилган «Психология фанларини ўқитиш методикаси» ўқув қўлланмаси ҳозирги кунда ривожланаётган психология фани соҳаларини академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртларида ўқитишнинг долзарб масалаларига бағишланиб, педагогика ва психология факультети талаба ва магистрантлари шунингдек психология фани ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Психология фанлари номзоди, доцент Э.Н.Сағтаров

Психология фанлари номзоди, доцент Н.Ғ.Комилова

Масъул муҳаррир: Психология фанлари доктори,

Профессор М.Ғ.Давлетшин

Муҳаррир: А.Миразизов

Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими илмий методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2006 йил 24 июлдаги 167-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

Республикамиз миқдёсида таълим ва тарбия ишларини такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига чиқариш, фан соҳасидаги янгиликларни амалий ҳаётга тадбиқ этиш муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларда фан асосларига нисбатан кўникма, малака, билимларни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шунингдек ўқитиш жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш орқали ўқув фаолиятини ташкиллаштириш унинг самарадор бўлишига таъсир кўрсатади.

Айнан психология фанининг тармоғи сифатида ривожланаётган психологик фанларни ўқитиш методикаси мазмун-моҳияти жиҳатидан фан соҳаларини методик хусусиятларини ва ўқитиш усулларидан фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтади. Шунингдек, қўлланмада таълимнинг ноанъанавий усуллари, назарий ва амалий фанларни ўқитиш методикаси, сиртқи таълимда ўқитишнинг мазмуни ҳамда амалга ошириладиган фаолият хусусиятларини қамраб олади.

Ўқув қўлланмада психология ўқитиш методикасига доир мавзу, муаммолар, таълим назариялари, таълимнинг интерактив методлари, талабаларнинг мустақил ишлари, назарий адабиётларни ўрганиш, педагогик назоратнинг хусусиятлари ўз аксини топган.

Ҳозирги кунда жаҳон андозалари даражаларида ўқитиш жараёнини ташкил қилиш муҳимлигини инобатга олиб, ўқув қўлланма мазкур масалаларни тўла қамраб олган ҳолда ўқитиш жараёнини муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

## ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ҲҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Методика – педагогик фанлар, шунингдек ижтимоий тизим талаб қиладиган, педагогика фани кўрсатган умумий урта ва олий таълимнинг мақсад вазифаларига мос равишда ишлаб чиқилади.

Дарс бериш методикаси – бу ўқув фани хусусиятининг шарти сифатида таълим ва тарбия жараёнининг тизими ҳақидаги кўрсатмадир.

Бу тизимни билиш ўқитувчига психологиянинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи мақсадларини ва ўқитиш жараёнини бошқариш имконини беради. Психологияни ўқитиш методикаси барча психология соҳалари учун умумпедагогик қоидаларни ажратиб кўрсатиш билан бирга психологик материалларини урганишининг ўзига хослигини мослаштиришга асосланади. Психология ўқитиш методикаси ўқитувчининг ўқувчиларга психологияга доир билимларни онгли мустақкам равишда эгаллаб олишлари учун ўқув материални етказишнинг оқилона усул ва воситаларини кўрсатади. Шу билан бирга педагогика – ўқитувчи учун рецептлар ва кўрсатмалар тўплами эмас, балки илмий фан ҳисобланиб, унинг қоидалар психологияни ўқитиш жараёни қонуниятларини шунга мос равишда ишлаб чиқишга асосланади.

Методика ўқув жараёни мазмунини, таълим ва тарбия усуллари ва шакллари урганади. Методиканинг барча бўлимлари бир-бирига боғлиқ бўлади. Методика ўқув фаолиятида қўлланиладиган усул ва воситалар шунингдек ўқитишнинг ноанъавий услубларини белгилаб беради. Шу тариқа, методика қуйидаги саволларга жавоб беради: Психологияни нима учун урганиш керак? Нимага ва қандай ўқитиш керак? Қандай қилиб ва нима билан тарбиялаш керак?

Психология ўқув фани сифатида ўқитиш шакли ва усуллари узига хослиги билан фарқ қилади. Психология ўқув фани сифатида мақсади, ҳажми, тузилиши, усуллари ва ифода этилиши бўйича фарқлар мавжуд. Психология фанининг мақсади – фан томонидан қўлга киритилган маълумотлар ва қонуниятлар ҳақида ўқувчиларга, талабаларга ахборотларни етказишдан иборат. Ўқув дарсини олиб боришга вақт чекланган бўлиб бунда ўқувчилар ортқча маълумотлар билан банд этмай мустақкам илмий асосдаги билимлар ва муаммолар билан таништирилади. Ўқув фанида билимлар тузилиши ва уларни баён этилиши шакллари бошқача, булиб, бу ҳақда К.Д.Ушинский қуйидаги фикрни илгари суради: «Фанни илмий ва педагогик баён этиш – бу иккита турли нарсалардир ва бутун дунё педагоглари илмий тизимларни педагогика фанини қайта ишлаш устида фаолият олиб бормоқдалар». Шундай қилиб, ўқув фани мактаб, коллеж, институт, умумий таълим муассасалари ва ўқувчиларнинг ёш

хусусиятларига мос қонуниятлари билан белгиланадиган, мутахасислик доирасидаги тизимдаги керакли фанлардан танлаб олинган билимларни ўзида бирлаштиради.

Методиканинг фан сифатида ривожланиши ўқитувчининг шахсий тажрибаси асосидаги методик фикрлари, педагогик маҳоратдан илмий умумлаштириш, тадқиқотларда асосланган субъектив ижодиётдан объектив илмий назарияга ўтиб боришда давом этади.

Умуман олганда, ҳар бир ўқитувчи гуруҳлар ва синфларда ҳамда йиллар давомида методик усуллар самарадорлигини текшириб ўзи дарс ўтиш жараёнини урганиб боради. Энг муҳим методик янгилекларни оддингиларга боғлаган ҳолда энг кулай усулларини ишлаб чиқиб, уни амалга оширишдан иборатдир.

Психологияни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган қонуниятлар асосида методика фан сифатида белгиланди. Методика ўзининг урганиш объектига эга булиб у психологиянинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи ўқитишнинг барча масалаларини камраб олади. Унинг бошқа ўқув фанлари методикаларидан фарқ қилувчи жиҳати психологияни ўрганиш хусусиятлари, сабаблари ўзига хосликлари мавжуд, бўлиб шунга боғлиқ равишда ўқитиш усуллари қўлланилади. Фан ўзининг кашф этган қонуниятлари асосида ҳодисаларнинг боғлиқлик сабабларини тушунтириб беради ва шу билан бу ҳодисани маълум шароитларда деярли такрорлаш имконини беради. Методикада бундай қонуниятларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- психология ўқув материаллари тузилиши ва мазмунида фанларни бирлаштириб олиб бориш;
- кўникма ва маҳоратларини аста секин ривожлантириб бориб ўқувчилар, талабаларнинг англаб етган мустаҳкам билимларни эгаллашлари;
- ўқув материалнинг асосий роли ва дарс беришнинг шакл ва усуллари унга мос келиши;
- ўқитиш жараёнида тарбиянинг барча томонларини бир бирига боғлиқлиги;
- дарс ўтиш жараёнининг яхлитлиги ва тизимлилиги;

Ана шу қонуниятлар асосида психология ўқитиш методикасида тарбияловчи функциясининг умумий тизими аниқланди, улар қуйидагилардан иборат:

- психологик тушунчалар тизими;
- ўқитиш усуллари тизими;
- психологияни ўқитиш жараёнида тарбия ва таълимни ривожлантириш тизими;
- ўқув ишларининг шакли, тизими;
- дарс ўтишнинг моддий базасини яратиш билан боғлиқ тизими;

Методика амалий текшириб кўрилган илмий назарияни беради, у кучни тежаб сарфлаш ва ўқув вақтидан тўғри фойдаланиш орқали ўқитишга имкон беради. Методика таълим ва тарбия мақсадларини тушуниб етиш, бу мақсадларга олиб борувчи бутун педагогик жараёни кўра олишни, дарс беришнинг энг самарали ва қулай шакллари, методлари ва воситаларини эгалаб олишга имкон беради.

«Биргина назариясиз педагогик тажрибанинг ўзи - деб таъкидлайди К.Д.Ушинский, - бу тиббиётда табибликнинг ўзидир». Билми йўқ ўқитувчи кўпинча бир қатор педагогик хатоларга йўл қўйганидан сўнг, методикада анча йиллар олдин маълум бўлган нарсаларни кашф этади. Методик назарияни билмай туриб ўқитувчи кўпинча ўзи пухта эгалаб олган, лекин ўқитишнинг муҳим бўлмаган томонларига берилиб кетиб, ҳар доим ҳам бутун тизимни қамраб олиш имкониятига эга бўлмайди, бунинг натижасида ўқитишнинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи мақсадларига эриша олмайди.

Билим, маҳорат ва ўқитувчининг шахсий қиёфаси, синф эътиборини моҳирлик билан жалб этиши ўқитиш сифатини оширади, лекин шу билан бирга ўқитувчининг ўқитиш санъати тугма қобилиятларига боғлиқ деб хулоса чиқаришга асос бўла олмайди. Ўқитувчи фаннинг фақатгина илмий мазмунинигина билиши керак, деган фикр ҳам нотўғри. Бундай қарашлар назария ва методикага фан сифатидаги муносабатига салбий таъсир курсатади. Ўқитувчининг педагогик ижоди у методика назариясини яхши эгалаб олганидагина юксак самара бериши мумкин. Методика ўқитувчи учун ижод қилишга, турли усулларни билиб олишга, ўқитиш ва тарбиялашда қулай услуб ва воситаларни эгаллашларига кенг йўл очиб беради.

Психология ёш физиологияси, фалсафа, педагогика билан узвий боғлиқ бўлади ва психологияни ўқитишда бу боғлиқлик ўрнатилади. Фалсафий педагогик билимлар ўқитувчилар учун жуда зарурдир. Методика хусусан психологик ўзига хослик билангина белгиланмаганлиги, балки ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари билан ҳам белгиланганлиги сабабли ёш психологиясига ҳам таянади. Тушуниш, тасаввурларининг тўғрилиги тушунчаси ва маҳоратларнинг ривожланиши, билимларини мустақкамлаш, ўқувчиларнинг ёш психологияси асосида амалга оширилиши керак. Психология ўқитиш методикаси педагогик фан ҳисобланади. педагогика билан дидактика йўналиши бўйича унинг ҳамма фанлар учун умумий бўлган ва тарбия йўналиши бўйича узвий боғлиқ ҳисобланади.

Ўқитиш тамойилларини билиш ўқув фанини самарали ўқитиш учун зарурдир. Тамойил деганда - одатда бирор бир фаолиятда таянилиши керак бўлган баъзи бир дастлабки қоидалар тизими тушунилади.

Дидактик тамойиллар ёки ўқитиш тамойили ўқитиш мақсадлари ва ўқувчиларнинг ўрганиш фаолияти қонуниятлари билан узвий боғлиқдир. Т.А.Ильина ўқитиш тамойилларидан қуйидагиларини кўрсатади:

1. Кўргазмалилик тамойили;
  2. Ўқувчиларнинг ўқишда онглиги ва фаоллиги тамойили;
  3. Ўқитишнинг тушунарлилик тамойили;
  4. Ўқитишнинг илмийлиги;
  5. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва ёшини ҳисобга олиш тамойили;
  6. Мунтазамлиги ва изчилик тамойили;
  7. Билимларни мустақкам эгаллаш тамойили;
  8. Таълимнинг ҳаёт билан боғлиқлиги тамойили;
  9. Ўқитиш жараёнида тарбиялаш тамойили;
- Олий ва ўрта мактабнинг замонавий дидактик тамойиллари (Л.Д.Столяренко буйича):

1. Ривожлантирувчи ва тарбияловчи таълим;
  2. Илмийлиги ва тушунарлилиги, ёшга боғлиқлиги;
  3. Ўқитувчининг раҳбарлик роли остида ўқувчиларнинг онгли ва ижодий фаоллиги;
  4. Кўргазмалилиги ва ижодий фикрлашини ривожланиши;
  5. Таълимнинг тизимлилиги ва мунтазамлилиги.
  6. Ўқитишда мустақил таълим олишга йўналтириш;
  7. Таълимнинг ҳаёт ва касбий фаолият амалиёти билан боғлиқлиги.
  8. Ўқувчиларнинг ўқитиш натижалари ва идрок этиш қобилиятларини ривожланишининг мустақкамлиги.
  9. Ўқитишнинг ижодий ҳиссий таъсири;
  10. Ўқитишнинг жамоатчилик хусусиятлари ва ўқувчилар индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
  11. Таълимни инсонпарварлаштириш ва ижтимоийлаштириш;
  12. Таълимни компьютерлаштириш;
  13. Таълимнинг интегративлиги, фанлар ўртасидаги боғлиқликларни ҳисобга олиш;
  14. Таълимнинг иновационлиги;
- Энг муҳим дидактик тамойиллар.

- таълим илмий ва дунёқараш характериға эға бўлиши;
  - таълимни муаммолик хусусиятиға эға бўлиши;
  - таълим кўргазмали бўлиши;
  - таълим фаол ва онгли бўлиши;
  - таълим тушунарли бўлиши;
  - таълим мунтазам ва кетма – кет тартибда бўлиши;
  - ўқитиш жараёнида таълимда, ўқувчиларни ривожлантириш ва тарбиялашни узвий бирликда амалға ошириб бориш;
- Олий мактабда ўқитиш тамойиллари.



- олий таълимнинг булажак мутахассис шахсини ривожлантиришга қаратилганлиги;
- замонавий олий ўқув юрти таълимини фан (техника), ишлаб чиқариш (технология) замонавий ва келажақдаги ривожланиш анъаналари мазмунига эга бўлиши;
- олий ўқув юртида ўқув жараёни умумий, гуруҳли ва индивидуал шаклларда ташкил этишнинг оптимал умумлашганлиги;
- мутахассисларни тайёрлашнинг турли bosқичларида ўқитишнинг замонавий метод ва воситаларини қўллаш;
- мутахассисларни уларнинг касбий фаолияти аниқ соҳасида талабларга жавоб бера оладиган қилиб тайёрлаш, уларнинг рақобатга бардош бера олишларини таъминлаш;

Замонавий олий таълимнинг муҳим элементи методологик тайёргарлик ҳисобланади. Фан ва амалиётнинг ривожланиши ахборотлар оқимининг ранг-баранглиги шахсда барча зарур нарсаларни ўзлаштириш ва эгаллаб олишга куч ва имконият етмайди. Шунинг учун у шундай ўқув материални ўзлаштириши керакки, унинг ҳажми қисқа бўла туриб уни юқори маълумотлар билан қуроллантирсин ва иккинчи томондан, кейинчалик бир қатор соҳаларда муваффақиятли ишлашига имкон берсин. Бу ерда олий ўқув юртида илмий билимларни танлаб олиш масаласи пайдо бўлади. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Шу билан бирга талабаларда умумий интеллектни, турли вазифаларни ҳал этиш қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш муҳим бўлиб қолди.

Олий ўқув юртларида ўқитишнинг ўзига хос алоҳида тамойиллари мавжуд:

- олий ўқув юртидан кейин амалий ишлаши учун зарур бўлган билимларга ўқитиш;
- талабаларнинг ёши, ижтимоий – психологик ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
- таълим ва тарбияни касбий йўналтирилганлиги;
- таълимни фан, ижтимоий ва ишлаб чиқариш фаолияти билан узвий боғланиши;

## ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ АСАРЛАРИДА ҲҚИТИШ УСУЛЛАРИ

Шарқнинг қомусий олимлари Абу Райшон Беруний, Абу Али Ибн Сино, А.Фаробий, Давоний, Жомий асарларида таълим-тарбия, ҳқитиш масалалари атрофлича баён қилиб берилган. Шунингдек, мутафаккирларимиз томонидан таълим жараёнида ҳқитишнинг қайси усул воситаларидан фойдаланиш лозимлиги ҳқтириб ўтилган. Келтирилган фикрлардан кўринадики дастлаб шахс амалий билимларга кейинчалик эса назарий билимларни қўлга киритиши лозимлиги борасидаги гоялар илгари сурилган.

Қомусий олим Абу Райшон Беруний асарларида ҳқитиш усуллари масаласига алоҳида тўхталиб, ҳқувчи шахсига таълим беришда кўпроқ қайси томонларга эътибор бериш кераклигини баён қилиб беради. Жумладан, олим томонидан қўйидаги қоидалар илгари сурилади:

I ўқитишда ёдлатиш эмас, балки тушуниш мантқиқий

фикрлаш, ҳулосалар чиқариш, йўлга амал қилиш лозимлиги;

II ўқитишда ҳқувчининг қизиқиши, интилиши ҳисобга олиниши ва муаллим ўз шогирдларига ҳушмуомалали бўлиши;

III ўқитишда турли усул, методларни қўллаш яъни қараб чиқиш, ҳқиламаган мавзуларни ўқиб олиш керакли жойларини қайта ўқиб олиш, умуман яна ўқиб чиқиш ва тушуниб олиш;

IV ҳқув қуролларини, китобларни эътибор билан авайлаб, асраб тутиш, бу китоблар инсониятнинг бойлиги эканлиги;

Беруний ёшларни ҳқитиш учун ҳқитувчи танлашни биринчи ва асосий иш деб билган. У болаларни ёшлигиданоқ аниқроғи 5-6 ёшидан ҳқитиш тарафдори эди. Бунинг учун ҳқитувчи ҳушмуомалали, ростгўй, ўз фанини яхши биладиган покиза, тоза озода юриш ва туришида намуна бўлишини талаб этади. Бу гоя тўғри ва адолатли талабдир. Агар тарбиячи ўрнак бўлмаса, айтган гапига ўзи риоя қилмаса, унинг тарбияси самарасиздир.

Беруний таълим тарбияга ҳқувчиларнинг диққатини жалб қилиш, машгулотлар давомида ҳқувчини зерикиб қолмаслиги учун таълим олишнинг турли йўллари, шакл ва методлари устида тўхталган. У шундай деб ёзади,- «Бизнинг мақсадимиз ҳқувчини толиқтириб қўймасликдир. ҳадеб бир нарсани такрорлаш зерикарли бўлади, материалга нисбатан салбий муносабат шаклланади. Агар ҳқувчи бир масаладан, бошқа бир масалага утиб турса, у худди турли туман бог - роғларда сайр қилгандек бўлади, бир богдан ўтар ўтмас, бошқа бир бог бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилиши келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди деб беҳуда айтилмаган». Олямининг сўзларида унинг билим бериш йўллари ҳақидаги қарашлари ҳам баён этилган.

Биринчидан, илмий билимлар турли мавзулардан иборат бўлиши, ўқувчини зериктирмаслиги, хотирасига малол келмасликни кўзда тутаяди.

Иккинчидан, бундай усул бошқа тадқиқотчиларнинг ўқиб ўрганувчининг меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган.

Учинчидан, борлиқдаги ҳодисаларни ҳар томонлама ўрганмасдан илмий билимлар доирасини аниқлаб олиш қийин бўлишини таъкидлайди.

Беруний илм олишга қиришни қуйидагича таъкидлайди: «Илм даргоҳига кирар экансан, қалбингни, кўнгилни оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб қўядиган ҳолатлардан, чунончи, қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсдан, рақобатдан, очкузликнинг қули бўлишдан ўз шокимлиги учун курашишдан озод бўлмоғинг даркор».

Беруний ўқувчига билим бериш уни хат саводли қилиш ҳақида гапирар экан, бу ўринда қогознинг пайдо бўлиши, ёзув ва унинг вужудга келиш хусусиятлари, турли белгилар ўқув қуроллари ҳақида алоҳида-алоҳида тўхтаган. Унинг таъкидлашича ҳар бир халқда таълим беришнинг ўзига хос томонлари бўлиб, ҳаммасида ҳам ўқитиш энг аввал алифбедан бошланади.

Қомусий олим Берунийни таъкидлашича билим олишда жараёнида инсоният яратган билимларни эгаллаш учун ўқувчида интилиш ва қизиқиш бўлиш керак.

Илм олишнинг муҳим йўлларида бири киши ўзини ҳаммага дўст, яхшилик қила билиш даражасига етказишдан бошланади. Билимларни якка ҳолда эмас, балки жамият аъзолари билан бирга яшаб олиш мумкин. Чунки, илмлар инсоният жамоасининг маҳсулидир. Якка киши ўзи учун керакли билимларни ярата олмайди. Киши табиати билмаган ва била олмаган нарсасини билишга ўчдир.

Беруний илм олиш йўли билан дунёни билишнинг турли босқичларини кўрсатади:

1. тўлиқ билим олишда нарсаларнинг чегаралари маълум бўлади;

2. нарсаларнинг булакларини умумлаштирувчи чегараларига ҳам маълум бўлади, лекин бунда ҳам тафсилотдан ҳоли бўлмайди;

3. уша тафсилотлар атрофлича билувчи ва билинувчи сифатида бирлашади, лекин бу ҳолат замон ичида бўлиб туради;

4. атрофлича билиш ҳолати замон ичида бўлмайди, эндиликда нарсаларни, воқеаларни билишда зарур восита бўлган исм сифатларга, лақабларга эҳтиёж қолмайди;

Беруний томонидан илгари сурилган фикрларда билимлилик орқали нодонликдан халос этиш масалалари баён қилинган. Ўқувчини ўқитиш муомалали, ростўй, саводхон, шогирдларини, принципаал, юмшоқ муомалали бўлиши керак. Муаллим ўқувчини:

доимо тўтри йўлга бошлаши, сезгир ва талабчан булиши лозимлигини уқтиради.

Беруний муаллим шогирдларига юшоқ муомала қилиши, уларга тўтри йўл кўрсатиши, яхши йўлга йўллаши, ниятини тўтри қилиши, ўзини катта олмай, очиқ кўнгил булиши ҳақида таълим берган.

Беруний ўқитиш муаллимнинг ўқиб ўрганиши, такрорлаши билан бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида уқтирган. Шунингдек, китоб ўқишнинг усул ва методларига алоҳида эътибор беради. Китобларни шунчаки эмас, балки фикрларни кичик бўлимларга бўлиб ўқиш, ҳамма ўқилган жойларни умумлаштириб, қайта ўқиш ҳақида ҳам ибратли материалларни баён этади.

Беруний ўқитишда фақат индуктив йўл билангина эмас, балки дедуктив йўл билан ҳам иш тутмоқ лозимлигини таъкидлайди. Бунда олим ҳар қайси методни жойида қўлламоқ зарурлигини яхши билгани кўриниб турибди. Бундай ўқиш тафаккурни устириб, билишнинг сифатини яхшилайдди, ақлий билимни бойитади.

Беруний дастлаб ўқувчининг онгли ўқиши, матннинг шажми кичик, мазмуни содда, кейинчалик эса ҳажми катта, мазмуни мураккаброқ бўлган матнларни ўқишга киришиши ўқиш жараёнида таққослаш-қиёслашга эътибор бериш ўқувчиларнинг онгли билимига асос солишини эслатиб ўтган.

Олим ўқилганларнинг барчасини қайтариб ўқиш деганда, асосан хато қилмай, сўзларни бузмай, ортиқча товуш ишлатмай, бўгинларни тушириб қолдирмай, сўз ургусини ўз урнида қўлаб, тўтри ўқишни таъкидлайди. Уқишнинг тез, тўтри ва ифодали булиши, ўқиш давомида боланинг ўз-ўзини кузатиб бориши, хатосиз тез ва тўтри ўқишига ёрдам беради.

Беруний билимлар устозлар томонидан ургатилади деб билади. У назарий билимларни ўқувчига сингдириш усуллари ҳақида тўхталиб, муаллим ўз ишига асосан қизиқарли суҳбат усули билан ёндашиб, шогирднинг фанга, касбга ўрганилаётган илмга ҳавасини уйғота олишини, таълимнинг асосий вазифаларидан бири деб билди.

Бунинг учун баъзан муаллим ўз шогирдларини мажбур қилиши мумкин деб билди.

Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этган экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди;

- болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;

- таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;

- олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос булиши;

- ўқитишда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш;

- билим беришда болаларнинг майл, қизиқиш ва қобилиятини ҳисобга олиш;

- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш;

Талабага билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчидир. Шунга кўра, Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл йуриқлар беради. Булар қуйидагилардан иборат:

- болалар билан муоалада босиқ, ва жиддий булиш;

- берилаётган билимнинг талабалар қандай узлаштириб олаётганлигига эътибор бериш;

- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;

- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилиятини ва шахсий хусусиятларини билиш;

- фанга қизиқтира олиши.

- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;

- билимларни талабаларга тушунарли қилиб, унинг ёши ақлий даражасига мос равишда бериши;

- ҳар бир сузнинг болалар ҳиссиётини уйғониш даражасида бўлишга эришиш зарур, дейди олим.

Ибн Сино таъкидлашича билишда қайси методлардан фойдаланмасин, у озгаки ифодали билимларни тушунтириши, турли кўринишлардаги суҳбатми, тажрибаларми, барибир талабада ҳақиқий билим ҳосил қилиш, мустақил қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётта тадбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтиришни асосий мақсад деб билган.

Давоний фикрига кўра бола тарбиясининг кейинги даври мактабда бошланади. Муаллим ақлли бола тарбиясидан яхши хабардор бўлган юксак фазилат эгаси бўлиши лозим. Олим талаба билан муаллим ўртасидаги муносабатга алоҳида тўхталади. Агар ота унинг организмни жисмоний жиҳатдан тарбиялашга сабабчи бўлса, муаллим унинг маънавий тарбияси камолотга етишига сабабчидир. Ҳақиқатни олганда, унинг фикрича муаллим маънавий падар ҳисобланади. Агар кишининг руҳи ўз баданига қанчалик яқин бўлса, муаллим ҳам тарбия борасида шунчалик ота-онага яқин туради.

Давоний болаларнинг касб - ҳунар эгаллаши тўғрисида ҳам эътиборга сазовор фикрлар билдирганлар. Муаллим талабаларнинг қобилиятини қайси касб билан қизиқишини жуда яхши билиши лозим. Агар бола маълум бир касб ҳунар ёки билим билан шугулланса, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва билим ёки касбни эгаллаш учун керакли шарт-шароитни яратиб бериш лозим. Ҳар бир кишининг - деб ёзади Давоний, ҳамма касбни эгаллашга қобилияти бўлмайди, балки муайян одамнинг бирор касбга қобилияти бўлади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, фан асосларини эгаллашда ўқитиш усулларининг аҳамияти беқийсдир ва ўқувчи шахсида назарий ва амалий билимларни шаклланишига методик восита бўлиб хизмат қилади.

## ЎЗБЕКИСТОН ПСИХОЛОГЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

Таълим тизимини тубдан ташкил қилиш ўқув фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчи шахсини психологик жиҳатдан ривожлантириш ҳозирги кунда долзарб масала ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон психологларидан М.Г.Давлетшин, Б.Ғ.Қодиров, Ғ.Ғозиев, Р.И.Суннатова, С.Жалилова, Ф.Ҳайдаров, З.Т.Нишонвалар томонидан бу борада тадқиқот ишлари олиб борилиб таълим муассасаларида ўқитиш, тарбия бериш масалалари атрофлича ёритиб берилган.

М.Г.Давлетшин ўз тадқиқотларида талабаларнинг ўқиш фаолиятидаги куникма, малакаларини ҳосил бўлиши ва психик қобилиятларни ривожлантириш масалаларини илгари сурди. Шунингдек, унинг шогирдлари томонидан тадқиқот муаммосини илмий далиллар асосида асослаб берганлар.

Жумладан, М.Г.Давлетшин, С.Х.Жалиловалар томонидан ҳозирги замон таълимининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган.

а) Таълимнинг ҳар бир даражасини узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми сифатида англаш. Бу йўналиш мактаб билан олий ўқув юрти ўртасидаги алоқа муаммоларинигина эмас, балки талабаларнинг касбий тайёрлигини ошириш вазифасини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юрти билан мутахассиснинг ишлаб чиқариш фаолияти ўртасидаги алоқани ҳам кўзда тутати.

б) «Таълимни индустриаллаштириш» яъни компьютерлаштириш ва технологиялаштириш асосида ҳозирги замон жамиятининг ақлий фаолиятини кучайтириш

в) Таълимнинг ҳозирги вақтгача устунлик қилган ахборот берувчилик шаклларида фаол ўқитиш методлари ва шаклларига ўтиш. Бу йўналиш «Хотира мактаби»дан «тушуниш мактаби», «тафаккур мактаби»га ўтишдан иборат.

г) Ўқув тарбиявий жараёни ташкил қилиш ва бошқаришнинг қатъий белгиланган назорат усулларидан ривожлантирувчи, фаоллаштирувчи, такомиллаштирувчи усуллар ва уйин усулларига ўтиш. Бу эса таълим олувчиларнинг ташкилий-ижодий, мустақил фаолиятини қўллаб қувватлаш ва уни ривожлантиришни тақозо этади.

д) Таълим олувчи ва муаллим ўртасидаги ўзаро таъсирини ташкил этиш, таълим олувчиларнинг биргаликдаги жамоа фаоллиги

сифатида ташкил қилиш зарурияти қайд қилинади. Бунда асосий уруғ, ўқитувчининг билим бериш фаолиятдан талабанинг билим олиш фаолиятига ўтказилади.

Психолог Э.Ғозиев томонидан ҳам ўқувчилар ўқув фаолиятлари хусусиятлари талабалар ўқиш жараёnlари ва ундаги қийинчиликлар масалалари тадқиқ қилинган. Унинг «Ўқув фаолиятини бошқариши» номли ўқув қўлланмасида ўқув жараёнини бошқариш, бу борада хориж тадқиқотлари ўқувчи шахси ва ақлий тараққиёт, интеллект муаммолари таҳлил қилинган. Шунингдек, олим томонидан тафаккур муаммоси кенг доирада талқин қилиниб, ёшга хос тафаккур жараёнларини ривожланиш курсаткичлари тадқиқот натижалари асосида ёритиб берилган.

Маълумки талабаларнинг етакчи фаолияти ўқиш ҳисобланади. Ўқув фаолияти жараёнида мутахассисларни тайёрлашнинг асосий мақсадларига эришилади. Ўқиш фаолияти талабанинг психик жараёнларини хусусиятлари ривожланишига касбий муҳим билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллашга таъсир кўрсатади. Агар ўқиш ижодга айланса, талабаларнинг ҳиссий соҳасига ижобий таъсир қилади, диққат ва хотирасини ривожлантиради, қониқиш ҳиссини юзага келтиради, фаолиятга нисбатан қизиқиши ортади.

А.А.Абдуразоқов ва Э.П.Назировларнинг ўтказган тадқиқотларидан маълум бўлишича биринчи ва иккинчи курсларда аудиторияда бериладиган вазифаларга қизиқиш кучли бўлади. Юқори курсларда эса аудиториядан ташқари вазифаларга ва мутахассисликка боғлиқ фанларни чуқур ўрганишга қизиқиш кучаяди. Шунинг учун талабаларнинг ўқув фаолиятини ривожлантиришда уларнинг бу хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Талабаларнинг ўқув фаолиятини ўрганган Э.Ғозиев раҳбарлигида унинг шогирдлари томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилди. Жумладан, А.Х.Рухиева «Талабалар ўқув фаолиятида ўз-ўзини бошқаришнинг психологик хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида умумлашган ўқув фаолиятининг усуллари системаси орқали ўқув фаолиятини бошқариш деганда мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган, назорат қилинадиган системалаштириладиган, ташкил қилинадиган мустақил билим олишга қодир бўлган фаолиятни тушунилади. Тадқиқотда ўз-ўзини бошқаришнинг барча компонентларининг таркибий қисмлари хусусиятларга эгаллиги профессионал қизиқишини такомиллаштириш ва фаолиятни амалга оширишда учрайдиган тўсиқларни енгиш орқали талаба ўқув фаолияти субъектига айланиши исботланган.

Р.И.Суннатов ва илмий изланишларида шахсда ўз-ўзини бошқариш ва тафаккур операциялари тадқиқ қилиниб, бу борада тадқиқот ишлари олиб борилди. Олим томонидан таълим

муассасаларида ўқитиш ишларини ташкил қилиш ва уни шахс ривожланишига таъсир масалалари етарлича ёритиб берилди. Шунингдек олти ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлиги, мослашил хусусиятлари, психик ривожланиш масалалари атрофлича таҳлил қилинган.

З.Т.Нишонова тадқиқотларида айнан ўсмирлик даври ўқув фаолиятларини эгаллаш масалалари ёритилиб, муаллиф бу борада тафаккур сифатларини ривожланиши, билимлар эгаллашнинг асоси эканлигини тадқиқот натижалари асосида кўрсатиб ўтади.

Ф.И.Ҳайдаров томонидан ўрганилган муаммо ўқув фаолияти мотивлари масаласига бағишланган бўлиб бу борада қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўқувчиларининг ўқиш мотивларини ривожланиши бўйича тадқиқот ишини олиб борди. Тадқиқот натижаларидан шуни кўриш мумкин-ки, ўсмирлик даврида ўқиш мотивларини намоён бўлиш хусусиятлари яъни билиш, ижтимоий, ташқи, ички мотивлари ёритилади. Шунингдек, уларнинг ўзаро фарқлар бўйича динамикаси кўрсатилади. Маълумки, шахсда ўқишга нисбаган ижобий хусусият билимга қизиқиш, интилувчанликни юзага чиқиши ички туртки сабаблар яъни мотивларга боғлиқлиги асослаб берилган.

С.Х.Жалилованинг «Педагогика институти талабаларида шахсий сифатлар шаклланишининг психологик хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида талабаларда шахсий сифатлар шаклланишининг динамикасини аниқлашга уринган. Педагогика институтларидаги таълим жараёнида талабаларни системали ўрганиш шуни кўрсатадики, «ретроспектив», «реал», «идеал» ва «рефлексив» - «мен» ни бир-бири билан таққослаш талабаларнинг шахсий-эҳтиёж соҳасига ҳамда уларнинг шахсий профессионаллашув жараёнига таъсир қилади. Тадқиқотлардан олинган маълумотлар асосида педагогика институтларини талабаларини психологик-педагогик тайёрлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, бу тавсиялар миллий психология ва педагогиканинг энг яхши анъаналарини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Муаллифнинг таъкидлашича, педагогика олий ўқув юртида бўлажак ўқитувчиларни педагогик-психологик жиҳатдан тайёрлаш, такомиллаштириш талабалардаги ўз касбига бўлган психологик қарашни қайта қуриш ҳамда «идеал ўқитувчи» бўлажак ўқитувчи шахсини ривожлантиришнинг асосий воситаси эканлиги сабабли талабаларнинг узлуксиз амалиётда қатнашиш жараёнини сифат ва миқдор жиҳатдан лужайтириш лозим. С.Х.Жалилованинг фикрича, талабаларни психологик-педагогик томондан тайёрлашда машгулотларнинг усул ва турлари авваламбор, талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга, уларнинг узларига, атрофдагиларга, жамиятга бўлган субъектив муносабатларини



психологик жиҳатдан қайта қуришларига йўналтирилган бўлиши керак.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ўқиш, ўқитиш масласига эътиборнинг ортиши бу борадаги кенг доирадаги тадқиқот ишлари олиб борилишига туртки бўлади. Ўқув фаолияти масаласининг моҳият мазмуни ўрганилган бўлсада, ёш олимларимиз томонидан унинг ўрганилмаган жабжалари буйича илмий изланишлар олиб борилаётганда.

## ЎҚИТУВЧИ КАСБИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқитувчилик инсон жамияти тарихи бошлангандан эътиборан давом этиб, шу билан бирга ҳамма вақт жамият ва жамоатчилик томонидан эътиборга лойиқ эъзозлаб келинган касбдир.

«Ўқитувчи-дейди Ал Форобий - ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи булган фикрларини тўла ва аниқ, ифодалай олишни билмоғи зарур». У ўз фикрини давом эттириб, «Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ўқувчиларга айтмоқчи булган фикрларини тўла ва аниқ, ифодалаб беришни билмоғи лозим. Шу билан бирга ўз ор-номусини қадрлаши, адолатли бўлиши лозим. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чуққисига эришади» деб таъкидлайди.

Қомусий олим Абу Али ибн Сино фикрича, «Ўқитувчи матонатли, соф виждонли, ростгўй ва болани тарбиялаш методларини, ахлоқ-қоидаларини яхши биладиган одам бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчининг бутун ички ва ташқи дунёсини ўрганиб унинг ақл қатламларига кира олмоғи лозим».

Носириддин Тусий ўзининг «Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида» асарига шундай дейди: «Ўқитувчи мунозараларини олиб боришда исбот қилишни билиши, ўз фикрларининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса мутлақо тоза, жумлалари мантиқий ифодаланадиган бўлиши лозим. Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда захархандалик, қўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин».

Юсуф Хос Хожиб Қошқарий «Мен аъзолар касаллигини даволашдан олдин одамларнинг руҳиятини даволашни зарур деб топдим. Бунга мен ўқитувчилик йўли билан эришаман, бунга менинг ишончим комил. Чунки аъзолар касаллиги билан юзларча, мингларча одамлар шалок бўлсалар, нодонлик

билимсизлик туфайли ўн минг ва юз мингларча одамлар шалок бўладилар...»

Жомий бола дунёқарашининг камол топишида мактаб ва муаллимнинг ролига катта баҳо беради. Унинг фикрига қараганда, муаллим ақлли, адолатли, ўзида барча юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ўзини номувосиб тутган одам, ҳеч вақт болаларга билим бера олмайди, деган фикрни билдиради.

Улуг шоиримиз Алишер Навоий ҳам ўқитувчи меҳнатини холисона баҳолаб «Агар шоғирд подшоликка эришса ҳам унга (муаллимга) қуллуқ қилса арзийди». «Ҳақ йулида ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила, айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила» каби сатрларни битган.

Алломагаримиз томонидан билдирилган қимматли фикрлари шозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шунингдек таълим жараёнида ўқитувчи шахси, унинг касбий хусусиятлари борасидаги фикрлар атрофлича баён қилинган.

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги билан белгиланади. Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам у ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга солиш, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

Ўқитувчи педагогик жамоа аъзоси сифатида педагогик фаолиятни уюштиришда бевосита иштирок этиб, турли фан ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг методик бирлашмаларида ишлайди, топшириқларни бажаради. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик олдида маърузалар ўқиб, суҳбатлар олиб борар экан, демак у педагогик билимлар тарғиботчиси ҳамдир. Вазифаларнинг шу қадар кўплиги учун ҳам жамиятнинг ўқитувчилар олдида қўядиган талаблари хилма-хилдир.

Маълумки педагогик фаолият — киши меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир.

Жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ўқитувчи шахси ва унинг касби билан боғлиқ. хислатларга қаратилган.

*Ўқитувчининг энг муҳим шахсий хислатлари қуйидагилардир:*

- ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиш;
- олижаноблиги, ақл-фаросати, маънавий пок ва маърифат бўйича юксак мақсадларга мос келиши, бундай хислатларни жамият хоҳиши бўйича болаларга сингдириб бериши;
- ўзини қўлга ола билиши, сабр-тоқатли, матонатлигидир.

*Жамиятнинг ўқитувчилик касбига қўядиган асосий талаблари қуйидагичадир:*

- шахсни маънавий-маърифий томондан тарбиялашнинг миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларининг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик гоёларига содиқлик руҳида тарбиялашни билиши, ўз ватани, табиатига ва оиласига бўлган муҳаббати;

- кенг билим савийасига эга бўлиш, барча соҳаларга доир билимлар билан куролланиши;

- ёш педагогик психологик, ижтимоий психология ва педагогика ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

- ўзи дарс берадиган фан бўйича мустақкам билимга эга бўлиб, ўз касби соҳасида жаҳон фанида эришилган ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

- таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;

- ўз ишига иқтисодий ёндашиши;

- болаларни билиши, унинг ички дунёсини тушуна олиши;

- педагогик техникани (мантиқ, нутқ; таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактта эга бўлиши;

- ўқитувчининг ўз билим ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши;

Кўичилик психологлар шу билан бирга ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда замонавий ўқитувчилар учун зарур хислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради. Рус психологларидан Н.В. Кузьмина, В.Сластенин, Ф.Н.Гоноболдин ўзбек психологларидан Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, С.Жалилова, А.Жабборов, М.Капланова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ўқитувчилик касбининг турли жиҳатларини атрофлича кенг батафсил курсатиб бериш имкониятини яратади. Бевосита ўқитувчи шахсига таалуқли бўлган профессиограммага асосий эътибор қаратилган. Профессиограмма - маълум тизимга келтирилган, меҳнатни психологик томондан ўрганишга ва ундан келгуси амалий фаолиятда фойдаланишга қаратилган қисқа ва ҳар томонлама батафсил курсатиб берилган ҳужжат. Профессиограмма психологик жиҳатидан ишлаб чиқарилган фаолиятни тавсифномасининг келгуси амалий ишлар учун зарур бўлган барча томонларини ўз ичига олиши керак.

М.Г.Давлетшин раҳбарлигида психологик тадқиқот ишларини олиб борган М.Абдуллажонова, Е.Гладкова, А.Машкуров, Т.Хамрақулов, Э.Хидиров ва бошқаларнинг илмий изланишлари ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти, математика, жисмоний тарбия

Ўқитувчилари ва мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари каби қатор мутахассисликлар бўйича ўқитувчи профессиограммасининг тахминий моделини (намунасини) аниқлаб олиш имкониятини берди.

Ҳар бир мутахассислик бўйича ўқитувчининг ихтисослашган тавсифномасини назарда тутган профессиограммаси тузилади, Жумладан, мактабнинг ўқитувчи-мураббийси профессиограммасини мисол қилиб келтирамиз. Профессиограммада муҳим хислатлар борган сари бир мунча ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг қуйидаги хислатларини кўрсатиб ўтиш лозим:

1. Ўқитувчининг шахсий хислатлари:

- болаларни яхши куриш, уларни севиш;
- амалий психологик ақл-фаросатлилик;
- меҳнатсеварлик;
- жамоат ишларида фаоллик;
- меҳрибонлик;
- камгаринлик;
- одамийлик, дилкашлик;
- удабуронлик, мустақкам характерга эга бўлиш;
- ўз билимини оширишга интилиш.

2. Касбга хос билими:

- таълим ва тарбия жараёни моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниши;
- психология асосларини, айниқса ёш психологияси педагогик психология асосларини билиши;
- этнопсихологик билимларни эгаллаш;
- ҳозирги замон педагогикаси асосларини билиш;
- ҳозирги замон педагогикасининг методологик асосларини эгаллаганлиги;
- мактаб ёшидаги болаларнинг психологик-педагогик хусусиятларини тушуниши;
- ўз фанини ўқитиш методикасини билиши;
- ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишининг самарадорлигини билиши;

- ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмунини билиши.

3. Ўз касбига хос хислатлари:

- миллий қайта қуриш мафқураси билан мустақил давлат мафқурасини тушуниши;
- замонавий мактабда олиб бориладиган ўқув тарбия жараёнида умуминсоний бойликлар, миллий анъаналар ва урф-одатларнинг аҳамиятини тушуниши;
- ўқитувчининг қузатувчанлиги;

- ўз диққат эътиборини тақсимлай олиши;
- педагогик фантазиялар (хаёл)нинг ривожланиши;
- ўзига танқидий муносабатда бўлиши;
- ўзини қўлга ола билиши, ўзини тута олиши;
- педагогик такт;
- нутқнинг эмоционал ифодаланиши.

#### 4. Шахсий педагогик улабуронлиги:

- дарс машгулотлари учун зарур материалларни танлай билиши;

- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара олиши;
- таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларнинг тараққий этиб боришини истиқболли равишда бошқара олиши;
- педагогик вазифаларни шакллантириш ва тарбиявий ишларни режалаштиришни билиши;
- болалар жамоасига раҳбарлик қилишда ўз фаолиятини режалаштиришни билиши;
- ўз мақсадларини режалаштира олиши;
- ўзининг таълим тарбиявий ишларига тайёрланиш тизимини режалаштира олиши.

#### 5. Ташкилотчилик малакалари:

- болалар жамоасини уюштира билиши;
- турли шароитларда болалар жамоасини бошқара олиши;
- болаларни нималардир билан қизиқтириб, уларни фаоллаштира олиши;
- амалий масалаларни ҳал этишда ўзини билим ва тажрибаларини усталик билан тез қўллай олиши.

#### 6. Коммуникатив малакалари:

- болаларни ўзига жалб этишни билиши;
- болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни тиклашни билиши;
- болаларни жамоаларро ва жамоа ичидаги ўзаро муносабатларини тартибга солишни билиши;
- болалар ва ота-оналар билан ташқаридан алоқа боғлашни билиши.

#### 7. Гностик малакалари:

- болаларнинг асаб психик тараққиёт даражасини аниқлай билиши;
- ўзининг тажрибаси ва педагогик фаолият натижаларини танқидий таҳлил қила олиши;
- бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиб, ундан (назарий ва амалий томондан) тўғри хулоса чиқара олиши;
- психологик ва педагогик адабиётлардан фойдаланишни билиши;
- ўқувчиларни тўғри тушуниб, уларнинг хулқ-атвори

сабабларини тушунтиришни билиши;

#### 8. Инсоний хислатлари:

- педагогик маҳоратини такомиллаштиришга интилиши;
- ўқувчиларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш қобилияти;
- ўзини, ўқувчи урнига қўйиб бўлиб утган ҳодисаларга унинг назари билан қарай олиши;
- аввалги воқеалар ҳодисалар ва тарбияланувчи шахсига янгича қарай олиши;
- ўзининг ўқувчига педагогик таъсири натижаларини олдиндан кўра билишга интилиши;

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган моделнинг асосий тузилиши тариқасида қуйидагилар келтирилади:

- шахснинг жамоатчилиги ва касбий йўналиши;
- педагогик маҳорат ва қобилияти;
- характернинг психологик хусусиятлари;
- билиш фаолияти;

- ўқитувчи шахсининг болаларни касбга тайёрлаш ишлари даражасидаги умумий тараққиёти;

Профессиограмма ёшларга ўзларининг келгусида ўқитувчилик касбини тўғри ва онгли равишда танлаб олишларига ёрдам беради.

Педагогик касби маълумки ҳар кимнинг ҳам қўлидан келвермайди. Педагогик фаолиятдаги ютуқларга фақат шу касбга қизиққан, шу фаолият билан шугулланишга мойил оқибат натижасида эса педагогик қобилиятга эга бўлган кишиларгина эриша олади.

Қобилият - бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни муваффақиятли амалга оширишдир.

Педагогик қобилият - бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шугуллана олишини аниқлаб беради.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўп қиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб беради. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилият тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Дидактик қобилиятлар - бу болаларга ўқув материални аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларда фанга қизиқиш уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятдир. Дидактик қобилиятга эга бўлган ўқитувчи зарурат тутилганда қийин ўқув материални осонроқ, мураккабларини соддароқ тушуниши

қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади.

Академик қобилиятлар - математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиятлардир. Қобилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат курс хажмидагина эмас, балки атрофлича кенг, чуқур билиб бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузатиб бориб, ўқув материалини мутлақо эркин эгаллаб унга катта қизиқиш билан қарайди, ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиши бошқаларни қойил қилиб ҳайратда қолдириши, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғога олиши учун юксак маданиятли, ҳар томонлама кенг билимдон бўлиши лозим.

Перцептив қобилиятлар - бу ўқувчининг тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсини вақтинчалик, психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятлардир.

Нутқ қобилияти - кишининг ўз туйғу ҳисларини нутқ ёрдамида шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир.

Ташкилотчилик қобилияти — бу биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, унда жамоани жиқслаштира олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини тўғри ташкил қила олиш қобилиятидир.

Авторитар қобилият - ўқитувчининг ростгўйлик, иродавий удабуронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби иродавий хислатлари ҳамда қатор шахсий ҳислатларга шу билан бирга ўқувчиларнинг тарбиясида жавобгарликни ҳис этиш унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олишга ишонч каби хислатларга ҳам боғлиқдир.

Коммуникативлик қобилияти - бу болалар билан мулоқотда бўлишга ўқувчиларга ёндашиш учун тўғри йўл топа билишга улар билан педагогик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир.

Педагогик такт психологиясини ўрганишида психолог И.В.Страхов бениҳоя катта ҳисса қўшган. Унинг фикрича, бунда муҳими - ўқувчиларга таъсир этишнинг энг қулай усулларини топа билиш тарбиявий таъсирни қўллашда мақсадга мувофиқ педагогик чораларга эътибор бериш, аниқ педагогик вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчи шахсининг психологик хусусиятлари ва имкониятлари ҳамда мазкур педагогик ҳолатларини ҳисобга олиш зарурдир.

Педагогик хаёл - бу кишининг ўқувчилар шахсини гарбиявий томондан лойҳалаштирганда ўз иш ҳаракатларининг натижасини олдиндан кўра билишда намоён бўладиган махсус қобилиятдир.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти - бу қобилият бир вақтнинг ўзида диққатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намоён бўлиб, ўқитувчи ишида гоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қобилиятлардан ташқари ўқитувчи инсон шахсининг мақсад сари интилиши удабуронлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби қатор инсоний хислатларга эга бўлиши лозимдир.

## ТАЛАБАЛАР ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ ПСИХОЛОГИЯСИ

Таълим психологияси шахснинг билимларни эгаллаш, мустаҳкамлаш услубларидан иборат фаолият жараёнини қамраб олувчи қатор саволларнинг тузилишини ўрганади, шунингдек, уларнинг натижасида одамнинг индивидуал тажриба, билим, малака ва кўникмалари шаклланади. Инсон дунё билан ҳамкорликдан нимадир янги нарса урганиш ва ўз эҳтиёжларини қондириш услубларини такомиллаштириб борганлиги сабабли ҳам билим олишга бўлган интилиш инсоннинг бутун умри давомида таъқиб этиб боради, чунки одам ҳар бир амалий билимини ҳаётдан ўрганади. Бошқача қилиб айтганда, таълим олиш ҳар бир фаолиятда мавжуд бўлиб, у субъектнинг шаклланиш жараёнини ўз ичига қамраб олади. Шундай қилиб, таълим олиш етарли даражада кенг тушунчадир, у ўз ичига нафақат таълим олишнинг уюштирилган шакллари, (мактаб, курслар, олийгоҳ), балки инсон томонидан кундалик ҳаётда эгалланаётган билим ва малакаларни ҳам ўз ичига олади.

Бошқа фаолият турлари булмиш уйин ва меҳнатдан ўзининг махсуслиги моҳияти билан ажралиб турувчи бу фаолиятни психологик фаолият сифатида ёндашилганда, ўқиш фаолиятининг уюшган шакллари кўрилади. Унинг энг муҳим жиҳати шуки, у исталган бошқа бир фаолиятта инсонни тайёрлайди ва унинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Психологларнинг бу борадаги йўналишларига кўп бўлгани йўқ (тахминан 50 йиллардан бошланган) ва бу соҳада ҳали у даражада сезиларли ишлар қилинган эмас. Аммо ўқиш фаолиятини ташкил қилиш учун асос етарли даражада шаклланган, ва улар ўқитиш назариясининг аниқ савол-муаммоларига психологиянинг бир ёқлама ёндашишига йўл қўяди.



Уқув фаолияти назариясининг асоси нима ва у психология ўқитиш методикаларини ишлаб чиқишда қандай аҳамиятга эга?

Авваламбор психологиянинг қайси соҳасида ишлашдан қатъий назар, ўқитувчи ўқиш фаолияти назарияларининг асосий қонун қоидаларини билиши зарур. Бу билим эгаллаб олиш қоидалари ва ўқитиш методикаларини тўғри тузиш учун жуда муҳим. Ўқиш фаолияти психологияда илмий тушунча сифатида бир яққол ифодага эга эмас. Рус педагогикаси ва психологиясининг «классик» назарияларида – бу «кичик мактаб ёшдаги етакчи фаолият», «ижтимоий фаолиятнинг асосий шакли» сифатида эътироф этилади.

Д.Б.Эльконин ва В.Давидовнинг таъкидлашича, ўқиш фаолияти – бу ўқувчининг назарий билимлар – ўзлаштиришга қаратилган ва фикрлашнинг ўсишини таъминлайдиган фаолиятларидан бири сифатида курсатилади. Ўқиш фаолияти ўқувчининг ўзи амалга ошириб ўзини ўзгартириш учун махсус ташкил қилинган фаолият бўлагидир. Ўқиш фаолиятининг муҳим қисми ўқув топшириқ ҳисобланади. Топшириқ ечилиш жараёнида, ҳар бир амалий машғулотдаги каби, ўқувчи томонидан урганилаётган объектда ёки бу ҳақдаги тасаввурда маълум бир ўзгаришлар юзага келади, аммо натижада субъектнинг ўзи ўзгаради. Ўқув топшириғи субъектда олдиндан берилган ўзгариш содир бўлгандагина ечим топишга деб ҳисоблаш мумкин. Ўқиш фаолияти жараёнида (ёш авлод) ўқувчилар катталарнинг тарбиясига таянади, урганади. Ҳар бир ёш авлод дунё ҳақидаги билимларни бевосита уни ўраб турган борлиқдан олади, аммо ёшлар бу билимларни ўзи яратмайди, балки уларни катта авлодлардан «нарса (буюмлар), махсус ташкилот ва янги авлоднинг бу нарсалар билан боғлиқ фаолияти орқали» олади.

Айнан мана шу «буюмлар билан» махсус уюштирилган фаолияти, инсоният тажрибаси, катта авлоднинг ана шу буюм – маҳсулотни яратиш бўйича тажрибасининг эгаллаши ўқиш фаолиятидир.

Ўқиш фаолиятининг аҳамияти – бу «ўқувчиларни ташқи олам билан боғловчи фаолияти» нинг бевосита натижасидир. Бу ўқувчилар фаолияти бўлиб ўқитувчи томонидан ташкил қилинган ва у билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Ўқув фаолияти қуйидаги умумий тузилишга эга: эҳтиёж – топшириқ–мотивлар–ҳаракат–операция.

Эҳтиёж ўқувчининг у ёки бу предметни назарий ўзлаштиришга қаратилган ўқув фаолигидир. Назарий билимларга аниқ бир предмет ривож ва келиб чиқиши ҳақидаги қонун – қоидалар киради. Буларни фақат уюштирилган таълим – назарий ўрганиш фаолиятида ўзлаштириш мумкин.

Ўқиш фаолияти тузилишининг муҳим элементларидан бири ўқув топшириғидир. Уни бажаришда ўқувчилар аниқ бир ҳаракат

ва операцияларни бажарадилар. Ўқув фаолиятлари ҳар - хил бўлиши мумкин, ammo асосий мотив бўлиб (махсус) урганишга қизиқиш ҳисобланади. Ўқиш фаолиятининг амалга оширилишини ўқувчи гомонидан бажарилаётган, маълум бир мотив билан бошқарилаётган ўқув фаолияти ёки ўқув топширигини ечишга қаратилган операция ташкил этади. Бу фаолиятнинг мақсади - назарий билимни эгалашдир.

Хуллас, ўқув топшириқларини ечиш ва ўқув фаолиятини махсус таркиб топиши, унинг тузилиш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ўқув топширигининг моҳияти нимада? Психологлар ўқув топширигининг қатъий фарқланиши хилма-хиллиги ва ҳаёт давомида юзага келаётган амалий машгулотларнинг турлитуманлиги ҳақида кўп ёзишган. Агар ҳар бир амалий машгулот ечилиши алоҳида фанларнинг ўзгаришига олиб келса, ва бу мақсад бўлса, унда ўқув топширигини ечишдан мақсад предметни ўзлаштириш эмас, балки бу ўзгаришларни киритиш орқали услубларини ўзлаштиришдир. Масалан, техник телевизор бузилганида тузатса, политехника институти талабаси бу ишни амалий машгулотда бажарар экан, у нафақат буни тузата олади, балки уни бартараф этиш усулларини ҳам ўрганиб олади. Натижада иш билан бирга ўқиш фаолиятида субъект сифатида янгилик олади ва ўзгаради. Ammo телеаппаратура созловчиси бўлиш учун биргина бунинг ўзи кифоя эмас, у ҳар томонлама мутахассис бўлиш учун бу ишни яна бир неча бор такрорлаши зарур ва айнан ўқиш фаолиятининг вазифаси шундаки, ўқувчи топшириқнинг қандайдир бир-бирига ўхшаш жавобини эмас, балки, ҳар қандай турли босқичдаги топшириқлардан принципаал жавобини топа олишни билишдир. Ўқитувчи эса, ўқувчи олдига шундай топшириқ қўйиши керакки, у турли умумий ва аниқ вазиятларда ўқувчинини муаммони умумий ечимини топишга йўналтириши керак.

Мактаб ва олийгоҳ талабалари амалиётда назарий билимларни тажриба асосида ўрганиб боришади. Жумладан, математик масала мисолида хусусий масаланинг аниқ бир ечимидан, ўқув топширигини умумий ечим йўли билан ишлашни кўришимиз мумкин.

Талабалар томонидан психологияни ўрганилаётганда ўқитувчи уларга инсон фаолияти билан боғлиқ бир қатор топшириқларни тузиши ва уларга бериши мумкин. Унинг барча саволи бир хил, яъни «Бу фаолият бўлиб ҳисобланадими?». Бунинг натижасида талабалар фаолият тушунчасини ўзлаштириб олишлари лозим. Биз биламизки, ўқув фанлар тизимида, ҳақиқатан ҳам билимни ўзлаштириш учун ўқув жараёнини ўқув топшириқларини ечиш тизимига айланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда ўқув топширигини ечиш эпизодик эмас, балки ўқиш фаолиятида эгалланган назарий билимларни амалиётда қўллаб, ўрганиши,

ўқитувчи томонидан берилаётган тайёр билимларни китоблардан олиши эмас, балки ўқувчининг ўзи фаол фаолият юритиши лозим.

Ўқувчи томонидан ўқув топширигини ечилиш жараёнининг ўзи - бу ўқув фаолияти дейилади. Бу жараённинг таркибий қисми бўлиб, а) ўқитувчи томонидан ўқувчи олдига ўқув топширигининг қўйилиши; б) ўқувчи томонидан топшириқ ечимини қабул қилиниши; в) утилаётган фани билан боғлиқликни излаш мақсадида ўқувчи томонидан ўқув топширигининг қайта кўриб чиқилиши; г) ажратилган муносабатни моделлаштириш; д) бу муносабатни «соф ҳолда» урганиш учун моделни ўзгартириш; е) умумий усул билан ечиладиган топшириқлар тизимининг қурилиши; ж) аввал бажарилган ҳаракатнинг назорат қилиниши ва кейинги ҳаракатга ўтиши; з) баҳолаш (ўз-ўзига баҳо бериш) ҳамма ҳаракатларнинг яхши бажарилиш услубини ўқув топшириги ечилишининг умумий услубини ўзлаштириш ва бошқалар.

Барча юқоридаги элементларнинг кетма-кетлиги ўқув топширигининг бажарилишида талабанинг ўқиш фаолиятини ташкил этади.

Экспериментал ва назарий текширишлар ўтказилган мактабларда ўқиш фаолиятининг асосий назарий муаммоларини ишлаб чиққан жамоат психологлари назарияси фаолият ва психиканинг бирлик принциpidан самарали фойдаланганлар. Аммо умумий назарияни ўқитиш мумкин, қўлланилиши маълум олдини олиш чоралари нафақат мактаб таълимининг, балки ўқитишнинг бошқа турларига катталар (талабалар) тажрибаси асосида қурилган.

«Ўқиш фаолияти» тушунчасининг пайдо бўлганлигига кўп бўлгани йўқ, кўпи билан 20 йил аввал, бу ўқувчиларнинг билим савияси критериялари тавсияномасини ишлаб чиқилиши билан боғлиқ бўлган. Ўқув фаолиятининг тўлалигича кўриб чиқиш зарурати билан у нафақат билим, кўникма, малака ва улар ортидаги усуллар, ўқувчиларнинг ўқув материали билан ҳаракат операцияларини, балки, ўқувчи томонидан ўқув материалининг қабул қилиниши, унинг ўзи томонидан назорат қилиниши, ўз-ўзига баҳо беришини ҳам ўз ичига олади.

Ўқиш - бу мустақил фаолиятни бажариш, буни ўқув материалига ижодий ёндашмасдан, ўқув топширигини ўзини таҳлил қилиш ва ўзини баҳолай билмасдан бажариб бўлмайди. Ўқишга урганиш - бу ўқув фаолиятини бажариш талаба учун зарур топшириқ бўлиб ҳисобланган.

Ҳар бир олийгоҳдаги психология ўқитувчисининг олдига қўйилган муҳим топшириқ - талабанинг ўқув фаолиятини **шакллантириш, ёки уни психологиясини урганишга қаратилган.** Талаба ўзи мустақил ишлашни, ўзининг идроки, ақли билан иш юритишни билмас экан, у доимо ўқитувчининг оғзидан чиққан тайёр билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади ва китобдаги илмий, тушунчаларни механик тарзда ёдлаб олади, аммо

унинг ўзи бирор марта ҳам бу билимларни амалиётда қўлай олмайди. Бу эса унинг кишилар билан онгли, тўғри психологик мулоқот урнатишга ва фаолиятни йўлга қўйишга, психологик фикр юритишга ўргана олмаслигига сабаб бўлади.

Талаба фаолиятини қандай шакллантириш лозим? Бу ҳар бир талабани психология фанини тўғри ўрганишига боғлиқми? Бироқ ўқишнинг моҳияти нимада? Психологияда бу муаммо қуйидагича изоҳланади; қандай қилиб аввал ўқувчига номаълум, ноаниқ бўлган, унинг онгида бўлмаган нарса унга маълум бўлади, объективдан субъективга ўтади, идеалдан материалга айланади?

Юқоридаги саволларга жавоб айнан тўғри билим олишга йўл кўрсатади. Бу муаммо ечими билан йирик психологлар 50 - йилларда тадқиқот ишлари олиб борганлар. Хусусан, П.Я.Гальперин ва унинг шогирдлари «Қандай қилиб, инсон онгидан ташқарида бўлган, унинг ақли ички хусусият бўлиб қолган, яъни унинг онгини маҳсули сифатида ақл хусусиятига айланади?», - деган саволга жавоб излаши аста-секин қуйидаги хулосага олиб келди: П.Я.Гальпериннинг ақлий ҳаракатларнинг шаклланиш концепциясида келтириб ўтилади.

Бу концепция катта умумпсихологик аҳамиятга эга, чунки у юқорида қўйилган саволларга жавоб бериб қолмай, балки ҳайвонлар психологиясидан фарқли бўлган, инсон психологияси эволюцияси тамойилларини, психологик фаолият турлари ва шакллари, унинг қонуниятлари ҳамда шаклланиши ҳақидаги маълумотларни ҳам ўзида мужассамлаштирган.

Бу назариялар билан боғлиқ ҳолда ўйланган ҳаракатларни шакллантирувчи фаолият - ўқиш фаолияти деб кўриб чиқилганди. Ўйланган ҳаракатлар - инсоннинг ҳар бир амалий ва билишга йўналтирилган фаолияти, индивидуал тажрибада шаклланиб, исталган бир қатор ўзгаришларни бошидан кечиради. П.Я.Гальперин концепциясида ўқиш махсус ҳаракатлар тури сифатида кўриб чиқилади, уларни бажариш ўқувчида янги билим ва малакаларни ҳосил қилади. Шу сабабли, бу назария тарафдорлари ўқиш мақсади бу билимлар билан ишлай олиш, лекин фақат билимларни ўзи кифоя эмас, - деб билишади. Ҳар бир ўқитиш инсонни «нимадир қилишга ўргатиш»ни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Бунда ўз касбий вазифаларни беҳато бажарадиган мутахассислик учун, амалга оширишнинг қайси элементлари мустаҳкам йўриқнома бўлиб ҳисоблавишини билиш лозим. Бу элементлар тўшлами (йўриқномалар), ўрганувчининг (фаолиятининг йўриқномаси) ўрганиш фаолиятининг энг асосий йўриқномаси бўлиши лозим.

«Ҳаракатнинг асосий йўриқномаси - бу фаолият - ҳаракатини бажараётган кишининг асосий таянчи бўлиб ҳисобланади». Ўрганувчи бу муайян бир ҳаракатни билмагани ва бу

ҳаракатни бажаришга энди урганаётгани учун ҳам, (урғатувчи) ўқитувчи унинг қўлига маълум бир ҳаракатни бажаришда таяна оладиган йўриқномаларни бериши лозим.

Бошқача қилиб айтганда, бирор бир фаолиятга илк бора қўл ураётган киши, агар қўлида маълум бир асосий ҳаракат йўриқномаси бўлса, у бемалол бу ишни тўғри, лекин жуда секин бажара олади. Шундай қилиб, у ҳар қандай янги ишни, ҳар бир янги фаолиятни бажаришга, <sup>у</sup> тригонометрик топшириқ, хоҳ у орфографик жиҳатдан тўғри хат ёзиш, ёки янги самолётни йиғиш бўлмасин психологик ҳодисанинг таҳлилини бажаришга урганиб олади.

П.Я. Гальперин таъкидлашича: «Инсоннинг ҳар бир ҳаракатининг назорат, бажарув ва мўлжал қисмлари мавжуддир. Ўқув жараёнида ўқувчи йул-йўриқни мўлжалга қараб фаолиятни бажаради ва бу ўқитувчи томонидан назорат қилинади. Йўриқнома ҳам ўқитувчи томонидан берилади».

Бу концепция асосида ўқитиш фаолиятини ташкил этишнинг яхши натижа бериши нафақат П.Я. Гальперин издошлари томонидан, балки унинг мактаби томонидан ҳам исботланган.

Психологияни ўқитиш методикасида бу борада эришилган имкониятларни ишлатиш эҳтиёжи мавжуд. Биринчидан, педагогик олийгоҳларда (факультет йўналишига қараб) махсус мактаб фан соҳаларига мослаб талабалар томонидан лаборатория ва амалий дарсларда методикалар ишлаб чиқиш; (мактаблардаги ўқитиш хусусиятига қараб) иккинчидан, психология фанини олийгоҳларда айнан шу методика ва назариялар асосида ўтиш; учинчидан, психология ўқитувчиси ташвиқот ишларини олиб боришда, юқоридаги концепция асосида ва умуман ўқитишнинг фаол методлари асосида амалга оширишда чексиз имкониятлари мавжуд.

Таълим психологиясининг яна бир йўналиши бўлиб назарий юксалтиришга асосланган субъектнинг фаоллиги шакли деб айтиладиган ўқув фаолияти ҳисобланади, у авлодларнинг ижтимоий тажрибаси натижасида индивидуал ривожланиш шартига қаратилган бўлади. Д.Б.Эльконин ўқув фаолиятининг муҳим қисми бўлган ўқув топширигининг ечимини топиш нагжасида фаолиятни бажарувчи субъектнинг ўзгариши, унинг дунёқараши, билими, малакаларини шаклланишига сабаб бўлишини кўрсатиб берган. В.В.Давидов, ўқув фаолияти - бу назарий билимни эгаллашни ўзи, ўқиш фаолиятининг шаклланишига эса мустақил ўқиш ва ижодий ёндашиш сабаб бўлишини аниқлаган.

Д.Б.Эльконин ва В.В.Давидов 1960-1970 йилларда ўқитишни ривожлантириш тизмини ишлаб чиқадилар ва мактаб амалиётида синаб кўрдилар. Унинг асл моҳияти бўлиб нафақат ўқитувчиларни ўқув жараёнида маълум бир билимлар билан қуроллантириш, балки уларни ҳар қандай илмий маълумот билан ишлай олишга ургатиш бўлиб ҳам ҳисобланади. Бу мактаб намоёндаларининг асосий

мақсади инсонларни фикр юритишга ўргатиш лозимлигидан иборат, шунинг учун ўқувчиларда замонавий фикр юритиш асосларини эгаллашлари илгари сурадилар. Бошқача қилиб айтганда, ўқишни шундай ташкил этиш керакки, доимо у «ривожланувчи характерга» эга бўлиши лозим.

Демак ўқиш - бу фикр юритишга ўрганишдир. Ривожланувчи ўқитиш гоёси ўша йилларда бошлангич мактаб дастурига (уни эгаллаб олиш 3 йил мабойнида бўлади 4 йил эмас) ва 5-8 синфлар (алоҳида предметлар) ўрганадиган алоҳида фанлар дастурига ҳам киритилган эди. 1996 йилда бу дастур билан 1000 дан ортиқ ўқитувчилар ишлаган.

Д.Б.Эльконин - Давидов системаси бўйича экспериментал синфларда «асосан ўқув фаолиятининг шаклланиш жараёнининг тавсифномаси, интеллектуал ривож, ўқувчилар жамоаси ва шахснинг ривожланиш сифати билан бу ўқитиш жараёнларининг анъанавий шароитдаги ривожлантириш, ўқитиш гоёси тизими тавсифномаси билан куриб чиқилганда тўғри келади». Бу натижалар тавсифномаси анъанавий ўқитиш тизимида одатда режалаштирилмайди ва ўқитиш натижаси сифатида юзага чиқмай баҳоланади.

Д.Б.Эльконин - Давидов гоёвий тизимида ўқитиш натижалари тавсифномаси ўз ичига қуйидаги курсаткичларни олади; а) ўқиш фаолиятининг шаклланганлик даражаси; б) ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси; в) ўқувчилар жамоасининг ва шахсни ривожланиш даражасини; г) ўқитиш охирида ўқувчиларнинг билим, малака ва эгаллаган кўникмалар даражаси.

Биз курганимиздек, тавсифномалар ичида, деярли якка ва асосий анъанавий тизимда ўқитишнинг сифати курсаткичида билим ҳажми даражалари мавжуд эмас. Бундан кўринадики, ривожлантирувчи ўқитиш тизими томонидан билимнинг зарур ва кераклилари инкор этиладими? Албатта йўқ, бу ерда эътибор билим сонига эмас, шахснинг қандай билим, малака ва кўникмалар, услублари ва бошқа сифатли жиҳатларини эгаллаганига қаратилади. Ахир билим шахсни ривожланишига ҳисса қўшиш ва фақатгина ўқитиш мақсади бўлиб қолмаслиги керак.

Шундай қилиб, ўқув фаолияти - субъект фаолиятини ўзгартирувчи, ҳеч нарсани билмагандан билувчига билим, малака ва кўникмаларни эгаллаган шахсга айлантиришдир. Шунинг учун ҳам ўқув фаолияти ўз-ўзини ўзгартириш, ўзини намоён этиш фаолияти деб аниқланиши мумкин ва бунинг предмети сифатида ўқувчиларнинг ижтимоий тажриба орттириш орқали эгаллаган тажрибаларини олиш мумкин. Ижтимоий тажрибанинг эгалланган бўлаги ва бу аввалги тажрибани ўзгартириш ҳисобига ўқув фаолиятининг маҳсулини ташкил этади.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки: ўқув фаолиятининг предмети, маҳсули, мақсад ва натижаси бўлиб фақат билим бериш ҳамда эгаллашгина эмас, балки ўқувчининг интеллекти, шахсий сифатлари, ва олган билимининг натижаси бўлган билим, малака ва кўникмалари ҳисобланади. Ўқув фаолиятининг асосий вазифаси бўлиб ўқувчининг илмий назариялари асосида мустақил фикр юритишга ургатиш ҳисобланади.

Агар урта, олий ёки бешлангич мактаб фикрлашга ургатиш лозим бўлса, у ҳолда буни қандай амалга ошириш лозим? Бу саволга жавоб бериш учун фикрлаш психологиясидан келиб чиққан ҳолда ёндашиши лозим. Замоनावий илмий тасаввурлар буйича фикрлаш- бу шундай махсус муаммонинг ечимими, унинг баъзи шартлари юзада этади, (ёки юзаки) бошқалари эса мавжуд бўлмайди. Фикрлаш бу - предмет таҳлилининг кузатишлардан яширин бўлган муносабатларни намойиш этишга (очишга) қаратилган психологик фаолиятдир. Агар топшириқнинг барча шартлари ёритилган бўлса, у ҳолда фикрлаш талаб этилмайди ва инсон бу топшириқни хотира ёки бевосита қабул қилиш, шунингдек ўзига хос қарорга олиб борувчи йўл билан ҳал этиши мумкин. Фикрлаш топшириқ бўлганда, (савол) тайёр жавоб на хотирада ва на диққатда бўлмаганида ишга тушади. Шундай қилиб, инсон муайян вақтда муаммоли кўринган вазиятга тушиб қолади, ноаниқ ва номаълум бўлган нарсани ёритиш фикрлашни тақозо этади. Айнан шу нарсага талабалар ва ўқувчиларни ўргатиш лозим. Фикрлашга ўрганиш - бу билимлар ўртасидаги тафовутни ечиш, ўқувчи эга бўлган ва эга бўлмаган аммо юзага келган муаммо - топшириқни ечишда унга асқотадиган билимлардир.

Бу борадаги тавсиялар М.И.Махмутовнинг «Ўқитиш муаммолари» китобидан ўрин олган. Худди шу ном билан чоп этилган И.Я.Лангернинг брашюраси ҳам мавжуд. Уларнинг ҳар иккиси ҳам педагогик фанлар доктори бўлиб, вазиятни «Педагогик нуқтаи назаридан таърифлайди. Лангернинг таърифига кўра, «бу шундай ўқитиш, бунда ўқувчилар ўқув материаллари асосида тузилган тизимли муаммолар ва муаммоли топшириқларни ечишга жалб этиладилар». Муаммоли ўқитишда билимлар ўқувчиларга тайёр ҳолда берилмайди, - деб ёзади М.И.Махмутов,- балки, муаммоли вазият жараёнида уларнинг ўзи томонидан ўрганиш фаолиятида эгалланади. Психологлар Т.В.Кудрявцев ва А.М.Матюшкин бу фикрни аниқлаштирган ҳолда: муаммоли ўқитиш фақатгина ўқувчи олдига муаммоли вазиятни қўйиш билангина фаоллаштирилмайди. Замоनावий фикрлаш психологиясининг имкониятлари нафақат ўқувчилар олдига муаммоли вазиятни қўйиш, балки улар учун муаммони ечимини топиш ва бу муаммо ечимини бошқариш имкониятини ҳам беради. Демак, муаммоли ўқитишнинг психологик нуқтаи назаридан аҳамиятга молик томони бу ўқувчиларни олдига фақатгина

муаммоли вазият-топшириқ қўйиш эмас, балки бу муаммоларни психологик билимнинг фикрлаш қонуниятлари асосида ечишга ўргатиш ҳамдир.

Бунда ўқитиш назариясида муаммо, муаммоли вазият, муаммоли топшириқ, муаммоли савол, муаммоли машгулот каби гушунчалар кўп учрайди - худди муаммоли ўқитиш тамойили сифатида. Бу тушунчаларга қандай маънолар сингдирилган?

Муаммо (грекча - *problema* - топшириқ) - назарий ёки амалий савол, қайсики унга тайёр жавоб йўқ, шунинг учун ҳам ўрганиш, текшириш жавобни топиш учун керак булади. Одатда киши олдида муаммолар бирор бир эски методлар билан ечиб бўлмайдиган топшириқ пайдо булганда келиб чиқади. Ўқитиш мақсадида ўқитувчи, методик муаммолари, методист томонидан ўқувчи олдига атайин қўйилган бўлиши мумкин. Ўқитиш жараёнидаги муаммо ҳаётий муаммонинг моделидир.

Муаммоли вазият - бу субъектнинг муаммо билан тўқнашгандаги психик ҳолати, у томонидан қийинчилик сифатида аниқ ёки нотўлиқ идрок қилинаётган ва уни ечиш учун янги билимлар талаб этилиши билан боғлиқ булган интеллектуал муаммодир. Муаммоли вазиятда пайдо булган янги билимлар субъектнинг эгаллашга қаратилган эҳтиёжи шахснинг ўрганишга булган фаоллигидир.

Муаммоли вазият субъектда юзага келган муаммони ўрганишга булган муносабатини билдиради, бироқ бу шундай муносабатки, унга кура уни ечиш йўлини билмайди, бу йўлни эса топиш лозим. Аммо топиш эҳтиёжи фақатгина муаммони аниқ ҳис этишдагина юзага келади. Гап шундаки, маълум бир муаммога дуч келган субъект уни маълум вақтга қадар шунчаки бир қийинчилик деб ўйлайди, лекин муаммо деб ҳисобламайди, қачонки қандайдир алоҳида йўл билан ечиш лозим булгандагина муаммо сифатида назарда тутилади.

Шундай қилиб, объектив мавжуд булган тўсиқ субъект томонидан муаммо сифатида қабул қилинмаслиги ҳам мумкин экан. Ахир фикрлаш фаолияти субъект муаммони аниқ ҳис этгандагина ишга тушади. А.Н.Леонтьев томонидан қўйидаги мисол келтирилади; Авиамодель тўғарагига қатнашувчи ўқувчилар катта қизиқиш билан учадиган авиамоделларни ясар эдилар. Инструктор улардан ўқиш назариясини ўрганиб келишларини талаб этди. Аммо, энг қийин ва майда ишларни ҳам бажарган ўқувчилар ўқиш назарияси билан деярли қизиқмаган эдилар. Назарияни билиш зарурлиги ҳақидаги ҳеч қандай ташвиқот фойда бермади ва ўқувчилар ўқиш назариясига доир китобларни ўқиб туриб ҳам фақат амалиётга тааллуқли булган жойларни тушинар ва эслаб қолар эдилар. Нимага болалар назарияни ўргана олмадилар? Чунки уни билмаслик уларни ҳеч қандай муаммоли вазиятга қўймас ва амалиётда халақит бермас эди. Топшириқни бажаришда қўйидаги



усул таклиф қилинди, яъни авиамоделни ясовчилар уни ясабгина қолмасликлари, балки уни учуришлари ҳам лозим деб ўзгартирилди ва натижада модель 2 метр ҳам учмай тўхтаб қолганида, нега бундай бўлди деган муаммоли вазият юзага келди. Шунда инструктор уларга назарияни тушунтириб берди ва энди болалар муаммоли вазият ёрдамида назарияни ҳам урганиш лозимлиги, унинг аҳамияти қанчалик катта эканлигини тушуниб етдилар.

Купинча шундай буладикки, аввал тўла тўқис англамаган қийинчиликлар аста-секин муаммоли вазиятга айланади ва шахсни фикрлаш фаолигини ошириб, янги билимларни, янги услубларни эгаллаш эҳтиёжини тугдиради.

Психологлар аниқлашича, фикрлаш жараёни аксарият ҳолларда муаммо, савол, ҳаракатланиш ёки қарама - қаршилиқдан бошланади. Айнан шундай муаммоли вазиятда субъектнинг фикрлаш фаолиятининг даражаси аниқланади. Аммо юқоридаги фикрлар билан ҳар қандай муаммоли вазият фикрлашнинг фаолигини кўрсатиб беради деб айта олмаيمиз. Вазиятни муаммоли деб қабул қилишдан ташқари субъект бошида қандайдир билимлар захираси булиши лозим. Масалан, «референт гуруҳ» нималигини билмаган талаба ижтимоий психологиядан қўйилган саволга жавоб бера омайди: бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ ҳам «референт», ҳам «катта», ҳам «кичик» ҳам «профессионал», «табиий» бўла оладими? Бундан шуни англаш мумкинки, индивид томонидан муаммоли деб қабул қилинган вазият ҳали тўғри йўналишда муаммони ечиш учун фикр юритиш имконияти булмайди. Унда бошлангич билимлар захираси бўлмаса, у нима ҳақида ўйлаш, фикр юритиш лозимлигини била омайди. Демак муаллиф ёки ўқитувчидан муаммоли вазиятни ечиш билимлари агар аввалдан талабага берилмаган бўлса, у ҳолда шу муаммоли вазият билан бирга берилишини талаб этиш лозим.

Муаммоли вазиятлар объектив ва кундалик ҳаётда жуда кўп юзага келади ва бу субъектдан ишга ижодий ёндашиш ва умуман тўғри фикрлашни талаб этади. Бунинг учун яна олийгоҳда ўқиш даврида ҳаракатлар қарама-қаршилигидан келиб чиқадиган муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олишни ҳам билиш лозим.

Ўқиш жараёнида эса бундай муаммоли вазиятлар ўқитувчи, методист, муаллиф томонидан юзага келтирилади.

## ПСИХОЛОГИЯДА ДАРС ЎТИШ МЕТОДЛАРИ

Педагогик жараён бевосита педагог томонидан ташкил этилади. Педагогик жараён қаерда ва қандай педагог томонидан ташкил этилмасин, у барибир битта тузилишга эга бўлади: яъни мақсад-тамойиллар мазмуни-методлари-восита-шакли.

Мақсад - педагог ва ўқувчи интилаётган биргаликдаги педагогик ҳаракатларнинг якуний натижаларини акс эттиради. Тамойиллар-мақсадга эришишнинг асосий йўналишларини аниқлаш учун муължалланган. Мазмуни - бу танланган йўналиш бўйича қўйилган мақсадларига эришиши учун ўқувчиларга бериладиган аждодлар тажрибасининг бир қисмидир. Таълим мазмуни - махсус танлаб олинган ва жамият томонидан (давлат томонидан) тан олинган маълум соҳада муваффақиятли фаолият учун ўзлаштирилиши зарур булган инсониятнинг объектив тажрибаси элементларининг тизимидир. Таълим мазмуни - ўқув муассасаси эришишга интиладиган якуний натижадир, билимлар, маҳорати, кўникмалари, шахсий сифатлари категорияларида ифода этиладиган ўша даражаси ва ўша ютуқларидир. Методика - бу мазмуни етказиладиган ва қабул қилинадиган педагог ва ўқувчининг ҳаракат воситалари, мазмуни билан моддийлаштирилган предметли «иш» усули сифатида метод билан биргаликда фойдаланилади. Педагогик жараённи ташкил этиш шакли унга мантиқий якунланганлик, тугалланганликни беради. Педагогик жараённинг динамиклигига унинг уч таркиби ўзаро боғлиқлиги натижасида эришилади: педагогик, методик ва психологик. Педагогик тузилишнинг асосий жараёнларини ташкил этиш масалаларини ҳал этиб таълим ва тарбия, унинг мақсадларини, шаклини, мазмунини ва шу қабиларни аниқлашни таъминлайди. Методик тузилишини яратиш учун мақсад бир қатор масалаларга бўлинади, унга биноан педагог ва ўқувчиларнинг фаолият босқичи кетма-кетлиги тартиби аниқланади. Масалан, методик тузилишига тайёрланувчи йўл-йўриқ кўрсатиши, кузатиш жойига ҳаракатланиш, объектни кузатишни, кўрганларини қайд этишни ўз ичига олади. Педагогик жараёнларнинг педагогик ва методик тузилишлари ўзвий равишда бир-бири билан боғлиқдир. Бу икки тузилишдан ташқари педагогик жараён янада мураккаб бўлган - психологик тузилишни ҳам ўз ичига олади. Психологик тузилиш эса қуйидаги компонентларни қамраб олади:

- 1) идрок этиш, фикрлаш, англаш, эслаш, маълумотларни ўзлаштириш жараёнларини;
  - 2) ўқувчиларнинг қизиқишлари, иштиёқлари, ўқиш сабаблари, ҳиссий кайфиятлари динамикасини;
  - 3) жисмоний ва нерв - психик кескинликни кучайтириш ва пасайтириш, фаоллик динамикаси, ишчанлик қобилияти ва толиқишини;
- Шундай қилиб, дарснинг психологик тузилиши учта таркибий қисмдан иборат:

- 1) идрок этиш жараёнлари;
- 2) билим олиш сабаблари;
- 3) кескинлик.

Ўқитиш методлари педагогик жараён тузилишида узининг алоҳида урнига эга. Уларни ўқув материалларини ишлаб чиқиш ёрдамида маълум мақсадга эришишга қаратилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқалари усулларини навбатма – навбат алмашиниши тушинилади. «Метод» сузи (грекча – бирор нарсага йўл) – мақсадга эришиш усули, билим олиш усулидир.

Ўқитиш шакли – бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим олиш давомидаги уюштирилган ўзаро алоқаларидир. Адабиётларда қуйидаги ўқитиш шакллари кўрсатилади: фронталь, индивидуал, гуруҳли, синфда – дарс пайтида, кечки (ҳамда шундай шакллари ҳам мавжудки дарс, экскурсия, семинар, маъруза, амалий машғулот, ишлаб чиқариш амалиёти, имтиҳонлар, маслаҳат). Методни шаклдан фарқ қиладиган асосий кўрсаткичи билим олиш усули кўрсатилганлиги ва ўқувчининг ўзи иштирок этишга боғлиқлигидир.

Педагогик адабиётларда «ўқитиш методи» тушунчасини ўрнини аниқлаш борасида ҳеч бир фикр айтилмаган. Масалан, Ю.К.Бабанский шундай деб ҳисоблайди: «Ўқитиш методи деб таълим масалаларини ҳал этишга қаратилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тартибга солинган ва ўзаро боғланган фаолияти усулига айтилади». Т.А.Ильина ўқитиш методи деганда «ўқувчиларнинг идрок этиш фаолиятини ташкил этиш усули», деб тушунади.

Дидактика тарихида ўқитиш методларини турлича гуруҳларга ажратиш юзага келган – сўз билан, амалий, кўргазмали – бу усуллар энг кўп тарқалган ҳисобланади.

Ҳар қандай усуллар ва методик услублар педагогика амалиётида услублар билан амалга оширилади. Методик услублар – ўқитиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг алоҳида ҳаракатларини ифода этувчи у ёки бу усулнинг элементидир. Методик услубларнинг турли – туманлиги уларни тизимлаштиришни талаб этади. Улар мантиқий, ташкилий ва техник хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Биринчи навбатда турли усулларда қўлланилиши мумкин бўлган услубларга ажратиш мумкин.

Барча услубларда ҳам бир хил мантиқий услублардан фойдаланилади: белгиларини ажратиш, ҳодисаларни (объектларни) ўхшашлиги ва фарқи буйича таққослаш, хулосалар, умумлаштириш ва бошқалар. Бу ҳолат ўқувчилар фикрлаши ва уларнинг ишдаги мустақилликларини ривожлантиришда ҳамма усуллар имкониятларини муҳим даражада белгилайди. Ташкилий услублар ўқувчиларнинг эътиборини, идрок этиш ва фаолиятларга йўналтирилади. Техник услубларга турли ускуналар, ёрдамчи воситалар, методикалардан фойдаланиш киради.

Машғулотларда ҳар бир усул кўплаб хусусият ва турларга эга бўлган методик услублар билан очиб берилади. Идрок этиш

қизиқишларини уйғотиш ва ривожлантириш, меҳнат маданиятини тарбиялаш услубларини кўрсатиш мумкин, лекин улар учта асосий гуруҳ методик услублар билан амалга ошириладилар. Методик услубларнинг кўплиги ва айниқса уларнинг бирга бўлиши ўқитувчиларнинг ижодий ташаббускорлигини ва педагогик маҳоратларини кўрсатади. Ижодий ишловчи педагог янги услублар кашф этади, ҳаммага маълум услубларни узгартиради, янада яхшироқ таълим ва тарбиявий самарага эришади.

**Сузла усуллари.** Суҳбат масалалари ҳал этишда ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳам иштирок этиши билан таърифланади. Суҳбатнинг мақсади ўқувчиларнинг билимини ҳал этилиши керак бўлган масалага йўналтирилиши билан белгиланади. Суҳбат натижасида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлиги остида маълум хулосага келишлари, умумлаштиришлари керак. У ўқитувчиларга номаълум материаллардан қурилмаслиги керак: ўқувчиларда бўлмаган билимларни улардан қийнаб талаб этишга вақтни бекорга ўтказиш мумкин эмас. Суҳбат якунловчи ёки умумлаштирувчи дарсларга ва илгариги билимларини янгилари билан боғловчи дарсларда, айниқса, аҳамиятга эга бўлади.

Ҳар қандай суҳбатнинг асосий тузилиш элементи ўқитувчининг саволлари ҳисобланади. Улар баён этилаётган материалдан табиий келиб чиқиши ва ўқувчиларнинг диққати муҳимларини ушлаштиришга қаратилиши керак, илгариги тайёргарлиги ёки ўқувчининг ҳақиқий мавжуд шахсий тажрибасига таяниши керак. Ўқитувчи ўқувчилар фаолигини уларга бериладиган саволларни мураккаблаштириб бориш ёрдамида суҳбатда иштирок этишлари даражасини аста ошириб боради. Ўқитувчининг саволлари ўқувчиларнинг билимларидан ўзлари мустақил фойдаланишларига ургатишлари керак. Саволларнинг мос равишда тўғри қўйилишида жавоблар ҳам ривожланади, мураккаблашади, ўқувчилар янада мантиқий масалаларни ечиб борадилар. Бу эса ақлий ривожланишнинг муҳим томони ҳисобланади.

**Савол – жавоб усулида** баён этилганида ўқувчига уз диққатини узоқ вақт жалб этиши керак бўлмайди, чунки мураккаб фикрлар унинг олдида қисмларга ажратилиб ифода этилади, уларни ушлаштириш доимий текшириб борилади.

**Ҳикоя қилиш усули** бирор бир ҳодисалар ёки одамлар ҳаётидан ҳодисаларни, буюк кашфиётлар тарихи, олимлар ҳаёти, умуман инсон онги, унинг психологиясини урганиш билан боғлиқ ижодий фаолияти ҳақида бўлса психология машгулотларида қўлланилади. Баъзи ҳолларда ўқитувчининг ҳикоялари машгулотларда сюжетли ва образли кўриниш олади. Айнан ҳикояда жавоб ёки педагогикада шундай аталувчи сўз билан тасвирлаш қўлланилади.

Ҳикоя қилиш бошқа усуллар каби индуктив қурилиши мумкин, бунда бир қатор маълумотлардан умумлаштириш келиб чиқади эки дедуктив, бунда умумий ҳолат маълумотлар билан тушунтирилади.

Тушунтириш - ҳикоядан фарқ қилади - ўқув материалларини фактларни таҳлил қилиш ва хулосалар ифода этиб исботлаш асосида аниқ баён этиш ҳисобланади.

Амалий ишларни бажариш бўйича қисқача, аниқ курсатмалар ўтказиш ҳам тушунтириш ҳисобланади.

**Мактаб маърузаси** фақатгина катта синфларда (коллежларда) қўлланилади. Шунда ҳам ўқитувчи бутун дарс давомида материални айтиб бериш билан шугулланмайди: дарс пайтида у ўқувчилардан сўрайди, топшириқ беради ва уй вазифасини тушунтиради.

Ҳар қандай усулдан фойдаланишда ҳам ўқитувчи ўқувчилар нутқ маданиятига катта эътибор беради. Айниқса, сўзли усулларда унинг ривожланишини кўзда тутиш жуда муҳим. Ўқувчиларга бериладиган саволлар аста - секин мураккаблаштирилади. Ўқувчилар аввалига қисқача, кейин эса кенг жавоб бериб, мустақил равишда таққослайдилар, хулоса чиқарадилар, мулоҳазаларни баён этадилар. Кейинчалик ўқувчилар илмий мавзуларда қисқача хабарлар ва ҳисоботлар билан иштирок этишга ургатиладилар.

**Кўргазмали усуллар.** Кўргазмали усулларни умумий яққоллик, педагогик тамойил билан аралаштириш керак эмас. Дарсни кўргазмали усуллар билан ўтказганда кўргазмали қуролларга ёрдамчи эмас, балки асосий урин берилади.

**Амалий усуллар.** Психология фанида қўлланиладиган илмий тадқиқотлар усули бевосита таъсир кўрсатади. Маълумки, илмий психологик тадқиқотларда қўлланиладиган кўплаб усуллар ичида, энг кўп қўлланиладигани айнан кузатиш ва тажриба ҳисобланади, яъни нарса ва ҳодисалар инсон психикасини бевосита лаборатория ва табиий шароитларда урганиш билан боглиқ усул ҳисобланади.

Кузатиш - бу ҳодисалар берилишига аралашмай туриб, психик жараёнларни табиий шароитларда мақсадга мувофиқ бевосита ҳис этиб қабул қилишдан иборат.

Ўқувчилар кузатишни кўчада, уйда ва дарсда шу билан бирга кузатишни ўқувчилар бевосита ўқитувчи раҳбарлиги остида, мустақил, оғзаки ёки ёзма топшириқлар бўйича олиб боришлари мумкин.

Психологик фан соҳасида илмий тадқиқот вазифаларининг ва мактабда психология ўқитишнинг турлича бўлишига қарамасдан (психика ва онгнинг янги фактлари ва қонуниятларини очиш) мактабда (коллеж, лицейда) психологиядан дарс ўтиш усуллари ўқувчиларни илмий тадқиқот методикаси бошланиши билан таништириши яққол кўриниб туради. Шунингдек, кузатишлар уларни амалга ошириш муддати билан икки гуруҳга ажратилади.

Қисқа вақт ва узоқ вақт давом этадиган усуллар. Қисқа вақтлilари тўлалигича дарсга қаратилади ва тарқатилган материаллар билан бажарилади. Узоқ вақтлilари дарсдан ташқари вақтда утказилади, лекин уларнинг олиб борилиши ва натижалари дарсда намойиш этилади. Бу жараёнда ўз-ўзини кузатиш муҳим роль ўйнайди. Тажриба ҳам қисқа вақтлil ва узоқ давом этадиган кўринишда бўлади. Тажриба ишларини ўқувчилар одатда машгулотлардан ташқари вақтда олиб борадилар. Ўқувчилар ўйларида оддий тажриба утказишдан бошлаб тажрибалар олиб боришга, богчада, мактабда янада мураккаброқ ва узоқ давом этадиганларига тайёрланиб борадилар.

Психологияни ўқитиш усулини танлаш тасодифий ихтиёрий бўлиши мумкин эмас. Уни икки муҳим педагогик талабларга риоя қилиб амалга оширилади: биринчидан, ўқув материали; иккинчидан ўқувчилар ёш ва психологик хусусиятлари ҳисобга олинади. Психологиядан дарс утишда идрок этиш фаолияти турлари ва фикрлаш шакллари йўналтириш мақсадида ўқитишнинг кўп кўринишли усулларида фойдаланиш зарурдир. Ҳозирги замонавий фаол ўқитиш усулларида кўрсатилган фикрлаш турларини шакллантиришни бошқариш мақсадида фойдаланиш учун энг қизиқарли бўлган усулни кўрсатамиз. Булар дастурлаштирилган ўқитиш, муаммоли ўқитиш ва интерактив (коммуникатив) ўқитиш усулларидир. Бу усуллар ишлаб чиқилиши ва тарқалиши тарихига тўхталиб ўтирмай, уларнинг ҳар бири анъанавий ўқитиш усуллариининг чекланмаганлигини ва янги «фаол» усуллар билан яратиладиган тўсиқларни енгиб утишга уриниш сифатида пайдо бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Масалан, дастурлашган ўқитиш методлари анъанавий ўқитишнинг мақсад, вазифаларни ечиш усуллариини, рағбатлантириш шаклини ва дарсни билишини назорат қилишни аниқлаш ва операциялаштиришни ҳисобига қайта ташкил этишни кўзда тутган. Муаммоли ўқитиш усули ўқитиш жараёнининг дастурлаштириш методлари йўналишида ҳаддан ташқари расмийлаштиришга маълум миқдорда жавоб берган. Бу методлар, дастурлаштириш аспектига эмас, балки ўқувчи шахси тушиб қолган вазиятга эътибор берилади. Уларни ташкил этилиши ва бошқариш марказида ўқувчининг муаммоли вазиятда иштирок этиши ҳисобига улар фикрлаш фаолияти сабаби ва усуллариини қидирадилар. Интерактив ўқитиш усуллари билимларни инсон ўзаро муносабатлари ва алоқаларини ташкил этиш ёрдамида, ўзлаштириш жараёнини бошқариш усуллариига мурожаат этади. Шу билан ўқитишни бошқарув марказига ўқитилаётган одамнинг узини, унинг ўқув жараёнининг бошқа реал иштирокчилари билан ўзаро алоқаларини қамраб олади. Ўқитиш – бу ижтимоий, жамоатчилик жараёни бўлиб, жуда индивидуал эмаслигини тан олган ҳолда қўйилиши дастлабки қадам бўлди.

Бу усуллардан ҳар бири узига хос ҳаракатлар йигиндиси яратилиб, улар билан ўқувчиларнинг идрок этиш фаолиятини ривожлантириш жараёнини бошқариш воситаси сифатида усул мазмуни ифода этилади ва унинг таъсир чегаралари белгиланади.

Дастурлаштирилган ўқитиш методлари тизими – бу дастурнинг дозалаштирилган қадамидир. Муаммоли ўқитишнинг алгоритми – муаммоли вазият ва унинг турлари, эвристик дастурлар ва бошқалардан иборат. Интерактив ўқитиш – жамоа бўлиб баҳслашиш, ўқув – ролли ўйинлар, диалоглар сценарийси ва муаммони жамоа бўлиб биргаликда ҳал этишда полилоглар (ўзаро муносабатларни босқич ва даврини кўрсатиб) масалани биргаликда ҳал этувчилар уртасида («мозговой штурм» мисолларидан бири) ўзаро муносабатдан иборатдир. Муаммони жамоа бўлиб ҳал этиш алгоритми, эвристика ва сценарийси, уларнинг ҳар бирини қўлланилиши доирасига мослигини ҳисобга олган тизимидагина ўқитишни бошқариш мақсадида амалга оширилиши мумкин бўлган кўп турли усуллари сифатида қаралиши керак. Расмий ва норасмий фикрлашни шакллантириш учун фақатгина алгоритмлар камлик қилади ва аксинча, оддий кўникмага ўқитиш учун мураккаб эвристика мос келмайди. Муаммони жамоа бўлиб ҳал этиш эса «вазиятни ҳал этиш» ва интуицияни юзага келтириш вазифасига мос келади.

Биргаликдаги ўқув фаолиятининг умумий хусусиятлари шахсни тубдан ўзгартириш ҳисобланиб, шахснинг ривожланиш қонуниятларини қайта қуриш ўзлаштирилган мазмунига муносабати сифатида, ўзлаштирилган ўзаро алоқалар ҳам қадриятли кўрсатмалар, маъноли йўналишлар, ўқитиш мақсади ва ўқитиш иштирокчилари уртасидаги ўзаро муносабатлар усулларини узида ифода этилади.

Шахснинг ҳолатлардаги ўзгариши фаолиятни ўзлаштиришнинг янги босқичига ва ўқувчи талабалар билан ўзаро алоқаларнинг янги шаклларига утишига сабаб бўлади. Ўқувчилар, талабалар идрок этиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам берувчи усуллар орасида ўқув – ролли ўйин алоҳида ўрин тутади. Бу тушунчанинг моҳияти бўйича ўқувчилар, талабалар томонидан шартли равишда ва ўқув мақсадида одамларнинг ҳақиқий фаолиятларини қайта такрорлаш (ўхшатиш) дан иборат бўлади. Ўқув – ролли методни бошқа усуллардан фарқ қилувчи муҳим белгиси, унда ҳар бир ўқувчининг жамоа бўлиб – ўйнаётган сюжетнинг маълум ролини қабул қилиб олиб ва бажариши йўли билан ҳақиқий вазиятни қайта ташкил этиш, амалга оширилиш жараёни ҳисобланади.

Ўқув – ролли ўйинда қуйидаги амалий маҳоратлар шакллантирилади:

1. Мустақил билимларни эгаллаш маҳорати;
2. Масалани ечишдаги эвристик, шу жумладан умумий маҳоратлари;

3. Синфларда аниқ – фан масалаларини мустақил ечиш маҳорати. Ўқув – ролли ўйинда ўқувчиларда илгари салбий ёки специфик муносабат уйғотган назарий қоидалар (қонунлар, қоидалар, тушунчалар) яхши ўзлаштирилади. Ўқув – ролли ўйиннинг хусусияти унда масалани ечиш жараёнини жамоавий характердалиги кўзда тутилади. Натижада шундай намуналарда ўқитиш учун шароит яратиладики, бунда буш ўқувчилар кучлироқ ўқувчиларни кузатадилар ва ўзлари ҳам уларнинг намуналари бўйича ҳаракат қиладилар. Ролли – ўйинда ўқувчиларга жавоб алоқаси аҳамиятли бўлади, унда улар ҳақиқий ҳаётда одамлар ўзларининг қилмишлари оқибатлари ҳақида қандай қилиб билиб олишларини тасаввур қиладилар ва билиб оладилар. Бунинг натижасида ўқувчиларни ўз-ўзини бошқариш асосида ўқитиш имконияти юзага келади.

Ўқув – ролли ўйинларнинг самаралилигини унинг иштирокчиларининг ўйин пайтида масалани ҳал этишда фаолликлари кескин ўсиб бориши, иштирокчиларнинг фаоллигини ўсиши манбаи эса саволларнинг кучлилиги ҳисобланади.

### ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

Таълимни ташкил этишнинг асосий шакли мактабда дарс ва олий мактабдаги маъруза ҳисобланади. Бирор бир таълимни ташкил этиш шакли ўқув ишлари масаласи ва усулларига қараб тузилишини ва модификациясини ўзгартириши мумкин. Мисол учун, дарс – ўйин, дарс – конференция, диалог, амалиёт ва муаммоли маъруза, бинар, маъруза – телеконференция ва бошқалар. Мактабда дарслар билан бирга бошқа ташкилий шакллар ҳам қўлланилади (лаборатория практикум, мустақил уй иши, факультатив, тугарак). Маълум назорат шакллари ҳам мавжуд бўлиб улар: оғзаки ва ёзма имтиҳонлар, назорат ва мустақил ишлар, назорат, тест топшириш, суҳбат ўтказиш шулар жумласидандир. Олий мактабда маърузадан ташқари ўқитишнинг бошқа ташкилий шакллари ҳам фойдаланилади – семинар, лаборатория иши, амалий машгулот талабаларнинг мустақил иши, ишлаб чиқариш амалиёти, бошқа ўқув юртида ёки чет эл ўқув юртида стажировкада бўлиш ва шу кабилар. Таълимнинг натижаларини баҳолаш ва назорат қилиш шакли сифатида имтиҳонлар, назоратлар, баҳолаш рейтинг тизимидан, реферат, курс ишлари ва диплом ишидан фойдаланилади.

Дарс типлари қуйидагилардан иборат:

1. Аралаш дарс. Унинг тузилиши: ташкилий қисми, уй ишини текшириш, янги материални ўргатиш, янчисини илгари ўрганган материал билан солиштириш ва мустаҳкамлаш, амалий топшириқларни бажарилиши, дарсга яқун яшаш ва уйга топшириқлар бериш.



2. Янги материалларни урганиш дарси одатда катта синф ўқувчиларини ўқитишда қўлланилади. Ушбу турдаги дарс доирасида қуйидаги дарслар олиб борилади – маъруза, муаммоли дарс, дарс – конференция, кино дарс, дарс – тадқиқот.
3. Билимларни мустақамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш дарси семинар, амалий, экскурсия, мустақил ишлар ҳамда лаборатория амалиёти кўринишида олиб борилади.
4. Умумлаштириш ва тизимлаштириш дарси фанни тўлиқ ўзлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган дастурнинг асосий масалалари бўйича ўқув материалнинг катта қисмларини тизимли такрорлашга қаратилган. Бундай дарсни ўқишда ўқитувчи ўқувчилар олдида муаммони қўяди, қўшимча маълумотлар олиш манбаларини кўрсатади, ҳамда ўхшаш масала ва амалий машқлар беради, топшириқлар ва ижодий характердаги ишларни топширади. Бундай дарс пайтида ўқувчиларнинг узоқ вақт давомида – чорак, ярим йиллик, ўқув йили давомида бир неча мавзулар бўйича билим, маҳорат ва кўникмалари текширилади, баҳоланади.
5. Билим, маҳорат ва кўникмаларни назорат қилиш ҳамда тузатиш дарси ўқитиш натижаларини баҳолаш учун, ўқувчиларнинг билим даражасини диагностика қилиш, ўқувчиларнинг ўз билимларини қўллашга тайёрликлари, ўқитишнинг турли вазиятларида маҳоратлари ва кўникмаларини текшириш учун мўлжалланган. Бундай дарсларнинг кўринишлари оғзаки ёки ёзма сўров, диктант, масала ва мисолларни ифода этиш ёки мустақил ечиш, амалий ишларни бажариш, имтиҳон, мустақил ёки назорат иши, тест олиш бўлиши мумкин. Яқиний дарс натижаларига қараб кейинги машғулот оdatий хатоларни, билимдаги камчиликларни таҳлил қилишга, қўшимча топшириқларни белгилашга бағишланади.

Мактаб амалиётида дарснинг бошқа турларидан- дарс мусобақа, маслаҳат, бир-бирини тўлдириш маърузаси, фанлараро дарс, ўйин кабилардан фойдаланилади.

Ҳар қандай маърузанинг умумий тузилишини асоси – бу мавзунини баён этиш, режани ва мустақил ишлаш учун тавсия этиладиган адабиётларни кўрсатиш, кейин эса – кўрсатилган ишнинг режасига қатъий амал қилишдир. Маъруза ўқишга қўйиладиган асосий талаблар сифатида қуйидагилар шарт деб ҳисобланади.

- Ифода этиладиган маълумотларнинг юксак илмий даражадалиги, оdatдагидек дунёқараш аҳамиятига эгаллиги;
- Замонавий илмий маълумотларнинг аниқ тизимлаштирилган ва методик қайта ишлаб чиқилган ҳажмлари;
- Билдираётган фикр-мулоҳазаларнинг исботланганлиги ва асосланганлиги;

- Келтириладиган ишончли исботлар, мисоллар, текстлар ва ҳужжатларнинг етарлича бўлиши;
- Фикрлари аниқ, тушунарли баён этилиши ва эшитувчилар фикрлашларини фаоллаштириш, муҳокама этилаётган муаммолар бўйича мустақил ишлар учун саволларнинг қўйилиши;
- Қўйилган муаммони ҳал этиш учун турли нуқтаи назарларни келтириб чиқариш, хулосаларни ифода этиш;
- Киритилаётган термин ва номларни тушунтириш: фикр-мулоҳазаларни талабаларга эшитишга, фикрлаш ва маълумотларни қисқача ёзиб олишга имкон бериш.
- Аудитория билан педагогик алоқа урнатиш маҳорати.
- Текст, конспект, блоксхемалар, чизмалар, жадваллар, графиклар, асосий материалларини қўллаш.

*Юқоридаги фикрларга асосланиб маъруза қўйидаги турларга ажратилади;*

1. Кириш маърузаси ўқув фани ҳақида биринчи яхлит тасаввурни беради ва талабаларни ушбу курс бўйича ишлаш тизимига йўналтиради. Маърузачи талабаларни курснинг вазифаси ва масалалари билан таништиради. Ўқув фанлари ва мутахассислар тайёрлаш тизимидаги унинг роли ва ўрни билан таништиради. Курснинг ва фanning ривожланиш даври, амалиёти, бу соҳадаги ютуқлар, машҳур олимлар номлари бўйича қисқача маълумотлар беради, тадқиқотлар истиқболли йўналишларини ифода этиб беради. Бу маърузада курс доирасидаги ишлар методик ва ташкилий хусусиятлари кўрсатиб берилади ҳамда талабаларга тавсия этиладиган ўқув-методик адабиётлар таҳлили берилади, шунингдек, ҳисобот шакли ва муддати белгиланади.
2. Ахборот-маъруза тушуниб олиш эсда қолиши керак бўлган билимлар захирасини талабаларга илмий маълумотларни баён этиш ва тушунтиришга қаратилган. Бу олий мактаб тажрибасида энг одатий бўлган турдир.
3. Обзорли маъруза - бу аниқлаштириш ва деталлаштиришсиз фан ичидаги ва фанлараро алоқаларни очиб беришдаги баён этиладиган маълумотларни англаб етиш жараёнида кўп сонли ассоциатив боғлиқликларга асосланиши мумкин. Юқори даражада ҳисобланган илмий билимларни тизимлаштиришдир. Одатда баён этиладиган назарий қойдалар асосини бутун курснинг ёки унинг катта бўлимининг илмий-тушунчали ва концептуал асоси ташкил этади.
4. Муаммоли маъруза. Бу маърузада билимлар масаланинг, савол ёки вазиятнинг муаммолилиги орқали берилади, шу билан бирга идрок этиш жараёни ўқитувчи билан ҳамкорлик суҳбатлари билан тадқиқотчилик фаолиятига яқинлашади. Муаммонинг мазмуни унинг ечимини излашни ташкил этиш йўли билан ёки

анъанавий ва замонавий нуқтаи назарларни қушиш ва таҳлил қилиш йули билан очиб берилади.

5. Маъруза-визуал-алоқа. Маъруза материалларини УТВ воситалари ёки аудио-видео техникалари ёрдамида кўрсатиб етказиб беришдан иборат бўлади. Бундай маърузани ўқиш кўрилатган материалларни кенг ва қисқача изоҳлаб беришдан иборат бўлади.
  6. Бинар маъруза – бу маърузани икки ўқитувчи суҳбати шаклида ўқиш тури ҳисобланади, яъни икки илмий мактаб вакиллари сифатида, ёки олим ва амалиётчи, ўқитувчи ва талаба ўртасида ва бошқалар.
  7. Олдиндан хатолар кўзда тутилган маъруза талабаларни берилаётган маълумотларни доимий кузатиб боришга рағбатлантиришга мўлжалланган (мазмунда хатони излаш: методологик, методик, орфографик). Маъруза якунида тингловчиларни диагностика қилиш ва йул қўйилган хатоларни таҳлил қилиш амалга оширилади.
  8. Маъруза-конференция – олдиндан қўйилган муаммо 5-10 минут давом этадиган ахборотлар тизими билан илмий-амалий машғулот сифатида ўтказилади. Ҳар бир чиқиши ўқитувчи таклиф этган дастур доирасида тайёрланган мантиқий якунланган матндан иборат бўлади. Бериладиган матнлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритиб беради. Маъруза якунида ўқитувчи талабаларнинг мустақил ишлари ва чиқишларини тўлдириб ёки таклиф этилган маълумотларга аниқлик киритиб якун ясади ва асосий хулосаларни шакллантиради.
  9. Маъруза-консултация турлича сценарийда ўтказилиши мумкин. Биринчи варианты «савол-жавоблар» усулида амалга оширилади. Маърузачи бутун маъруза вақти давомида бир бўлим ёки бир курс бўйича талабаларнинг саволларига жавоб қайтаради. Бундай маърузаларнинг иккинчи варианты «баҳс-мунозара» усулида ўтказилиб бу уч хилда олиб борилади: маърузачи янги ўқув маълумотларини баён этади, савол қўйилади, қўйилган саволга жавоб излашда тортишувлар, муҳокама ташкил этилади. Мактабда ўқув жараёнини ташкил этиш турларининг жуда кўплиги ва турли туманлигига қарамай уларнинг ҳар бир тури ва кўриниши маълум дидактик масалалар тўпламини ҳал этади ва уз вазифасини бажаради. Уларнинг турли-туманлиги амалда мактаб ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ижоди ва маҳорати ҳақида хабар беради, ўз ишлари самарадорлигидан мафаатдорликларини билдиради. Шунга кўра ўқув маърузаси унинг тузилиш компонентлари ҳақида маълумот бериши лозим. Жумладан, ўқув маърузаси тузилиши (В.Я.Ляудис бўйича)
1. Маъруза мавзуси, мавзусини танлашни асослаш.

2. Мавзунинг бутун курс тизимидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш (конспект).
3. Мавзу бўйича адабиётларни танлаб олиш (ўқитувчи учун адабиётлар, талабаларга тавсия этиладиган адабиётлар).

#### II. Маърузани ташкил этиш шакллари

1. Аудитория (тингловчилар тайёргарлиги хусусиятлари ва даражаси).
2. Маърузанинг мақсадлари (бутун фан мазмунини бирлаштирувчи) маърузанинг мазмуни, асосий гоёлари.
3. Асосий мазмунини амалга оширувчи маърузанинг вазифалари: а) вазифанинг таркиби ва кетма-кетлик тартиби. б) вазифаларнинг хусусиятлари: информацион-аналитик, тизимлаштирувчи, муаммоли; в) курсатилган вазифаларни ҳал этиш учун талабаларга зарур бўлган воситалар; г) қўйилган масалаларни ҳал этишда тингловчиларда ўқитувчи юзага келтирадиган эмоционал ҳолатлари ва муносабатлари.
4. Маърузани ташкил этиш шакли: а) фикрни монологик баён этиш; б) эвристик суҳбат элементлари билан монолог; в) эвристик суҳбат; г) аудио-видео намойиш этиш воситаларига таянилган монолог; д) диалог-тортишув (муҳокама этилаётган муаммо бўйича икки қарама-қарши нуқтаи назарни ифода этувчи икки ўқитувчининг тортишуви).

#### III. Маъруза мазмуни:

1. Маъруза мазмуни режаси ва конспекти.
2. Яхлитлиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги, тушунарлилиги, яққоллилиги, исботлилигини таъминловчи ўқув воситалари ва дидактик услублари (конспект четида ажратиб курсатилади).

#### IV. Маъруза давомида ўқитувчининг яхлитлик

образи.

1. Маъруза мазмунининг ҳар бир бўлими бўйича масалаларни ечиш жараёнида ўқитувчининг талабалар билан ҳамкорлик қилиш усуллари (биргалиқда масалаларни ечиш, намунага тақлид қилиш, шериклик).
2. Баён этишнинг тирик шакли (лексика, грамматика, стилистика).
3. Ўқитувчининг аудитория билан эмоционал муносабати, новербал муносабат воситалари (имо-ишора, мимика, патомимика, вокал мимика, интонация, овози баландлиги, суръати, тезлиги, паузаси).

Семинар машгулотлари тузилиши.

I. Машгулот мавзуси.

1. Мавзу танлашни асослаб бериш.
2. Курс дастуридаги ўрнини аниқлаш.
3. Машгулот мақсади, вазифалари: таълимий, тарбиявий, методик.
4. Адабиётларни ўқиб чиқиш, ҳажми, матннинг мураккаблигини ҳисобга олиб адабиётларни танлашни асослаб бериш.

II. Семинарни ташкил этиш шакли.

1. Аудитория тайёргарлиги характери билан боглиқ семинар ўтказиш шаклини танлашни асослаб бериш:

А) савол-жавобли;

Б) режа асосида кенг суҳбат;

В) узаро танқидий баҳолаб ахборот бериш;

Г) ёзма рефератларни мунозара элементи билан муҳокама қилиш.

Д) гуруҳли муҳокама: йўналтирилган, эркин ўқув-ролли ўйин.

2. Талабаларни адабиётдаги мавзу, масалалар, объектлар, машгулот хусусияти, муҳокама иштирокчилари ролларини тақсимлаш, рефератлар, ҳисоботлар, талабалар, мавзунини муҳокама қилиш шакли ва хусусиятига дастлаб йўналтириш дастури.

III. Машгулот боришини режалаштириш ва конспектлар тайёрлаш.

1. Машгулот мазмунини дастури: мавзунинг асосий бўлимлари, унинг вазифалари, курилаётган муаммони ҳал этилиши давомида асосий қарама-қаршиликларни қайд этиш.

2. Дастур бўлимлари мазмунини конспектлаштириш. Курилаётган нуқтаи назарларни асослилиги ва исботланганлиги, қарама-қаршиликларни аниқлашни таъминловчи дидактик услубларни кўрсатиш. Гуруҳли муҳокама шаклини кўзда тутувчи қоидалар ва вазифаларни кўрсатиш. Машгулотнинг турли босқичларида гуруҳлар алоқалари услублари.

3. Семинар машгулотда муҳокама этилган мавзу бўйича хулосалар.

4. Семинар машгулотини ўтказгандан кейин унинг боришини ўрганиб чиқиш.

Лаборатория ва амалий машгулотлар психология курсини ўқитишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Уларда маърузаларда олинган назарий билимларини фаоллаштиради, мустақамлайди ва аниқлаштиради. Лаборатория машгулотларида талабалар психологик тадқиқотларнинг оддий усуллари ва кўникмаларини ўзлаштирадilar, улардан кейинчалик мактабда кундалик ишларида фойдаланишлари мумкин бўлади.

Бу ерда улар ўтказиладиган тажрибаларда текшириладиганлар сифатида иштирок этадилар ва уларни мустақил ўтказишга ўрганадилар. Тажрибаларда иштирок этиш ва турли тест топшириқларини ечиш талабаларда алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки бу уларга ўзларини англаб етишга, мавжуд психологик сифатларини ўрганишга, ўзининг ривожланганлик даражасини аниқлашга имкон беради.

Турли психологик масалаларни ечишда ҳам талабалар ўз билимларини амалда кўрсатишлари мумкин. Шунга ўхшаш масалаларни ҳал этиб, талабалар яна бир бор бўлажак амалий ишлари учун психологик билимларнинг зарурлигига ишонч ҳосил қиладилар. Амалий машгулотларда масалалардан фойдаланиш

ўқитувчига ҳам ўқув материални ўзлаштириб бориши ва шу билан бу жараёни назорат қилишни кучайтиришга ёрдам беради.

Амалий машгулотларда компьютер техникасидан фойдаланиш талабанинг бутун интеллектуал имкониятларини максимал даражада жамлайди, фақатгина назорат қилиш ва амалга оширишни таъминлайди, бу талабани ўзига баҳо беришини шаклланишига ва унинг шахсини таркиб топишига ёрдам беради.

Лаборатория ва амалий машгулотларни ўтказишда қўлланилиши мумкин булган ишларнинг турли хиллари мавжуд. Уларнинг ҳар бири аниқ машгулотни танлаб олиш, машгулот мавзусини ва ўқитувчининг реал имкониятига, шу жумладан техник имкониятларга ҳам боғлиқ бўлади. Умумий талаблар эса ўқитувчининг талабаларни тайёрлаш ҳамда ҳар бир машгулот олдидан текшириш киради.

Тажриба ишларини бажариш учун талабалар иккита дафтарга эга бўлишлари керак: иш давомида ёзувларни қайд этиб бориш учун ва ишлари натижаларини яхшилаб ишлаб чиқиб, тартибга солиб ҳисобот бериш учун керак бўлади. Ҳисобот дафтаридида баённома расмийлаштирилади. У ёки бу усул билан мактабда олинган маълумотлар асосида машгулотларни мактаб материалларида ўтказса яхши бўлади. Бу психология бўйича ўқувчи билимларини чуқурлаштиради ва аниқлаштириш имконини беради, ёш психологияси масалаларига қизиқишини оширади.

## ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРИ

Психология ўқитиш методикаси фанида интерфаол усулларни таълим жараёнига қўллашнинг психологик жиҳатларини мазмунан ёритишга асосланади. Шунга мувофиқ ўқитиш методикасида ўқитишнинг асосий концепциялари ишлаб чиқилиб интерфаол усулларни қўлланилиши мазкур масалалар негизига асосланади.

Мазкур концепциялардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

а) ўқитиш унинг шакллари шаклланиши ўқитувчининг фаол фаолияти - ўқув фаолияти ҳисобланиб, бунда ўқитувчи бу фаолиятнинг ташкилотчиси ролида иштирок этади.

б) ўқув фаолиятининг предмети ва натижаси фаолиятининг субъекти ўқувчи ҳисобланади, у фаолият ҳисобига қайта ташкил бўлади предмет сифатида ва ўқитиш якунида ўзгартирилган кўринишда намоён бўлади (ўқув фаолиятининг натижаси сифатида).

в) муваффақиятли ўқув фаолиятининг асосий курсаткичи, унинг натижаси ўқувчининг фикрлаш маҳоратини урганиш ва амалий масалаларни ижодий ҳал этиш илмий ва амалий

муаммоларда эркин ва мустақил йул топа олишни тушуниш ҳисобланади, шу билан бирга билимларнинг фикрлаш материали ва воситаси бўлиб хизмат қилади.

г) ўқув фаолиятининг бирлиги ўқув масаласи ҳисобланади. Ҳаётда юзага келадиган бошқа ҳамма масалалардан унинг предметини ўзгартиришга эмас балки амалдаги субъектнинг узини ўзгартиришга биринчи навбатда унинг фикрлаш ҳаракатлар усуллари эгаллаб олишга қаратилганлиги билан фарқ қилувчи ўқув тактикаси ҳисобланади.

д) ўқув фаолияти жараёни ўқувчининг ташқи предметни мазмунида ўз ҳаракатларини ички ақлий кўринишга (интериоризация) ўтказилиши кўринишидаги ўқув масалаларини ҳал этиш бўйича ҳаракатларидир, яъни уларни узининг шахсий билимлар, маҳорати ва кўникмаларини ҳосил қилиб олишидир.

е) билиш маҳорат ва кўникмаларни ўзлаштириш – бу ақлий ҳаракатлар ҳисобланади, улар индивид томонидан шакл образ кўринишида ташқи воситаларга таянилган ҳолда (предметлар ёрдамида йул топиш ёки суз билан ёрдамлашиш) бажарилади ва ўқув фаолияти натижасида ўзлаштирилган, қайта ташкил этилган «собик» ташқи предметли ҳаракатлардан иборат.

Инсонлар психологиясининг биргаликдаги муносабат ва характига асосланган ўқитиш интерфаол ўқитиш усули дейилади. Индивид сифатида алоҳида ўқийдиган эмас, аксинча гуруҳ билан бирга фаолият юритувчи, саволларни ўзаро келишиб баҳслашиб муҳокама қилувчи бир-бирини кўзгатиб ва фаоллаштириб борадиган ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти марказий ўринни эгаллайди.

Интерфаол усулни қўллаганда ҳаммасидан кўра беллашув, рақобат, тортишув руҳиятини интеллектуал фаоллигига кучли таъсир этади. Бу инсонлар уюшган ҳолда муаммони ечишни излаганларида намоён бўлади. Бундан ташқари шундай психологик омиллар таъсир қиладиган, атрофдагилар томонидан билдирилган ҳар қандай фикрга узининг шунга ўхшаш, яқин ёки аксинча мутлақо қарама-қарши фикр билдиришга даъват этади.

Бундай машгулотлар вақтида ўқитувчидан анча кўп ижодкорлик ва фаоллик талаб этилади. Олдиндан маълум ёки анча кўп ижодкорлик ва фаоллик талаб этувчи китобдан ўқиганларини ҳикоя қилиш шаклидаги дарс пассив даражада ўтади. Интерфаол усули нафақат таълимда балки, тарбияда ҳам айниқса яхши натижа келтиради, илмий нуқтаи назардан қараганда ўқитувчи муҳокамага таъсир қилганда нафақат фикр билдиради, балки муаммога узининг шахсий муносабатини, ахлоқий мавқеи ва дунёқарашини билдиради. Талабалар баҳсида ўқитувчини иштироки турлича бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам узини фикрини ўтказмаслиги керак. Яхшиси баҳсни бошқаришда яхшилаб ҳисоблаб чиқилган усул, сермахсул фикрлашни, ечимини топишда

ижодий изланувчанликни талаб этувчи йўлни муаммоли савол қўйиш орқали бошқариш лозим. Ҳақиқатдан назардан чиқаришда фикр билдиради, фақат талабалар фикридан хулоса чиқариш билан исботлаш ва хато фикрларни рад этиш керак. Бу усул билан баҳсни нафақат мазмуни интеллектуал - билиш, назарий саволларни йўллаш мумкин, шунингдек ҳамкорликда сермахсул фаолиятларини тузиш, талабалар шахсига ўз таъсири билан ўқув фаолиятини ўқув тарбия жараёнига айлантириши мумкин.

Шу тартибда, интерфаол ўқитиш усули, талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ўқитувчининг баҳслардаги иштироки туфайли дарс жараёни нафақат ҳамкорликдаги фаолияти бўлади, балки шахснинг ижтимоий муносабатларининг реал ижодий сермахсул фаолиятига айланади. Ҳақиқатдан ҳамкорлик ўз-ўзидан талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, тўғридан-тўғри уларнинг ички дунёсига таъсир этади ва дарс жараёнини асосий тарбиявий функцияси ҳисобланади.

Ҳамкорликдан тузилган сермахсул фаолиятни учта алоҳида фаол усул номи билан ажратиш мумкинми? Умуман олганда, дарс жараёни тарбиявий функциясини ҳисобга олганда мумкин. Лекин бундай қилиш керакми? Бу мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди, зеро интерфаол усул бу ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги ижодий (сермахсул) фаолияти, шахснинг ҳамкорликдаги жараёнига эмас, шунингдек билиш изланиш жараёни юзага келиши ҳамдир. Ҳақиқатдан шу нарсани доим эсда тутиш лозимки, баҳсда саволларни ўз ҳолича қилмасдан, фақат фаол билишнинг йўналиши «талаба-талаба» ҳамкорлиги билан чегараланиб қолмасдан, доим «ўқитувчи-талаба» тизимини қўшилиши муҳимлигини назарда тутиш керак.

Интерфаол ўқитиш усулига қуйидагилар киради: 1) эвристик суҳбат; 2) баҳс усули; 3) ақлий ҳужум; 4) давра столи; 5) ишбилармон ўйинлар усули; 6) амалий иш бўйича танлов муҳокамаси ва бошқа алоҳида ўқитувчи билан қўлланувчи - завқли интерфаол ўқитиш усуллари киради. Уларнинг мазмуни билан қисқача танишиб чиқамиз.

Интерфаол ўқитишнинг бир усули эвристик суҳбат бўлиб, латинча - «тўплайман, излайман» маъноларини англатади. Бу суҳбат усули бўлиб қадимги грекча кўриниши Суқрот суҳбати деб номланган ўқитиш тизимига асосланган. Шу йўл билан моҳирона саволлар тузиш ва ўқувчини қўйилган саволга мустақил равишда тўғри жавоб топишга йўналтириш керак. Бу ўқитиш усулини Суқротникидан фарқи унинг кенг доирада жонлигидир. Лекин унинг сўзсиз ўхшашлик томонлари ҳам мавжуд, ўз тавсифига кўра олинаётган функцияси бевосита уларни фаол ўйлаш орқали ўқувчиларни моҳирона савол беришга қаратилганлигидир. Ўз йўналишининг психологик табиатига кўра - эвристик суҳбат бу



жамоавий фикрлаш ёки суҳбат, муаммони ечимини изловчи сифатидаги суҳбатдир. Шунинг учун педагогикада бу усул муаммоли ўқитиш усулларидадан ҳисобланади, шу қаторда муаммоли изланувчи деб номланувчи суҳбатдан эверестик суҳбат психологик томондан ҳеч ҳам фарқ қилмайди. Педагогика улар орасида шахсий маъзурий чегара ўтказидади. Агар эверестик суҳбат фақат қайсидир мавзунини битта элементига тегишли бўлса, муаммоли изланишда эса – муаммоли вазиятлар кўп. Бироқ бундай фарқланиш танқидни кўтармайди, амалиётда суҳбатни ҳақиқийсига айлантиришса машгулотларда «фақат битта» ва «кўп» муаммолар орасидаги бу кўринмас фарқни сезиш мумкин эмас: ўқитувчи ва аудитория орасидаги суҳбат кўп саволли суҳбатга айланади ва мавзуга тегишли суҳбат билинмасдан баҳсга ўтади. Лекин энди бу ўқитишнинг бошқа усулидир, бунга кейинроқ тўхталамиз. Гап шундаки, суҳбатда фикрлаб изланиш жамоавий изланишга айланади ва муаммонинг ечимини излашда фикрлар алмашинуви, турли вариантлар, орасидаги хулосалар ҳамкорлик ва ҳамфикрлийлик бир-бирини фаолаштиради.

Шунинг учун мантиқан бу усул интерфаол ўқитиш усули сифатида куриб чиқилади.

Суҳбатни эверестик суҳбатга айлантириш учун қўйилган саволлар ҳам бошқа муаммоли ўқитиш усуллари роя қиладиган шартларга бўйсунди. Эверестик суҳбатга айланиш жараёнида эса, муаммоли вазиятни келтириб чиқарилган интерфаол ўқитиш усулларидадан бирини амалга оширишдан бўлак нарса эмас.

Сўнги ишларда баҳс интерфаол ўқитиш усули сифатида қўлланила бошланди.

Баҳс усули ёки ўқув баҳслари эверестик суҳбат каби намоён бўлади, тўғрироғи махсус дастурлаштирилган эркин назарий саволларни муҳокама қилади, одатда савол қўйиш билан эверестик суҳбатни бошланиши каби бошланади. Уни доимо баҳсга айланиш, – дарсдаги меъёрий ҳолатдир. Психологик нуқтаи назардан қараганда баҳс қандай хусусиятга эга?

Биринчидан, баҳс – бу фаолиятнинг диалогик шакли булиб, турли фикрлар орасида борадиган шиддатли курашни, суҳбатни юзага келтиришдир. Фикрлар алмашинуви оддий суҳбатдаги каби изчил ва салмоқли кетмайди, баҳсда эса, бир фикрни бошқаси билан тўқнашуви бир мунча асабий кўринишга эга. Баҳсни алоҳидалиги шундаки, баҳслашувларнинг фикри бу баҳслашаётганларни фаол фикрлашларини юзага келтирувчи ёки фикрни далил билан исботлашдир.

Иккинчидан психологик жиҳатдан шуниси қизиқки, айти фикрлар тўқнашуви баҳсни юзага келтиради, у эса баҳсга олиб келувчи турли хил фикрларни тугилишидир. Баҳс ва фикрлашни – фаолиятдаги сабабли боғланиш деб тушунишади, бундай ёндашув Л.С.Выготский томонидан илгари сурилган, лекин нутқ фаолиятини

текширганларида бунга тўхталиб ўтмаганлар, айниқса муаммоли баҳсдаги фикрлаш ва диалогни ўзаро боғлиқлигини анализ қилмаганлар.

Одатда фикрлаш орқали баҳсда эътирозчини гапига жавоб туғилади, шунинг учун турли фикрлар баҳсни юзага келтиради, деб таҳмин қилинади. Натижада эса вазият мутлақо аксинча: баҳс мунозара фикрни тугдиради фикрлашни фаоллаштиради, ўқув баҳслари эса устига устак ўқув материални фикрлаш маҳсули сифатида англаб ўзлаштиришни таъминлайди. Бундай психологик алоҳидалик баҳслашув ва фикрлашни ўзаро боғлиқлиги А.К.Марков изланишларида кўрсатилган.

Мунозарани вазиятга алоқадорлиги мулоҳаза қилишни фаоллаштиради, уларни далиллар тизимига айлантиради. Афсуски психологнинг бундай хулосаси натижасида бу усули на мактаб, на педагогика – психология олий ўқув юртлари амалиётида кенг доирада қўлланилиш имкониятини бермаяпти.

Баҳс усули дарсларнинг гуруҳий шаклида амалий машгулотларда ёки лаборатория машгулотларида, талабалар гапириш имконияти бўлган дарсларда фойдаланилади. Баъзан маърузада ҳам фойдаланилади, унда маърузачи мавзуга оид саволлар билан аудиторияга мурожаат қилиши орқали юзага келади. Баҳсни маъруза дарсларида тўла қўлаб бўлмайди, лекин аудиториядан саволларга жавобларни тезлик билан жавоб оладиган натижасида, улардан мазкур муаммога фикр билдириш орқали қўлаш мумкин. Энди бу мунозарали саволга жавоб бериш, жамоавий фикрлаш ва маърузачини хулосасини тинглаш психологик муҳитни яратади. Турли хил дарс шаклларида бир неча мунозарали саволларни қўйишни намуна сифатида кўрсатамиз. Дастлаб маърузада қўлланилган мунозарали саволдан бошлаймиз. Маърузачи ташкилий қисмда назарий фаолиятга бағишланган саволни талабалар олдига қўяди. «Биз ҳозиргина фаолиятни мавжудотни ўраб турган борлиқ билан ўз эҳтиёжларини қондириш учун қиладиган ҳамкорлиги эканлигини аниқладик. Бундай фактлар фаолиятни турли хиллиги ҳисобланади: нафақахўр сайр вақтида оёқларига дам бериш учун уриндиққа ўтирди; чумоли ўз инига улган пашшани олиб кетаяпти; туяқуш калласини қўйнига тикиб олиб нафас олаяпти; талаба «фаолият» тушунчасини урганаяпти, ваҳолангки унга нима булганда ҳам қуруқ ёдлаш эмас, аксинча тушуниб эса олиб қолиш кераклигини огоҳлантиришганди; ўқувчи адабиёт дарсида уйга ёдлаш учун берилган шеърни ўрганаяпти; қўмондон ўз қўшинига қандай ҳаракат қилиш кераклигини айтиш учун; рақибни ҳаммасини кутаяпти; улар кутиш вақтида бирор бир фаолият билан банд деб бўладими? Ана шу ҳамма вазият ҳақида ким нима ўйлаётганини дарров айтишингизни сўрайман». Кейин ўқитувчи айтган субъектларини ҳаракатини кетма-кетликда ўтказа бошлади («нафақахўр», «чумоли», «туяқуш», «талаба»,

«уқувчи», «қўмондон») талабалар эса «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бердилар. Барча «фаолият» тушунчасини ҳам анча тушунтириш талаб этишини ва бу мавзуга бошқа дарсларда яна тўхталиш лозимлигига амин бўладилар, лекин бу етарли бўлиб, маърузачи мақсадга эришади. У талабаларни фаолият тушунчасини психологик асосини фақат лугавий маъносини ёдлаб олиш эмас, балки жиддий ҳаётий вазиятларда таҳлил қилинадиган иш эканлигига ишонтирди.

Семинар машғулотида: Талаба мавзу режасида кўрсатилган «Вақтни идрок қилиш» бўйича тажриба утказиб реферат билан чиқиш қилди, психолог Д.Б.Эльконин утказган изланишлар, вақтнинг қадрига етиш бўйича турли вазиятларда инсонларнинг вақтни идрок этиши бўйича маълумотларни берди. Ҳўқитувчи гуруҳ олдига савол қўяди: «Бу маълумотларни ўқитувчи амалий ишларда қандай қўллаши лозим?». «Уқувчиларнинг вақтни субъектив баҳолашга ҳукм қилиши, дарслар қизиқарлими ёки зерикарлими?» деб тавсиф қилиши мумкинми? Айтганча талаба «Р» баён этганлари қанча давом этди? Биринчидан талаба Р. баён қилганларига қизиқиш уйғотиб, ҳақиқий вақтни кичрайтириб баҳо беришди.

Иккинчидан, бирданига бир қанча талаба психологлар томонидан очилган қонуниятларни қўллаш имконияти фикрни асослашга ёрдам беради. Тадқиқот сифатида қўйидаги иш амалга оширилди яъни мактаб ўқувчиларига дарслар қизиқарлими ёки йўқми, қайси дарсларда (қайси фан ўқитувчиси)даги зерикарли ёки аксинча қизиқарли ва ҳ.к., уларни қандай баҳолаш мумкин? Лекин баҳолаш кераклими, фойдалими деган саволлар борасида баҳаслашдилар. Буни қандай урганиш мумкин? Кимгадир математикада утириш қизиқарли бўлмаса, кимгадир ким билан ҳеч нарса қилиш ёқмайди баъзи ўқитувчилар дарсларни доим қизиқарли ўтадилар. Балки ичимиздан кимдир ўз фанига қизиқиш уйғота олмаслигини сезиб қолар? Барчада шу ва шунга ўхшаш фикрлар саволларга қизиқиш уйғотаётганини билишимиз мумкин, лекин баҳс энди бошқа мавзу бўйича кетяпти: идрокни билиш жараёнларидан бири эканлиги ҳақида эмас, дарслар қизиқарли ёки зерикарлилиги ҳақида. Албатта, ташхисни аниқлиги билан боғлиқ эмас. Кундалик ҳаётда турли хил вазиятларга дуч келамиз ва ўз имкониятларингиздан келиб чиқиб, уларни ўқиб урганамиз (кузатиб) ташхис қўямиз ёки психиатрга маслаҳатга борамиз, бу китобдан ўқишдан кўра яхшироқдир. Буларни ҳаммасини амалиётчи психолог урганиши лозим. Ҳозир ўз таърифларингизни ўқиб эшиттириш орқали биз бир-биримиздаги мавжуд билимларимизни алмашамиз.

Дарсларда уларни кўриб чиқиб, биз сўз мантиқий тафаккуримизни ўстирамиз, психологик кузатувчанликни таркиб топтирамыз.

Лаборатория машгулотида: Ҳаётчи математика факултети талабаларига «Тафаккур» мавзуси бўйича, мантиқий тафаккурни баҳолаш учун математик материалда бир неча тест берди. Мана улардан баъзилари: «Гишт оғирлиги 500 г ва унга яримта гишт қушилади. Умумий оғирлик қанча? 3 кг тенг балиқни улчагандан сўнг кесиб думи томонини сизга беришди. Бошқа (бош) кўринишидан кичикроқ томони кимгадир теги. Балиқнинг оғирлиги қанча эди? Агар балиқнинг думи 4 кг бўлса, боши ҳам 4 кг бўлса, танаси думи, бош қисмининг оғирлигига тенг бўлса, унда балиқнинг оғирлиги қанча?» талабалар математик бу вазифани еча оладиларми? Буни биз ҳозир муҳокама қилмаймиз (зеро ҳеч ким бирданига ечимини топа олмайди). Бу ерда бизни тафаккур сифатларининг таснифи ҳақидаги фикр қизиқтиради. Ҳаётчи томонидан қўйилган мунозарали савол қуйидагича: «Ҳар 3 та вазифани тез ечишга имкон берадиган, тафаккурлашнинг умумий усулини топинг ва вазифанинг ҳар бирини тез ҳал қилишда сизга тафаккурнинг қайси сифати етишмаганини тушунтириб бering». Дастлаб, муҳокамадаги бу саволга тақлидга асосланиб, бирмунча содда жавоб вариантларини беришди. Кейин суҳбат мулоҳаза чегарасига эга бўла бошлади. Ҳаётчининг туртки берадиган саволларидан: «Нимага шундай уйлайсиз?», «Сизнинг фикрингиз нимага асосланади?», «Бу сизнинг тахминингизми ёки бу фикр шундай эканлигини исботлаб бера оласизми?» ва ҳ.к. шундан сўнг талабалар ўз фикрларини асослаш учун тафаккур психологияси бўйича ўз билимларини сафарбар қилишга уринишади.

Талабаларнинг кўпчилигида психологик атамаларни қўлашда ишончсизлик, математик атамаларни адаштириш кузатилади (Масалан, тез, тўлиқ тафаккурлаш йўналишида «алгебрик» ёки «арифметик» жараёнларни тез-тез алмаштирадilar). Ниҳоят, ўтказилган ҳар учала вазифада улар ишонадиган тушунчалар «ярмини» ташкил этади, деган хулосага келишди. Бундай умумийликни намоён бўлиши масалани тез ҳал этишга имкон беради, зеро ҳар қандай бутунлик иккита тенг қисмдан иборат гиштнинг оғирлиги ёки балиқнинг оғирлигининг, бу ерда аҳамияти йўқ. Шунга ўхшаш масалаларни ҳал этишнинг умумий усули тафаккурлашнинг ҳам умумий усулидир.

Шундан сўнг Ҳаётчи тестдан олинган маълумотларни изоҳлашга ўтди. Айна вазиятда талабаларни математик қобилиятлари эмас, балки тафаккурнинг сифатини аниқлашга қизиқиш уйғотишини таъкидлаб, Ҳаётчи олинган тестнинг натижаларини психологик мазмунини тушунтиради. Шунга мувофиқ у қуйидагича расман хулосани айтди: «Ана шу учта масалани ечишда намоён бўлган тафаккурнинг бундай умумий усулини, мантиқий тафаккурлаш, деб таърифлаш мумкин, бироқ бир вақтнинг ўзида ҳам назарий ёки эмпирик, ижодий ёки сермахсул тафаккурлаш ҳамдир. Амалий фойдаланиш жараёнида

бу усул илк бор сиз учун ижодий тафаккурлаш ҳисобланади. Агар сиз бу усулни ўзлаштирган бўлсангиз шунга ўхшаш масалаларни ечишда маҳсулдорлик етарли бўлади. Ҳар қандай таркибли турли хил масалаларни ечишда назарий тафаккурлашдан фойдаланиш мумкин, зеро бу умумий аҳамиятга эга. Унда бу тафаккур қачон эмпирик ҳисобланади? Вариантларни тўғри ечишга ҳаракат қиладилар. Кейинчалик, топилган бу усулни бошқа масалаларда ҳам қўллаш мумкин ва умумий хулоса чиқаришда бундан фойдаланиш мумкин. Шунда эмпирик топилма назарий хусусиятга эга деган хулосага олиб келади ва бошқа масалаларни ечишда қўлланилган бу тафаккурлашнинг умумий усули назарий хусусиятга эга бўлади». Уқитувчи юқоридаги хулосага тадқиқот натижалари асосида келди.

Энди шу ўринда савол тугилади: талабалар билан «Тафаккур» мавзуси бўйича юзаки дарс ўтиш деярли мумкин эмас, баҳс усулини бу ерда нима алоқаси бор? Бунга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Тўғри бу баҳсга ўхшамаслиги мумкин, лекин асосий хусусияти шундаки баҳслашиш хусусиятига эга талабаларни ўйлашга мажбур қилган, тайёргарликсиз бирор хулосага келтирган ва илмий адабиётларни ўқишга йўналтирувчи саволни қўйишишида намоён бўлади. Бундай йўналтириш ўз ўзидан аҳамиятли далилдир. Лекин барибир асосийси мунозаралар талабаларни ўйлашга мажбур қиляпти: тафаккурлашни талаб этувчи ва мунозарали муаммо қандай бўлиш керак деган саволга, муҳим педагогик муаммони инсонни фикрлашга урганишини ҳал этади. Шунинг учун огзаки баҳс сифатида ҳам мунозара бўлмаслиги мумкин. Шундай қилиб, баҳс усули, ҳамма дарс шакллари, маърузадан тортиб лаборатория машғулотларигача қўллаш мумкин. Уни талабаларнинг қанчалик фикрлашларини фаолаштиради ва ўзлаштиришда режасини қай даражага кўтаришгани, саволларни ўрганишга қизиқиш уйғотиши ва уларни адабиётлар билан мустақил ишлаш жараёнида чуқур кириб боришларига қараб натижаси белгиланади.

«Ақлий ҳужум» усули олий ўқув юртлири амалиётида ўқитиш усули сифатида қўллашга улгургани йўқ, бу усул бошқарув тизими, шунингдек илмий изланишлар натижасида келиб чиққан. У айниқса иқтисодий бошқарув фаолияти, менежментда кенг қўлланилади. Ўқитишга боғлиқ бўлмаган ҳолда ақлий ҳужум усулининг мазмуни моҳияти нимада? Мутахассисларнинг фикрича, муаммонинг жавобини қидиришда бевосита мияга келган фикрлар, тахминлар тасодифий ухшатишлар, шунингдек бирдан келиб чиқадиган, мавжуд керак ва но керак боғланишларни асослаб беришларини ўз ичига олади. Кейин диктофонга ёзиб олинган тасодифий жумла, фикрларни диққат билан таҳлил қилиш йўли айниқса қизиқарли яъни ақлий ҳужум усулига яқин бўлганлари ажратиб олинади ва кейинчалик чуқурроқ савол қўйилиб,

муҳокама қилиш учун фойдаланилади. Ақлий ҳужумнинг ўзига хос олтин қоидаси мавжуд бўлиб – иштирокчилар суҳбати давомида айтишганларидан ҳеч бирига шубҳа қилмаслик, аксинча ҳар қандай фикрни билдиришда тўла эркинлик яратиб бериш лозим. Бундай психологик эркинлик ўзини хотиржам тутишга «гуруҳ фикридан» уялмасликка омадсиз луқма ташлаш билан ўзини унғайсиз ҳолатга қўйишдан қўрқмасликка имкон беради. Бундай ҳолатда (айниқса иштирокчилар бунга мослашганда) кучириши тугри бўлган, ҳеч нимага ярамайдиган (айни дамда муаммони ечиш учун) аҳмоқона, кутилмаган, лекин зарур бўлган, ҳақиқатдан интенсив фикрлар юзага келади. Ана шунинг учун ҳам ақлий ҳужум уюштирилади. Лекин бу, менежмент ва илмий изланишларда тугри ечимни излаш учун қўлланилади. Бу усулни олий ўқув юртларида қандай қўллаш мумкин? Айтиш лозимки, имкониятлар диапозони психология ўқитишда қўллаш учун етарли эмас. Лекин ақлий ҳужум усули қайсидир муаммо ечимининг қийинчиликларини тушунтириш мақсадида қўллаш мумкин. Масалан: иқтисодий баъзи муаммолар (маошнинг кечикиши, корхоналарнинг ихтиёрий солиқ тўлаши ва ҳ.к.) социологияда (сиёсий фаолият рейтинги интерпритацияси) педагогикада (ахлоқ ва ахлоқсизлик ўртасидаги қарама-қаршилик), психологияда психикани ривожланиш қонуниятлари ва таълим-тарбия амалиёти ва ҳ.к.

Ақлий ҳужумда, ёш ва педагогик психологияни ўқитишда фойдаланишда қўйидагиларни мисол қиламиз. Семинар машғулотида усмирлик психик ривожланишида кризиси муаммоси муҳокама қилинмоқда, педагогика коллежини тугатиб бошлангич синф ўқитувчиси ёки мактаб психологи бўлиб ишлаётган сиртқи бўлим талабалари бундай кризисни амалий фаолиятлари давомида гувоҳи бўлганлари учун уларга бу жараён яхши таниш эди. Бундай усмирлар билан ишлаш давомида бериладиган тавсияларни ҳам билар эдилар. Алоҳида тавсиялар ўзини оқларди, улардан кўпчилиги эса, на таълимда на тарбияда кутилган натижани бермади. Умуман уларда ўтиш даврида бўладиган кризисга учраган усмирлар билан ишлаш давомида кўплаб усулар ва турли хил фикрлар кўп эди. Бу ҳақида билган ўқитувчи ақлий ҳужум усулини қўлашди: ҳар қандай фикрни билдиришга рухсат беради, жумладан «зарарли» ёки «ярамайдиган» деб танқид қилинадиган фикрлар шунингдек ҳар қандай яққол ёки яширин танқидий фикрларни билдиришни тақиқлайди. Бундан ташқари, ўқитувчи «жуда қизиқарли», «қизиқарли» ва ҳ.к. каби ўз сўзлари билан маъқуллаб туради. Хуш нима бупти? Кризиснинг ўтиш даврида усмирлар билан қандай ишлаш мумкинлиги ҳақида 40 дан ортиқ фикрлар билдирилди. Баъзи фикр шу ернинг ўзига бошқа фикрлар билан боғлиқ ҳолда тугилди, бошқалари шунчаки айтилган сўзлар эди, лекин кўпинча бу шахсий малакадан иборат бўлиб, бу нимага асосланади: «танқид қилгани» тавсияга амал

қилиб, хато ёки ноҳуя маслаҳатларни танқидий изоҳсиз, хатто қандай бўлишдан қатъий назар унга ўз муносабатини билдирмай, шунчаки ҳисоблашидир.

Ақлий ҳужум нима беради, айтилишига – бу усул қўлланишдан олинган фойданинг реал натижаси қандай? У шундан иборатки талабалар, бу ёшдаги болалар билан ишлаш малакалари етарли анча машҳур педагогик назариялардан ва психологик ўсишда дуч келадиган кризисдаги ўсмирлар билан ишлаш усуллари буйича маслаҳат ва тавсиялар беришди. Бундай тавсиялар орасида, фан ва амалиётда қўллана бўладиган, керакли натижаларга олиб келадиган фикрлар ҳам мавжуд. Шу йўл билан кейинги фаолият учун фойдали ва асосийси мулоқот психологиясини ўрганишга тахминан шундай фикрлар юзага келади. Усул ва услубларда иш кўп, лекин ўсмирлик давридаги кризис мактабдаги таълим-тарбияни рад этишда давом этаверади, зеро ҳамма услуб ва усуллар муаммони ҳал этавермайди.

Бундай манфий хулоса талабаларни жиддий психологик таҳлил қилишга ундайди ва қўйидаги саволга жавоб беришни талаб қилади. учун: Наҳотки мактабдаги бу муаммодан қўтилишнинг иложи йўқ? Ақлий ҳужумдан сўнг семинар машғулотида, мактабда тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган кўпчилик усуллар самарасизлигини психологик сабаблари муҳокамаси бошланди. Шу йўл билан айтилишига ақлий ҳужум ўсмирлар билан ишлашнинг кўплаб усули ва йўналишларини ҳисоблаб чиқишга ёрдамлашди ва шу билан бирга талабаларни психологик муаммони таҳлил қилишга фикрлашга тайёрлайди. Бундай мезонлар ҳозирги замон психологиясида кўплаб учрайди, демак ақлий ҳужум усули бу кундалик ишимизда учрайдиган муаммоларни ечишда талабаларни ижодий ёндашишларида ёрдам беради.

Давра столи усули педагогикага сиёсатшуносликдан кириб келган. «Давра столи» сиёсий ва илмий йўналиш намоёндалари томонидан ташкил қилинади. Фикрлар алмашинуви қандайдир тегадиган нуқталарини топишга имкон беради, чунки уларнинг кейинги фаолиятида умумий хулосани йўналтиришга – илмий ҳақиқат ёки сиёсий турғунликка эришишга хизмат қилади. Думалоқ стол усули ўқитишнинг назарий муаммоларни турли илмий аспектлар, турли касб мутахассисликлари ёрдамида муаммони кўриб чиқишнинг самарадорлигини оширишда қўлланилади. Мана масалан, юридик факультети талабалари учун психология бўлимида юрист шахси ва фаолиятини ўрганаётган талабалар учун психология ўқитувчиси «жиноий хулқ психологияси» мавзуси буйича семинар машғулотини давра столи усули буйича текширди. Машғулот давомида жиноий хулқ кафедрасидан юрист-ўқитувчи билан бир хилда саволлар бериб фикрларни аниқлаштирди, изоҳ берди, мисоллар келтирди.

Психология ўқитувчиси эса «давра столи»да бошловчи ҳисобланиди, юрист – ўқитувчи фикрларга кетма-кетлик билан қўшимчалар қилди. Бу зарур эди, чунки ҳуқуқий саволлар айниқса инсонларнинг аниқ ҳуқуқлари (жабрланувчи ёки жиноятчи, судья, гувоҳ ва ҳоказо) психологик баҳони инсонларнинг жинойий хулқни бу томони бутун машғулот предмети ҳисобланади, зеро талаба юристларни жиноятчиликни нафақат ҳуқуқий томони балки, психологик томони ҳам қизиқтиради. Бундай психологик саволларни муҳокамаи нафақат юридик фан вакили қатнашганлиги учун, балки жиноятчилик борасидаги ўзларининг ҳуқуқий билимларини психологик таҳлил учун материал сифатида қўллаш мумкин бўлгани учун ҳам фаол ўтди. Шу йўл билан мавзу икки томондан кўриб чиқилди – яъни ҳуқуқий ва психологик, шунинг учун мавзу чуқур ўзлаштирилди. Бу имтиҳонда ўз исботини топди. Бошқа мавзулардан кўра, талабалар берилган мавзудан мисоллар келтиришди. Айниқса имтиҳон пайтида билетда қандай савол қўйилишидан қатъий назар давра столида муҳокама қилинган жиноят хулқ масалалари атрофлича очиб берилди. Юрист шахси ва фаолияти психологияси яхши ўзлаштирилганини кўрсатди. Давра столи усули бошқа шаклда ҳам қўлланилади. Масалан, психолог гуруҳи билан ўқув-методик конференцияни давра столи усулида ўтказиши мумкин. Муҳими умумий психологик ҳам социологик чуқур таҳлил талаб этиладиган, мутахассислик доирасида қизиқишлари жиҳатидан ҳар томонлама кўриб чиқиладиган (айни вазиятда психологик) мавзу танлаш керак. Бошқа олий ўқув юртидан психология мутахассислиги бўйича таклиф қилинган ўқитувчи ва талабалар гуруҳи билан шунга ўхшаш машғулот ўтказилган. Масалан: Давра столи амалиётда халқаро Олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда ўтказилган. Германиялик ёки Франциялик психолог-талабалар билан Россиялик психолог талабалар ўртасида ижтимоий психологик муаммо миллатлараро муносабатлар муаммоси муҳокама қилинди.

Давра столи усулини психологияни ўқитишда турли-туман шаклини амалга ошириш мумкин. Агар бу борада муҳим шарт яъни уни қатъий кузатиб бориш – бу англаган зарурият куп қиррали назарий муаммоларни диққат марказдан амалий ҳаётдан гавдалантириб кўриб чиқишни ёддан чиқарилмаса бўлди. Агар бундай зарурият йўқ ёки бор бўлса, лекин ҳар томонлама англанилган бўлса, унда давра столи, одатий, ҳар ким ўзиникини гапирадиган семинарга айланиб қолади ва конкуренция була олмайди.

Ишбилармон ўйинлар усули: дастлаб ўқитиш тизимларида эмас, балки бошқарув амалиётида пайдо бўлган. Ҳозирда ишбилармон ўйин усули турли жабҳаларда қўлланилапти, ижодий фаолиятда лойиҳа тузишда, реал вазиятларда жамоавий ишлаб



чиқишда, шунингдек харбий ишларда қўлланиляпти. Айтмоқчи «Ишбилармон уйин» усули ўқитиш усули сифатида айнан харбий уйин ҳисобланади, амалиётчилар қадимдан қўшинни ўқитиш учун реал жангу жадалларда эмас, балки жанг шартларига тақлид қилиб уйин шаклида харбий ҳаракат олиб борганлар.

Уйинлар асосан – бу қўмондонни қўшинни бошқаришга ўргатадиган аскарни эса жанг шaroитларда узини бошқаришга ўргатадиган ишбилармон уйин усулидир.

Олий ўқув юртраарида турли касб мутахассисларига ишбилармон уйинлари кўпроқ бошқарув фаолиятида ўқитиш учун фойдаланилади. Баъзан бу усулни бошқарувда «ишбилармон уйинлари» деб аталади. Умумий кўринишда ишбилармон уйини усулининг моҳияти – деб ёзади, бу борадаги мутахассислардан бири Е.А.Хурпқий – биз интонация усули (тақлид қилиш, акс эттириш) турли вазиятларни уйин йули билан бошқариш дейиш мумкин. Ваҳоланки, бундай аниқлик ўқитувчи учун ўқув-методик қўлланмада берилган, лекин гап ишбилармон уйин усулини реал бошқарув усули сифатида эмас, балки талабаларни бошқаришга ўрганиш усули сифатида эканлиги ҳақида кетяпти. Бизнинг назаримизда ишбилармон уйин усулини нафақат бошқарувда қўллаш мумкин, шунингдек хулоса чиқаришни бошқаришда ҳам қўллаш мумкин. Умуман олганда бу усулнинг психологик моҳиятини олсак (ҳар қандай) фаолиятга ўргатиш сифатида ҳар қандай ўқитишда қўллаш мумкин.

Ишбилармон уйин усулининг моҳияти шундаки, ўқувчиларни ўқитиш фаолиятини моделлаштириш сифатида ўрганишдан иборат, чунки бўлажак мутахассислар касбий вазифаларига жавоб беришга ўргатади. Агар педагогика олий ўқув юртрааридаги ўқитувчиларни тайёрлаш ҳақида гапирадиган булсак, унда психологияни ўқитишда қуйидагича вазиятлар асосий роль уйнаши мумкин. «Дарс», «орқада қолганлар билан ишлаш», ўқишда орқада қолаётган ўқувчи ва хатоларни психологик табиатини психологик сабабини, масалан диққатни ёки математикадан ёзма ишда дарс натижаларини таҳлил қилиш шarti ва бошқалар. Бунда талабалар турли роллар билан чиқиш қилишлари мумкин: ўқитувчи, методист, таълим департаменти инспектори, амалиётчи талаба ва ҳатто ўқувчини (аълочи, қолоқ ва ҳ.) бундай ишбилармон уйинлар усули олдиндан режалаштирилиши (сценарий тузиш, ролларга бўлиш вазиятни танлаш ва ҳ.) ва амалий машгулотларда ўтказиш мумкин.

Масалан дарсда ўқувчилар диққатининг ривожланиши мавзусидаги амалий машгулотда ишбилармон уйин усули ўқитувчи томонидан ташкил қилинди. Унда психология ўқитувчилари ва талабалари иштирокида мактабда дарсни ўтиш олдиндан берилди. Бу синфлар рус тилини яхши ўзлаштирмаётган ўқувчилардан тузилган. С.В.Иванов, А.Н.Иванова томонидан ишлаб

чиқилган янги рус орфографияси методикасини тажриба қилиш учун тузилган танланма синфлар эди.

Кейин талабалар мана шу дарс ва синфни кузатишдан тўплаган материаллари асосида ишбилармон ўйинлар усули ўтказилди, айни экспериментал характерга эга ўқитиш қўйилган эди. Улар дарсга катта қизиқиш билан муносабатда булишди, демак уларнинг диққати ҳам фаолроқ бўлди.

Амалиётчи талабалар ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини диққат билан кузатадилар, ёзиб борадилар, ишбилармон ўйин учун кейинчаликка материал тўплайдилар. Ишбилармон ўйинлар усулида иштирок этиши учун талабаларга роллар тақсимланади. Шундай қилиб 3 та талабага ўқитувчи роли берилди (улар 2 соатли психология дарсидан амалий машгулот олиб боришлари лозим эди). 7 та талабага эса таълим департаменти инспектор – методисти роли берилди ва 2 та талабага мактаб мудирини ва илмий ходим роли берилди. Шу орқали иш ўйини ташкил қилиниб ўртага ташланган муаммо ҳал қилинади.

Ишбилармон ўйин усули амалий машгулотда қандай ташкил қилинади? Ўқитувчи отларга суффиксларни қўшиш мавзуси бўйича дарс олиб борди. Бошқалар эса дарс методикаси бўйича ўз фикрларини билдиришди. Уларнинг хулосаларида танқидийлик мавжуд эди (асосан эксперимент ўтказувчи ўқитувчини ижобий томонларини кўп қўлланилганлиги учун) «мудир» ва илмий ходим эса, ўз ўқитувчиларнинг хато ва камчиликларини оқлашга уринишди. Сўхбат нафақат методик нуқтаи назардан муваффақиятли чиқди, шунингдек, психологик асосланган танқидлар ҳам кўп бўлди. Психологик таҳлил қилиш нуқти назаридан ҳам диққатни ривожлантирувчи ижобий вазиятлар намоён бўлди. Ишбилармон ўйин усули охирида асосий хулосага келинса ва у қуйидагича шаклланган эди. Ўқувчиларнинг диққати дарсга ва ўргатилаётган мавзуга нисбатан фаол қаратилаган. Ўқувчилар вазифани аълога бажарганларида ва бундан маънавий қониқиш олганларидагина қизиқиш ҳосил бўлади.

Ўқитувчининг диққати бу фаолиятни тўғри бажаришга қаратилган ички назоратдир. Уни ўқитувчи вазифа бажаришга йўналтирганда бошқарилади деб хулоса қилинди. Бу шунингдек англатадики, диққатни ўстириш ва тарбиялаш учун ўқувчиларни иложи борица тўғри фаолият бажаришга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу нафақат машгулотларни ўқитишга тегишли, шунингдек ҳар қандай ақлий ва амалий фаолиятни ўрганиш учун ҳам керак. Йўналтиришга асосланган фаолият (П.Я.Гальперин) айни психологик шароитларни яратди.

Ишбилармон ўйин усули айни вақтда бошқа усулларга қўра самаралироқ чиқди. Чунки у талабаларни реал вазиятларга қўйиб аниқ шахсларнинг ролини ўқитувчи, методист, илмий мудир, директор ролларини ўйнаб аниқ фикрлашга мажбур қилади ва бу

вазият ўқувчилар диққатини, тафаккурини йўналтиради, яхши ўзлаштиришига имконият яратади.

Талабаларни интерфаол ўқитиш усулларидан яна бири **тренинг** ҳисобланади. Ўқитишнинг бу янги усули сифатида, биринчидан бизда у ҳақида анча вақтгача билишмаган, шунга қарамай гарбда психокоррекция ишларини бевосита амалга ошириш мақсадида кичик гуруҳларда тузилган ва махсус муносабат ташкил этиш усули сифатида тарқалган. Иккинчидан у психология ёки бошқа фанларни янги ўқитиш усули ҳисобланмаган, ҳатто ҳозир ҳам шундай бўлиб улгургани йўқ. Зеро, баъзи олий ўқув юртларида ижтимоий психологияни ўқитишда тренинг амалий машғулотларда ҳамкорликдаги фаолият жараёнларини шакллантириш учун қўлана бошлайди. Тренинг гуруҳларида вужудга келадиган турли вазиятларни ўргатувчи ҳисобланади ва шу маънода ўқувчилар учун тўла реал вазият сифатида намоён бўлади ва уз фаолияти натижасига жавобгарлик билан ҳаракат қилиши керак. Жавобгарлик ҳисси фаолиятга киришганда алоҳида аҳамиятга эгадир. Нафақат ўзи олдинга интилиши керак, бу индивидуал ўқитишда ҳатто гуруҳни ўқитишнинг эркин муҳокамасида қўл келади, лекин гуруҳдаги шериклар билан олдинга интилиши ҳар бир ҳаракат ютуғи – бу бутун гуруҳ фаолиятининг ютуғининг гаровидир.

Бу аспект тренингнинг ишбилармон ўйинларга шуниси билан ўхшайдики, ундан ҳоли иштирокчилар бир-бири билан боғлиқ жавобгарлик кучли, лекин ўқитиш усуллари орасидаги фарқ яққол кўринади, улардан бири назорат, ишини назарияга асосланганлиги, тамойили буйича амалда қўллашга ўргатишга хизмат қилади, бошқа эса амалиётда назарияни ўрганишга (амалиётда назария) хизмат қилади.

Гуруҳий тренинг усулининг ижтимоий психология фанини ўқитишда қўллаш бежиз эмас, чунки бутун таркиби назарий қонуниятлар гуруҳлараро ва гуруҳ ичидаги муносабатларга бағишланган, уларни амалий машғулотнинг гуруҳий шаклида кўпроқ яхши тушуниш ва ўзлаштириш мушкул, чунки фанни назарий аҳволи ўрганган бошқа усулларда (маъруза илмий адабиётларни ўқиш) шаклланган олий ўқув юртларида фанларни анъанавий академик усулда ўқитиш ва талабаларда ўша академик билимларида психологик технологияларни амалиётда қўлланилиши замон талабларига тўла жавоб бермайди. Тармоқли касблар (ўқитувчи, режессёр, тренер ва бошқалар) эгалари билан ишлашда қандай усулларда ташкил қилинади.

Тренинг усули билан дарслар камдан-кам ўтказилади. Бундай бўлишига куйидаги сабаблар мавжуд :

- биринчидан, бу ўқув амалиётида янги ва тўла оқламаган усулдир;

- иккинчидан, бу усул буйича машгулотларни тайёрлаш қийин жараён ва кўп вақт талаб этади;

- учинчидан ҳар доим ўқитувчига ижтимоий психологиянинг қайси муаммолари гуруҳий тренингга олиб келиш кераклигини тушунавермайди;

Дастлабки иккита сабаб кўринишдан аҳамиятсиздек кўринсада учинчисига келсак, амалда уни ҳозир кўпроқ ўтказиладиган тренинг мавзуи ва муаммоси билан номлаб бартараф этиш мумкин. Шундай академик бошқарма ёки юқори малакали институтларда талабалар аудиториясида жамоа мавзуси буйича ўқувчи ёки талабалар жамоасининг шиорлари «Танишув», «Ўзаро тушуниш», «Яхши кайфият мимикаси-хиссий яқинлик», «Низоларсиз мулоқот», «Низони нима қилиш керак», «Вақтинча тўхтагиш, давом этишга қўйиб бериш орқага суриш», «Мен ва жамоа» ва ҳ.к. тренинглар тафаккур тараққиёти (нутқ ва унинг намён бўлиши) жараёни гуруҳдаги индивидлар ҳамкорлиги ва бошқалар буйича интеллектўал тренинглар ўтказилади.

Гуруҳий тренинг усули билан ўтказиладиган дарслар ўқитувчида бошқа дарс шакллари ишбилармон ўйинлар, давра столи ёки баҳс каби катта тайёргарликни талаб этади. Тайёргарлик куйидагиларни ўз ичига олади:

А) тренингнинг режаси устида ишлаш;

Б) талабалар билан муаммонинг ечимини қидиришда фаол иштирокини таъминлаш (одатда бу ўтилатган мавзудаги саволларни олдиндан бериб қўйиш билан боғлиқ) буйича ишлаш;

В) ўқитувчининг ўз устида ишлаши, у ўзининг тренингда қандай тутишини ўйлаб топади; саволларни қандай қўйиш ва муҳокамаларга қандай муносабат билдириши баҳсли вазиятни драммалаштириш ёки томонларнинг бир-бири билан келишиши гуруҳ иштирокчиларида жавоб вариантларини талаб этиши ёки ўзи айтиши нотўғри ечимга гуруҳ қандай муносабатда қачон ва қандай умумий хулоса чиқариш керак. Тренинг давомида талабалар фаоллиги қандай баҳоланади ва ҳоказолар;

Г) иштирокчилар орасида ролларни тақсимлаш, лекин роллар ҳаммага етишмаслиги мумкин. Шунда кўпчиликка танқидчи ва кузатувчи роллари берилади ва тренингда энг фаол иштирокчинини таъминлаш.

Тренинг давомида бажариладиган ролларнинг бошқа иштирокчиларига тақдим этиши мумкин. Роллар турлича бўлиши мумкин. Улар мавзудан келиб чиқади. Масалан, «Жамоа» мавзуси буйича тренингда «Низосиз мулоқот ёки низони бартараф қилиш» бўлимларида шундай роллар бўлиши мумкин. «Ўқитувчи», «ташкilotчи», «фикрлар генератори», «уста» (роллар имкон қадар низоли) «адолат тарафдори», «куддирувчи», «танқидчи», «қўзғалувчи» «анъаналар сақловчиси», «учинчи», «айёр»,

«мугомбир» (уртача низоли) ва яратувчи, иштирокчи, дангаса, яхши йигит, нозик қиз, администратор (кам низоли) ва ҳ.к.

Ижтимоий психологик тренинг бу оддий сўз билан айтганда машқ қандайдир малакаларни эгаллаш эмас, балки фаол ижтимоий психологик шахсни мулоқотда фаолиги ва йуналганлигига қаратилган ва гуруҳларда ижтимоий психологик объекти сифатида шаклланганлиги даражасига кутарилишига қаратилган ўқитиш усулидир.

Ўқитиш усули сифатида гуруҳий тренингнинг аҳамияти ўқувчиларни бундай ҳамкорликдаги фаолияти қайсики оддий талабалар ўқув гуруҳини ижтимоий психологик куринишга эга моделига айлантирувчи муҳими ҳисобланади. Шунинг учун ижтимоий тренингни назарияда шаклланган ижтимоий амалий психологияни ўқитишда ёрдам берувчи деб ҳисоблаш мумкин. Агар ишбилармон усул – назариядан келиб чиққан амалий фаолиятга ўргатса, тренинг эса, амалий вазиятлардан келиб чиқиб – назарияни ўргатишига яна бир бор гувоҳ бўлаемиз.

Фаол ўқитиш усуллари ҳақида фикримизни яқунлар эканмиз ўқитувчиларга шуни эслатишимиз керакки, бу ерда кўриб чиққан ўқитиш усуллари ўзига хос алоҳида мисолларга эга. Шунингдек мазкур усуллардан дарс жараёнида фойдаланиш ўқувчиларда билим, кўникма, малакаларни онгли равишда ва самарали ўзлаштириш имконини беради.

---

## ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ПСИХОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ўқитиш мақсадлари ва ўқув фани мазмуни ҳар доим ҳам узаро боғлиқдир. Фаннинг мазмуни барибир бориб ўқув мақсадларини таркиб топишига тўртки бўлади. Психология ўқитиш мақсадлари гуманитар фан сифатида унинг мазмуни, хусусиятлари билан белгиланади. Психологик идрок этишнинг ўзига хослигини ҳар доим ҳам гуманитар билим соҳаси билан боғламайдилар. Бу борада бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Улар психологияни биринчи навбатда табиий, биологик ёки биоижтимоий фан сифатида талқин этилиши натижасида, психология фани ҳақидаги тортишувлардан анча аниқ ифода этилган. В.Я.Лядус фикрича, психологияни ижтимоий – тарихий фан сифатида талқин этиш керак, бу эса унинг таркибидаги тадқиқотлар табиий фанлар усулларини рад этмайди. Аммо уннинг асосий моҳиятида ижтимоий фанлар ва гуманитар идрок этиш усуллари ўйнайди.

Гуманитар идрок этиш – илмий идрок этишнинг алоҳида тури, бўлиб табиий фанларга ўхшаш ўрганилаётган объектга субъектнинг бошқача муносабатини кўзда тутати. Гуманитар идрок этишнинг

диққат марказида буюмлар бўлди. Шунингдек у қўйидагича изоҳланади. Шахс эмас, субъект – объект эмас, субъект – субъект муносабатлари бўлади деб таъкидлайди М.Вахтиннинг фикрича, буюмни идрок этиш ва шахсни идрок этиш – икки ҳар хил нарсалардир. Буюмни бир томонлама субъектни охиригача идрок этилади. Шахс идрок этилувчи сифатида идрок этиш «аниқлигини», талаб этмайди, балки «кириб боришни» талаб этади. Идрок этиш – англашганлик ҳар доим ҳам икки томонлама ҳаракат. Идрок этувчи субъект – идрок этилувчи субъект муносабатлари – диалогдан иборат. Диалог эса вазиятда бўладиган кўринишларинигина кўрсатишни кўзда тутмай, контекстлари тугатилмас турларида берилган маъноларини ҳам очиб беришни кўзда туттади. Шунинг учун диалогнинг охири йўқ, чунки ҳақиқий тушуниш тарихийлик ва шахслаштирилган. Бу ҳолат гуманитар тушунчада аниқлик ва тушуниш кўрсаткичларига табиий фанлар кўрсаткичларидан фарқли ўзига хосликни беради.

Гуманитар идрок этишнинг аниқлиги (идентификация) бир хиллигини аниқлашдан иборат эмас, балки «бегонани худди ўзиникига ўхшатмай бегоналигини» енгиб утишдир, яъни идрок этувчи ва идрок этилаётганининг ўзаро боғлиқлигига, кириб борганлиги даражасидан иборатдир.

Психологияда ўқитиш хусусиятларини тушунишда муҳим бўлган гуманитар идрок этишнинг яна бир хислати бу психологик идрок этишнинг принципиал равишда гетерогенлигидир ва кўп жиҳатдан расмийлашган фақатгина илмий – назарий, мантиқий фикрлашни назарда тутиб қолмай, балки образли, бадиий, тасвирий, ҳаёлий, кўргазмали – амалий фикрлашни ҳам кўзда туттади. Гуманитар идрок этиш хусусиятларидан келиб чиқиб қўйидаги тарзда психология ўқитиш мақсадларини мутахассис – психологлар ва педагогик фаолиятида ўқитиш тизимида психологияни урганувчилар учун ҳам белгиланиши мумкин.

Психологияни ўқитишдан мақсад – одамларнинг ҳаёт фаолиятида уларнинг ўзаро алоқа муносабатларини ўрнатиш, билиш усулларини назарий ва амалий эгаллаб олишдир. Психологик идрок этишнинг хусусияти билим ва ҳаракатлари бирлигидан иборатдир. Шунинг учун икки томонга йўналган яъни – ўзига ва бошқа одамларга йўналган ҳаракатлар усулига эга бўлмаган назарий идрок этиш – бу илмий психологик билим эмас, психологик идрок этиш ва ҳаракатлар усуллари ўзини англаш бирлигига эришиш мақсадида амалга оширилади.

Психология фанини ўқитиш фақатгина бошқа одамлар хулқи ва фикрлаш усулини қайта ўзгартириш, балки ўзини қайта ташкил этиш маҳоратини эгаллашга ҳам йўналтирилган. Психология ўқитиш методикасининг мақсади шахсни идрок этиш муносабатлари ва уларни қайта ўзгартириш усулларининг бирлашиб кетганлиги билан белгиланади. Албатта, бу мақсадга

бутун бошқа мақсадлар тизимини амалга ошириш билан эришилади. Бундан ташқари, у инсонпарварлик тарбияси мақсадлари – дунёқарашни шакллантириш, жамият қурилишида шахснинг амалий йўналганлиги билан боглиқ мутахассисни ўқитишнинг анча долзарб мақсадлари тизимига киритилган.

Психология курсининг ўқитиш вазифалари ва тамойили.

Психология ўқитувчиси оқнда ҳар томонлама муҳим қуйидаги вазифалар туради:

1. Талабаларда – бўлажак ўқитувчиларда – илмий дунёқараш ва шахснинг юксак маънавийлик сифатини тарбиялаш;
2. Талабаларда мутахассислик йўналишини тарбиялаш: ўқитувчилик фаолиятига қизиқишни, болаларга муҳаббат, бола шахси ва унинг психологик хусусиятларини шу билимларга асосланиб ўқувчилар шахсини шакллантиришда фаол иштирок эта оладиган бўлиши керак;
3. Талабаларда психологиянинг назарий билимларини педагогик амалиётда қўллаш маҳоратини, ўқув – тарбиявий жараёнини ва ўқувчи шахси шаклланишини кузатишни ривожлантириш ва таҳлил қилиш маҳоратини устириш, шу асосда уларнинг ҳулқида, ўқитиш ишларига, ўртоқларига муносабатида намоён бўладиган ўқувчиларнинг психик хусусиятиларининг юзага келиши ва ривожланиш сабаблари ҳақидаги ҳулосалар чиқариш маҳоратини ривожлантириш;

Педагогик институтларнинг талабалари психологияда психиканинг ҳақиқатдан акс эттириши моҳияти уларнинг рефлекторлик асоси ҳақидаги асосий қоидаларини узлаштириб олишлари, уларда илмий дунёқарашни шаклланишининг асоси бўлиб хизмат килади. Психик ҳодисалар уларнинг ривожланиши ва ўзаро боглиқликларини кўриб чиқиб талабаларни тандикий фикрлашга урганиб қоладилар. Психик ҳодисаларни тўғри илмий тушунишга эришиш оркали психология ўқитувчиси талабаларга диний, хурофотлардан, психикани манфаатпарастлик қарашларидан озод бўлишига ёрдамлашади.

Психология машгулотларида баён этиладиган илмий қоидалар ўқитувчи томонидан расмий эълон қилинмаслиги ва талабалар томонидан мулоҳаза қилмай тўғридан – тўғри қабул қилиниши керак эмас.

Психология ўқитувчиси талабаларни фаннинг асосий қоидалари ҳақиқийлигига ишонтириши учун етарлича амалий материалларга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга назарий қоидаларни тўғрилигини исбот этувчи ва талабаларнинг инсон психикаси қонуниятларини чуқур тушунишларига ёрдам берувчи тажриба психологик тадқиқотларнинг аниқ маълумотларини танлаб олиши муҳимдир.

Психология ўқитувчиси талабалар ва ўқувчилар олаётган психологик билимлар абстракт ва расмий бўлиб

қолавермасликлари, уларнинг бўлажак педагогик фаолиятларида қўлланма, ишончга айланишига интилиши керак. Бундай аҳамиятlilikни касб этишининг асосий шarti инсон ўз тажрибаси орқали олган билимларини текшириб чиқиши, мустақил уйлаб олиши, идрок этаётганини бошдан кечириши ва унга нисбатан ўз муносабатини аниқлаб қолиши керак. Айнан шунинг учун талабаларнинг мустақил ишлари, инсон психик фаолияти ҳақида маълумотлар тўплашлари, уларни таҳлил қилиш ва тушунтиришлари учун муҳим аҳамиятга эга. Талабаларда илмий, назарий-мустақил материалистик дунёқарашни шакллантириш учун ўқитувчи ўзининг психологик билимларига ҳиссий муносабатини яққол ифода этилганлиги, баён этилаётган назарий қоидаларини ҳақиқийлиги, тўғрилигига ишониши жуда муҳим ҳисобланади. Ўқитувчининг бундай муносабати талабаларда фанга қизиқишни оширади, психологик билимларни эгаллаб олиш ва уларни мустақил кенгайтиришга интилишларига сабаб бўлади. Ўқитувчи фanning замонавий ҳолатини ва ҳозирги даврда психологик тадқиқотларлардан тўла хабардор бўлиши, ўқувчиларда юзага келадиган саволларга жавоб бера олиши муҳимдир.

Талабаларда дунёқарашни шакллантириш бўлажак ўқитувчи шахсининг маънавий хислатларини тарбиялаш билан узвий боғлиқдир. Шахс муаммоси психология курсида марказий ўринни эгаллайди. Шахснинг шаклланиши жараёнида барча психик ҳодисалар юзага келади ва шахс яхлитлиги кўриниши сифатида қаралади. Психология талабаларига инсон ички дунёси яъни йўналганлик, характери, қобилиятининг шаклланиш шароитлари ҳақида маълумотларни беради. Психология фанидан талабалар ҳар бир ўқувчининг шахс хусусиятларини, унинг қизиқишлари, иштиёқлари, қобилиятларини билиб олиб уларга тўғри таъсир кўрсатадилар. Психология фани шахсни ўрганишга қаратилганлиги талабаларда инсонинг ички дунёсига қизиқиш, унинг моҳиятини билиб олишга интилиши, бошқа одамлар ва ўзининг шахсий психик хусусиятларини тушунишга чорлайди, ўз хотираси, диққати, иродаси, характерининг сифатларини билиб олишга интилиш ва уларни такомиллаштириш ўқувчилар ва талабаларда ўз-ўзини англашнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Талабаларнинг инсон ички дунёсига қизиқишларидан моҳирона фойдаланиб, психология ўқитувчиси уларга ўзларида ижтимоий қимматга эга бўлган сифатларини тарбиялашда жамият олдидаги масъулиятларини ҳис этишга ёрдам беради ва шу орқали ўз-ўзини тарбиялаш вазифасини қўяди.

Ўз-ўзини тарбиялаш вазифаси талабаларнинг касбий йўналишлари шаклланиши билан узвий боғлиқдир. Бу тушунчага ўз касбига қизиқиш, яхши ўқитувчи бўлиб этилиш ва илгор ўқитувчига хос бўлган хусусият ва қобилиятларни ўзида тарбиялашга интилиш киради.



Илгор ўқитувчиларнинг иши билан амалиёт ўқитувчиси раҳбарлиги остида мактабда олиб бориладиган кузатишлар ёрдамида танишиш, уларнинг педагогик маҳоратлари моҳиятини таҳлил қилиш, педагогик адабиётларни ўрганиш талабаларга педагогик фаолиятда ҳамма моҳир – ўқитувчиларга хос шахснинг ижобий сифатларини эгаллаб олишга имкон беради.

Ҳар қандай касбда бўлганидек, бўлажак ўқитувчилар педагогик фаолиятда зарур бўлган билим, маҳорат ва кўникмаларни эгаллаб олишлари керак. Психология ўқитувчиси талабаларни мактабда ўқув – тарбиявий иш шароитида болаларни кузатишга, уларни ўз кузатишларини таҳлил қилишга ургатади, кузатиш жараёнида уларда пайдо бўлган саволларга жавоб топишга ёрдам беради. Кузатишлар давомида талабаларда шундай саволлар пайдо бўладики, уларга фақатгина психологик қонуниятларни билган ҳолдагина жавоб топиш мумкин. Бу эса уларни психологик адабиётларни мустақил ўрганишга ундайди ва шу орқали психологик билимлар тўплаш талабини юзага келтиради.

Талабаларни кузатиш ва ўз-ўзини кузатишларини англаб олишларига ургатиш учун психология ўқитувчисининг ўзи кузатишни билиши, ўқувчиларнинг хулқ-атвори психологик ҳодисаларни таҳлил қилиши ва умумлаштиришни билиши керак. Психология ўқитувчиси ўз олдига қўйилган вазифани бажариши учун дарс ўтиш методикасини яхши эгаллаб олиши керак. Психологияни ўқитиш методикасини ўқитишнинг алоҳида усул ва усубларини ўрганибгина қолмай, балки ўқитувчига ўқув фанида энг асосий мазмунини ажратиб кўрсатишда, психологик ҳодисалардан энг ишончлиларини, педагогик аҳамиятлиларини танлаб олишга ёрдам беради. Методик қўлланмалар психология ўқитувчисига психология фани асосида қандай асосий қоидалар ётишини, бутун материалларни қайси тартибда баён этиш кераклигини тушуниб олишга ёрдам бериши керак.

Психик ҳодисаларни илмий тушунтириш қуйидаги қоидалар асосида қурилиши керак:

1. Барча психик ҳодисалар психологияда ҳақиқатни акс эттириш сифатида қаралади. Фаолият жараёнида дунёни акс эттириб, инсон атроф дунёдаги предметлар ва ҳодисалар ҳақида билим олади. Ҳақиқатни акс эттириш фаол характерга эга бўлади, чунки улар атрофни ўзгартириб ва қайта ташкил этиш унинг фаолияти жараёнида содир бўлади. Инсоннинг ҳамма идрок этганлари унинг индивидуал хусусиятлари, тўплаган тажриба ва билимларида акс эттиради. Психик фаолияти жараёнида инсон онгида объектив дунёнинг субъектив образи шаклланади.
2. Психика алоҳида усулда ташкил топган материя – миянинг хусусиятидир. Илмий тадқиқотлар маълумотлари, клиник кузатишлар бу қоидаларнинг тўғрилигини сўзсиз исбот этади. Психик ҳодисалар асосида ташқи муҳит таъсири остида юзага

келадиган миянинг рефлекторлик фаолияти ётади. Бу таъсир кўрсатиш мияда қўзғалиш ва секинлашиш нерв жараёнлари, нерв алоқалари намоён бўлиши билан боғлиқдир. Миянинг рефлекторлик фаолияти ташқаридан таъсир кўрсатишга организмнинг жавоб қайтаришини (таъсирини) таъминлайди. Мия рецепторларига келадиган жавоб маълумотлар таъсирланиш самаралигини белгилайди. Жавоб афферентацияси мавжудлиги ҳисобига инсон ва ҳайвонларнинг организм фаолиятини ўзи бошқариши мумкин бўлади. Бу бошқариш фақатгина ташқи таъсирлар билан белгиланмай, илгариги таъсирлар натижасида мияда ташкил булган нерв алоқалари тўплами билан яъни инсон ва жониворларнинг олдинги тажрибалари билан ҳам белгиланади. Ҳаракатлар натижалари одамнинг олдинги тажрибасига мос келиши бу ҳаракатнинг бажарилишини таъминлайди. Психиканинг бошқарув роли тизимнинг тузилиши ва вазифаси мураккаблашиб бориши эволюция жараёнида ошиб боради.

3. Инсоннинг барча психик фаолияти сабабларга асосланган бўлади. Уларнинг ташқи муҳит таъсири ва бу таъсир кўрсатишларга жавоб қайтарувчи шахснинг ички ҳолати билан юзага келади. Инсоннинг фикри ва сезилари, унинг ҳамма ҳаракатлари ва ишлари олдинги ҳаёти, атроф шароити ва тарбияси билан боғлиқ бўлади. Уларни тушунтириш учун унинг ҳаракатлари сабабларини билиш керак. Уларни юзага келтирувчи сабаблар, инсон қандай шароитларда ўсгани, уни қандай одамлар ўраб турганини, улар билан муносабати қандайлигини билиш керак. Уқувчиларга тўғри таъсир кўрсатиш учун ўқитувчи улар ривожланиш тарихини ҳам билиши муҳимдир.
4. Барча психик ҳодисалар уларнинг ривожланиши билан урганилади. Бу қоида ҳайвонлар психикаси тараққиётига, инсон онгининг тарихий ривожланиши ва бола психикасининг ривожланишига даҳддордир. Ривожланиш ҳар доим ҳам сифат ўзгаришларига, янгиликларга олиб келади. Мисол учун инсоннинг кузатувчанлик, тасавури кучи ва аниқлиги, фикрлаши чуқурлиги ва ўткирлигида янги, мураккаб инсоний олий ҳиссиётлар юзага келади ва ривожланади, яъни – ватанпарварлик, бурч ҳисси, эҳтиёткорлик ва бошқалар. Шахснинг янги хислатлари амалий фаолият жараёнида, бошқа одамлар билан муносабатларда юзага келади ва шаклланади. Масалан, идрок этиш жараёнида кузатувчанлик ривожланади. Фикрлаш малакаларини шакллантириш орқали масалаларини ҳал этиб инсон фикрлаш операцияларини эгаллайди, анализ ва синтез, солиштириш ва умумлаштириш, мавҳум фикр юритишни билиб олади. Фаолият давомида инсоннинг ақлий қобилияти ривожланади. Ривожланишда мураккаб иродавий ҳаракатлари ҳам такомиллашади – бола ҳаракатлари асосида

ётувчи тушунарсиз истаклар катталарда мақсадга мувофиқ фаолиятнинг англаб етилган сабабларига айланади. Иродавий хислатлари – қатъийлик, дадиллик, ташаббускорлик – фақатгина иродавий ҳаракатларни бажариш жараёнидагина ривожланади. Шахснинг психик ривожланиши сабаблари болага қўйиладиган талаблар унинг ҳаёти ва фаолияти ва унинг имкониятлари ўртасида юзага келадиган қарама-қаршиликлардан иборат, яъни унинг ривожланишида эришилган босқичи бу талабларни қолдира олмаслиги билан боғлиқ.

5. Инсоннинг психикаси унинг фаолиятида намоён бўлади ва шаклланади. Инсон фанларни, уларнинг хусусиятларини, улар ўртасидаги боғлиқликларни фақатгина уларга таъсир кўрсатибгина билиб олади. Фаолиятда инсон бошқа одамларни ва узини билиб олади. Фаолиятнинг узига хослиги ва уни муваффақиятли бажариш талаба шахснинг ҳар томонлама ривожланишига таъсир кўрсатади.
6. Ҳар бир психик ҳодиса унинг яхлитлигида ўрганилиши керак. Инсон психологияси яхлит шахс психологиясидир. Шахснинг узига хослиги, унинг йўналганлиги, билими, ҳаёт тажрибаси психик жараёнларнинг ўзига хослигини касб этади. Ғайратлилик хислати қўлаб психик жараёнларни ўтиб бориши хусусиятларига таъсир кўрсатади. Фаолият жараёнида шакланган шахснинг психик хислатлари, жараёнлари вақт ўтиши билан ўз таъсирини кўрсатади, уларнинг характерини ўзгартиради, инсоннинг ҳаракатларини белгилайди. Бундан кўринадики шахснинг ҳамма томонлари ўзаро боғлиқдир. Шахснинг йўналганлиги унинг фаолияти сабаби, мақсадга мувофиқ ҳаракатларига, қобилиятига боғлиқ бўлади. Шахснинг йўналганлигининг ўзгариши ва унинг сезилари мазмуни янги талаблар ва қизиқишларининг юзага келиши билан боғлиқ. Дикқатнинг шаклланиши инсон характеридаги иродавий хислатларнинг шаклланишига боғлиқ бўлади.
7. Назарий психологик билимларини амалий педагогик фаолияти билан боғлиқ бўлиши керак. Педагогик институтда психология фанидаги асосий ўринларни умумий, ёш ва педагогик психология соҳалари эгаллайди. Болалик ва ўсмирлик психикаси хусусиятлари ва унинг ривожланиш қонунияти билимлари инсон фаолияти умумий психик қонуниятлари ҳақидаги билимлар асосида берилади. Болаларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш уларнинг юзага келиши ва ривожланиши сабаблари, шартларини аниқлаш билан боғлиқдир.

Ёш психологияси курсида бола шахсининг психологик хусусиятларини ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари ўрганилади. Унинг шахсини шаклланишига болалар

ва ўсмирлар фаолияти ва ҳаёт тарзини ташкил этувчи катталарнинг унга мақсадга мувофиқ таъсир аҳамияти аниқланади. Психиканинг ривожланиши моҳиятини тушуниш учун индивидуал психологик хислатлари шаклланишини кузатиш керак. Бу хислатларнинг тўплами бола шахси психологик кўринишини белгилайди. Шунинг учун ёш психологиясини ўрганишда шахсий ёндашиш булиши керак.

Педагогик психология курсида таълим таъсири остида психикани янги жабҳаларини шаклланиш шарт ва омиллари ўрганилади. Бу жараёнларда билимларни маҳорат ва кўникмаларни эгаллаб олиш қонуниятлари, индивидуал фарқлари, ўқувчиларда фаол мустақил ижодий фикрлашни шаклланиш қонуниятлари ўрганилади.

Агарда психология курси педагогик ўқув юртида ана шундай тамойиллар асосларда қурилса у ўқувчиларга, талабаларга психологик билимларнинг амалий ҳаётий аҳамиятини тушунишга ёрдам беради ва булажак ўқитувчилар шахси шаклланишининг муҳим шарт булиб қолади.

Психология фанини ўқитишда самарадорлигини оширишнинг баъзи йўллари ва воситалари. Ҳамма дидактик тамойиллар орасида яққол кўргазмалилик тамойили алоҳида аҳамиятга эга, унинг асосида идрок этиш жараёнида маълум ҳиссиётлилик ва мантиқийлик нисбатлари ётади.

Идрок этиш аниқликни (предметни, ҳодисани) ҳис этиш ва қабул қилишдан бошланади ва ундан умумлаштириш ва ажратиб олишга ёрдам беради. Психологик тушунча – бу психик ҳодисаларнинг муҳим белгилари ҳақидаги умумий билимлардир. Бу билимлар одамларнинг психик фаолияти турли фактларни идрок этиш асосида юзага келади. бу фактларни таҳлил қилиш муҳимларини, уларнинг барчаси учун умумийларини топиб, улар асосида психик фаолиятнинг қонуниятларини ўргатиш имконини беради. Педагогика институти талабалари психик билимларни эгаллаб бориш жараёнида кўпинча умумий психологик қонуниятларда намоён бўладиган аниқ психик ҳодисалар ҳақидаги яққол тасаввурлар билан назарий қоидаларни боғлашни билмайдилар. Психология ўқитувчиси турли хил кўргазмалиликларни қўллаш орқали талабалардан назарий билимлар моҳиятини аниқлаштиришга ва улар ўртасидаги ўзаро умумийликни топишга ўргатади.

Кўргазмалилик талабаларнинг ўзлаштираётган психологик тушунчаларини жонли, аниқ мазмун билан тўлдиришга, одамларнинг психик фаолиятларида алоҳида фактларни, умумий қонуниятларни кўришга ёрдам беради.

Ўқитувчи фойдаланиши мумкин бўлган кўргазмалилик воситалари қуйидагилардан иборат. Психология курсида иложи борича намоёиш этиш тажрибасидан кўпроқ фойдаланиш керак.

Талабаларда энг ёрқин ва жонли тасаввурлар психик фаолият ташқи кўринишларини ўзларини кўрганларида юзага келади, масалан, психология бўйича машгулотларда тажриба ўтказиш, бунда улар ўзлари бевосита иштирок этадилар.

Психология машгулотида ўтказиладиган тажрибалар узининг вазифаси бўйича илмий тажрибалардан тубдан фарқ қилади. Ўқув тажрибасининг мақсади – дeйхик ҳодисаларни текшириш эмас, илмий тадқиқотлар натижаси бўлган назарий қоидаларни тушунтиришдан иборат. Ўқув тажрибаси илмий тажрибадан ўтказилиш усули билан шунингдек, олинган натижаларни изоҳлаш бўйича ҳам фарқ қилади. Психология машгулотида синалувчиларга таъсир кўрсатишни ҳисобга олмай ўтказилган тажриба асосида унинг психикаси у ёки бу хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин эмас. Мисол учун уларнинг диққати хусусиятлари ёки хотира сифати ҳақида.

Кургазмали тажриба ўқитувчи томонидан турли мақсадларда ўтказилиши мумкин. У назарий қоида ни узлаштиришнинг бошланғич босқичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мисол учун, яхши эслаб қолишни шароитлар масаласини кўриб чиқишда ўқитувчи талабалар олдига савол қўяди «қандай шароитларда эслаб қолиш яхши бўлади?». Бу саволга жавоб топиш учун тажрибалар ўтказилади. Ҳар бир тажрибада эслаб қолиш натижасини таҳлил қилиб, талабалар айнан шу аниқ ҳолатда нимани эслаб қолишга ёрдам берганини аниқлайдилар идрок этаётган қисмлар ўртасидаги маъноли боғлиқликларни аниқлаш, текширилаётганларнинг эслаб қолганларига фаол муносабатлари ва бошқа шартлар. Кургазмалилик тажрибаси ўқитувчи баён этган назарий қоида ни тўғрилигини исбот қилишга ёрдам беради. Мисол учун, синтез бу булакларни улар ўртасидаги боғлиқликлар асосида яхлит ягона бирлаштириш эканини исботлаш учун: ўқитувчи доскада ҳамма ҳарфларни адаштириб юборилган (анаграмма) сўзни ёзади ва ўқувчилардан бу сўзни ўқишни сўрайди.

Тажриба назарий қоида ни тушунтиришга хизмат қилиши мумкин. Масалан, ўқитувчи диққат хусусиятлари ҳақида гапирар экан диққатни тақсимлаш одамнинг бир вақтда бажарилаётган ҳаракатларидан бирини яхши билгандагина мумкинлиги қоида сини баён этади. Бу қоидалар икки фаолият ўртасида, улардан бири унга яхши таниш бўлган фаолиятлар ўртасида диққатини тақсимлашни талаб этувчи тажриба билан тушунтирилади.

Тажриба ўтказишда ўқитувчининг сўзлаб тушунтириши муҳим урин эгалайди: улар тажриба мақсадларини аниқлайдилар ва тушунарли ифода этадилар, олинган натижаларни таҳлил қилиш, асосий кўрсатиш воситаси ҳисобланади.

Тажриба яхши ўтиши учун уни олиб боришда қуйидаги методик қоидаларга риоя қилиш керак.

Тажриба оддий бўлиши, осон утказиладиган ва куп вақт талаб этмайдиган бўлиши керак. Талабаларда тажрибага жиддий муносабат яратиш керак. Бундай муносабат яратиш учун эса ўқитувчи тажрибага яхши тайёрланиши, уни утказишда ҳамма томонларини ўйлаб чиқиши, талабларга аниқ курсатмалар бериши керак.

Тажриба аниқ мақсадга йўналганликка эга бўлиши керак. Талабалар нима учун тажриба утказиладиганини, қандай назарий қондани тасдиқлаши, қайси саволга жавоб беришни билишлари керак.

Тажрибадан олинган натижаларни чуқур таҳлил қилиб чиқиш муҳимдир. Агарда ўқитувчи бу ишни бажармаган бўлса ёки юзаки таҳлил қилиб чиққан бўлса, тажриба керакли самарани бермайди. Таҳлил қилишда тажриба бошланишида қўйилган саволга аниқ жавоб олиш, унинг сабабларини ва бу қандай натижаларга олиб келиш шартларни очиб бериши керак. Қургазмалилик воситаси сифатида ўқитувчи талабалар утказган кузатишлари жараёнида олинган психологик фактлардан фойдаланиши мумкин. Аммо фақатгина мақсадга мувофиқ ва яхши ташкил этилган кузатишгина керакли натижани беради. Кузатишнинг вазифалари аниқ, яққол, аниқловчи ва кузатиш объектини чегараловчи бўлиши керак.

Методик жиҳатдан кузатишлар натижаларини дарҳол таҳлил қилишга, кузатилган фактларни умумлаштиришга киришганлари жуда муҳимдир. Кузатишга мисол сифатида, болалар диққатининг дарс пайтида хусусиятини талабалар кузатиб, диққати қачон мустақкам бўлганини, қачон чалгиганини қайд этиб, бу фактларни дарс мазмуни ва ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини жалб этиш учун фойдаланган воситалари билан солиштирадilar.

Кузатиш жараёнида талабаларда юзага келган саволлар уларга илмий адабиётлардан жавоб излашга булган эхтиёжини уйғотади. Бу психологик билимларни чуқур ўзлаштиришга ва идрок этиш жараёнини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўқувчиларни мунтазам кузатиш одатда педагогик амалиёт даврида олиб борилади ва натижада маълум ўқувчига психологик – педагогик тасвифнома тузилади. Кузатилган фактлар кузатув кундалигида қайд этилиб борилади ва мунтазам ўрганилиб борилади.

Тасвифномада қуйидаги саволларга жавоблар бўлиши керак: кузатиладиган ўқувчининг оиласи қандай, улар уртасидаги ўзаро муносабатлар ўқувчининг оиладаги яшаш шароити қандай? Ўқувчининг ўқув ишлари қандай ташкил этилган, унинг ўқишга муносабати, қайси фанларга қизиқади ва нима учун, боланинг ўй вазифаларига муносабати қандай? Ўқувчининг ўқув фаолиятида намоён бўладиган қобилиятлари (унинг диққати, хотираси сифати,

тасавури, нутқи, фикрлаши) унинг сабаблари, гайратлилик хусусиялари кўриниши.

Катталарга, уртоқларига, ўз - ўзига муносабатлари (ўқувчининг хушмуомалалиги, унинг жамоадаги ўрни, тортинчоқми ёки эркин, ишончлими?).

Ўқув ишларида намоён бўладиган ўқувчининг гайратлилик хислатлари ва характери (меҳнатсеварлик, аниқлиги, масъулиятлилиги, қатъийлиги, камтарлиги ва бошқалар).

Ўтказилган тажрибалар, кузатишларнинг натижалари бу ўқувчига индивидуал ёндошишда фойдаланилиши ва унга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг тўғри усулини танлашга имкон бериши керак.

Болаларнинг театр ёки кинофильми идрок этишларини кузатиш. Бу кузатишлар болани театрни идрок этиш хусусиятларини аниқлашга, содир бўлаётган ҳодисани тушуниш учун идрок этилаётган ҳиссий муносабатни юзага келтирган боланинг ички фаоллиги аҳамиятини аниқлашга ёрдам беради. Бунинг учун театр бошланишидан олдин талабалар ўқувчилардан роман ҳақида уларга нималар маълумлигини, уни ўқиганларми ёки театрда кўрганларини билиб олишлари керак. Театр давомида бутун томошабинларни ва ўз ёнилардагиларни кузатиб борадилар. Театрнинг томошабинларда кўпроқ жонланиш уйғотган жойларини белгилаб бориш керак. Танаффус пайтида болаларга бериладиган саволлар, фикрлар, гаплардан уларнинг театрни қандай тушунаётганларини, ҳодисалар ва қаҳрамонларни қандай баҳолаётганларини билиб олишлари керак. Томошабинлар билан бу суҳбатлар ва кузатишлар болаларнинг иштирок этувчилар ва уларнинг ҳаракатларига муносабатлари ўзгариб бораётганини, роман мазмунини қандай тушунганликларини билиб олишга, қандай туйғулар пайдо бўлганини билишга ёрдам беради. Театрни томоша қилгандан сўнг синфда уни муҳокама қилишни ташкил этиш керак.

Педагогик амалиёт пайтида дарсларда албатта, иштирок этиш керак ва уларни кейин психологик таҳлил қилиш керак. Дарсни психологик таҳлил қилиш методик таҳлил қилишдан фарқли унда ўқитувчининг у ёки бу методик услубларигина баҳоланмай, балки ўқувчиларнинг дарсга эътиборлилиги сабаблари ҳам аниқланади, ўқитувчининг тушунтиришларини ўқувчилар қабул қилиши ва тушуниши чуқурлиги ва тўғрилиги аниқланади. Дарсни таҳлил қилиб бориб унинг ривожлантирувчи томонини кўришга, дарс мазмунида айнан қайси жиҳатлар ўқитувчининг қайси ҳаракатлари болаларда қизиқишни ривожланишига, уларнинг фикрлашида, нутқида, идрокида ва ҳиссиётларида янгилик пайдо бўлишига сабаб бўлганини, дарсда қандай маҳоратни эгаллаганликларини аниқлашга ҳаракат қилиш керак.

Ўқитувчининг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз ишларининг психологик сабабларини очиш муҳимдир.

Ўзини кузатиш маълумотларидан ҳам талабаларда психик ҳодисалар ҳақида аниқ тасаввурларни юзага келтириш учун фойдаланиш мумкин. Психология ўқитувчиси ёшларнинг бошқа одамларни ва ўзининг ички дунёсига кириб бориш орқали қизиқишлари доирасини аниқлаш керак ва ўзини тутишни тўғри ташкил этишга ёрдам бериши керак. Энг аввал талабалар ўзини тутиш мақсадини билиб олишлари керак - ўз хотиралари хусусиятларини ўрганиш, диққати, характерини билиб олиб кейинчалик бу кўрсаткичлардан ўзини тарбиялашда фойдаланиши керак.

Психология ўқитиш жараёнида қуйидаги тасвирий воситалардан кенг фойдаланиш мумкин - фотосурат, суратлар, жадваллар, схемалар, чизмалар, графикларни, намоёниш этиш мазмунини, назарий қоидаларни аниқроқ акс эттириши керак. Фотография ва репродукциялардан «Диққат», «Ҳиссиёт», мавзуларини ўрганишда фойдаланиш мумкин. «Тасаввур» мавзуси билан ишлашда битта мавзуга бир неча рассомларнинг суратларидан фойдаланиш мумкин. Уларни ўзаро таққослаб ва бадиий асар матни билан солиштириб муаллиф кўрсатган тасвирлаш асосида рассомлар тасаввурда образлар пайдо бўлишини, бир биридан фарқ қилишни яққол кўрамиз. Жадваллар, схемалар, графикларнинг фотосурат ва суратларнинг устунлиги шундан иборатки, уларнинг ёрдамида ҳодисалар, улардаги ўзгаришлар боғлиқликларни яққол кўрсатиш мумкин. Мисол учун, жадвалда боланинг ёшига қараб эслаб қолиш жараёнини ўзгариши динамикасини кўрсатиш мумкин. Схемада фақатгина асосийлари кўрсатилади ва талабаларда психик ҳодисалар ҳақида умумий тасаввурлар яратишга ёрдам беради. Мисол учун, анализаторлар тузилиши схемасида ҳамма анализаторлар учун умумий бўлган анатомик тузилиши, вазифаларини кўрсатиш мумкин.

Талабаларнинг идроки улар кўраётган иллюстрацияларни назарий қоидалар билан боғлаб уларнинг асосийсини, муҳимлигига қараб йўналтириб бошқариб бориш керак. Талабалар ўзлари буни тушуниб ва ўзлари асосийсини ажратиб оладилар, деб ўйлаш керак эмас. Мисол учун, турли кўринишни чалғитувчи тасвири жадвални намоёниш этиб, талабаларга қабул қилишда юзага келадиган хатолар сабабларини кўрсатиб бериш, ҳар қандай иллюзияда унинг яхлитлиги, инсоннинг ундаги илгариги тажрибаси, унинг идрок этиши муносабати каби идрок хусусиятларини мавжудлигини тушунтириб бериш керак. Агарда ана шундай тушунтириш берилмаса, идрок қилишнинг хусусияти сифатида иллюзия ҳақида талабаларда хато тушунча пайдо бўлиши мумкин. Лекин машгулотларни иллюстратив материаллар билан ҳаддан ташқари тўлдириб юбориш ҳам керак эмас. Ушбу



психологик тушунча билан боғлиқ бўлганлари билан чекланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўргазмалилик воситаларидан яна бири кинофильм ҳисобланади. Кинофильмнинг бошқа кўргазмали воситалардан устунлиги, унинг динамиклигидир. Фильмларда ҳодиса ва ҳаракатларни кўрсатиб берадилар, улардаги ўзгаришлар жараёни яққол кўринади, булар статистик кўргазмалиликдан иборат эмас.

Мустақил ишларда ва маърузаларда талабаларга илмий тадқиқотлар, педагогик амалиёт, ҳаётда ва бадий адабиётлардаги фактлари билан дуч келишига тўғри келади, улар психологик тушунчаларни аниқлаштириш учун сўзли кўргазмалар воситаси сифатида хизмат қилади. Бу фактларнинг ҳаммаси ҳам талабалар бевосита қабул қилмайдилар, баъзиларини сўзли ифода этиб бериш талаб этилади. Психологик тадқиқотлар жуда кўп амалий материалларга эга, улардан психология ўқитувчиси психика қонуниятларини тушунтириб беришда фойдаланиши мумкин. Машгулотда фойдаланиладиган ҳамма психик фаолият фактлари ўқитувчи томонидан чуқур ўрганилиб чиқилган бўлиши керак. Амалий фактнинг таҳлил қилиниши биринчи навбатда бу фактдан умумий психик қонуниятларни ажратиб олишга қаратилади.

Психология ўқитувчисининг ишларининг муҳим таркибий қисми талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ҳисобланади. Мустақил ишлар бу талабалар олдига уларни ечиш йўллари ва воситаларини мустақил излаши талаб этувчи масалалар қўйиш орқали уларнинг идрок этиш фаолиятларини фаоллаштиради, уларни янада мақсадга интилишини кучайтиради. Натижада талабаларда билимларга талаб ошади, психологияга қизиқишлари ривожланади ва билимларини чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга интилади.

Турли хил мустақил ишлар давомида талабалар психик ҳодисалар ҳақида тасаввурларини бойтадилар, психологик билимларини амалда қўллашга урганадилар. Психологик мазмундаги мақолалардан рефератлар ёзиш ҳам талабанинг илмий фаолиятларидан биридир. Психология ўқитувчиси алоҳида мавзулар бўйича уларни талабалар мустақил ишлаб чиқишлари учун баъзи саволларни ажратиб кўрсатиши мумкин. Бу саволларни ечимини топиш учун мустақил ўқишга зарур бўлган адабиётларни танлаб, алоҳида талабаларга мавзу бўйича реферат ёзишни топширади, уларга ўқиганларини тушунтиришга ёрдам беради, асосий фикрларни қисқача ифода этиб беради.

Реферат психология машгулотларида муҳокама этилади ва ўқитувчи раҳбарлиги остида талабалар хулосалар чиқарадилар. Курснинг алоҳида мавзуси бўйича иллюстратив материаллар танлаш ўқитувчининг топшириги бўйича тажрибалар мустақил равишда фотосуратлар, суратлар, бадий, асарлардан лавҳалар

тўплаб улардан психология машғулотида ўқитувчи томонидан фойдаланилиши мумкин.

Ўқувчиларни кузатиш ва ўзини ўзи кузатиш.

Болаларнинг ўқув фаолияти, уларнинг шулқини турли вазиятларда кузатиб бориш, кузатишлар натижаларини таҳлил қилиб, талабалар ўқитувчига зарур бўлган маҳорат ва кўникмаларни эгаллайдилар. Кузатишлар жараёнида уларда саволлар юзга келади. Бу саволларга жавоблар излаш талабаларни китобга мурожаат этишга, ўйлашга мажбур этади. Болалар ҳаракатларини, уларнинг қолоқлиги сабабларини тушунтиришга интилиб, талабалар психология машғулотида олган билимларидан фойдаланадилар, уларнинг ҳаётий, амалий аҳамиятини тушуниб етадилар.

Ўқитувчининг маслаҳати билан кузатаётганларини ёзиб берадилар: ўз кечинmalarини, фикр, ҳаракатларини, ўзларини кузатиш маълумотларини таҳлил қилиб, талабалар уларда у ёки бу нарсаларни сезиш ва ҳаракатларни келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга интиладилар, ўз характерларида одамларга муносабатларидаги ўзгаришларни кузатадилар.

Бадий адабиёт асарлари ва биографик материалларни таҳлил қилиш. Бадий асар қаҳрамони, болалиги тасвирини, биографик маълумотлар, материаллар кундаликларини таҳлил қилиб, талабалар ундан бола ва ўсмир шахсининг шаклланиши қонуниятларини намоён бўлиши билан боғлиқ аниқ фактларини топадилар.

Психологик тажриба утказиш. Психология фанининг кўплаб мавзуларига оддий, осон амалга ошириладиган тажрибаларни танлаб олиш мумкин. Уларни талабалар ўзлари бажаришлари мумкин. Талабаларга тажриба утказишни топшириб, психология ўқитувчиси улар олдига аниқ мақсадни қўйиши, уни утказишга доир аниқ кўрсатмалар бериши, талабаларга тажриба натижаларини таҳлил қилиб чиқишга ва хулоса чиқаришга ёрдам бериши керак.

Психологик билимларни қўллашни талаб этувчи саволлар – масалалар. Агарда талабалар психик фаолият ва унинг намоён бўлишининг алоҳида фактлари, умумий қонуниятларини излаб, топа олишни ўрганиб олмасалар, уларнинг хотираларида узоқ муддат сақлаб қола олмайдилар, шунингдек психологик билимлар расмийлигича қолади. Масалаларни тузишда психология ўқитувчиси уларнинг педагогик фаолияти давомида юзга келиши мумкин бўлган саволлардан фойдаланиши керак. Бу саволларни талабалар олдига янгиларни тушунтиришда қўйиш мумкин. Улар талабаларнинг мустақил ишлари учун бериш мумкин. Улар жамоа бўлиб муҳокама қилиб жавоблар олгани яхши натижа беради. У ҳолда ҳам бу ҳолда саволларга жавобларни муҳокама қилиш ва тўғри хулосани излаш албатта, бажарилиши керак.

Масалан, мослашиш каби сезги қонуниятини тушунтириб, талабалар олдига шундай савол қўйиш мумкин: «Нима учун оғриққа мослашиш бўлмайди?». Бу саволга жавоб бериш учун оғриқ ҳисларини сигнал сифатидаги аҳамиятини аниқлаб олиш керак. Бу саволга жавоб талабаларга организмнинг муҳитта мослашиши жараёнида сезгиларнинг биологик аҳамиятини тушунтиришга ёрдам беради.

Психологик билимларнинг кенгайиши ва чуқурлашишига психология буйича аудиториядан ташқари машгулотлар ёрдам беради. Аудиториядан ташқари машгулотлар давомида талабалар китоб билан жиддий ишлаш маҳорати ва кўникмаларини эгаллайдилар, оддий кузатишлар ва мураккаб бўлмаган тажрибалар ўтказишга урганадилар. Аудиториядан ташқари ишлар, жамият томонидан қўйиладиган саволларга мустақил жавоблар излаш талабини кучайтиради.

**Савол ва жавоб кечалари.** Ана шундай кечалар аудиториядан ташқари ишларни бошлашда фойдали, чунки талабалар саволларига жавоб бериб, психология ўқитувчиси шу билан психология соҳасида чуқур ишлаш кераклигини кўрсатади ва шу мақсадда тўғарак ташкил этишни таклиф этади. Талабаларни ёзма ҳолда берган саволларини олдиндан гуруҳларига ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу саволларнинг баъзиларига ўқитувчининг топшириги ва ёрдами билан талабалар уларини тайёрлашлари мумкин.

**Психологик тўғарак.** Тўғаракда иштирок этиб талабалар маърузалар ва рефератив ахборотлар беришлари мумкин. Ҳисобот ва ахборотлар мавзулари психология курси дастури мавзуларини тақорламаслиги керак. Уларда дастурга киритилмаган, лекин талабаларнинг турли ҳаётий фактлар билан дуч келганларида илмий тушунчага эга бўлмаган ва шунинг учун кўпинча нотўғри талқин этиладиган саволларни ёритиш керак. Буларга мисол қилиб, шуларни кўрсатиш мумкин: «Туш ва туш кўриш», «Таъсир кўрсатиш, узини ишонтириш ва гипноз», «Психиканинг сирли ҳодисаси», «Шахс ва ақл», «Ҳайвонлар ақллари». Тўғаракларда мисол учун, ана шу саволларни қўйиш ва муҳокама қилиш мумкин:

- Психикага доир материалистик ва идеалистик қарашлар.
- Олий нерв фаолияти физиологияси буйича янги маълумотлар.
- Ижодий фаолият психологияси (бу савол ёшларни ҳар доим қизиқтириб келган).
- Тиббиёт психологияси масалалари (бу ерда инсон психикаси психологик ўзгаришининг баъзи кўринишларини кўриб чиқиш мумкин).
- Шахс иродаси ва характери шаклланиши билан боғлиқ саволлар.

Тугаракда ишлашга қизиқиш одатда хотиржам эркин вазиятда психологияга доир саволлари, талабаларни қизиқтирган муаммолар, уларга янги билимлар берадиган масалаларни урганиб чиқиш билан юзга келади. Талабаларнинг ҳисоботларини муҳокама қилиш жараёнида янги саволлар пайдо бўлади, улар тугаракнинг кейинги машгулотларида муҳокама қилинади. Шу билан бирга баҳслашишдан қочиш керак эмас. Баъзи саволларни билиб туриб муҳокамага қўйиш керак. Бундай тортишувлар талабалар ҳимоя қилаётган қоидаларни мустақил равишда чуқур ўрганиб чиқишни талаб этади. Тортишувлар ақлнинг танқидийлиги ва ўткирлигини ривожланишига ёрдам беради, шунингдек, китобларга мурожаат этиш, қўйилган саволга жавоб излаш, муаммони исбот қилиш, таққослаш ва муҳокама этишга чорлайди. Лекин баҳслашувга яхши тайёрланган бўлиши, баҳс иштирокчилари эса ўз чиқишларини олдиндан тайёрлаши керак.

**Учрашувлар – кечалари.** Бу учрашувлар энг яхши ўқитувчилар, болалар учун театр қўйган режиссёрлар билан, болалар қонунбузарликлари билан шугулланувчи прокуратура ходимлари бўлишлари мумкин. Бу учрашув кечалари ҳам олдиндан тайёрланади. Муҳими талабаларни қизиқтирадиган саволларни белгилаб олиш керак. Суҳбат мазмуни бола шахси шаклланиши ҳақида, болалар психикаси хусусиятлари тўғрисида талабаларнинг психологик билимларига асосланиши керак. Муҳокама этиладиган саволлар орқали улар суҳбатга тайёрланиб боришлари учун талабаларга олдиндан маълум қилгани мақсадга мувофиқдир.

Кичик тажриба тадқиқотлари. Бундай мураккаб бўлмаган тажрибаларни талабалар мустақил равишда ўқитувчи раҳбарлигида ўзлари ўтказадилар. Натижалари ҳақида талабалар тугарак йиғилишларида ёки бунинг учун махсус ташкил этилган мажлисларда ахборот беришлари мумкин. Бу ахборотларда психологларнинг тажриба ишлари натижалари ҳам келтирилиши мумкин.

Талабаларни милициянинг болалар хонаси ишида иштироклари, бу ерда улар назоратсиз болалар оилавий ва турмуш шароитлари билан танишадилар, балогатта етмаганлар ишларини кўришда иштирок этадилар, милиция рўйхатида турувчи болалар ва ўсмирларни индивидуал оталиққа оладилар. Психология ўқитувчилари уларга керакли ёрдам кўрсатадилар, маслаҳатлар берадилар. Аудиториядан ташқарида бажарган ишлари ҳақида маълумотлар психологик тугаракларда муҳокама қилинади.

Болалар билан ишлаб, уларнинг ҳулқидаги четланишларни сабабини аниқлаш ва уларни бартараф этишга интилиб талабалар бола психикаси ва унинг шахси шаклланишини шароитларини яхшироқ тушуна бошлайдилар. Бу фаолият ижодий характерга эга бўлади, талабаларда ўз ишларининг натижаларига эришишга

интилиш уйғотади, тўғри қарорларни мустақил излашга ундайди. одамларга ўйлаб ва эътибор билан муносабатда бўлишга ўргатади.

Талабаларнинг мактабдаги тарбиявий ишлари ўқувчиларни ўрганиш ва уларни психологик тузилишини тавсифлаш ҳамда аудиториядан ташқари ишларда муҳокама этилиши мумкин. Тўғрақ йиғилишларида болаларнинг одоблари, уларга таъсир кўрсатиш чоралари муҳокама қилинади, ўқувчилар мустақиллиги ва фаоллиги ўрганилади, болалар жамоасида юзага келадиган турли муносабатлар, шахс шаклланиши ва унинг ривожланиши билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама этилади.

Ўқиб чиққан китобидаги қаҳрамонларининг ҳаракатлари ва характерларини муҳокама қилиш. Бундай ишларнинг мақсади-одамларнинг психологик хусусиятларини очиш, уларнинг ҳаракатлари ва ишлари сабабларини, ҳаёт шароитларини ва тарбиянинг шахс шаклланишига таъсири ўрганилади. Муҳокама асари танлаганда, унда иштирок этаётган шахсларнинг фикрлари ва ҳиссиётлари, уларнинг ҳаракатлари сабаблари аниқ, яққол кўрсатилган бўлиши керак. Турли синфларда, турли шароитларда шахс шаклланиши ҳақида фикр юритиш мумкин бўлган асарлар қизиқарли бўлади.

Психологик журнал. Унда аудиториядан ташқари турли хил ишлар ҳақида маълумотлар, бирор-бир муаммони муҳокама қилиш, ўқувчилар саволларига жавоблар, турли педагогик ва психологик масалалар, ҳамда янги қизиқарли психологик фактлар бўлиши мумкин. Бошқа газета, журналлар, китоблар мақолалардан фойдаланиш мумкин. Ўқувчилар қизиқишини жалб этиш учун журналнинг бир сонида тушунтириш бермасдан ва ўқувчиларга улар ҳақида ўйлаб кўришни, уларни ўзлари тушунтириб беришларини таклиф қилинган фактни келтириш лозим. Журналдаги фактларни тушунтириш учун фойдаланиш мумкин бўлган адабиётларни келтириш керак. Кейинги сонида талабаларнинг ўзлари топган жавобларини келтириш лозим.

Аудиториядан ташқари ишлар психология ўқитувчисидан кўп вақт талаб этиб, талабаларнинг психологик билимларини ўзлаштириш ишларида жуда самаралидир.

## ПСИХОЛОГИЯ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ФАН СИФАТИДА

1. Олий ўқув юртларида психологияни ўқитишнинг мақсадлари.

Талабаларни ҳар қандай фанларни ўрганишларидан асосий мақсади ҳаётий вазифаларга ва амалий масалаларга илмий нуқтаи назардан ёндашган ҳолда ўрганишдир. Психологияни ўрганишда талаба фанни инсон психологиясининг ҳаракатлари ҳар бир одамнинг шуқ-агвор кўринишларининг хусусиятларини тушуниш ва тушунтириб бериш, шахс психологиясида илмий йўналишларни

таҳлил қилиш мақсадида ва шунинг асосида улар билан кундалик ҳаётда турри муносабатларда бўлишига ўрганиб олиш кераклигини билдиради.

Бу мақсад умумий бўлиб ҳар қандай фанни ўрганишга ҳам тааллуқли бўлгани билан, у фақатгина талабанинг фаолиятига тегишлидир айнан у бунга эришишга интилиши керак.

Ўқитувчи фаолияти ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг фаолияти, талабаникидан фарқли узига хос хусусиятга эга. Талабанинг мақсади - фанни ўрганиш, ўқитувчининг мақсади - уни тадбиқ этишдир. Бу мақсадлар охири оқибат бирлашадилар лекин, мақсадларни қўйиш жараёнида улар турли кўринишга эга бўладилар; талаба ўқитувчидан «билим олишга» интилади, ўқитувчи эса унга ана шу зарур билимларни «беришга» ва мавжуд билимлардан фойдаланишга ўрганишга ҳаракат қилади.

Психологияни ўрганишда ҳар бир талаба ўзининг бўлажак касбидан қатъий назар шахснинг характери ва қобилиятларини темперamenti ва бошқа хислатларини аниқлашда, инсоннинг ҳаракатлари ва қилаётган ишларини баҳолаш ва таҳлил қилишда жамиятда жамоада бошқа одамлар билан шахсий муносабатларда психологик фикрлашга ўрганиб олиши керак.

Шундай қилиб, психологияни ўқитиш, жараёнида талабаларни психологиядан олган билимлари, ўқув мақсадлари асосида таълим жараёнининг унинг натижаларида бирлашади; ундан бошқа одамлар билан муносабатларда илмий психологик билимларига амалий таяниш маҳоратини ривожлантиради ва ўз навбатида айнан психологик фикрлаш маҳорати шаклланишини билдиради. Ўз олдимизга у ёки бу мавзу ва бўлимларни ўқитишни мақсад қилиб қўяр эканмиз, фаннинг турли соҳалари хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Мисол учун назарий (умумий) психологияни тушунтирувчи деб номлаш қабул қилинган, амалий психологияни эса ҳаётий ҳақиқатнинг турли томонларида бу назарияни: психик ҳодисалар ҳолатлари ва вазиятларига амалий қўшимча деб ҳисоблашади. Аммо амалий психология ҳам ҳақиқий психик ҳаётдаги аниқ фактларни тушунтиради жумладан, ижтимоий психология, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини гуруҳлар хулқи ҳодисаларини инженерлик психологияси-инсоннинг техника билан ўзаро муносабати хусусиятларини, педагогик психология ўқитиш ва тарбиянинг самарадорлиги шартлари билан боғлиқ бўлган ҳолатларни, тиббиёт психологияси -- инсон саломатлигини яхшилланиши ва ёмонлашишини сабабларини, харбий психология - инсоннинг хавотирли вазиятлардаги ҳаракатлари хусусиятларини ва шу каби.

Шундай қилиб, амалий психологиянинг вазифаси назарий яъни умумий психология каби тушунтирувчи ҳисобланади лекин

психологиянинг ҳар бир соҳасига тааллуқли қизиқишлар доирасидаги ҳодисаларга нисбатан амалий ҳисобланади.

Психологик билимларни амалий қўллашга келсак, назарий ва амалий психология учун у ҳодисаларни тушунтиришдан иборат бўлади, биринчи ҳолатда – билимлар тор соҳаси нуқтаи назаридан амалий психология аниқ бир назариясини мисол учун инсоннинг ҳуққ сабабларини маълум эҳтиёжларидан келиб чиқиши ҳақидаги умумпсихологик назария асосида тушунтириш мумкин, учувчи синовчининг доимий хатарли ҳаракатлари сабаблар эса авиация психологияси нуқтаи назаридан тушунтириш керак бўлади, чунки талабларнинг ўзи бу ерда аниқ ва ўзига хосликни англаб етишлари керак. Ҳамма нарсада ҳам ҳудди шундай ҳодисаларни кузатиш мумкин.

Энди савол; психологиянинг амалий соҳаларига психологик назария хизмат қилса уни амалий қўллаш деганда нималар назарда тутилиши мумкин? Бу саволга жавоб бериш амалий фанларни ўқитиш мақсади билан боғлиқ бўлади. Бу саволга жавоб ижобий бўлиш керак: амалий эмас балки назарий масалаларни ҳал этишда назарияни амалий қўллаш деб ҳисоблаш мумкин.

Фаолиятнинг умумий психологик назарияси ёки масалан ривожланиш ва ўқитиш (яъни педагогик психология соҳасига) ёки уйин фаолиятида бола шахсини шакллантириш қонуниятларини аниқлашга (яъни ёш психологияси соҳасига) қўллайдиган бўлсак, бу биология қонунларини тиббиёт ёки зоология ўрғанадиган ҳодисаларни тушунтиришга математика қонунларини, қаттиқ жисмлар физикаси соҳаси ўргатадиган ҳодисаларни тушунтириши учун қўллагандек йул тутган бўламиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, психологиянинг умумий назарияси фақатгина амалий психологик фанларда, балки бошқа «бегона» фанларда шунингдек масалан педагогикада ёки социологияда ҳам ҳодисаларни назарий тушунтиришда қўлланилиши мумкин.

Умумий ёки амалий психологик назарияни бошқа яқин бўлган ёки яқин бўлмаган фанларда назарий ўрганиш масалаларига амалиётни қўллаш психологик назарияни амалда қўллашнинг икки туридан бири ҳисобланади. Бири психик ҳодисаларни тушунтириш учун қўллаш деб айтиш мумкин, иккинчиси – психологик ҳодисаларни қайта ўзгартириш уларни тузатиш учун қўллаш деб номлаш мумкин у амалий психология вазифасига киради унинг илмий номи психотехника деб аталади.

Ҳозир биз аниқлаб олганимиздек амалий психологиянинг қоидаси назарий психология қоидаси билан тенг ҳолда психик ҳодисаларни тушунтириш учун қўлланилади. лекин тушунтириш мавжуд бўлган ҳодиса ва воқеаларнигина эмас балки қайта ташкил этишларидан кейин пайдо бўладиганларга ҳам тааллуқли экан; шунингдек, таълим тарбия, психокоррекция, психотерапия ва шу

кабилар. Амалий психология воқеаларни позитив тузатишга ёки керакли янги маълумотларни тадбиқ этишга, ундан фойдаланиш фақатгина тушунтириш эмас, балки қўллаш бўлиб қолади.

Шундай қилиб амалий психология икки турда амалий қўлланилиши яъни аниқ психологик воқеаларни тушунтириш учун (амалий психологиянинг назарий қисми) ва психиканинг у ёки бу томонларини қайта ташкил этиш мумкин (амалий психологиянинг амалий қисми ёки психотехника)

Агарда ўқув юртининг психология ўқитувчиси талабаларнинг ижодий фикрлашларини ривожлантириш билан машғул бўлса, ва бунда махсус интеллектуал машқлар ёрдамига таянса бунда фақатгина назарий психологиядаги назариялардаги ҳақиқатни асослаб бериш, унинг қонуниятларини тушунтириш билан шугулланса, балки амалий психология психотехника билан ёндошади, чунки фикрлаш кўникмаларини амалий шаклланишига назарий психология материалларига таянган ҳолда фикрлаш масалаларини (аналитик семантик) ҳал этиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат бўлади.

Шундай қилиб, психологияни ўрганишнинг умумий мақсади ўқувчиларда (талабаларда) психик ходисалар ва ҳолатларини илмий тушунтириш учун ўз билимларини қўллаб психологик фикрлаш маҳоратини шакллантириш ҳамда инсон шахсининг ривожлантириш мақсадида унинг психикасини қайта ўзгартириш ҳисобланади. Таълим- тарбия жараёнини ташкил этиш, ҳулқ- атворни психологик тузатиш ёки нерв психик касалликларни психотерапевтик даволаш ва бошқалар.

Ушбу умумий мақсад биз юқорида кўрганимиздек қатор аниқ мақсадларга ажратилиши керак. Психологияни ўрганишнинг аниқ мақсадларини ажратиш тамойилларидан бири талабаларни, булажак мутахассис сифатида касбга йўналтириш тамойили ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан ҳам барча талабаларни икки катта гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) кўпчилик - бу психология мутахассислиги талабалари;

2) кичик гуруҳ - бу талаба психологлар. Ҳар икки гуруҳ учун ҳам психологияни ўқитишдан умумий мақсад битта лекин, аниқ мақсадлар уларда турличадир.

Аввало мутахассис - психолог бўлишни мақсад қилмаган кўпчилик талабалар психологияни ўрганишлари, мақсадларини кўриб чиқишдан бошлаймиз.

Агарда умумий мақсад битта бўлса яъни амалий масалаларни ҳал этиш учун назарий билимларни қўллаш орқали психологик фикрлаш маҳоратини шакллантириш бўлса унда савол туғилади. Психолог бўлмаган мутахассиснинг касбий фаолиятига кирувчи қайси ҳаракатларда бу билимларни қўллаш маҳорати керак бўлади.

Машҳур психолог Е.А.Климовнинг фикрига кўра психологик билимлар ҳар қандай психолог бўлмаган мутахассислар учун



«психологик билимдонлик» учун керак чунки унга гоёлар, фактлар, қарашларни бошқаларнинг онгига етказишга тўғри келади. Бир бирини тушунишга ҳаракат қилиш ўқитиш, бошқариш бундан ташқари у «ўзининг ички дунёсини ва ўзини такомиллаштиришни илмий асосда яхши бошқариш» ҳам муҳим ҳисоблайди. Чунки булар фақатгина психолог бўлмаганларгина тааллуқли деб ҳисоблашгина эмас, балки бир хил даражада эканлигини инobatта олиш лозим. Мутахассис психологларга ҳам тааллуқли деб ҳисоблаш мумкин, шунда психолог бўлмаган талабаларнинг ўқишдан мақсадлари бир бирларини тушуниш, ўрганиш, бошқариш учун психологик билимдонлик деб тан олиш қолади. Бу билан ҳар қандай мутахассис ҳам шугулланади.

Бу фикрни тўғри деб ҳисоблаш мумкин лекин қайси билимга қараб одамни етарли даражада психологик билимдонлар ёки етарли билимга эга бўлмаган одамлар қаторига киритиш мумкинлигини аниқлаб олиш мумкин.

Психология масалаларида етарлича билимдонлик чегаралари касбий фаолиятининг ҳар бир соҳаси учун фақатгина ўзига хос бўлиш мумкин. Мисол учун шахта директорининг психологик билимдонлиги шахтиёрлар биргадири психологик билимдонлигидан сўзсиз фарқ қилади. Бу уларнинг хизмат лавозимлари погонаси турлича бўлгани учун эмас балки уларнинг фаолиятлари характерида фарқ бўлганлиги сабаблидир улар турли масалаларни ҳал этадилар шунга қараб одамларнинг ўзаро муносабатларини таҳлил қиладилар ва баҳолайдилар уларни ўргатадилар ва бошқарадилар. Ҳақиқатдан ҳам ҳужалик масалаларини ҳал этиш учун шахта директори иқтисодчи ва юрист консультант билан бир бирларини тушунишлари керак бўлса бригадирда бундай зарурият ҳеч қачон юзага келмаса керак шунинг учун бундай масалаларда психологик билимдон бўлишга унчалик зарурият бўлмайди.

Бошқа турли соҳа мутахассис раҳбарлари учун ҳам психологик билимдонлик ҳақидаги масалада айнан шу ҳолат тақрорланади.

Энди психолог мутахассислиги буйича талабаларнинг психологияни ўрганиш аниқ мақсадларини кўриб чиқамиз. Умумий мақсад – психологик фикрлашга ўрганиш албатта мутахассис бўлмаган психологларга нисбатан янада кўпроқ даражада билимлар захирасига эга бўлиши лозим. Психологик фикрлашга ўрганиш орқали амалий психолог мутахассис ҳисобланмайди. Мутахассис амалиётчи учун бу унчалик муҳим бўлмайди, бироқ психологик фикрлаш, билиш ва маҳоратлари албатта уларнинг обрўсини кўтариши мумкин эди.

Аммо турли йўналишдаги мутахассисликларда (назарий амалий) психологни ўрганиш умумий мақсади билан бир қаторда ўзининг аниқ мақсадлари ҳам бор.

Мисол учун психолог амалиётчи масаласи Низомий номидаги ТДПУ психология факультети талабаси фақатгина психологиянинг академик билимларни ўзлаштирибгина қолмай, балки психологиянинг фундаментал муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни олиб боришга тайёр бўлиш керак, бу билимлар орқали узининг фан ҳақидаги билимларини кенгайтириб боради. Шу билан бирга у психологиянинг амалий соҳасида мутахассис бўлмаслиги ва амалий психология соҳасида юксак маҳорат билан ҳеч нарсани бажармаслиги мумкин. Бундай ҳолат сўнгги чегара бўлсин (ҳақиқатда психолог амалиётчи албатта амалий ишларни ҳам кўплаб бажариши керак) лекин у психолог амалиётчини ўқитишнинг ўзига хос мақсадини яққол намоён этади.

Унинг вазифаси – фанни янада ривожлантириш илмий тадқиқотлар методологияси ва методикасини эгаллаш олиш мамлакатимиздаги ҳамда чет эл назарий психологиясининг ҳозирги ҳолатини билиши, фанни янада ривожланиш манфаатларини талаб қиладиган тадқиқотларни билиш керак.

Бундай мутахассисни ўқитишнинг аниқ мақсадлари унинг моҳияти бўйича психологияни фан сифатида ўргатишдан умумий мақсад – илмий билимларни амалий қўллашни ўрганиб олиш, психологик фикрлашни билиш лекин амалий масалаларни ҳал этишдан кўра кўпроқ назарий масалаларни ҳал этиш учун назарияни қайта ўзлаштириш учун эмас, балки илгари тушунтириб берилмаган психик ҳодисаларни тушунтириб бериш орқали қўллашга ўрганиб олиш керак.

Амалий психологияга ихтисослашган психологни тайёрлашнинг аниқ мақсади бошқача кўринишда бўлади – педагогик иши ҳуқуқий (юридик) инженерлик тиббиёт (килиник) ва бошқалар, тор доирадаги тадқиқотлар аниқ соҳаларида психик ҳодисаларни тушунтириш учун қўлланилиши лозим, узининг амалий қисмида эса (психотехникада) психикани қайта тузиш учун қўлланилади. Амалий психологиянинг бундай икки хил вазифаси ўқитиш мақсадини ва уни талабалар ўрганишларининг мақсадини ҳам алоҳида усулда уз олдимизга киритишимизга мажбур этади. Мақсадни шундай қўйиш бизнингча тўғри бўлади; танланган психология соҳасида психик ҳодисаларни таҳлил қилиш баҳолаш ва тушунтириш учун, ўқувчиларда фикрлаш доирасини психологик шакллантириш ҳақида, психологиянинг ушбу соҳаси инсон психикасини ижобий ўзгаришига, бу соҳасидаги илмий қоидаларини қўллаш ва ушбу усуллари улар ўзлаштириб олишлари лозим. Мисол учун тиббиёт институти талабаси врач бўлишга тайёрланар экан беморни даволаш мақсадида унга психопрофилактик таъсир кўрсатиш, психотерапевтик, психокоррекцион таъсир кўрсатишлар методларини эгаллаб олиши учун клиник психологияни ўрганади. Ҳар қандай мактаб ўқитувчисининг қолақлиги ёки аксинча муваффақиятли

ўқитишнинг психологик сабаблари ҳар бир ўқувчини индивидуал ўрганиб таҳлил қилиш маҳоратини эгаллаши билан белгиланади.

Шу билан бирга психология ўқитувчиси ўз ишини шундай ташкил қиладики ўқитишнинг умумий мақсади - психологик фикрлашнинг шаклланиши асосан маъруза ва семинар машгулотларида эришмасликка ҳаракат қилади; амалий машгулотларга - лаборатория ҳамда мактабларда болалар боғчасида корхона ва фирмаларда юридик консултацияларда, суд ва прократураларда, тиббиёт муассасаларидаги ўқув машгулотларида эгаллайдилар. Шундай қилиб ўқитиш методикасининг самаралилиги биринчи навбатда ўқитишнинг мақсадини англаб етиш ва бунга методик усулларнинг барчасининг қаратилишига боғлиқ бўлади.

## НАЗАРИЙ ПСИХОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Назарий умумий психологияни ва унинг назарий соҳаларини ўқитиш фақатгина мазмуний томонидан эмас, балки методикаси билан ҳам ўз хос хусусиятларига эга чунки ўқитишнинг методикаси доимий равишда энг тушунарли усуллари ва методларини излар экан унда бугунги кундаёқ унинг баъзи бир методик хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

Уларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Психология тарихи бўлими. Психология тарихи - университетлар ва академияларда психология факультетларида ўрганиладиган психология фаннинг соҳасидир, лекин бу амалий эмас балки назарий Фан ҳисобланиб у психологияни ҳозирги кундаги ҳолати унинг репродуктив таҳлили асосида тушунтиради. Психология тарихи қадимгиларнинг психикага (жонга) қарашларидан бошлаб ва у ҳақидаги бугунги кундаги илмий тасаввурлар билан фаннинг ривожлантириш жараёнини унинг динамикасини қайта тиклайди.

Талабалар психология тарихини ўрганишларида фанни вақт давомида ривожланиш мантиқини узлаштириб олишлари муҳим яъни қандай ижтимоий талаблар уни яратгани ва у қандай қилиб уларни қондиришга ёрдам берганини билиб олишлари керак. Психология тарихи фани қадимги даврларидан то бизнинг кунгача ривожланишини кузатади, тушунтиради замонавий назария ва фаразларни чуқурроқ тушунтиришга имкон беради уларга тарихий ёндашишни ўргатади.

Фаннинг ривожланиш мантиқи ва тарихини тушуниш талабаларга ўз имкониятлари онгида ишонч ҳиссини намоён қилиш, миллий психологик билимларни фақатгина адабиётлардан балки шахсий тадқиқотларида, илмий психологиянинг амалий соҳаларида ёки амалий психологиянинг аниқ соҳаларида янги илмий ёки амалий хулосаларга келишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, илмий фикрнинг ўзаро алоқаси қонуний содир бўлади. Турли психологик мактаблар ва йўналишларда ўз аксини топган алоҳида фаразлар, моделлар, фактлар умумлаштириш турлари кўплигига қарамай бунда турли аҳолилар ва ранг-барангликка қарамай доимий жарангловчи «мелодия» мавжуд. У фаннинг бутун тарихи орқали ўтади. Бу унинг ривожланишининг мустаҳкам тузилишларини қамраб олади, унга асос бўлиб хизмат қилади.

Замонавий психология фанини урганар экан, инсон ана шу ўқ чизигидан ўрганиб чиқиши керак. Ана шунда у йўлдан адашмай охиригача илмий психологик фикрларни эгаллаб олишгача ўтади.

Психология тарихини ривожланиши юксак эътибор ва эҳтиёткорона муносабатни талаб этади. Психология тарихининг назарий фан сифатидаги хусусиятлари бир вақтнинг ўзида ҳам психологик фан бўлиши ўқитувчидан бу фан буйича дарс беришда алоҳида методик ёндашишни талаб этади. Икки назарий фанлар – умумий психология ва психология тарихи фанларини ўқитиш кетма-кетлигини қайта аниқлаш лозим. Баъзан психология тарихи олдин ўқитилади, баъзан аксинча, кўпинча эса улар биргаликда олиб борилади.

Агарда психология тарихи буйича маърузаларда кейинчалик хато деб ҳисобланиб йўқ қилинган қарашлар баён этилса, лекин талабалар ҳам бу муаммоларга замонавий қарашларни билмасалар, унда тарихий жараёни мантиқий мос равишда тушунтиришда жиддий қийнчиликлар юзага келади. Улар замонавий психология категорияларини билмай, бутунги кунгача кашф этилган психологик, механизмларни ва бошқа нарсаларни билмай бир бирини тўлдириб келган турли психологик мактаб ва психологларнинг назариялари ва қарашлари ҳақидаги тарихий маълумотларни танқидий қабул қилиш ва уларнинг фан тарихида тутган урнини тўғри баҳолаш, фаннинг ривожланишига қўшган ҳиссаларини билиб олиш имкониятига эга бўлмайдилар.

Талабаларга қачонлардир ривожланган бир назариянинг кейинчалик эсдан чиқарилиши ва замонавий психологияда ҳеч қандай роль ўйнамаслигини тушуниши баъзан қийин бўлади. Улар мисол учун Р.Декарт ва И.М.Сеченовларнинг рефлекс тушунчаларидаги асосий фарқни кўрмайдилар. Психология тарихида ҳақиқий ривожланиш сифатида қолдирган И.М.Сеченовнинг рефлекторлик назариясини XVII асрда Р.Декартнинг рефлектор ёйи кашфиёти билан таққосланганда янгилик нималардан иборат?

Бундай мисоллар жуда кўп улар замонавий психологик қарашлар билан дастлаб танишиб олмай туриб психология тарихини ўзлаштириш қийин бўлишини кўрсатади.

Агарда психология тарихи умумий психологиядан кейин ёки ҳеч бўлмаса назариядан кейин ўрганилса, унда бу қийнчиликлар

анча камроқ бўлар эди. Психологик фикрлашнинг ривожланиши тарихий мантикни ва доимий равишда умумий психологиянинг замонавий назарияларига мурожаат этиш, ўқитишда психик ҳолатларга амал қилиш у ёки бу қарашлар, концепциялар, назарияларнинг нотўғри эканлиги сабабларини тушунтириши керак. Психология тарихини ўрганишнинг бошқа бир қийинчилиги қадимги ва ўрта асрдаги гоё ва фикрлари аллақачон эсдан чиқиб кетган ва баъзан жуда ҳам содда психологик тасаввурларни шу билан бирга хато ва мантиқсиз деб тан олинган баъзи замонавий назарияларни ва илмий психологик фикрлар йўналишларини ўрганиш зарурлигини тушунмасликлари билан боғлиқ. Ҳозирги замонда тўғри йўл тутиш ва келажакни таҳлил қилиш асосийси эса психология ривожланишининг ижтимоий тарихий жараён сифатида объектив қонуниятларни ижодий ўзлаштириш учун ҳақиқий тарихий ролини тушунмаслик ва тўғри баҳоламаслик талабага ҳалақит беради.

Талабанинг ўз фикрини психология тарихининг умумий психология билан ҳамда унинг аниқ соҳалари билан боғлиқлигини таҳлил қилишга йўналтиришга ёрдам бериш учун муаммони ўқув масалалари каби методик воситалардан фойдаланиш мумкин. Масалалардан шундай саволлар қўйиладики, талаба психология тарихини ўрганар экан замонавий назарияга мурожаат этиш ва аксинча умумий психология ёки психологиянинг бошқа замонавий соҳасини ўрганишда унинг ўрнини фан тарихида пайдо бўлиши ва ривожланишини таққослаш керак бўлади.

Бу талабага замонавий жуда долзарб ҳисобланган психологик назариянинггина эмас, балки унинг ривожланиши ва яқин тарихини ҳам ўрганиш мазмунини тушунишга фан тарихида юзага келган ва инсониятнинг психик тушунишда илгари олиб борилаётган ҳар бир янги гоёларнинг объектив ижтимоий зарурлигини тушунишга ёрдам беради.

Психология тарихини ўрганиш бўйича юқорида кўрсатилган хусусиятлари ва уни талабалар ўзлаштиришлари, қийинчиликлари бўйича аниқ бир хулосага келиш мумкин: ўқитувчи учун узига хос методик вазифа - талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш уларнинг маъруза эшитишларидан бошлаб, то мустақил ишлар билан яқунланиши ҳисобланади. Тарихий ҳодисаларни узоқ даврларда содир бўлганлиги ва шу сабабли уларни бевосита кузатиш имкониятини йўқлиги, субъектни ўрганувчи учун биттагина тарихий фикрлаш кучи билан тушунтириб беради. Шундан келиб чиқиб, ўқитувчи учун ҳам «битта йўл қолади-талабаларга керакли ўқув масалаларни мустақил бажариш учун имкониятни яратиб бериб, уларнинг фикрлаш фаолиятларини бошқариш, маърузаларда ҳамиша фактларни юзаки келтириш, китобдан матнларни оддий айтиб бериш усулида эмас, балки маълумотларни баён этиш ва мулоҳаза услублари ва кейинги

семинар машгулотлари ҳақида гапирадиган бўлсак, уларни дастурлаштирилган таълим методи ёрдамида бошқариш яхши бўлади; ўқилган маърузалар ва тавсия этилган адабиётларда баён этилган ўқув материалларини мазмуни ва мантиқига талабаларни аниқ ва тўғри йўналтирувчи муаммоли саволлар тўплаш (ўқув вазифаларини) тузиш керак. Семинарда талабалар фикр юритиб бўлган мустақил ишлар асосларини ташкил этган масала саволарининг мазмунини муҳокама этиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, психология тарихини ўқитадиган ўқитувчининг асосий ишини қуйидагича ифода этиш мумкин. Муаммоли маърузани баён этишда талабаларнинг мустақил ишларини дастурлаштириш орқали семинар машгулотларидан ижодий мунозараларга айланади.

Умуман олганда психология тарихи бўйича маърузани бутунги ҳолатга олиб келган уни босиб ўтган йулини репродуктив таҳлил қилиш асосида ҳозирги давр ҳақидаги суҳбатга айлантиришга ҳаракат қилиш керак. Албатта кўпчилик талабалар психология тарихи бўйича аниқ асосларни тушуна олмайдилар ва фан бўйича билимларнинг ягона манбаи ўқитувчининг маърузалари бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун уларнинг сифати учун жавобгарлик маъсулияти жуда юқори бўлади. Талабалар учун жуда ҳам ноқулай вазиятни ўқув дастури бўйича талабалар керакли адабиётларнинг йўқлигини ҳисобга олиб, маъруза қандай талабаларга жавоб бериш керак.

Биринчидан маъруза мазмуни шундай тузилишига ҳаракат қилиш керакки, психология тарихининг асосий давлари ва босқичлари қисқа шаклда ва аниқ мантиқий баён этилсин. Талаба ана шу даврлар погоналаридан юқорига олиб чиқувчи уни тараққиётга олиб келувчи босқичларини кўриши муҳимдир.

Иккинчидан, катта аҳамиятли илмий кашфиётлар билан боғлиқ ҳодисаларни тарихий (хронологик) кетма - кетликда баён этиш керак, уларни шундай қўриш керакки илгариги илмий маълумотлар асосида пишиб етишиши мантиқи ва уларнинг айнан ана шу тарихий даврда пайдо бўлишини объектив сирлари кўрсатиб берилсин. Талаба ҳодисалар тартибида фақатгина давр боғлиқлиги эмас, маълум мантиқ ва ижтимоий ҳаёт талабларига бўйсинувчи илмий фикрнинг ҳаракатини кўра билсин.

Учинчидан, психология тарихи фанининг ривожланиши мантиқий ва даврий боғлиқликларида ҳодисалар маълум тартиби сифатида баён этилиб, ўқитувчи асосий тушунчалар, илмий мазмунлашган ёки ушбу фаннинг жуда кенг тушунчаси сифатидаги категорияларнинг узгарганлигини эсдан чиқармаслиги керак, бунда атамалар илгаридан қолган бўлиши мумкин. Мисол учун рефлекс, образ, сабаб, шахс, интеллект ва ҳоказолар тушунчаларини талқин этишда турли вақтларда турлича мазмунлар таклиф этилган. Балки психология тарихига боғлиқ охирги мақолалардан фойдаланиб, бу

соҳа тушунчаларини таҳлил қилиш буйича махсус маърузалар ташкил этиш керак бўлади.

Туртинчидан, ўқувчига қачонлардир аниқ янги хулосага олиб келган фандан муҳим ҳар бир ҳодисани ушбу муаммога замонавий қарашлар билан боғлиқликда кўрсатиб бера олиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

Куйида ўқитувчи танлаб олиб ёки тулалигича фойдалана оладиган йўналтирувчи саволлар рўйхати келтирилади.

Биринчидан, маърузалар учун улар психология тарихидан алоҳида даврларни муаммоли баён этиш учун методик материал булиб хизмат қилади.

Иккинчидан, назарий консультация сифатида ўқитувчининг маълум дастлабки тушунтиришлари билан ўқув вазифалари, талабаларнинг мустақил ишлари ва бошқалар.

Учинчидан, семинар машгулотларида, мунозараларда қўллаш имконини беради.

Семинар машгулоти учун топшириқ ва саволлар:

1) Одамлар қадимги даврлардаёқ ҳаётининг муаммолари билан қизиққанлар, у ҳозирги кунда психик ҳолат сифатида маълумдир. Лекин уни содда тушунтирганлар. Масалан ибтидоий жамиятда жон фақатгина инсонда эмас, балки жониворларда, ўсимликлар, буюмларда ҳам бор деб тасаввур қилинган. Шу билан бирга бу жон «танадан» мустақил мавжуд бўлади деб тушуниланган (психикага **анимизм**, : жон ва тана параллел ва бир - бирига боғлиқ бўлмай мавжуд бўлади). Мазкур натижалар асосида бундай қарашлар юзага келган, улар қандай кузатишларга асосланган? Нима учун улар баъзи замонавий диний эътиқодларда мажбурий элемент кўринишида ҳозирги пайтгача мавжуддир?

2) Эраимиздан аввал V-VII асрлар натурфалсафаси вакиллари (Фомас Анаксеман Гераклит) анимизмни энгиб аниқ янги таълимот геологизмни яратдилар. Жон бутун материяда мавжуд яъни жон энди материянинг мустақил иккинчи қисми эмас балки унинг ажралмас қисми «жонли материя» деб тушунилади. Бунинг мазмунини тушунтиринг.

3) Нима учун натурфайласуфларининг геологизми улардан кейинги келган атомистларни қониқтиради, эраимизнинг V асрларида файласуф материалистлар - Демокрит, Эпикур, Лукреций улар натур файласуфлари гоёларини янада ривожлантириб жонга «танани жонлантирувчи» орган сифатида кушиб талқин қилдилар, орган жонни бошқаради. Ёки бошқача айтганда ақл жон ва қалб тана органлари кичик шарсимон энг ҳаракатчан атомлардан ташкил топади. Атомист олимларнинг таълимотидан психологик дунёқарашларнинг ривожланишида илгари қўйилган қадамлар нимадан иборат ва нима учун сиз бундай деб ҳисоблайсиз?

4) Психикани тушунтиришда атомистлар биринчи улкан муваффақиятларга эришдилар психиканинг физикага боғлиқлигини унинг анатом - физиологик жараёнлари (материализм) қонунларига буйсинишини кўрсатадилар. Уларнинг таълимотларининг қарама-қаршилиги шу вазиятда психика орқали купгина нарсаларни тушунтириб булмаслигидир. Мисол учун абстракт фикрлаш шахснинг маънавийлик шароитини, ҳулқини мажбурий бошқариш, мақсадни танлаш ва шу кабилар. Нима учун атомистлар қарашлари урнига идеализмнинг вужудга келганини тушунтириб беринг. (Эрамиздан аввалги 428-348 йилларда Платон) Идеализмнинг юзага келиши психологик тасаввурлар ривожланишини илгари босқичи томонидан белгилаб қуйилганини исботланг?

5) Жон ва тана нисбатларига Аристотель нима янгилик киритганини тушунтириб беринг? Аристотель Платоннинг дуализмини йўқотди деб айтиши мумкин?

6) Психологик қарашларни идеалистик ёки материалистик йўналишларда ривожланишининг келажак нуқтаи назаридан билимларнинг «психика» ичида дифференциаланиши бошланишини (Гален эрамиздан аввал II аср) сиз қандай баҳолайсиз?

7) Онгни идеалистик талқин қилиш (Э.ав. III-V асрлар Платон Августин) ва унинг интроспекциянинг психология методи сифатида юзага келиши билан алоқаси, замонавий психологияда психик ҳодисаларни урганиш интереспектив методининг кўринишлари борми? (Агарда бор булса мисол келтиринг агарда йўқ бўлса, қандай қилиб унинг нообъектив метод шароитида умуман йўқлигини нима билан тасдиқлаймиз?)

8) Р.Декартнинг (1556-1650) психиканинг рефлекторли табиатини кашф этиши, бу кашфиётнинг инқилобий характери нимадан иборат? Ҳозирнинг рефлектор схемасини бутун психикага тарқата олмай Декарт нималарни аввалги ҳолатларида қолдиради?

9) Декартнинг рефлекс ҳақидаги материалистик таълимот муаммолари нима учун материалистлар Гоббс (1588-1679) ва Спинозалар (1632-1677) томонидан тан олинди. Декартнинг қарашларида нималар идеалистик эди?

10) Психологияда детерминизм принципини эълон қилиниши ва ҳимоя қилинишида Гоббс ва Спинозаларнинг хизматлари уларнинг рухий ҳодисаларни тушунтиришда механик қонунларни қўллашларини қандай баҳолаш мумкин, психикани илмий қарашлар ривожланишида ўсиши тараққиёт сифатида ёки уни орта сурувчи сифатидами?

11) Лейбниц (1646-1716) психикада онгсизлик тушунчасини илгари сурди (перцепция - қабул қилиш, апперцепция - идрок, қабул қилиш) ва идеалистик қараш ҳисобланиб, борлиқ куплаб руҳлардан ташкил топган деб ҳисобланади. Шунга қарамасдан айнан идеалистик ҳолатларда илмий психология куплаб



янгиликларни киритди. Нима учун материалистлардан кура, кўпроқ уни амалга ошириш насиб этди?

12) Фанда ва ҳаётда XVII-XVIII асрларда ҳукмронлик қилган рационализм иккинчи уринга тушиб, биринчи уринга сенсуализм ва эмпиризм чиқиб келади. Бу XVIII асрда илгор мамлакатларда ишлаб чиқариш инқилобининг ривожланиши билан боғлиқ эди. Агарда у психологияга ҳам таъсир кўрсатган бўлса, сиз бу боғлиқликни қандай тушунайсиз?

13) Нима учун Джон Локкни (1632-1704) эмпирик психология-сининг яратувчиси деб ҳисоблаш қабул қилинган? Эмпирик психологиянинг мазмуни ва унинг ривожланишига асос солган Дж.Локкнинг асосий гоялари нималардан иборат? Дж.Локкда дуализм нимада намоён бўлди?

14) Дж.Локкдан кейин психологик қарашларнинг ривожланиши икки йуналишдан иборат бўлади яъни идеалистик ва материалистик шу билан бирга икки йуналишнинг вакиллари ҳам Дж.Локкнинг гояларига таянади.

Материалистлар Гартли (1705-1757), Дидро (1773-1784) ва Дж Беркли (1685-1783) бошчилигидаги идеалистларнинг қарашларида уларнинг гоялари Дж.Локкнинг гояларининг мантиқий давоми эканини кўрсатиб беринг?

Нима учун Дж Локк таълимотининг иккига ажралиши сабабини тушутиринг?

15) Рефлексия ҳақидаги Дж.Локкнинг фикри ва ҳамма билимлар тажрибадан келиб чиқишига ўзининг қарашлари билан қарама-қарши чиқишининг қандай тушунтириш мумкин ва у психологиянинг Дж.Локкдан кейинги ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?

16) Ассоциация қонунини психологиянинг асосий қонуни деб тан олиниши ва ассоцианизмни ҳукмрон психологик йуналиши сифатида пайдо бўлиши?

Ассоциация қонунини материалистик Гартли, идеалистик Беркли ва бошқалар томонидан талқин этилиши замонавий психологияда психик ҳаётдаги ассоциация қонунининг ривожланиш ўрни ҳақида нималарни биласиз?

17) Ассоцианистларнинг фикрича бутун психик ҳаётнинг бошланғич нуқтаси, ташқи таъсир кўрсатиш ҳисобланади деган гояларга қарама-қарши, шу вақтнинг ўзида қобилиятлар ҳақидаги таълимот ҳам ривожланади. Қобилиятлар ассоциациялардан келиб чиқмайди ва уларга айланмайди улар психикага ички узига хосликка эга яъни ташқи таъсирлардан қатъий назар унинг тугма хусусиятини ташкил этади. Ана шу икки нуқтаи назарларда психиканинг келиб чиқишига доир замонавий қарашларга сизнинг фикрингиз қандай? (Хусусан қобилиятлар масаласига ҳам).

18) Психиканинг фаолияти, вазифаси ҳақидаги таълимотнинг ривожланиши (XVIII-XIX асрлар) физиологияда уша пайтларда

психиканинг (рефлекс) механик ҳаракатлар билан мос келмаслиги ҳақидаги юзага келаётган тасаввурларни тулдирган ҳолда ҳис этиш ва ҳаракатлантириш нервларининг ўртасидаги фарқларнинг очилиши (И.Белли ва Ф.Мажанди) нималардан иборат?

Рефлекс фалсафий тушунчадан тажрибалар билан тасдиқланган моддий биологик фактга айланди; сезувчи нервларга таъсир этиш нерви импульси нерв марказига орқа миёна, ундан утиб ҳаракатлар нерви бўйича мускулларга ёй шаклига эга рефлекснинг йўли ана шундай бўлиши мумкинми? (Рефлектор ёйи).

Ана шу маълумотлар билан организмга хос икки даражали ҳаракатлар беихтиёр (онгли) ва ихтиёрсиз (онгсиз) равишдаги ҳаракатлар ҳақида XIX аср биринчи ярмидаги физиологияда умумий қабул қилинган тасаввурларни асослаб беринг.

19) Психологик билимларда қарама қаршилиқлар ҳам мавжуд эди. Бир томондан психикада ҳамма нарса рефлекс билан тушунтириш яъни ташқи таъсир кўрсатиш ва унга жавоб қайтариши сифатида, лекин бошқа томондан фақатгина инсоннинг эмас балки жониворларнинг ҳам турли шароитларга ўз хулқларини мослаштириш қобилияти фаол мақсадга мувофиқ ҳаракатларни рефлекс билан тушунтириш мумкин эмас эди.

Ассоциация тушунчаси ҳам нервларнинг механик боғлиқликлари янги шароитларга мослашиши, олдиндан кўра билиши ва шу каби мураккаб ҳаракатларни тушунтириб бера олмас эди.

И.М.Сеченов (1829-1903) ўзининг «Бош миёна рефлекслари» асарида (1863) «онгли ва онгсиз ҳаётнинг ҳамма ҳодисалари келиб чиқиши бўйича рефлекс демакдир» - деб исботлаб, ана шу қарама-қаршиликдан чиқиш йўлини топади. Унинг танланган фалсафий ва психологик асарлари тушламига қаранг (М. 1947, 176 бет)

Талабаларга саволлар И.М.Сеченов психологияга нима янгилик киритганлигини кўрсатиб беринг: а) рефлекс тушунчаси; б) психика ва онг ўртасидаги нисбатлар тушунчаси; в) психика миёна вазифаси сифатидаги тушунчаси; г) билиш жараёнларининг мослаштириш ҳодисасини таъминлаш бўйича бошқарув ҳаракати сифатидаги ролини тушуниш; д) миёнанинг махсус бўлимларида ташқи дунё ҳақидаги маълумотларни сақланиши ва қайта ишлаш рефлекс бугини сифатида миёна тушуниш;

20) И.П.Павлов (1849-1936) И.М.Сеченовнинг назарий хулосаларига таяниб, жониворларнинг одамнинг ҳам ташқи муҳит билан ўзаро алоқаларини миёна томонидан бошқарилиши қонуниятини кашф этди шунингдек у иккинчи сигналлар тизими ҳақидаги таълимот деб аталди. Шартли рефлекс тушунчасининг мазмуни нимадан иборат? I ва II сигналлар тизимининг моҳияти? Бу психика ва рефлекс тушунчаларининг мазмуни қандай қилиб илгари қарашлар билан ўзаро муносабатларда бўлади?

21) XX асрга келиб, психологик билимлар ривожланиши қадимгиларининг анимистик тасаввурларидан тортиб то психика ҳақида объектив дунёнинг субъектив образи сифати ҳақидаги тушунчагача бўлган йўлни босиб ўтди. Қандай қилиб турли даврларда фан томонидан ишлаб чиқилган фактлар охир оқибат психика объектив дунёнинг субъектив образи сифатида эканлиги ҳақидаги хулосага олиб келишини, бу йўлдаги асосий даврларни кўрсатиб ўтинг?

22) XX аср бошларида психология фанида инқироз даври бошланди. Унинг моҳияти ва сабаблари нимада улар XX аср охирига келиб бартараф этилдимми?

23) XX асрнинг биринчи ярмида психологиянинг ривожланиши унинг муаммоларини ишлаб чиқиш, илмий асосларини яратиш даври бошланади. Мамлакатимиз ва чет эларда кўлаб илмий мактаблар ва йўналишлар юзага келди шунга мувофиқ улардан асосийларини кўрсатиб ўтинг.

Талабалар учун қўйидаги саволларга қисқача таъриф бериш таклиф қилинади.

1. Ҳар бир мактаб психологияга нима янгилик киритди?

2. Ушбу йўналишдаги изланишларга нима сабаб бўлди?

3. Тадқиқотларда психика ҳақидаги илмий билимлар тараққиётида қандай роль ўйнайди. (фаразлар, хулосалар, кашфиётлар).

4. Бу хулосаларнинг психология учун замонавий аҳамиятлари қандай?

5. Психологиядаги кризис муаммосини ўрганиш юзасидан янги мактаблар ва йўналишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини нималарда куришимиз мумкин?

а) Бихевиоризм; б) Гештальтпсихология;

в) Фрейдизм ёки психоанализ ва нофрейдизм;

г) реактология ва рефлексология; д) генетик психология; е) когнитив психология; к) Л.С.Выготскийнинг маданий-тарихий назарияси; з) Л.С.Выготский, Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьевларнинг фаолият назарияси;

24) Талабаларни мустақил фаолиятларини таъминлаш мақсадида қўйидаги тошшириқлар мажмуасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

1) 1917 йилгача Россияда психологияни ривожланиши тарихи юзасидан фикр мулоҳазаларинигизни ёзма тарзда баён қилинг?.

25) Ҳозирги даврда Россияда ривожланаётган замонавий психологиянинг асосий соҳаларини айтиб беринг. Улар томонидан илмий психология ривожланиши борасида қандай янгиликларни киритганлигини кўрсатиб беринг?

26) Қўйидаги масалалар бўйича ўзингиз учун умумлаштирувчи хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинг:

26.1. Психология тарихини урганишда бўлажак психолог сифатида қандай амалий билимларини қўлга киритдингиз?

26.2. Психология тарихи фанининг ўқитилишида қайси муаммолар адабиётларда сиз учун етарлича урганилган айрим мавзуларнинг мазмуни тўла очиб берилмаган ва шунинг учун талабаларга унчалик тушунарли эмасдек туюлади: балки бу муаммоларни ҳал этиш фан тарихида қандай ўрин эгаллаганлиги ёки ҳозирги даврда бу қандай аҳамият касб этишини аниқлаш билан боғлиқдир.

26.3. Қўйидаги муаммоларни ишлаб чиқишда қайси илмий мактаблар ёки олимнинг хизмати аҳамиятли бўлганлигини айтиб бера оласизми?

Нерв системасининг рефлекторлик фаолияти психик фаолиятнинг асосий физиологик шарти:

- онгсизлик ва унинг онглилик билан нисбатлари;

- инсоннинг психик ривожланишининг маданий-тарихий концепциялари;

- фаолият назарияси.

27) Тинглаган маърузаларингиз ва ўқиб чиққан адабиётларингиз асосида қўйидаги кўрсатилган асосий тушунчалардан бирортаси илмий мазмунини аста-секин ўзгаришини таҳлил қилиш асосида психология фани ривожланишининг тарихий жараёндаги назарий қарашларини ўзгариб боришини ўз тушунчангиз орқали баён қилиб беринг; образ, сабаб, рефлекс, шахс ҳаракат (фаолият), психика, онг келтирилган топшириқлар тартиби психология тарихи буйича адабиётларни талабаларга ҳар доим етишмаслиги бу фан буйича дарсликларни умуман йўқлигини ҳисобга олиб тузилган.

Уйлаймизки мазкур савол - топшириқлар психология тарихининг асосий муаммоларини маърузаларда баён этиш ва семинар машғулотларида муҳокама қилишда ўқитувчига энг қисқа ва самарали йўллارни танлашга ёрдам беради.

## УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу фанни ўқитишнинг асосий мақсади - талабалар томонидан психик фаолиятнинг умумий қонуниятларини ўзлаштирилиши ҳисобланади. Умумпсихологик назариялар, билимлар уларнинг психологиядаги амалий баҳолари хусусан ёш ва педагогик, ижтимоий соҳаларни урганишларининг асосини ташкил этиши керак. Психология фанининг замонавий ютуқларини ўзлаштириш талабага ундан аввал қандай қарашлар ва назариялар юзага келгани ва қай даражада улар илмий тараққиётга ёрдам беришига, барчасига онгли равишда ёндашишга имкон беради.

Умумий психологияни ўрганиш психология тизимидаги бошқа ўқув курсларини ўзлаштиришда методологик аҳамиятга эга,

чунки умумий билимларсиз хусусиятларни тушуниб олиш мумкин эмас. Бундан келиб чиқиб, маъруза ўқишда ва адабиётлар билан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда талаба учун ҳар бир янги илмий қоидани ҳаётда кузатиладиган психологик ҳодисалар билан тушунтириш, балки улар ишларини қандай тушунтирилганлиги ва замонавий умумий психологияда қандай тушунтирилиши билан ҳам таъқослаш зарур ҳисобланади. Маъруза мавзулари фаннинг ранг-баранглиги, бўлимлар мазмунида психологиянинг асосий муаммоларини тўпланиши, бир-бири билан боғлиқ тушунчалар тизими сифатида баён этилиши мумкин бўлиши учун бир нечта катта бўлимларга жамланганлиги мақсадга мувофиқ буларди. Шунга мувофиқ амалий ва семинар машғулотларидан киритилиши мумкин бўлган тафсилотлари ҳақида маърузаларда батафсил гапириб ўтиш керак бўлмайди. Мисол учун идрок этиш психик жараёнларнинг ҳар бирига батафсил тавсифнома бериб ўтиш зарурияти бўлмайди, лекин уларнинг фаолияти давомида улар ўртасидаги узаро алоқалар ва боғлиқликларига талабаларни эътиборини қаратиш уларнинг вазифаларини кўрсатиш керак. Кейинги семинар лабораториялар, амалий ишлари давомида улар фақатгина назарий эмас, балки амалий тажриба орқали чуқур ўрганиш мумкин бўлади.

Шу билан бирга аудиторияда талабаларнинг касбий хусусиятларни ҳисобга олиш керак. Мисол учун, педагогика олий ўқув юртининг математика факультетига ўқувчиларнинг математик қобилиятлари борасида назарий асосларини чуқурроқ ўрганиш ва бўлажак ўқитувчиларни болаларда математик қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш методикаси билан қуроллантириши мумкин бўлади.

Бериладиган соатлар сонига қараб маъруза курслар буйича турли вариантларда бўлимларга ажратилган бўлиши мумкин. Масалан, умумий психологиянинг ҳамма муаммолари бешта, олтита ёки еттига маъруза бўлимларга ажратилган бўлиши мумкин. Бу берилган соатлар сони ва ўқитувчининг фикрига боғлиқ бўлади.

Қуйидагича вариантлар учрайди.

1. Психологияга кириш. Шахснинг идрок этиш жараёни. Шахснинг эмоционал - иродавий соҳаси, шахснинг психологик хусусиятлари (бешта бўлим).

2. Умумий психология фан сифатида, унинг объекти ва предмети фаолият психологияси, шахс психологияси ва идрок, эмоционал иродавий соҳаси, характери ва темпераменти, шахснинг қобилиятлари ва йўналганлиги (олтита бўлимлар).

3. Психология фан сифатида ва унинг асосий соҳалари фаолият психологияси, шахс психологияси, шахс фаолиятида идрок этиш жараёнлари, фаолиятда эмоция ва идрокнинг ривожланиши, таълим тарбия психологияси муаммолари, муносабатлар

психологияси ва шахслараро муносабатлар психологияси (етита булим).

Ўқитувчи нимага асосий эътиборни кучайтиришни хоҳлашига қараб уларнинг ҳар бирига турли миқдорда соатлар ажратилиши мумкин. Мисол учун бўлажак ишлаб чиқариш ташкилотчилари ва жамоа раҳбарлари учун фаолият психологияси ва шахслараро муносабатлар психологиясининг муаммоларини яхшироқ билиб олишлари, бўлажак ўқитувчиларда эса шахс психологияси ва унинг ривожланиши, таълим ва тарбия психологиясини билиши билан боғлиқ бўлади.

Семинар, амалий ва лаборатория машғулотида маърузачи режалаштирилган саволларини ечимини топиши керак. Шу билан бирга назарий хусусиятдаги маърузалардан фарқли равишда улар талабаларда психологик ҳодисаларни урганиш ва қайта ўзгартириш учун амалда назарий билимлардан фойдаланиш маҳоратини шакллантиришга ҳамда шу билан уларни амалий вазиятларда психологик тўғри йул тутишга ўргатишга қаратилади.

Албатта маърузада бўлгани каби машғулотларда ҳам ўқитувчи ўқитишнинг фаол методларидан фойдаланишга ҳаракат қилади ва талабаларни илмий ва амалий муаммоларни таҳлил қилиб, психологик категориялар билан фикрлашга ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бу мақсад маърузаларда бўлгани каби (муаммоли баён этиш учун) талабаларнинг мустақил ва амалий машғулотида (семинар лабораториялар) ўқув топшириги сифатида муаммоли саволлар ҳамда вазифалар ёрдамида эришиш мумкин.

Бу савол - масалалар шундай тузилиши керакки, улар талабаларни фаннинг асосий муаммолари ҳақида мулоҳаза юритишга йўналтирсин; биринчидан, психик фаолиятнинг умумий қонуниятларини ўрганиб, билиб олишга; иккинчидан, ҳаётий вазиятларда психиканинг ҳақиқий кўринишлари мос равишда уларни тушунишга; учинчидан, фанда уларни идрок этиш тарихий мантиқий жараён сифатида ўйлангирсин;

Шундай қилиб талаба китобдаги матнлардан четга чиқиши орқали, ҳаётий ҳақиқатга яқинлашади ва уларни маърузадан ёки китобдан ўқиб билиб олган назарий қоидалари нуқтаи назаридан тушунишга ҳаракат қилади.

Қуйида ўқув топшириқлари учун таҳлилий саволлар ва масалалар келтирилади, улар асосан талабаларнинг фикрлаш фаолиятларини фаоллаштиришга қаратилган. Улар ўқитувчиларга ёрдам сифатида педагогик масалаларни ҳал этиш учун тузилган баъзи саволлар талабаларга ўқув топшириқлари таркибида мустақил фаолиятлари учун ва бу ишлар натижаларини кейинчалик семинар ёки амалий машғулотларда муҳокама этиш билан берилиши мумкин. Талабалар учун мураккаб бўлган саволларнинг бир қисми ўқитувчи томонидан бериладиган

маърузалардан фойдаланиш мумкин. Шу ўринда талаба ана шу қийин бўлган саволларга ўзи учун жавоб олади. Бундан ташқари ўқитувчи саволларни ўзгартириши мумкин ёки аниқ ўқув талаблари асосида ўз саволларини тузиши мумкин.

Демак, ўқув топшириқлари;

1) Ушбу топшириқнинг саволи I курс талабаси учун жуда қийин бўлиши мумкин. Шунинг учун маърузада муаммоли баён этиш орқали фойдаланиш мумкин. «Психология» фан сифатидаги мазмуни нимадан иборат? Бу масалада дарслик ва лугатларда турлича нуқтаи назарлар мавжудлигини қандай тушунтириш мумкин?

1. Психологиянинг предмети - «психик ҳаётнинг аниқ ҳодисалари» (Умумий психология дарслигида)

2. Психология «психиканинг ривожланиши ва фаолияти қонуниятларини ҳаётий фаолиятнинг алоҳида шакли сифатида» ўрганади.

3. Психология - инсонинг ва жониворларнинг объектив реалликларини ҳис этиш, қабул қилиш, тушунчалари, сезги ва психиканинг бошқа ҳодисалари шаклида акс эттиришнинг фаол жараёнини ўрганади (психологик лугат).

4. Психологиянинг ўрганиш предмети кўплаб субъектив ҳодисаларни ўз ичига олувчи инсон ва жониворларнинг психикасини ўрганади. Психика - психологияда ўрганиладиган барча психик ҳодисаларнинг тўпламини ифода этувчи умумий тушунчадир.

Психология - ҳақиқатни психик акс эттириш, кўриш, тўғрилаш ва амал қилиш ҳақидаги фандир.

Нима учун психология предметини бунчалик кўп таърифлари мавжуд улар мазмунан турличами ёки фақатгина шакли сўзи билан ифодаланиши бўйича турличами? Балки улар жуда ҳам умумий ва ҳаммаси бўйича кенгдир ва умуман олганда уларнинг барчаси битта умумий психика мазмунига эгадир.

Агарда уларнинг орасида, нотўғри таъриф бўлмаса, унда нима учун улар ҳар хил; масалани бундай кенг қўйилиш албатта талаба учун мўлжалланмаган, балки ўқитувчининг маърузани баён этишида танловчанлик методикасидан келиб чиқиб, бундан бир нечта кетма-кет тартибда келиб чиқадиган саволларни тузиш учун ўқитувчига ёрдам сифатида қўзланган. Ундан талаб қилинадиган нарса - бу психология предметининг турли нуқтаи назарлари билан танишишда талабада юзага келиши мумкин бўлган саволларга жавоб топишдир.

Талабада ўрганаётган фани ҳақида аниқ тасаввур мавжуд бўлиши керак. Психология ҳақида гапирсак, унга бўлган нуқтаи назарларнинг турли туманлиги бўйича аниқ ифодаланган ва умумий қабул қилинганлар ҳисобланмаслиги кўриниб турибди. Ўқитувчи учун қийинчиликлар ана шундан келиб чиқади: Бир

томондан талабада фан предмети ҳақида аниқ тушунчани шакллантириш керак, бошқа томондан эса бу нарса илмий доиранинг узида ҳам мавжуд эмас.

Ушбу муаммо дарс утиш амалиётида одатда қандай ҳал этилади? Психологиянинг предмети ҳақида саволга жавоб беришнинг иккита усули мавжуд. Уларни Ю.В.Гарейтер шундай кўрсатиб беради; биринчи усул психология предметига турли нуқтаи назарлар фаннинг тарихда қандай пайдо булган бўлса, шундай кўрсатиб чиқишни кўзда тутади. Нима учун бу нуқтаи назарлар бир-бирини алмаштириб келгани сабабларини таҳлил қилиш, охир оқибат улардан нима қолгани ва бугунги кунда қандай тушунча шакланганлиги билан танишиб чиқишдир. Психология предметини очиб беришнинг ушбу усулини у кейинги барча маъруза ва семинар машгулотларида фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Биринчи маърузада эса иккинчи усул билан чекланишни афзал билади, яъни бу қисқача жавоб бериш йули орқали амалга оширади. Бу қисқача жавоб расмийга ўхшайди, лекин шунга қарамай жуда ҳам аниқ ҳисобланади. Жавобнинг мазмуни психология – бу «жон» ҳақидаги фандир. «Жон» ва «психика» эса лингвистик нуқтаи назардан бир нарсадир, яъни улар мос равишда рус ва лотин тилларида битта «қалб» ҳодисаларини англатади; аммо фан ва маданиятнинг ривожланиши билан бу тушунчаларнинг мазмувлари ажралиб келди. Бироқ тилда «жон» асосидаги кўплаб сўзлар сақланиб қолган бўлса-да, психология эса кўнгул ҳақидаги эмас балки, психикага оид фан бўлиб қолди. Психология предметини бундай тушунтириш методикаси, унда иккала усулга ҳам тарихий ёндашишни ифода этсада, лекин жуда кам қўлланилиши мумкин, чунки «психология» предметининг тушунчасини ҳозирги ҳолатини кўрсатади. Шу сабабли психология предметига замонавий муаллифларнинг нуқтаи назарлари нималарда фарқ қилишини кўриб чиқиш мумкин. Агарда уларни яхшилаб ўрганиб чиқилса, унда уларни умуман ва яхлит олганда бир хил бўлиб чиқади, чунки предметнинг умумий фалсафий тушунчасини такрорлайдилар. Шундай қилиб, ҳамма муаллифлар психология бу психика ҳақидаги фандир ёки бошқача айтадиган бўлсак психика барчаси учун илмий психологиянинг ўрганиш предмети ҳисобланади. Шу билан бирга психиканинг узи объектив ҳақиқатнинг (акс эттирилиши) кўриниши сифатида қаралмайди. Аммо бошқа қарашлар ҳам мавжуд бу П.Я.Гальпериннинг нуқтаи назари бўлиб, у психология фанининг предмети бутун психика ҳисобланмайди деб таъкидлайди, чунки уни психологиядан ташқари бошқа фанлар ҳам ўрганади.

Психика объектив дунёни психик акс эттириш ва онгнинг турмуш билан муносабатларини фалсафа фани ўрганади. Касалликларда психикани тиббиёт фанлари ўрганади, психиканинг биологик асосларини олий нерв фаолияти физиологияси ўрганади.



Алоҳида психик жараёнларни ҳар томонлама бир вақтда бир неча фанлар ўрганади. Мисол учун, фикрлашни психологияда ўрганишдан ташқари яъни идрок этиш, мантиқ, кибернетика, тарих, педагогика, этика ва эстетика фани ҳамда ўқитиш методикаси (эвристика) фанлари ўрганадилар. Нутқни психологиядан ташқари педагогика физиология, лингвистика, олий нерв фаолияти физиологияси каби бошқа фанлар ҳам ўрганадилар ва ҳар бир фан албатта психик ҳодисаларнинг қайсидир бирининг аниқ бир томони билан қизиқади.

Психология агарда бутун психикани ўрганмаса, унинг қайси аспектиларини ўрганади? П.Я. Гальперин психологиянинг предмети субъектнинг тахминий йўналтирувчи фаолияти ҳисобланади деган гоёни илгари сурди. Бу гоё у ишлаб чиққан ва кенг тарқалган ақлий ҳаракатларининг босқичма-босқич шаклланиши назариясининг методологик асоси бўлиб қолади.

П.Я.Гальперин ўз тезисини мана шундай асослаб беради. Биринчидан, психиканинг вазифаси оддий қизиқиш жониворнинг вазият билан танишишдан ёки алоҳида объектнинг озуқа излашидан тортиб (И.П.Павлов буйича, «бу нима рефлекси») ва инсоннинг назарий ижодий фаолияти билан субъектнинг турли ҳаётий вазиятларда йўл топиши демакдир.

Иккинчидан, атроф дунёда йўл топиш ҳатто идрок этишдан то фикрлашгача, идрок этиш вазифалари бутун диапозонида ҳам фақатгина интеллектуал масалалар билан чекланмайди, вазиятга мос равишда ҳаракат қилиш учун билиб тушуниб олиш ва баҳолаш, йўл топишга, талабалар сезги, иродасига ҳам муҳтождир. Уларнинг ўзлари эса субъектнинг излаш фаолиятининг турли шаклларида бошқа нарсадан иборат эмас.

Учинчидан, агарда психика ҳаётининг ҳамма шакллари излаш фаолиятининг турли кўринишларидан иборат бўлса, демек психология психик жараёнлар ёки вазифаларнинг барчасида айнан ана шу уларнинг йўл топиш томонларини ўрганади. Психология тафаккур, сезги тасаввур ирода қобилиятларни ўрганади, дейиш нотўғри, бу шунинг учун нотўғрики; у тафаккур, сезги, ирода ва бошқа психик жараёнлар вазифаларининг умуман барча томонларини ўрганмайди. Психология бутун психикани ўрганади деб ҳисоблаш нотўғри деб таъкидлайди, - П.Я.Гальперин. Чунки бошқа фанлар ҳам бунга тегишлидир. Улар фақатгина излаш жараёнида психик фаолият ва умумпсихик фаолиятининг ҳар бир шакли ҳамда умумий психик ҳаётнинг асосий томонларини ташкил этади, - деган мазмундагина тўғридир. Айнан ана шу вазифаси унинг бошқа ҳамма томонларини тўғри ҳисоблайди, улар шунинг учун деярли ана шу вазифага буйсунади. Шунинг учун, ҳаётда энг муҳим - ҳаракатларни талаб этувчи вазиятларда тўғри йўл танлаш ва уни бажаришда тўғри ҳаракат қилиш фақатгина йўл топиш фаолиятигина психология фанининг предметини ташкил

этади. Ҳозирги пайтгача психология предмети ҳақидаги таклиф этилган тасаввурлар хато бўлиб чиқди.

Шундай қилиб П.Я.Гальпериннинг психология предмети ҳақидаги гоёсида кўрсатилганларининг ҳаммасидан принципиал фарқ қилади. Кейинчалик унинг шогирдлари ва издошлари ўзларининг ҳамма тадқиқотларида ана шу нуқтаи назарга амал қиладилар.

Психология предмети ҳақидаги ушбу тасаввур психологик ҳодисаларнинг аниқ механизмларини излаш ва топишга имкон берувчи, улар нимадан иборат эканини тушунтириб берувчи методологик тамойил ҳисобланади. П.Я.Гальпериннинг психология предмети ҳақидаги тасаввурига асосланган ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шаклланиш назариясини педагогик амалиётда қўлланишдаги юқори натижалари барчага маълум. Ҳозирги кунга келиб иккита фикрни тўғри ва ҳақиқий деб ҳисоблаш мумкин. Биринчиси - психология предмети ҳақидаги ушбу назарий тасаввурнинг қўлланилаётганлиги ҳақида яъни назарий ва эмпирик тадқиқотларда илғари мавжуд тасаввурлардан ташқари психология ўзи доирасида психик ҳодисалар моҳиятини излаш ва топишга имкон беради; иккинчиси - психологияни излаш фаолияти ҳақидаги фан сифатида қараш, амалий аҳамиятга эгаллиги, чунки инсон фаолиятида тўғри йўл излашга психологлар йўналтиради, бу эса ўқитишда билим, маҳорат ва кўникмаларнинг юзага келишига беҳато сабаб бўлади.

Психология предметини излаш фаолияти сифатида белгиланиш жуда тўғри ва уни хато дейиш анча қийин ёки ҳатто танқид қилиб бўлмайди. Чунки у психологиядаги мавжуд тушунчаларга қарама-қарши, балки ана шу маънода уларни аниқлаштиради. Уйлаймизки, илмий психология предмети ўтмиш тасаввурларини шаклланиши тарихида кўрсатиб бериш ва маъруза ўқиш пайтида ўқитувчига ҳозирги пайтда «психология предмети»нинг аниқлашган тушунчаси П.Я.Гальперин буйича излаш фаолияти ҳисобланишини айтиб утишга тўғри келади. Психология предмети - бу шунчаки оддий ўқув саволи эмас, балки фаннинг узи учун ҳам уни ўқитиш методикаси учун ҳақиқатда мавжуд жиддий муаммодир.

Юқорида айтиб утилгандек, психология предмети ҳақидаги саволга икки турда жавоблар мавжуд. Биринчиси - анча тўғри, лекин мураккаб, иккинчиси нисбатан расмий лекин қисқа.

Биринчи усулда дастлабки маърузалардан бошлаб оқ психология предметини бугунги кун фикрлар талқинига кўра, фикрлар ҳаракати тарихини батафсил очиб бериш керак бўлади. Иккинчида эса - психология қайси саволлар доирасини ўрганишини қисқача айтиб масалани чуқур таҳлил қилишни кейинги дарсларга қолдирилади. Бу иккинчи усул қисқалигига қарамай методика учун умуман мос эмас. Агарда ҳар қандай

мавзуни урганишда, қандайдир тарзда психология предмети ҳақидаги фикрлар тарихи тўғрисида тўхталишига тўғри келишини ҳисобга олсак, бу ниятни амалда қўллаш имкони бўлмайди.

Бу фақатгина психология тарихини мустақил ўқув фани сифатида, умумий психология ҳақидаги тушунча буйича ўрганилгандагина мумкин бўлади. Агарда ёш даврлар, педагогик психология, тиббиёт ёки юридик психология ўрганилаётган бўлса, унда худди шу каби ушбу аниқ фанни предметини очиб кўрсатиш талаб этилади. Бунда ҳам ана шу икки услубдан фойдаланиш мумкин шу билан бирга методик қийинчиликка дуч келинади.

Шунинг учун, методиканинг биринчи усули анча тўғри, турли даврларда бўлган психология предметига ҳамма асосий қарашлар билан талабаларни дарҳол таништириб чиқиш орқали қайси қарашлар у ёки бу даврларда асосий устун булганлигини ўқитувчи маъруза пайтларида тушунтириши лозим.

Булар психология предмети ҳақидаги қуйидаги тасаввурлар бўлиши мумкин;

1. Жон, Руҳ (Демокрит ва бошқалар).
2. Англаш ҳодисаси (Локк).
3. Ҳулқи (бихевиористлар).
4. Онгсизлик ва унинг онгга муносабатини (З.Фрейд).
5. Рефлекслар (Н.М.Бехтеровнинг рефлекологияси)
6. Реакция (К.Н. Корнилов реактологияси)
7. Инсонинг ва жониворларнинг психик ҳаёт ҳодисалари механизмлари ҳамда қонуниятлари (материалистик, психология тарафдорлари).

8. Фаолият назарияси (А.Н.Леонтьев).

9. Излаш фаолияти (П.Я.Гальперин).

Шундай қилиб, биз муаммоли метод билан бир ўқув саволи ёки масаласини маърузага қўйиш ва ҳал қилиш методикасини урганиб чиқдик. Муаммо психология предмети ҳақида булганлиги сабабли бу савол принципиал муҳимликка эга ва шу билан бирга уни ҳал этишда ҳали яқуний нуқта қўйилмаган, чунки уни ўқитиш методикаси алоҳида эътиборни талаб қилади.

Шунинг учун юқорида айтилганларни ҳаммасини ягона ҳақиқат деб қабул қилиш керак эмас, балки уни бу муҳим масалани маърузада баён этишни ижодий ёндашиш орқали амалга оширишнинг янги усули деб ҳисоблаш мумкин.

Қуйида ўқитувчи сифатида ўзи танлаб олиб фойдаланиши мумкин бўлган бошқа ўқув топшириқлари (муаммоли савол ва масалалар келтиради).

1. Нима учун фанни профессионал даражада ўзлаштириб олиш учун ўрганилган фанни предметини аниқ тасаввур этиш муҳим ҳисобланади? Қуйидаги келтирилган жавоб вариантлари I курс психолог талабалари билан сўровнома саволлари ўтказилганда

олинган натижалар қайси бирларини хато қайсилари эса қай даражада тўғри эканлигини аниқлаш мумкин?

а) фан предметини аниқ билганда имтиҳонда яхши жавоб бериш мумкин ёки назорат ишида психология буйича ҳар қандай хусусий саволни таҳлил қилиш мумкин;

б) фаннинг предметини саволларини билиш умуман курсни ўзлаштиришда ҳеч қандай алоҳида аҳамиятта эга эмас;

в) фан предметини билар экан инсон педагогик ёки социологик вазиятларни, психологиядан ажратишда қийналиб кузатаётган ҳодисалардан адашиб юрмайди;

г) фан предметини билиш психологияни ўзини фан сифатида ривожланиши учун методологик аҳамиятта эга яъни фанни ривожлантирувчи омиллар учун муҳимдир;

д) агарда психологлар ўзлари шу пайтгача ўз фанлари предмети тушунчасини топа олмаган эканлар, унда маълум бўлган у ёки бу нуқтаи назарларига амал қилиши керак.

е) китобда айтилган нуқтаи назарларнинг ҳеч бири ишончли эмас. Шунинг учун шатто улардан бирини билмай туриб ҳам психологиянинг аниқ масалаларини ўзлаштириб олиши орқали психолог бўлиши мумкин;

ж) талаба психология предметини уни ўрганишни бошлагани-даноқ тушуниб олиш керак (келтирилган нуқтаи назарлардан бирини қабул қилиш ёки ўзининг нуқтаи назарини илгари суриш ва уни асослаб бериш керак), акс ҳолда ўқишда догматизм бўлади ва келажакдаги амалий белгилар ижодидан маҳрум бўлади.

### 3. Талабаларга топшириқлар;

Дарслик ва лугатлардан психология буйича идрок этиш жараёнлари ҳақидаги савол турлича баён этилган мисол учун «умумий психология» ва Р.С.Немовнинг дарслиги ва «қисқача психологик лугати»ни солиштириб кўринг. Баъзи дарслик ва лугатларда бу жараёнлар ўзаро солиштирилган шолда таъкидланган, бошқаларида эса келтирилмаган. Аммо уларнинг қаторига қуйидагича психик ҳодисаларни киритиш умумий қабул қилинган деб ҳисоблаш мумкин; сезиш, ҳис этиш, идрок этиш, хотира, тасаввур, тафаккур, хаёл ва нутқ. Масалан: психик идрок этиш материалларнинг схематик шундай тартибда жойлаштирингки уларни идрок этиш фаолиятда кетма-кетлиги ва уларнинг иш бажаришлари ўзаро боғлиқлиги тушунарли бўлсин. Кўргазмали схематик жойлаштириш схемасини хоҳлаганимиздан бирини танлаб олиш мумкин (мисол учун граф шаклини метрополитен схемаси каби ёки бошқалар) асосий - бу яққоллик ва тушунарлилик схема жавобини дафтарга киритинг.

4. Психологик адабиётларда «Диққат» тушунчасини бир неча турлича кўринишда ва талқин этилишини учратиш мумкин:

а) билиш жараёнларидан бири;

б) қандайдир алоҳида мустақил жараён эмас, балки ҳар қандай билиш жараёнининг (идрок этиш фикрлаш ва шу кабилар) бир томони ёки вазияти;

в) психиканинг фаолиятини объекта жамланишини, йўналганликни таъминловчи шундай хислатлар;

г) ақлий ҳаракатлар уларни бажарилиши дастурга мослигини ички назорат қилиш, яъни йўналиш тадқиқотчилик фаолиятининг вазиятларидан биридир;

д) Д.Н.Узнадзе кўрсатма назарияси бўйича, диққат «Инсон диққатининг ички ҳолати» сифатидаги кўрсатмаси билан боғлиқдир яъни диққат унинг ички ҳолати кўрсатмаси ҳисобланган ташқи бир нарса сифатида талқин қилинади;

е) Рибоннинг фикрича, (диққатнинг моторли назарияси) диққатни ҳаракатлар келтириб чиқаради ва ҳаракатни бошқаради, эмоциялар натижасида юзага келтирилади ҳамда улар билан бирга бўлади, яъни бир нарсанинг устида уйлаш ёки бирор нарсани кузатишдир. Масалан, дарснинг бир маромда ва ундаги таъкидланаётган нарсани кузатиш ҳаракатига эмоция деб номлаш мумкин эмас, демак бу ерда диққат ҳам мавжуд эмас.

Талабаларга шундай кўрсатма берилади яъни юқоридаги топшириқ, қарашларни таҳлил қилиб чиқиб ўз муносабатингизни билдиринг қайси нуқтаи назарлар сизга ёқади ва нима учун?

5. Мия психиканинг асосий органи сифатида ва мия нерв системасининг марказий бўлими сифатида ташқи буюмлардан сигналлар (ёруглик, товуш, ҳид) нерв учларида таъсирланишни келтириб чиқаради. Рецепторлар нерв тоалари бўйича мияга келади (бош ёки орқа) унда қўзғалишни келтирилиб чиқаради, у организмнинг ташқаридан қўзғалишига жавоб қайтариши бўлади ва нерв импульси кўринишида мускулларга берилади. Бунинг натижасида ҳаракат содир этилади (импульсив, рефлекторли, бактерия ёки онгли бошқариладиган).

Психик ва физиологик нерв боғлиқликлари қисқача мия фаолияти ва психиканинг муносабати кўринишида бўлади. Энди психологиянинг психофизиологик, нейропсихология ва бошқалари бўйича физиологик асослари бўйича тавсия этиладиган адабиётларни ўқиб чиқинг. Нима учун И.М.Сеченов психик жараёнлар онгда бошқарилади ва тамомланади, деган фикрни жуда катта хато деб айтган? Аслида қандай содир бўлади: билиш жараёнлари қаерда бошланади ва тамом бўлади: И.М.Сеченовдан олдин бу ҳақида қандай уйлаганлар.

6. Психикани урганиш борасида турли мактаб ва йўналиш намоёндалари турли тарихий даврлар мамлакатларда ишлаган ва ишланаётган олимлар улар психик ҳаётни тушунишлари нуқтаи назаридан турли ёндашишларга амал қилганлар. Мисол учун, фан тарихида қуйидагилар маълум; психикага функционал ёндашиш шахсий ёндашиш ва фаолиятли ёндашиш уларнинг ҳар бирининг

моҳияти нимадан иборатлигини кўпчилик психологлар амал қиладиган шахсий ва фаолиятли ёндашишда қандай фарқ борлигини кўрсатиб маърузада очиб бериш мумкин. Шундан кейин талабаларга дарсликлардан уч хил ёндашишларнинг ҳар бирига мисоллар топиш тошширигини бериш мумкин.

7. Идрок, тасаввур этиш, хотира, хаёл қилиш, фикрлаш булар бешта идрок этишнинг психик жараёнларидир. Уларнинг барчаси унинг ажралмас таркибий қисми сифатида мавжуд бўлган амалий фаолиятларидан мисол келтиринг ва унда бу жараёнларнинг иш бажариши нуқтаи назаридан бу фаолиятни қисқача тасвирлаб беринг.

Бу саволни талабаларга маърузанинг охирида бериш, мустақил иш сифатида тошшириш, уларнинг жавобларини эса амалий машғулотларда муҳокама этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Репродуктив ва продуктив (ижодий) фикрлаш – уларнинг фарқи нимада? Тасаввур қилинг сизнинг олдингизга бир неча масала қўйилган, сиз улардан баъзиларига дарҳол жавоб бера оласиз, бошқаларига эса – бироз ўйлаб, (бирор бир таққослаб, солиштириб, ҳисоблаб), ичингизда эса сизда тайёр жавоб ҳам йўқ ёки иккинчи ҳолатдагидек излашга ҳаракатлар ҳам йўқ, сиз учинчи ҳолатда нима қиласиз?

Ҳамма учта вариантларда ҳам фикрлаш амалга ошириладими ёки ҳаммасида ҳам эмасми? Қаерда иждодий фикрлаш, қаерда эса репродуктив фикрлаш намоён бўлади?

Ушбу савол одатда агар талабаларга олдиндан, ҳаётдан аниқ мисолларни танлаб, уларни ёзиб ва ўқитувчига тошшириқ билан берилса, семинарда фаол муҳокама этилишига олиб келади.

Бундай тошшириқ биринчидан, талабада маъсулиятлик ҳиссини оширади. Иккинчидан, ўқитувчига мисоллардан баъзиларини семинарда муҳокама этишда фойдаланишга имкон беради, бу талабаларнинг фикрлашларини фаоллаштиради. Мисоллардан қайсилари муҳокама этишни талаб этади ёки ҳаммага қизиқарлилигини фикрларига қараб аниқлаб олиш осон бўлади.

9. Предметни идрок этиш (буюмлар, моддий объект) ва уни ифода этувчи сўзни идрок этиш. Фарқни кўряписизми? Кўрган бўлсангиз бу фарқ нимада? Бу фарқнинг сўзли, нутқли муомалаларда (бошқарувчилик ёки ўқитувчилик фаолиятида, инсоннинг инсон билиш муносабатида) бу фарқни ҳисобга олиш муҳимлигига сиз мисол келтира оласизми?

10. Тасаввур ва ўйлаш (хаёл), «Хаёлан тасаввур этиш» мавзусида мисол ўйлаб топинг. Мисолни (ҳаётдан олинг, адабиётлардан топинг), тасаввур ва хотира, уларнинг узаро боғлиқлигига мисол келтиринг.

11. Нутқ – фикрни ташқи ифода этиш, ўқитувчининг нутқи янги материалларни баён этиш, унинг фикрлашини ифода этилиши бўлмаслиги мумкинми?

12. Талабанинг нутқи (семинарда чиқиши) унинг фикрлаш ифодаси бўлмаслиги мумкинми?

13. Барча психик идрок этиш жараёнлари инсоннинг ҳаёти давомида ривожланиб боради, лекин кимнингдир сезиш ҳисси яхшироқ ва тезроқ ривожланади (мисол учун эшитиш ёки кўриш). Кимдандир - нутқ, баъзиларда эса - фикрлаш ёки хотираси ривожланади.

Турли одамларда психик жараёнларнинг ривожланиши даражасидаги фарқни қандай тушунтириш мумкин?

14. Шахс психологияси ва психологияда шахс тушунчаси, маърузасида шахс тушунчасида қўйидагиларни таққослаб чиқиш мумкин:

а) «Шахс - инсоннинг индивидуаллигини ташкил этувчи инсоннинг барқарор психологик сифатлари тупламини курсатувчи тушунча»;

б) «Шахс деб яъни ижтимоий муносабатларда иштирок этувчи ва ижтимоий ривожланиш намоёндаси ҳисобланган ижтимоий жонзод деб», биз «балогатга етган, нормал одамни (лекин чақолоқни ва ақли заиф одамни эмас) айтишимиз мумкин». А.В.Петровский (М.1976 -97 б.) муаллифлиги остидаги «Умумий психология» дарслигида шундай деб айтилган;

в) «Шахс тушунчасида қўйидагилар ифода этилади; 1) инсон индивидуал муносабатлар ва ижтимоий фаолият субъекти сифатида ёки 2) индивидуал у ёки бу жамият бирлигини инсон сифатида таърифловчи ижтимоий аҳамиятли хислатлар барқарор тизимини шахс фақатгина онг ва ўзини англаш юзага келиши билангина намоён бўлади» (Психологик лугат - 1983- 178 б.);

г) «Шахс - индивиднинг ижтимоий муносабатларида иштирокини ифода этувчи, бир томондан предметли фаолият ва муносабатларда оладиган тизимли сифатидир», (қисқача психологик лугат, - М. 1985-165 б.);

д) «Шахс - 1) инсон ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатида; 2) ижтимоий алоқаларда иштирок этувчи ва ҳамкорликдаги фаолият ва муносабатларда шаклланувчилар билан белгиланадиган индивиднинг тизимли сифатидир».

Маъруза охирида талабаларга қўйидаги топшириқларни бериш мумкин? «Шахс тушунчаси берилган бошқа адабиётларни ўқиб чиқинг, уларни маърузаларда берилганлари билан таққосланг, уларда берилган илмий мазмунни таҳлил қилинг, қўйидаги саволларга жавоб беринг:

- <а> ва <г> вариантлардаги шахсни таърифлашга ҳар қандай индивидни киритиш мумкинми?

- қайси тушунчалардан бири бизнинг психологиямизда қабул қилинган шахсни тушунишимизга мос келади деб ҳисоблаймиз.

- ўз таърифингиздан аниқ биттасини (адабиётларда мавжудларидан келиб чиқиб) ифода этишга ҳаракат қилиб кўринг.

15. «Шахс», «инсон» ва «индивидуаллик» тушунчалари нимаси билан фарқ қилади? Ёки сизнингча улар мазмунан бир хилми?

16. «Шахс психологияси» бўлимида турли муаллифлар шахснинг белгилари «йўналганлигини» ёки хислатлари сифатларини кўриб чиқадилар: Инсон учун, Р.С.Немов уларни олтига ҳисоблайди (қобилият, темперамент, характер, ирода, эмоция, мотивлар). А.В.Петровский муаллифлиги остидаги «Умумий психология» дарслигида эса - фақатгина учтасини кўрсатади. (Темперамент, характер, қобилиятлар). Лекин мотивлилик бу ерда шахс тавсифномасига киритилган. Фақатгина унинг фаолияти билан боғлиқликда ирода ва эмоциялар ҳам (сезгилари) фаолият тавсифномасига ҳам киритилган. Бу вариантлардан қайси бирини сиз тўғри деб ҳисоблайсиз ва нима учун? Ёки уларнинг асосида янги гояни яратишнинг сўнгги варианты учун имконият борлиги ҳақида фикрингиз борми?

Бундай савол одатда манбаларни диққат билан ўқийдиган талабаларда юзага келиши мумкин, лекин кўпчилик бу фарқларни сезмайди. Шунинг учун бу саволга талабалар эътиборини маъруза давомида тортиш ва уларга жавоб топишларини сўраш мақсадга мувофиқ бўлади.

17. Қобилият тушунчасининг мазмуни нима? Улар шахснинг тўғма хусусияти ҳисобланадими ёки тўғмалигича ҳаёти давомида эгалланадими? Ёки қандайдир имкониятлари тўғма бўлиб, улар фаолияти давомида намоён бўлади ва ривожланадими? Шундай бўлиши мумкинми? Зеҳни була туриб, у қобилиятга айланмай кетади. Бошқача қилиб айтганда, илгари мавжуд қандай имкониятлари сезилган бўлса ҳам одатда масалан, математикага, мусиқага, техникага ёки раҳбарлик фаолиятига қобилияти ривожланиши мумкинми?

18. «Қобилият» ва «Лаёқат» тушунчалари ўртасида фарқни сиз кўрасизми? Бирор бир инсоннинг одамлар қўйидаги сифатларга яъни «истеъдодли», «доно», «ақлли», «билимдон», «ўқимишли», «илмли», «қобилиятли» эга дейишларида фарқни кўрасизми? 19. Характер тушунчасининг мазмун? Турли психологик асарларда айтилган характер белгилари ва инсоннинг маънавий (одоб) сифатлари билан солиштиринг ва хулоса чиқаринг; нима учун битта тушунча мисол учун танабчанлик, меҳнатсеварлик, шуҳратпараслик, ўзини ҳурмат қилиш, гурур, камтарлик ва шу қабилар характер хислатларини (белгилари) ва шахснинг маънавий сифатларини ифода этиш учун ишлатилади; одамлар характери билан (ёки бошқа бир) тугиладими ёки характер ҳаёт давомида шаклланадими?



Ана шу учта саволларни (№ 17-19) семинарда муҳокама этиш, уларни мустаҳкамлашга замин яратиш, ўқув ишлари, топшириқлари таркибига дастлаб киритиш орқали тортишувлар фаол бўлиши кафолатланган, чунки талабалар томонидан кўплаб тушунчалар турлича талқин этилиши куриниб қолади, шу орқали психологияни илмий нуқтаи назардан уларнинг мазмунини тушунтириб беришга ўринишлар бўлади.

20. Темперамент тушунчасининг мазмуни? Замонавий психологияда темпераментнинг қандай турлари ўрганилади ва улар инсоннинг нерв системалари типлари билан қандай боғланган?

Бу саволни талабаларга семинарда жавоб беришлари учун (амалий машгулотда) топшириш мумкин, улар қўйида келтирилган темперамент турларининг нерв системаси турлари тавсифномалари билан ўзаро боғлиқликлари схемасидан фойдаланиб жавоб тайёрлайдилар.

Кучи бўйича (бўшлиги), оғир вазниги бўйича, (узини тутиб олмаган) ҳаракатчанлиги бўйича (сустлиги).

Нерв системалари турлари

Кучли  
Мувозанатлашган  
Ҳаракатчан

Кучсиз  
Мувозанатлашмаган

21. Бир инсон шахси унинг фаолиятида қобилият, характер ва темпераментлари бир- бири билан қандай боғланган? Ёки улар бир- бирига боғлиқ эмасми? Ёки улар бир-бирларига қандай таъсир кўсатадилар?

Ушбу саволни маъруза пайтида куриб чиқиш талаб этилади, чунки дарс ўтиш тажрибаларини талабалар, бу шахс хислатларини фақатгина «алоҳида» бир-бири билан боғлиқ бўлмаган равишда ўрганишлари ва ўзлаштиришларини кўрсатади, чунки кўпчилик дарсликларда улар бир-биридан алоҳида кўриб чиқилади.

22. Шахснинг йўналганлигини турли муаллифлар турлича белгилайдилар; «шахснинг хулқи йўналишини белгиловчи унинг эҳтиёж ва мотивлари тўплами» сифатида ёки «шахс фаолиятини мавжуд вазиятларга нисбатан боғлиқ бўлмаган йўналтирувчи бир қатор сабаблари тўплами» сифатида ҳам белгилайдилар, лутатлар ва дарсликларда эса шахснинг бу хислатлари умуман кўрилмайдди. Юқорида келтирилган икки тушунчани таққосланг, уларда фарқ борми?

Саволни бундай ифодалаш орқали «муаммоли» вазиятни маърузада қўйилиши яхши бўлади, шунда талабаларнинг эътибори ҳозирча бу муаммо хусусида психология фанида бир хил тушунчанинг йўқлигига жалб эгади ва унинг мураккаблигини тушунтириб бериш, ҳамда уни шахсни тарбиялаш муаммолари билан боғлаш керак бўлади.

23. Фаолиятнинг психологик тушунчаси тирик жонни «объектга мақсадга мувофиқ таъсир этувчи ва шу билан ўз эҳтиёжини қондирувчи субъект сифатида иштирок этадиган атроф дунё билан узаро фаол алоқадорлиги» сифатида ёки «субъект талабларини амалга оширувчи мақсадга интилган фаоллик» сифатида белгиланади.

Талабаларга саволлар; а) фаолият мазмуни ва психологияси буйича бу икки тушунчалар мазмунан бир хилми? б) Қуйидаги ҳозирги ҳолатлар фаолият ҳисобланадими; қўмондон ҳеч нарса демасдан танк майдонини бинокиль орқали кузатмоқда; ўргамчак тезлик билан пашша илинган томонга ҳаракат қилади; айиқ дарёда балиқ тутаяди; нафақахўр яқиндаги паркни айланиб юрибди; болалар ҳовлида ҳақиқатдан ўйнамоқдалар; талабалар жим ўтириб маъруза эшитадилар, уни ёзиб олмаяштилари.

Талабалар бу масалаларни юқорида келтирилган дифференциялар асосида ечимини топиш топширилади.

24. Фаолиятнинг психологик тузилиши; мотивлар - мақсадлар - воситалар-натижа унинг таркиби; мақсад ҳаракат, операциялари.

Ўқитувчининг маърузалари натижасида талабаларда шакллана бошлайдиган бундай тушунчалардан келиб чиққан ҳолда, талабаларнинг мустақил ишлари учун қуйидаги топшириқларни ифода этиш мумкин;

- ҳар қандай топшириқ фаолиятнинг психологик тузилишини таҳлил қилиб чиқиш; (аниқ бир уйин, таълим ёки меҳнат).

-ҳар қандай фаолият эҳтиёж билан қандай боғланганлигини кўрсатиб бериш; (сабаб орқали, мақсад, восита, натижа орқали, ёки улар билан тўғридан-тўғри ва бевосита, бевосита боғлиқлигини)

- Эҳтиёж, мотив ҳаракат мақсад билан, операция эса фаолиятни бажариш шароитлари билан мослашади.

Мазкур масала юзасидан мисол келтиринг;

Умумий психологияни ўқитиш методикасини кўриб чиқишда қуйидаги умумий (камчиликларни кўрсатиш) фикрлар билан якунлаш мумкин. Психология фанларини ўқитиш биринчидан - умумий психология - бу амалий эмас, балки назарий фан бўлгани учун психологиянинг амалий соҳалари учун методологик аҳамиятга эга, шунинг учун уни ўқитиш ўқувчиларда назарий фикрлашни шакллантиришга қаратилган бўлиши керак; ҳамма ўқув масалаларини талабалар психологик таҳлил қилиши ва амалий вазиятларни баҳолашга урганишлари учун тўпламлар тузилади.

Бу психологик ўйлаш, фикрларни маҳорати уларга ёш ва педагогик, ижтимоий психология ва психологиянинг бошқа амалий соҳаларини ўзлаш-тиришларга ёрдам беради. Умуман ҳақиқий фактларда тузилган, амалий мақсадга эга ҳар қандай ўқув масаласи, амалий муаммони ҳал этиш учун назарий фикрлашга ургатиш мақсадини кузлайди.

Иккинчидан, кўпчилик биринчи курс талабалари психологияни биринчи марта ўрганганликлари ва дарҳол ўзига шахсан унинг зарурлигини англаб оладилар, чунки ўзини ўрганиш ва ўзини яхшироқ тушуниб олишга имкон беради. Бу қизиқарли ва шу билан бир вақтда қийин бўлади. Гап шундаки куплари аллақачон маълумга ўхшаб туюлади, чунки турмушда ҳам психологик билимларини эгаллаш имконияти бўлади.

Лекин, болалигимиздаёқ маълум бўлган турли психик ҳодисаларнинг талқин этилиши агарда биз уларга психологик нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак бир оз бошқача бўлиб чиқиши мумкин. Бу ҳар доим ҳам дарҳол ҳисобга олинмайди: Турмушдаги тушунчалар, кўпгина ҳолларда илмий тушунчалардан фарқ қилиб, уларни ўзлаштириб олишга ҳалақит қилади. Демак, психологияни ўқитиш методикаси психиканинг у ёки бу ҳодиса ва ҳолатлари ҳақидаги турмуш ҳамда илмий тасаввурларининг фарқига талабалар эътиборини қаратишга тўғри келади ва ҳисобга олиш керак бўлади.

Учинчидан, илмий терминологияларни билмай талабалар ўқишининг бошланғич даврида семинар машғулотларида, имтиҳонларда жавоб беришда психологик тушунчалардан фойдаланишни била олмайдилар, («тушиниб турибман лекин айтиб бера олмайман» - шундай ҳолат одатий ҳисобланади.)

Бу камчиликни қандай йўқотиш мумкин? Нутқ - бу сўзларни оддий талаффуз этиш эмас, балки фикрни ташқи ифода этиш эканини эсга олиб, фанни ўқитиш методикаси биринчи навбатда урганаётган мавзулар мазмуни бўйича махсус тузиладиган ўқув фикрлаш масалалари (саволлари) ёрдамида талабаларнинг фикрлашларини ривожлантириш усуллари ҳақида бош қотириши керак, лекин талаба қандай фикрлаши ўқитувчи у ўз фикрларини овоз чиқариб ифода этаётганда, уни нутқи бўйича аниқлаб олиш мумкин бўлади. Талаба қанчалик кўп огзаки фикрларни ифода этса, у шунчалик яхшироқ фикрлайдиган бўлади ва шунчалик тез илмий терминологияни эгаллаб олади, хато қилса қилсин лекин жим турмасин, чунки овоз чиқариб қилинган хатони ҳар доим тузатиш мумкин. Энг яхши методика - бу огзаки нутқда чорлайдиган ва нутқий фаоллигини рағбатлантирадиган методикадир, илмий лексикадан фойдаланган нутқ - бу фанни ўзлаштириш натижаси сифатида илмий фикрлаш демакдир.

Бу умумий фикрлар фақатгина умумий психологияга эмас, балки бошқа психологик фанларни ўқитиш методикасига ҳам тааллуқлидир. Лекин улар умумий психологияни ўқитиш тажрибаларига асосланган.

а) Инсоннинг интеллектуал - идрок этиш доирасининг (ақлий ривожланиши) ривожланиши ўқитиш билан, эҳтиёж мотивлар (ёки аффектив - талабалари) доирасининг ривожланиши жараёни - тарбия деб айтиш мумкинми?

б) Агарда шундай бўлса, унда муаллифнинг «Ҳозирги лойиҳа боланинг психик ривожланишини кўриб чиқишдаги катта камчилик ақлий ривожланиш ва шахснинг ривожланиши жараёнлари ўртасидаги ўзилиш ҳисобланади» деган сўзларни қандай тушуниш мумкин. «Шу билан бирга шахс билан шахснинг ривожланиши ҳеч қандай асоссиз аффектив эҳтиёжни ёки сабабли - эҳтиёжлари соҳасини ривожланиши деб тушунтирилади». Фикрга муносабатингиз.

в) Агарда тарбиянинг психологик нуқтаи-назардан бу шахснинг ривожланиши, таълим эса - ақлий ривожланиши бўлса ва психик ривожланишни кўриб чиқишда улардаги ўзилишни муаллиф замонавий психологиянинг камчилиги деб ҳисобласа, унда амалий таълим ва тарбияда амалий жиҳат қандай акс этади?

Бу саволга жавоб бериш учун муаллифнинг «шахс ривожланиш томонлари ва қарама-қарши бирликлари ҳақидаги сўзларини диққат билан ўқиб чиқинг ва ўйлаб кўринг; «қарама - қарши бирлик»нинг мазмуни нимадан иборат.

Қайси фаолиятнинг етакли турлари бола психикасида сифатли ўзгаришга олиб келади, унинг кейинги ёш давларида ривожланишининг бошқа давларига ўтишига сабаб бўлади; чақалоқликдан (0-1 ёш) илк болалик (1-3 ёшгача), илк болаликдан мактабгача ёшга (3 ёшдан то 6 ёшгача), мактабгача ёшидан - кичик мактаб ёшига (6 ёшдан то 10 ёшгача), кичик мактаб ёшидан ўсмирлик ёшига (кичик - 12 ёшгача ва каттаси 15 ёшгача), ва ундан катта мактаб ёшига (17 ёшгача), «Чақалоқлик даврида кризис» «1 ёшдаги кризис», «3 ёшдаги кризис», «6-7 ёшли кризис», «ўтиш ёшдаги кризис» деб аталувчи даврий кризисларни қандай тушунтириш мумкин.

4. Семинар - мунозарада муҳокама этиш учун яна бир марта Д.Б.Элькониннинг «Болалик даврида психик ривожланишни даврийлаштириш муаммоси» асарини диққат билан ўқиб чиқинг, ҳамда унинг «танланган психологик асарларини» ёки бу мақоланинг қисқартирилган варианты «Ёш психологияси бўйича хрестоматиясини» ўқиб чиқинг ва қуйидаги саволларга далил ва исботли тарзда жавоблар тайёрланг:

Шундай қилиб ўқув топшириқлари (савол ва масалалари)

1. Психолог Д.Б.Эльконин илгари мавжуд бўлган ва дарсликларда ҳозиргача сақланиб қолган «етарлича назарий асосларга» эга бўлмаган, «улкан амалий тажрибаларга» асосланган «педагогик даврлаштириш» ўрнига, болалик даврида психик ривожланишни илмий асослаган даврлаштиришни таклиф этди.

Талабалар учун топшириқлар.

а) Ана шу даврлаштиришни диққат билан ўқиб чиқинг ва ўз муносабатингизни билдиринг; б) бундай даврлаштиришга олим томонидан қандай назарий далиллар келтирилади. Тушунтириб

беринг; нима учун унинг фикрини тўғри дейиш мумкин ёки нотўғри?

в) Қаерда эҳтиёжлар доираси ва қаерда операцион - техник имкониятлар ривожланиши устун бўлган бола психикаси, ёшининг ривожланиши юзасидан ҳар бир даврига ҳаётдан олинган мисоллар келтиринг.

Иккинчи қараш ҳақида гапирадигани бўлсак, ёш психологиясини болалар психологияси билан бирлаштириб осонгина тушунтириш мумкин. Ҳозирги кунда назарий ва амалий жиҳатдан етарлича даражада урганган деб фақатгина болалик даври ривожланишини ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун ёш психологияси ҳақида жиддий илмий мазмунда фақатгина болалик даври психологияси ҳақида гапиришгина мумкин. Аммо бу ҳеч ҳам фанга етуклик ёшида психика ривожланмайди дегани эмас, психология фан соҳаси сифатида ёш психологиясининг ҳозирги ҳолати бундай хусусиятни ўқитувчи ҳисобга олиши ва талабаларга тушунтириши, турли муаллифлар қарашларидаги фарқи уларнинг хато эмас, балки илмий фикрнинг тўхтамас характерларини билдиришни кўрсатиб бериш керак, бунга исбот сифатида илгари айтиб ўтган «қисқача психологик лугат»нинг (1998) ичида келтирилган, тузатилган ва тўлдирилган нашрида ёш ва болалар психологиясини ажратиб, иккита мустақил бўлимларидан берилганини кўрсатиш мумкин.

Ундаги келтирилган тушунтиришлардан фойдаланиб, «Ёш психологияси - инсоннинг онтогенизи тугилишидан то қарилгигача давом этишида шахснинг психик ривожланиши ва шаклланиш босқичлари қонуниятларини ўрганувчи психологик фан соҳасидир». Бу тушунтириш орқали психология билан фақатгина болалар ёшини чеклаш мумкин эмас.

«Педагогик психология - таълим ва тарбиянинг психологик муаммоларини ўрганувчи психология соҳаси». Агарда ёш психологияси билан ягона ўқув фани сифатида ўқитиладиган бўлса, унда методика ўқитиш ва тарбиялаш жараёни сифатида инсон психикаси ривожланиши билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш асосида қурилади. Бунда болалик ёшида психикасининг ривожланиши ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил этиш психологиясининг асоси, шахсни интеллектуал ва маънавий жиҳатдан ривожлантириб унга тарбиявий таъсир кўрсатувчи ривожлантирувчи ўқитиш сифатида етказилади.

Агарда ўқитиш алоҳида олиб борилса, унда ёш психологияси албатта фақатгина болалигидаги эмас, ўсмирлик, ёшлик, етуклик ва қариллик даврида ҳам психикасини ривожланиши ҳақидаги фан сифатида тўлалигича ва яхлит баён этилади. Ёш психологияси ракурсидан ривожланиш ва ўқитиш нисбатларини кўриб чиқиш мумкин бўлади; а) таълим ва ривожланишнинг бир биридан мустақиллиги; б) ўқитишнинг ривожланишга боғлиқлиги; в)

ривожланишнинг ўқитишга боғлиқлиги, педагогик психологияни ўқитишда ўқитувчи талабаларга маълум бўлган ана шу қонунларга таяниши мумкин, фақатгина уларни бир оз эслатиб ўтса бас.).

Ёш ва педагогик психологияни ўқитиш методикасида ўқитиш ва тарбиянинг психологик аспекти унинг педагогикадан фарқини кўрсатиб бир оз аниқроқ тасвирлаб ўтиш муҳимдир.

Агарда педагогика «қандай ўқитиш керак» ва «қандай тарбиялаш керак» деган саволларга жавоб берса, психология инсоннинг психик ривожланиш қонуниятларига таяниб «нима учун айнан шундай ўқитиш ва тарбиялаш кераклиги»ни тушунтиришини доим таъкидлаш керак, яъни психология авлодларининг эмпирик тажрибалари асосида тўпланган ва биринчи бор А.А.Коменскийнинг «Буюк дидактика» номи педагогик асарида умумлаштирилган ва педагогик фикрлашнинг кейинги вақтларида педагогиканинг усуллари ва методларини ривожлантирувчи томонларини илмий асослаб беради.

Ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик аспекти бундай батафсил таърифлаш бу жараёнларнинг психологик мазмунини ўзлаштириб олиш учун зарур ҳисобланади. Чунки талабаларда болалик чоғларидан таълим ва тарбия ҳақида ўқувчиларга ва тарбияланувчиларга фақатгина ташқаридан таъсир кўрсатиш, оналар, ўқитувчилар ва умуман ўқув тарбиявий тизимнинг таъсири сифатида тасаввурлари мустақкам ўрнашиб олган. Шу билан бирга энг асосийси – ўқувчи ва тарбияланувчининг шахси ички, психологик қайта тикланишини содир бўлиши ҳақида ҳеч ким гапирмаган, чунки психология илгари урганилмаган. Бундай бир томонлама таълим ва тарбия ҳақида фақатгина педагогик ва психологик тасаввур ҳам қўшилиши керак; яъни ташқи таъсир кўрсатишдан иборат. Бундан келиб чиқадики ёш ва болалар психологияси – бир бирига мос тушунчалар, экан, П.Ф.Обухованинг «Ёш даврлар психологияси» (1996) китобининг номи бунга яна ҳам яққол намоён этади, яъни уларни умуман бирдай тенглаштиради.

Ёш психологияси мазмунига бу икки хил қарашларни (улардан бири унинг мазмунини педагогик психология билан, иккинчиси болалар психологияларидан бири деб ҳисоблайди) мазмунан бир бирига қарама қарши деб ҳисоблаш мумкин эмас. Улар фақатгина бир нарсага турли томонлардан қарашни билдиради. Лекин шунга қарамасдан биринчи нуқтаи назарни (ёш ва педагогик психологиянинг мазмунлари мослигини) сўзсиз қабул қилиш қийин (балки, шу сабабли ушбу лугатнинг кейинги нашрида бу фикр такрорланмагандир). Балки уларнинг мазмуни мос келиши ҳақида эмас, бу психологиянинг ички соҳаларининг яқин, узвий бир бири билан боғлиқлигини таъкидлаш яхшироқ бўлар, яъни педагогик психология ўзининг тадқиқотларини ёш психологиясида

урганадиган психиканинг ёшга қараб ривожланиши қонунлари билан мос равишда ташкил этади.

## ЁШ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯНИ ҲАҚИҚАТИНИНГ МЕТОДИК ҲАҚИҚАТИГА ХОСЛИКЛАРИ

Бу психологиянинг икки амалий соҳаси, агарда уларни биргаликда ягона ўқув фани сифатида қараладиган бўлса, болалик йилларида ёшнинг ривожланиши ва инсонни ўқитиш ҳамда тарбиялашнинг самаралилигини психологик шароитларни тушунтириш учун умумпсихологик назарияни қўллашдан иборат бўлади.

Бу фанларни ўрганиш талабалар, ўқитувчилар ота-оналар, ҳар қандай катта одам учун амалий аҳамиятга эга бўлади. Талаба учун эса ҳар хил ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини тушуниб олиш ҳамда уларга уйин ва ўқув фаолиятини ташкил этишда таъсир кўрсатиш, фаолиятда шахснинг яхши хислатларини ривожлантириш учун бўлажак фаолиятида ушбу соҳадаги билимларидан фойдаланишни ўрганиб олишга ёрдам беради.

Инсоннинг ёши психик ривожланиши қонунлари онтогенезини ушлаштириб олиш ўқитувчига ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш малакалари бўйича педагогик ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этишга уни илмий йўналишида олиб боришга, ўз-ўзидан бораётган жараёни кўп жиҳатдан бошқариладиганга айлантириш имконини беради. Бундай билимлар ҳар қандай ота-она учун ҳам керакдир.

Ёш ва педагогик психологияни ўқитишнинг методик хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Психологиянинг бу икки соҳаси битта ёки иккита мустақил ўқув фанидан иборат бўлиши мумкин, ўқитиш методикаси улар битта ёки иккита ўқув фани сифатида ўрганишга боғлиқ бўлади. Педагогик олий ўқув юртлиги психология факультетлари учун улар иккита мустақил фандан иборат бўлади, бошқалар учун эса (пед. ўқув юрти психология факультети булимлари ва педагогик бўлмаган ўқув юртлиги учун) ёш ва педагогик психология одатда битта фан сифатида ўқитилади. Ўқитишнинг методикаси қандай бўлиши кераклиги эса психология фаннинг бу соҳаларининг мазмунини очиқ берилганда аниқ бўлиб боради.

Ёш психологияси психология фанининг мустақил соҳаси сифатида инсон психикаси ёши динамикасини ўрганади. «Қисқача психологик лугатда» таъкидланганидек (1985), «деярли педагогик психология мазмуни билан мос келади; узининг тарихий ривожланишида уларни бир биридан деярли ажратиб бўлмайди. Ёш ва педагогик психологиянинг ҳақиқий бирлиги - инсон онтогенезда ривожланувчи ва ўзгарувчи ўрганиш, объектидир. У ёш психологиясида ривожланиш қонуниятларини боришида иштирок

этади. Педагогик психологияда эса - педагогнинг мақсадга мувофиқ ҳаракатлари жараёнида ўқитиш ва тарбияловчи восита сифатида иштирок этади». Бошқа манбаларда ёш психологияси деярли болалар психологияси билан аралаштирилиб юборилади, яъни уларнинг мазмунан бир хил деб қаралади, мисол учун «Қисқача психологик лугатда» болалар психологиясига доир деярли маълумот мавжуд эмас, ёш психологияси ҳақида эса маълумот мавжуд. Лекин «психологик лугатда» (1996) ёш психологияси ҳақида ҳеч гап айтилмаган, аммо болалар психологияси ҳақида катта бўлим мавжуд бўлиб унга кўра ички шароитни ҳисобга олишда ва шахсда психологик ўзгаришларга эришгандагина самара бериши мумкин. Ёш ва педагогик психология фанининг амалий соҳаси сифатида ўзининг илмий доирасидаги соҳаси аниқ психологик ҳодисаларни тушунтириш (яъни таълим ва тарбия, ривожланиши ҳодисаларини) учун булганлиги каби уларни қайта ўзгартириш учун ҳам хизмат қилади (яъни ривожланиш қонуналарга биноан ўқитиш ва тарбиялаш ҳақиқий жараёнларни ташкил этиш учун). Бу шуни англатадики талабаларга ҳодисаларни тушунтириш учун улар илмий текшириш методларини эгаллаб олишлари керак, (мисол учун, нима учун бир билимлар бошқаларидан кўра осон ўзлаштирилади, қолганлари қийин ўзлаштирилишини тушунтириш учун ёки болани ўсмирлик кризиси даврида муваффақиятли тарбиялаш асосида қандай сабаблар ётишини). Бундан ташқари аниқланган фактни ўзгартириш учун психологик билимлар кўринишини билиш, яъни ташкил этувчи тажрибалар методларини билиши керак (бу масалани талаба ёш психологияни ўрганиш даври давомида ҳал этиш мумкин).

Педагогик психология - тарбиянинг психологик муаммоларини ўргатувчи психология фанининг соҳаси, ёш психологияси эса - инсон психикаси ривожланишининг ёш босқичларини ўрганади.

Нима учун психологиянинг бу икки соҳаси кўпинча бирлаштирилади ва бир қатор ўқув юрталари ўқувчилари битта ўқув фани сифатида ўқитадилар, сабаб нима тушунтириб беринг.

Миллий психологиямизнинг фундаментал тушунчаси (бу тушунчани психология фанига киритган Л.С.Выготский давридан бошлаб) фаолият тушунчаси ҳисобланади. Шунинг учун педагогик психологияда инсоннинг психик ривожланиши унинг фаолияти негизда юзага келиши сифатида қаралади; фаолиятнинг ўзгариши инсон онгини ўзгаришига олиб келади ва ҳар бир ёш даврида психик ривожланишига таъсир кўрсатадиган ва унинг кейинги ёши даврига ўтишини белгилайдиган қандайдир асосий, етакчи фаолият тури мос келади.

Биз амалий фанлар билан иш олиб бораётган бўлганимиз учун семинар - амалийлар, семинар - мунозаралар, «иш - ўйинлар» «мозговая атака» даврида суҳбат, талабаларнинг шахсий мустақил



фикрлаш ва амалий характерларини фаоллаштирувчи бошқа методлар ёрдамида амалий ўқитиш методлари ҳамда усулларига алоҳида эътибор беришимиз керак. Маърузалар ва айтиб утилган фаол методларни қўллаш билан амалий машгулотларнинг турли шакллари ҳамма талабалар - бўлажак ўқитувчилар томонидан ёш ва педагогик психологиянинг назарий ва амалий муаммоларини ижодий ўзлаштиришларини таъминлаши керак.

Талабаларнинг ўқув шароитларини дастурлаштириш, уларнинг фикрлашларини урганаётган курснинг асосий саволларига йўналтириш учун ўқув масалалари тўпламини тузиш керак (фаол фикрлашни талаб этувчи саволли топшириқлар). Қуйида талабаларда бажариш кўникмасини шосил иилиш учун керак бўлган шундай ўқув топшириқлар тўпламининг тахминан намунаси келтирилади.

Бу асарни ўқиб чиққандан кейин «тарбия» тушунчасининг психологик мазмунини (педагогик эмас) - «таъсир кўрсатишини» сиз психологик нуқтаи назари билан келишган ҳолда қандай қабул қиласиз?

Тарбиячилар шахснинг ривожланиши психологик қонуниятларга ҳақиқатан таниш сифатида, тарбия амалиётига (методикасига) сиз нима янгилик киритиш таклиф этган бўлар эдингиз?

Талабаларга қуйидаги топшириқлар берилади:

Семинар машгулотларида қуйидаги саволларни муҳокама этишга тайёрланг; психологияда ўқитиш ва ривожланиш нисбатлари билан боғлиқ бир неча нуқтаи назарлар мавжуд; а) психик ривожланиш ўзининг қонунлари бўйича боради, ўқитиш эса, ижтимоий тажриба шаклланиши сифатида, ривожланиш эса эришилган даражага таяниши керак, яъни ривожланиш жараёнининг ортидан бориши керак (Ж.Пиаже), б) психик ривожланиш унинг бутун объективлиги деб фараз қилинишига қарамай тўғри йўлга қўйишдагина (психологик асосланган) ўқитиш билан ўз-ўзини бошқариши мумкин, яъни таълим ривожланишидан олдинда бўлиши, ўзининг ортидан эргашувчи, ривожлантирувчи бўлиши керак (Л.С.Выготский, Д.Б.Эльконин, В.В.Давидов ва бошқалар), в) ўқитиш - бу ривожланишнинг ўзидир, яъни ривожланиш ва таълим бир нарсадир (Э.Тордайк), келтирилган нуқтаи назардан қайси бири сизнингча тўғрими? Нима учун қолганларини нотўғри деб ҳисоблайсиз, асослаб беринг.

Амалий машгулотта тайёрлаш тартибида, биринчи саволга ўз жавобингиздан келиб чиққан ҳолда, масалани ечимига ёндашинг. Психология бўйича машгулотда бир хил талаблар ўқув материалларини тушунарли даражада (дидактиканинг принципларидан бири ана шундай) берилиши керак деб ҳисоблайдилар, бўлмаса ўқувчилар тушунмайдилар, бунга айримлар қарама-қарши

чиқишади; «унда таълим ривожланиши қандай қилиб ортидан олиб юради»? Агарда тушунарлилик бугунги даражадан юқорига кўтарилмаслиги унда ўқувчиларни узининг ривожланишида қолиб кетишига мажбур этамизку, ким ҳақлигини тушунтириб беринг, (психологларнинг ривожлантирувчи ўқитиш ҳақидаги асарларини ўқиб чиқинг ва таҳлил қилинг; В.В.Давидов А.М.Матюшкин ҳамда Дж.К.Флейвелкининг «Жан Пиаженинг генетик психологияси» китобига якуний сўзини; П.Я.Гальперян, Д.Б.Эльконинларнинг. «Ж.Пиаженинг болалар фикрлашларини ривожланиши ҳақидаги назариясини таҳлил қилиш», ва бошқалар

Ривожланиш ва таълим назарияси ҳақида ўқиб чиқиб, семинардаги мушокама қилинаётган қарама-қаршиликлар мазмунини таҳлил қилинг ва қуйидаги саволга аниқ жавоб қайтаринг; нима олдида - юради - таълимми ёки ривожланиш? Таълим ривожланиш жараёни ортидан бориши керакми? Ёки уни ўзи ортидан бошлаши керакми? Тушунарлилик дидактик тамойилни қандай тушуниш керак?

Талабаларга топшириқлар. Семинар машғулотда ривожланиш ва таълим ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш бўйича қуйида келтирилган тажрибани таҳлил қилиб чиқинг.

4-5 ёшли болаларга иккита А ва Б га бир хилда сув қуйилган идишларни кўрсатади ва агарда А идишдан каттароқ бўлган В идишга ҳамма сувни қуйилса, сувнинг миқдори ўзгарадими деб сўрайдилар ва уни болаларга кўрсатадилар. Кўпчилик болалар сув қанча бўлса шунча қолади ёки шундай бўлади деб жавоб қайтардилар, бу ерда суюқлик миқдори ҳақидаги савол кўрғазмали намоён этилади, сўз билан «фақатгина назарий» кўринишда қуйидагича (агарда унга қуйсак), шундан кейин ҳақиқатдан ҳам сувни А идишдан В идишга қуйилди. Лекин бу ишни болаларнинг кўзи олдида эмас, балки сувни қуйиш пайтида идишларни мато билан тусиб туриб болаларга кўрсатмай бажарадилар, кейин дарҳол олиб ташладилар. Энди Б ва В идишлардан сув болалар кўзи олдида яққол кўриниб турар эди. Энди болаларнинг кўпчилиги Б идишни кўрсатадилар чунки ундаги сув баландлиги юқори эди. Нима бўлди; нима учун сўз билан тушунтиришда болалар (хаёлида, назарий манзарани аниқ кўрмай туриб) сувни қайта қуйган билан унинг миқдори ўзгармаслигини яхши тушунадилар. Унинг хатолигини ўзгарса ҳам (В идиши кенгроқ эди), бу тажрибани ўз тадқиқотларида фойдаланган психологлар буни боланинг тушунчаси ривожланаётгани билан тушунтирадилар. Мисол учун «миқдор» ва «сабаб» (сони нима учун ўзгарди, деган саволга болалар чунки қуйдик идишга деб жавоб қайтардилар) болаларда тасаввурида катталарникидан фарқли умуман бошқача маънога эга бўлиши мумкин ва улар нима ҳақида сўраётганларини тушунмаслиги мумкин.

а) Бу ривожланиш ўз - узидан бўладиган жараён деб ҳисоблаган Ж.Пиаже ҳақ деганими, бу таълимга боғлиқ эмасми? Бу уз-узидан утиб борадиган керакли ривожланиш даражасини кутиб утирмай таълим бу ривожланишга нима етмаётган бўлса шуни киритиб унинг даражасини кўтариш кераклигини билдирмайдими?

б) Нима учун болалар сўзни сўз билан (назарий) қўйилганда тўғри жавоб бериб ҳақиқий (курғазмали) қўйилганда хатога йўл қўядилар;

Талабаларнинг мустақил ишлари ва уларни семинар машгулотларига тайёрлашда ўқув масалаларни тузишда қўйидаги саволлардан фойдаланиш мумкин;

Ўқувчиларнинг ёши психологик хусусиятларидан келиб чиқиб ва керакли ўқув қўлланмаларини ўқиб чиқиб қўйидаги иккита саволга жавоб беринг;

а) қандай қилиб ўқувчилар, ота - оналар, мактаб раҳбарлари ёши, ривожланиши ҳар бир даври учун хос бўлган таълим ва тарбиялашда фаолиятнинг етакчи турларини ҳисобга олишлари керак. (мисоллар билан кўрсатинг)?

б) эҳтиёжлар доирасидаги ривожланишдаги қарама - қаршилиқ бирлигини, унинг операцион - техник имкониятларини, таълим ва тарбияда қандай қилиб ҳисобга олиш мумкин (жавобларни ҳар бир ёш даври учун алоҳида тайёрланг).

Ривожлантирувчи таълимнинг маъноси нима, қандай ўқитишларни ривожланган деб айтиб бўлмайди (алоҳида таълим амалиётида)?

Амалий таълимда учрайдиган ўқитиш мотивларини айтиб ўтинг ва уларнинг ҳар бирнинг асосида қандай талаблар ётишини тушунтириб беринг.

П.Я.Гальпериннинг босқичма - босқич билан ақлий ҳаракатларни шакллантириш психологик концепциясининг таълимнинг бошқа ҳамма концепцияларидан принципиал фарқи нимада?

Л.С. Выготскийнинг ҳозирда унинг шогирдлари ва издошлари томонидан ривожлантирилаётган тарихий-маданий назарияси маъносини ёш ва педагогик психологияга нисбатан қисқача қандай ифода этган булар эдингиз?

Анъанавий ўқитиш назариясида психологияда ва педагогикада бўлгани каби хатолар ўқитишда албатта бўлади, баъзан ҳатто бу фойдали ҳам бўлади. Муаммога тўғри муносабатда бўлганда деб ҳисоблаш қабул қилинган, чунки «хатоларда ўрганилади», ақлий ҳаракатларнинг босқичма-босқич шаклланиш назарияси асосида (П.Я.Гальперин ва унинг издошлари) ташкил қилинган ўқитиш хатосиз булайи мумкин деб ҳисоблайди. Бу фикрни тўғрилиги бир неча бор тажрибалар билан исботланган, бир неча юз минглаб буш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ўқитиш бўйича ўтказилган

тажрибаларга яқун ясаб И.Ф.Тальзина шундай ёзади: «ўзлаштириш аста-секинлик билан хатолардан халос бўлиш сифатидаги тасаввурларни ўзлаштиришнинг ҳақиқий табиатига тўғри келмайди деб тўла ишонч билан айтиш мумкин, билимсизликдан билимга йўл умуман олсак беҳато бўлиши мумкин».

## ЮРИДИК ПСИХОЛОГИЯНИ УЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Юридик (ҳуқуқий) психология-ҳуқуқий қоидаларни қўллаш ва ҳуқуқий фаолиятда иштирок этаётган одамларнинг психик ҳаёти хусусиятлари ва қонуниятларини ўргатувчи фандир, бошқача айтганда, бу ҳуқуқ доирасида қўлланилиш ва унинг субъектлари, яъни ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари психологияси ҳақидаги фандир. Юридик психология давлат таълими тизимида юридик институтлар ва университетларнинг юридик факультетларида ўрганилади, у ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизими ўқув юртларида иқтисодий ва бошқарув ўқув муассасаларида ўқитилади. Талаба юристларга бу фанни ўқитишдан мақсад олим-ҳуқуқшунослар юристнинг психологик маданиятини шакллантиришни мақсад деб биладилар, бу маданият юридик фаолиятни самарасини оширади, унинг инсонпарварлашувига ёрдам беради. «Юристининг психологик маданияти – деб ёзади муаллифлардан бири – юридик органларнинг хизматчиларда доимо психологик билимлар бўлишини, ҳамда юқори маданиятли муносабатларни таъминловчи қўшимча услублар шаклланишини ҳам кўзда тутаяди».

Шундай қилиб, гап психологик билимли юристлар ҳақида боради, чунки уларнинг фаолиятида одамлар билан ишлаш биринчи ўринда туради ва бу ишнинг муваффақиятли бўлиши учун ана шу одамларнинг психологиясини билиш керак. Юридик психология фани бошқа ўқув юртларида ҳам ўқитилади: ижтимоий ҳимоя, ишлаб чиқариш педагогикаси, бизнес (менежмент ва маркетинг) соҳаларида ишлаш учун амалий психология бўйича ихтисосликдаги талаблар шу билан бирга бу ерда ўқитиш умумий психология ва психология фаннинг бошқа соҳалари асосида ўқитилади ва бўлажак психологлардан фарқли психология фанларининг катта гуплами ўқитилади. Шунинг учун, албатта психологлар учун юридик психология курси дастурига умумий психологик саволлар киритилмайди, бошқа психологик бўлмаган мутахассислик талабалар учун улар ўқув фанининг мазмунини тахминан ярмини ташкил этади.

Мамалякатимиз ҳуқуқий давлат йўлида борар экан юридик (ҳуқуқий) психология келажакда ҳуқуқ ўрганиладиган ҳамма ўқув юртларида ўқитилади деб кўзда тутиш мумкин.

Гап шундаки, бу фанни ўрганишда талаба – психолог психологиянинг назариясига эмас балки ҳуқуқий билимларни қўллаш фаолияти жараёнида ҳақиқий юзага келадиган турли вазиятларни психологик таҳлил қилишга асосий эътиборларни қаратишлари керак. Бу билан у ўзини қонунни ҳимоя қилиш органлари ишчиларига уларнинг фаолиятларида психологик ёрдам берувчи консультант ёки эксперт вазифаларини бажаришга тайёрлайди. Бошқача айтганда, юридик психологияни ўрганишда талаба – юрист учун унинг мумкин бўлган мижозлари одамлар психологияси ҳақида билимларни олиш асосий ҳисобланса, талаба – психолог учун эса – юристнинг фаолиятининг психологик мазмунини ўрганиш ҳисобланади. Бунинг учун у юрист-пруденцияларда бўлмаса ҳам, унда ҳеч бўлмаганда юридик психологиядан билимлари бўлиши керак, ана шуларни ҳисобга олиб асосий йўналтирувчи муаммоли саволлар ва ўқув масалалари тузилган.

Қуйидаги таклиф этилган масалаларни ҳал этиб талаба – психолог ўзини бири терговчи, бири судья, бири айбланувчи, бири гувоҳ, инспектор, адвокат ёки прокурор ўрнида ҳаёлан тасаввур этади. Бундай ролларда ҳаёлан бўлиш юридик психологияни асосан ўқув ва махсус юридик адабиётлари бўйича ўрганишга тўғри келиши сабабли керакдир. Мана шунинг учун психолог тасвирлаш мақсадида аниқ бир фаолиятни тасаввур этиш керак (сабаблари, мақсадлари, ҳаракат, восита ва услубларни, фаолиятдан кутилган ёки ҳақиқатдан эришилган яқиний натижани) ва ҳаёлий диалог методи бўйича юрист каби қарорга келиши керак: «Ушбу вазиятда мен нима қилган бўлар эдим?»; «Психологик нуқтаи назардан қайси бири тўғрироқ; сўроқ қилинаётганининг жавобини тўғри деб ҳисоблашми?» ёки ҳеч бир гап айтмасликми «нима учун гувоҳ судья берган саволлардан хабардор экан яққол кўриниб турган бўлса, уларга жавоб бермаяпти? Хохламаяптими? Аниқлигига ишонмайдимми? Бирор нарсадан ёки бирор одамдан кўрқадими?» Иштирокчиларнинг ҳаракатлари ва турли ҳуқуқий вазиятларни ўрганиб, психолог ўз касби сифатида билган психология қонунлари нуқтаи назаридан юзага келган муаммоларга жавоб излайди, вазиятларни эса талаба ўқув ва илмий юридик адабиётлардан бадиий (яхши детектив) асарлардан ва ҳаётнинг ўзидан олади.

Албатта фаннинг «юридик психология» дарслигидан фойдаланиб ўрганган анча яхши бўлар эди, лекин биринчидан, юридик бўлмаган ўқув юртлари учун бундай дарсликнинг топилиши қийинлиги, иккинчидан, аниқ бир ҳуқуқни қўллаш фаолиятни психологик мазмунда эмас балки юридик маънода тасвирланган. Шунга қарамай «Юридик психология» дарсликлари бўйича ҳар қандай бошқа «соф» юридик китоблардан кўра юрист фаолиятининг психологик аспектларни ўрганса яхши бўлади. Яна бир маротаба таъкидлаймиз; одамларнинг хулқи ва ҳаракатлари,

фаолиятини психологик тушунтирувчи консультант ёки экспертнинг ролида иштирок этувчи психолог учун энг асосийси турли касбий вазифаларни бажараётган юрист фаолиятининг психологик тузилишини билишдир. Фаолиятни билиб ва амалий ёндашиш тамойиблига таяниб, у ҳар доим шу турдаги масалаларни малакали ҳал эта олиши мумкин бўлади. Шундай қилиб, талаба – психологларга турли вазиятлар моделларини тасаввур этувчи (атайлаб ёки билмай туриб қилган қонунга хилоф ҳаракатлар чигал вазиятлар, эҳтиётсизлик билан қилинган ҳаракатлар баргараф этилиб, бўлмайдиган куч таъсири остида зарар етказиш, ҳамда ҳуқуқий қонидани нотўғри талқин этиш ва шу сабабали ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларни амалга ошириш ёки зарар келтиришга олиб келиш пайтида муносиб ёки административ жавобгарликка тортилишини психологик баҳолашни талаб этиладиган вазиятларни тасвирловчи вазиятли масалаларни таҳлил қилиб, ўрганиб чиқиш таклиф этилади. Масалалар ҳамма вазиятларни жазолаш ёки оқданиши мумкин бўлган у ёки бу ҳуқуқ қонунларга мос келадиган категорияли ҳодисаларга тааллуқлидир. Шунинг учун талаба ҳуқуқий нуқтаи назаридан ҳамма ҳаракатларни қонунга мувофиқ бўлишига ишониши мумкин, бироқ моҳияти йўлига маънавий – эстетик томондан адолатсиздек ёки умуман зарарли мисол учун қўйидагича масалада (қурол ишлатиб ўлимга олиб келган натижаси билан тутаган ҳолатдага) бўлиб кўриниши мумкин, бундай изоҳни бериб ўтишимиздан мақсад қўйидагиларни кўрсатиш: психологдан ҳодисанинг юридик эмас қонунга жавоб берадиган ёки жавоб бермайдиган томонларини эмас, балки фақат психологик томонларни ўрганиш талаб этилади, чунки қонуннинг аниқ моддасини унга айтиб берадилар (буни билиш шарт эмас, бироқ билса зарар бўлмайди).

Вазиятли масала ва саволлар:

1. Ҳар қандай фаолиятнинг психологик тузилишига маълумки сабабалар, мақсади, воситаси ва натижаси киради. Ана шу нуқтаи назардан кенг тарқалган ҳуқуқни қўллаш фаолияти турларини ўрганиб чиқинг: турли қонунга бўйсунувчи ҳужжатлар ва ижроия органларнинг бошқа ҳужжатлари ва ижроия органларнинг бошқа ҳужжатлари асосида қонунни ижросияни назорат қилувчиларнинг терговчи: йўл хизматчиси нозири, прокурорнинг суддаги айбловчи сифатидаги фаолияти, судьянинг, адвокатнинг қонунни ижро этилишини назорат қилувчи прокурорнинг, ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг бошқа вакиллари ва бошқалар.

2. «Милиция ҳақидаги» қонунда қандай ҳолларда милиция ходими огоҳлантирмасдан қурол ишлатишга (мумкинлиги) ҳуқуқи борлиги ҳақида айтилган. Сизга икки ҳодисани ҳавола этамиз.

Биринчиси: Ички ишлар кучлари Шимолий Осетиянинг фавқулотда ҳолат эълон қилинган ҳудудида автомобиль йўлидаги назорат пунктида хизмат олиб бораётган эди.

Автомобиллардан бири назорат пунктида қисмининг талабига биноан тўхтамади, шлагбаум тагидан ўтиб катта тезликда узоқлашиб кета бошлади. Қисм раҳбари колашников автоматидан оғоҳлантирмай туриб автомобильга ўқ узади, бунинг натижасида ҳайдовчи ҳалок бўлади, йўловчи эса милицияга олиб келинади. Кейинги текширишлар натижасида автомобильда тақиқланган юк йўқлиги, автомобиль эса йўловчи самолётга кеч қолаётганлиги сабабли тўхтамаганлиги аниқланади.

Иккинчи ҳодиса худди шу каби, шу районда бўлади, фақатгина фарқи шундаки, ҳайдовчи ҳалок бўлганидан кейин автомобильдан яширилган қурол ва ўқ дорилар борлиги, ҳайдовчи ва йўловчи эса қамоқхонадан қочган хавфли жиноятчилар бўлиб чиқдилар.

Иккинчи ҳолда ҳам офицерларнинг ҳаракатларини қуролдан қонунда кўрстилган тартибдан риоя қилиб қўлланилгани ҳисобига олиб, фаолият психологияси нуқтаи назаридан баҳоланг.

3. Бир – бирига душман бўлган профессор Буров ва доцент Воронов Комуев оролида иккаласи биргаликда овда бўладилар профессор Буров чап кўзига ов пичоги урилишидан ўлади (суд тиббий эксперти бу зарба «Инсон кучи билан берилмаган» деб хулоса чиқаради). Воронов терговда шундай дейди: «бизнинг шундай узаро ёмон муносабатларимиз оролда яна ҳам кескинлашди. Мен билмайман балки охир оқибат ўзимни ушлаб туролмай, бир вазиятда ўзимни йўқотиб қўйиб мен ҳақиқатдан ҳам профессорни ўлдиришим мумкин эди, лекин мен уни ўлдирмадим» кейин Буров қандай қилиб ўлганини у гапириб беради, кулнинг нарғи қиргоғида туриб у қарама – қарши қиргоқда турган Буровни курганини, тўсатдан у турган жойдан ўқ овозини эшитилганини айтади, югуриб келиб қараса у чап кўзига пичоқ уриб ўлдирилганини, милтиқ эса ёнида ётганини кўради. Яқин орада бошқа ҳеч ким бўлмаган.

Савол: Раҳбарлар ва ҳамкасблари обрўси баланд, ишончли одам деб ҳисоблаган Вороновнинг айтганларига ишониниш мумкинми ёки йўқми: ишнинг қайси бир вазиятлари, шу жумладан Вороновнинг ҳикоясидан ҳам вазиятлар сизга психолог-экспертнинг эътиборига лойиқдек кўринади (Бу ерда ҳақиқий ҳодиса тасвирланган, суд Вороновни айбдор деб ҳукм чиқаради. кейинчалик ҳукм бекор қилиниб Воронов айбсиз деб топилди озода этилади.) нима учун Вороновни айбсиз деб топиш мумкин бўлди, қачонки бошқа ҳеч қандай юқорида айтилгандек ташқари қўшимча маълумотлар бўлмаган тақдирда? Вороновга нисбатан биринчи суд ҳукмини агарда психологик экспертиза қилиш талаб этилса, сиз қандай фикр юритган бўлар эдингиз?

Жабрланувчи аёл унга босқинчиларнинг хужум қилган жойидан бошқа ҳеч нарсани тасвирлай олмайди, бу эса бир кўчанинги кичик кўчаларидан бирида бўлган эди.

Терговчи, жабранувчи курсатиб бермоқчи бўлган хужум қилинган кучага аёлни олиб боради (у балки кучани таниб қолар) ҳақиқатдан кичик кучалардан бирини дарвозаси ва унинг тагидаги аҳлат яшигидан дарҳол танийди. Нима учун аёл илгари, терговчи кабинетига ана шу белгиларни (давоза, ахлат яшиги) тасвираб бера олмайди, аёлни ҳужум содир этилган жойга олиб борар экан нимага ишонган эди.

5. Гувоҳ жиноятчиларни айна қайси куни ховлида кўргани аниқ санасини эслаб олмайди. Уни гувоҳ сифатида шахсан таниган ва ҳақиқатдан бир ярим икки ҳафта илгари кўрганини, шунда терговчи унга охириги пайтлардаги ҳамма ҳодисаларни қонунга қарамай эслаб чиқишни таклиф этади. Шундан кейин гувоҳ жиноятчини кўрган аниқ куни ва аниқ соатини айтади. Нима учун у энди эслади, илгарироқ эмас, гувоҳнинг хотирасини ишлатиш учун қайси психологик қонунидан фойдаланилди?

6. Гувоҳ бир одам билан сўроқ эшиги олдида дуч келади. Бу одам қидирилаётган жиноятчи бўлган, ёки ҳеч бўлмаганда ўша бўлиши мумкин эди. Аммо гувоҳ ҳеч ҳам терговчига ёрдам қила олмайди, чунки жиноятчининг кўринишини сўз билан тасвираб бера олмайди. Лекин унга қозғога расмини чизиб бериш таклиф этилганда, у бу ишни жуда яхши ва ишонч билан бажаради. Демак, у белгиларини билган, нима учун унда сўз билан кўринишини тасвираб бера олмагани?

7. «Баҳорнинг ун етти лаҳзаси» фильмида шундай эпизод мавжуд, бунда Штирлиц ўзининг немис ҳамкасби хонасига гўёки бош оғриши дорисини сўраб киради, аслида эса гестапо қўлга туширган радистканинг чемодани уни қизиқтирар эди, шубҳа тугдирмаслик учун чалгутувчи саволлар билан ўзининг чемодонга қизиқишини (ниқоблашга) яширган ҳолда ҳаракат қилади, у гестапани кабинетига кириш билан дарҳол таблеткалар ҳақида савол беради ва кетаётганида ҳам ўзининг мумкин бўлган тақиб қилувчиларнинг эътиборини чалгитишга ҳаракат қилган Штирлиц психологиянинг қайси қонунидан фойдаланади?

8. Хаёлий ёки ҳақиқий жиноятчи гувоҳлар эътиборини чалгитиш учун шунга ўхшаш услублардан фойдаланиш мумкинми, судда жиноятчи қўллайдиган ёки қўллаш мумкин бўлган шу чалгитувчи услубларнинг психологик таъсиридан гувоҳни озод этиш учун терговчи ёки жиноят қидирув инспектори нима қилиш керак?

9. Ўсмир гиёҳванд модда сотиб олади, лекин кимдан сотиб олганини айтмайди, милицияда унга жазо берилмаслигини гиёҳванд модда сотиб олиб ҳеч қандай жиноят содир этмаганигини фақатгина гувоҳ сифатида иштирок этишини тушунтирадилар, жиноятчи сотган одамни эса уни қўлга олишда ёрдам беришни тушунтирадилар, лекин ўсмир ўз фикрида туради; «Билмайман, кўра олмадим, эсимда йўқ» нима учун у керакли кўрсатмаларни



бермаяпти? Ҳақиқатдан ҳам билмайдими ёки бирор нарсадан қўрқадими? Қўрқса нима учун? У билан қандай қилиб психологик алоқа ўрнатиш мумкин: психолог консультант сифатида сиз нима маслаҳат берар эдингиз;

10. Умуман гувоҳнинг ёки жабрланувчининг аниқ ҳақиқий кўрсатмалари бериладиган бош тортишларнинг қандай психологик сабабалари бўлиши мумкин, яъни жиноятга алоқаси йўқ ва шубҳадан ҳоли ва айбсиз одамлар нима учун шундай йўл тутадилар. Агарда қўрқса нимадан ва нима сабабли? Бундай одамларга объектив гувоҳлик кўрсатамаларини бериб ҳақиқатни юзага чиқишига ёрдам беришлари учун психолог қандай ёрдам бера олади:

11. Нима учун баъзи одамлар суд олдида ёки тергов пайтида гувоҳ сифатида иштирок этиб, ёзма равишда ёлгон кўрсатма учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришга қарамай ёлгон кўрсатма берадилар. Психолог консультант сифатида сизга ёлгон кўрсатмалар мумкин бўлмаслиги ёки ҳеч бўлмаганда кам учрайдиган ҳол бўлиши учун нима қилишни маслаҳат берган бўлар эдингиз.

Агарда жиноятчини ёки шубҳаланувчини таниш керак булган одам уни кўрмаган, лекин унинг ўзига хос овозини эшитган ва эслаб қолган булса, унга таниш нарсани сиз қандай ташкил этган бўлар эдингиз: уни таниб олиш пайтида овозини ўзгартиришга ҳаракат қилса нима қилиш керак, мисол учун бугилиб гапирса?

Юридик психология – психология тармоқлари ичида мураккаб бўлиб, бунда шахсдан ҳуқуқий билимлар билан бирга психологик билимдонлик ҳам талаб қилинади.

## **ТИББИЁТ ПСИХОЛОГИЯСИНИ УЎҚИТИШНИНГ МАЗМУНИ**

Тиббиёт психологияси психологиянинг тиббиёт билан аниқса унинг психиатрия, неврология, психохирургия каби соҳалари билан алоқасини кўрсатади.

Тиббиёт психологияси предмети ҳозирги даврда ҳам аниқ ва бир маънодаги ўз тушунчасига эга эмас.

Баъзилар «тиббиёт психологияси» ва клиник психология тушунчалари бир нарса деб ҳисоблайдилар. Бошқалар улардаги фарқни кўрсатадилар уларни ажратадилар. Россия давлат таълим стандарти рўйхатида «Клиник психология» деб аталган ўқув фани мавжуд, лекин «Тиббиёт психология»си деган фан унда мавжуд эмас. Аммо билимларнинг бундай соҳасини психологик мутахассислиги бўйича талабалар уни амалий ўрганадилар. Клиник психология ҳақида гапирсак, унда таълим давлат стандартида очиб берилган мазмуни бўйича психологлар томонидан эмас балки, талаба ҳамширалар томонидан ўрганилиши керак, чунки

психологлар ўз хизмат вазифалари соҳаси бўйича стационарларда даволанишда бўлган беморлар билан ишламайдилар.

Биз тиббиёт психологияси мустақил ўқув фанидан иборат деган тасаввурдан келиб чиқамиз ва унинг мазмуни клиник психология билан бир хил эмас.

Аmmo тиббиёт психологияси предметининг турли намоёндалари уни мустақил илмий соҳа деб тан олишсада, турлича тушунтирадилар. Тиббиёт институтлари талабалари учун «Тиббиёт психологияси» ўқув қўлланмасида ушбу масалага тўртта нуқтаи назарлар келтирилади. Улардан биринчиси: тиббиёт психологияси - бу талаба- врачлар ва врачларга мўлжалланган анъанавий психология асослари сифатида бошқа муаллифлар тиббиёт психологияси мазмунининг касалликлар табиатини психологик ташдил қилиш, биринчи навбатда нерв - психик касалликларни урганиш деб ҳисоблайдилар. Учинчи тадқиқотчилар тиббиёт психологиясини умумий психология билан бир хил деб ҳисоблайдилар, Янги бу илмий фanning предмети психик касалликларни ва фақатгина уларни урганиш деб ҳисоблайдилар.

Бу фикрни далиллар касатириб танқид қилган муаллифлар ўзгариши тўртинчи нуқтаи назарини ифода этадилар, улар бу илмий фан «беморнинг психикаси хусусиятлари турли кўринишларини ва уларнинг соғлиққа ва касалликка таъсирини», «психологик даволаш таъсирлари тизимини, шу жумладан «Врач - бемор тизимини» урганади деб ҳисоблайдилар. Муаллифлар тиббиёт психологияси ўзининг шунчалик муҳимлигига қарамай «умумий тиббий амалиётдан алоҳида бўлиб нафақат ожиз балки қўлланилиши ҳам мумкин эмас» деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб, муаллифлар фақатгина «тиббий ёрдам кўрсатилиши шароитидагина» бемор одамлар психикаси тиббиёт психологиясига тааллуқли, медицинадан ташқарида эса уларни тасаввур қилмайдилар ва бундан келиб чиқиб тиббиёт психологияси - бу психологиянинг эмас, балки мединцинанинг соҳаси деб жуда тўғри хулосага келадилар. У бемор одамларда юзага келган психологик муаммоларни» урганади. Тиббиёт институтларида ушбу ўқув фанини ўқитишда предметини бундай тушунтириш балки тўғридир, лекин фақатгина бемор эмас, балки, соғлом одамлар билан ҳам ишлайдиган мутахассислар учун, хусусан амалий психологлар ва ижтимоий педагоглар учун унинг мазмуни бир оз бошқача кўринади. Уни агарда образли қилиб айтсак камроқ тиббий ва кўпроқ психологик бўлиши керак. Чунки ижтимоий педагог - амалий психолог асосан беморлар билан эмас (балки улар билан ҳам) меҳнатга лаёқатсиз ёки нафақахўрлар, соғлом одамлар билан ишлайди. Психологнинг асосий вазифаси - касал одамлар камроқ бўлиши учун ҳаракат қилиши, умуман аҳоли орасида психологик ишлар билан шугулланишдир. Психогигиена, касаликларини психопрофилактика қилиш, психологик

консультациялар, қаттиқ психологик жароҳатланиб чиққанларни психологик соғломлаштириш ҳамда невроз, оғир реактив психозларнинг асоратларини, ўсмирларнинг бузилаётган ҳуққида психопатиянинг кўчайишида психотерапевтик муолажалар билан шуғулланади.

Тиббиёт психологияси соҳасидан билимларга эга бўлган амалий психолог психик (зарарлантирувчи) жароҳатловчи омиллар таъсири остида психик фаолиятида касалланишларни бошланғич симптомларини ўз вақтида кўра олади ва керак бўлганида ўз вақтида психологик ёрдам кўсатади, психогенли касалликларни ўз вақтида диагностика қилишни билиши керак, нерв - психик касалликлар билан оғирган беморларни керак пайтида психиатрга юборади. Амалий психологнинг муҳим вазифаларидан бири гуруҳлар ичидаги ва гуруҳлар ўртасидаги низо, келишмовчиликларни юмшатиш ва бартараф этишдан иборат, иложи борича олдиндан низоларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишдан иборат, қисқача қилиб айтсак, амалий психолог турли хил психик касалликлар қаттиқ ва узоқ давом этадиган бетобликка олиб келмаслиги учун ҳамма ишни қилиши керак, медицинанинг аралашига зарурият қодирмаслиги керак.

Шундай фикрлардан келиб чиқиб, тиббиёт институтларида урганиладиган тиббёт психологияси медицина билимлари соҳаси сифатида эмас, балки психологик адабиётларда кўрсатилгандек психология соҳаси деб қараш керак.

Аmmo психологлар орасида ҳам бу илмий фан предмети ҳақида фикрлар бирлиги йўқ, умуман ушбу муаммони психологик илмий жамотчилик ўртасида муҳокама этилмаган.

Ҳозирги кунда тиббиёт психологиясига психологик фан соҳаси сифатидаги нуқтан назарлардан бир нечтасини учратиш мумкинки, улар маълум хулосага келиш ва фақат шундан кейин ундан келиб чиқиб талаба психологлар ўрганиши лозим бўлган саволлар доирасини белгилаб чиқишига уриниш учун уларни таҳлил қилиб чиқиш зарур.

Барча муаллиф - психологлар тан оладиган энг биринчиси - бу тиббиёт психологиясини медицинанинг эмас, балки психологиянинг соҳаси деб тан олишларидир. Шу билан бир вақтда психологлар унинг мазмунига медицина мутахассисларига доир саволларни ҳам киритадилар. (мисол учун, нерв-психик касалликлар клиникасида миянинг тузилиши ва ишлашининг ўзгариши беморнинг психикасига таъсирини ўрганиши, соматик касалликлар килиниқасида эмас - психик ҳолатининг соматик жараёнларига таъсирини). Лекин буни ҳамма ҳам билади, клиника шароитларида психологияни қўллаш амалий психолог вазифасига кириши лозим, лекин мактабда фаолият, кўрсатувчи психолог фаолияти киритилмайди, демак бу саволларни талаба - психологлар

ва умуман тиббиёт институти бўлмаган ўқув юртларида ўқитиладиган «тиббиёт психологияси» фани таркибига киритиш тўғри эмас.

Ҳамма психологик нашрлар муаллифлари турли сузлар билан тиббиёт психологиясидан – бу диагностикада, даволаш ва касаликларни профилактика қилишда психологик қонуниятлардан фойдаланувчи психология соҳаси деб битта фикрни ифода этадилар. Илмий фаннинг мазмунини ва вазифалари масаласини кўрилатганда қарама-қаршиликлар юзага келади.

Биринчи қарама-қаршилик диагностика қилиш, даволаш ва олдини олишда психологик билимлардан фойдаланиладиган касаликларни кўрсатиб ўтилатганда юзага келади.

Баъзи дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида нейрпсихология ўрганадиган касалликлар ҳақида гап юритилади, яъни мия тузилишлари, локал зарраланиши натижасида олий психик функцияларининг бузилиши ҳақида, лекин касалликнинг ўзи ҳақида тўла ҳеч нарса дейилмайди. Баъзан муаллифлар тиббиёт психологияси жиҳатидан ўрганадиган доирадаги касалликлар ҳақида гапириб «турли касалликлар» атамаси билан чекланадилар, балки ҳамма касалликларда уни тиббиёт психологияси ўрганиши керак бўлган психологик «томонлари» ҳам мавжуд деб ҳисобласалар керак. Тиббиёт психологияси мазмунида тадқиқотлар ўзаро боғлиқ бўлиб икки соҳасини мутахассислари юқорида айтиб ўтилган муаллифлар ҳам балки, шундай деб ҳисобларлар: бири соматик жараёнларда психологик ўзгаришларнинг психикага таъсири муаммоси билан боғлиқ, иккинчисида эса асосий муаммо психик ҳолатнинг соматик касалликларга таъсири ҳисобланади, қисқаси яна ҳамма мавжуд касалликлар назарда тутилмоқда.

Бу ҳамма фикрларни (улар ҳозирда ҳам босиб чиқариладиган дарсликлар ва психологик лугатларда ифода этилади, шунинг учун бу ерда улар ҳақида гапирилмайди) нотўғри деб айтиб бўлмайди, чунки психологик қонуниятлардан ҳамма касалликларни даволашда, агарда ундан шахс зарарланган бўлса, унда эса ҳаммаси ўзаро боғлиқ – жон ва тана, психика ва организм кўринишидан фойдаланиш мумкин. Аммо бу фикрларнинг ҳаммасини тўғри деб ҳисоблаб, шу билан бир вақтда улар хусусий ҳолда турлича ва қонуний олиб қарасак жуда ҳам умумий эканини ва шунинг учун тиббиёт психологиясининг предметини илмий ўқув фани сифатида қатъий ифода этишда маълум қийинчиликлар тугдиришини тан олишга тўғри келади.

Шунга қарамасдан ижодий фикрлаш тўхтаб қолмади, масалан 1998 йилги бир хил номли рус тилида иккита «Қисқача психологик лугат»лари босмадан чиқди. Уларда қўйидаги икки аспект кўрсатиб ўтилади.

Биринчидан, тиббиёт психологияси «беморнинг психик хусусиятлари, соғлиги ва касаллигига унинг таъсири, врач ҳамда

беморнинг узаро муносабатлари, одамларнинг жисмоний соғломлиги, нерв - психик зарарланишларининг олдини олиш мақсадида муҳитни мослаштириш йулларини» урганувчи психология соҳаси сифатида таърифланади. Агарда уни тиббиёт институтлари бўлмаган ўқув юртлари талабалари учун ўқитилишини назарда тутсак, мавжуд таърифлаш «тиббиёт психологияси» тушунчасини таққосланганда бу ердаги янгилик нимадан иборат.

Агарда расман қарасак унда «муҳитни мослаштириш» ва «нerv - психик зарарланишларни олдини олиш», қолган тушунчалар белгилари ҳаммаси фақатгина медицина мутахассисликлари, тиббиёт психологиясига тааллуқдир. Айтилган иккинчи лугатда «тиббиёт психологияси» тушунчаси «клиник психология» тушунчасидан ажратилган ва иккаласига алоҳида тариф берилган ва уларнинг ҳар бири - кенг ифодаланган. Ушбу лугатдаги икки тушунча таърифларини таққослаймиз.

Биринчи навбатдан уларнинг ҳажми ҳақида гапириб ўтамиз, муаллифлар «тиббиёт психологияси» - «клиник психологиядан» кўра анча кенг тушунча - деб ҳисоблайдилар, шунинг учун у «тиббиёт психологиясининг» бир қисмидир, «клиник психология» деганда касалликлар келиб чиқиши ва утиб бориши, касалликларнинг шахсга таъсирини, даволаш таъсирларининг психологик аспектилари психик омилларини ўрганувчи тиббиёт психологиясининг соҳаси тушунилади. Тиббиёт психологиясининг бу соҳасига қўйидаги бўлимлар киртилади:

Патапсихология, нейропсихология, стамопсихология, агарда биринчи икки бўлимнинг мазмуни маълум бўлса, стамопсихология ҳақида қисқача айтиш керак, у бемор шахсини ва турли хил касалликлар билан оғриган, лекин «неврологик ва психик касалликларга тегишли бўлмаган», беморларни диагностика қилиш, даволаш, экспертиза қилишнинг психологик масалаларини ўрланади». Тиббиёт психологиясига келсак, унда муаллифлар «гигиена, профилактика, диагностика, беморларни даволаш, экспертиза қилиш ва реабилитация қилишнинг психологик аспектилари ўрганувчи психология соҳаси» деб тушунадилар, бу таърифнинг вазият ҳақиқий ҳолатига энг мос келадиган деб ҳисоблаб, бундан кейин баён этишимизда биз асосан унга амал қилиб борамиз.

Тиббиёт психологияси тузилишига бир қатор бўлимлар киритилган, улар орасида клиник психология энг умумийси ҳисобланади. Тиббиёт психологиясининг жадал ривожланиб келаётган соҳаларига психогигиена, психформакология, психотерапия, психик реабилитация ва психокоррекцион ишлар қиради.

Шундай қилиб, муаллифлар ўз мазмуни бўйича тиббиёт мутахассислари вазифасига кирувчи клиник психологияни тиббиёт

психологиясидан ажратиб олиб унинг предметини аниқлаб олишда муҳим илгари қадам ташладилар, клиник психологияси доирасидан четга чиқувчи, лекин янада кенгроқ – тиббиёт психологияси соҳасини мазмунига кирувчи барча тиббиёт ходимларидан ташқари психологлар томонидан ҳам ўрганиши керак.

Энди психологик касалликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш, психологиянинг, психопрофилактика, психокоррекция, психофармокология муаммоларини амалий психологнинг қизиқишлари ва ташвишлари доирасига кириши мумкинлигини аниқлаб олиш қолади.

Биринчи навбатда ҳамма касалликлари билан, хатто стационарларда узоқ вақт ва чуқур даволашни талаб этувчи психик касалликлар билан ҳам психолог шугуллана олмайди ва шугулланмайди. Унинг касбий бурчи – одамларнинг психик саломатлиги учун курашиш, соғлом одамларда нерв – психик касалликларини олдини олиш, психогигиеник ва психопрофилактик ишларни утказишдан иборат. Психодиагностик ва психотерапевтик ишлар олиб бориб беморларнинг психик аҳволларини яхшилаш, уларнинг баъзиларини зарур бўлганида психиатрга юбориш билан шугулланиш керак, шулар орқали психологиянинг тиббиёт психологияси соҳасини мутахассис сифатида ўз кучини йуналтириши керак бўлган объектларни аста-секин аниқланиб боради. Булар нерв-психик бузилишлар ва психоген касалликлар билан касалланган, лекин стационар даволанишга мухтож бўлмаган ва иш қобилиятини сақлаб қолган шахслар, ҳамда психик (травмалар етказувчи) жароҳатлар етказувчи таъсирланиши осон, заиф шахслар, психопатик, стационар шахслар ва баъзи бошқалар, шунга мос равишда бу одамларда психик ҳолат, ўзини тутишида касаллик белгилари доираси ҳам белгиланиши, психолог касбий фаолиятида шугулланиши керак бўладиган касалликлар аниқ рўйхатини аниқлаш мумкин.

Бунда психикаси касалланган касалликлар белгиланган рўйхатни бир оз камайтирилиши мумкин. Лекин психолог даволайдиган касалликлар сони унчалик эмас. Бошқача қилиб айтганда битта касалликнинг ўзи инсоннинг ўзини ҳис этишида ёки вақтинчалик психик ҳолатда турлича намоён бўлиши мумкин ва битта эмас балки бир нечта касалликлар таассуротини бериши мумкин. Шунинг учун талабалар касалликларни билиб олиши ва диагностика қилиш кейин даволаш ёки бошқа психокоррекция ёрдам курсатишга ўргатиш учун аниқ касалликларни ва уларнинг симптомларини айириш мақсадга мувофиқ бўлди.

Шундай қилиб, қайси касалликлар ёки паталогия ва психик ҳолати нормаси ўртасида бўлган, ёки шахснинг ўзини ёмон ҳис этишларидан қайсилари талабаларнинг, бўлажак амалий психологлар сифатида қизиқишлари объекти сифатига айланиши мумкин.

Ана шу нуқтаи назардан тиббиётдаги психологик хизмат вазифасига (хусусан тиббиёт психологияси соҳаси мутахассиси ҳисобланган мактабнинг амалий психологнинг ҳам) қуйидаги касалликларни ва уни яқин ҳолатларини киритиш мумкин: болалар ва ўсмирларда психоген бузилишлар. Касалланишлари уларнинг ота-оналари ва ўқитувчиларидан, болалар ва ўсмирларда психопатия, характери ва темпераменти, характер акцентуацияси (ортиқча ургу бериш) психик жароҳат етказувчи таъсир курсатишларга нисбатан жуда заиф хавфли гуруҳни ташкил этувчи норманинг энг кескин варианты сифатида кўрсатилади.

Ҳозирги пайтда болалар ва катталарда психоген касалликлари анча кенг тарқалган, «ўтиб келаётган юз йилликнинг анъаналаридан бири - психоген касалликларига яқин бўлган нерв-психик касалликларнинг сонини мунтазам ўсиб бориши ҳисобланади - деб ёзади, тиббиёт фанлари доктори, врач-психатр В.А. Гурьева - уларнинг асосий сабаблари психик ташвишланиш», «маънавий ҳаяжонланиш», «ҳаёт ташвишлари», «ҳиссий кучли таъсирланиш - стресс»лар ҳисобланади ва ўсмир ёшлар психопатологияси муаммолари билан шугулланувчи мутахассис сифатида, катта статистик маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, энг заиф гуруҳлар орасида «биринчи уринга ишонч билан болалар ва ўсмирлар кирадилар» деб таъкидлайди. Улар биринчи навбатда оиладаги ноқулай шароитдан зарар кўрадилар (жамиятлар, ажралишлар, оилавий маданий анъаналарнинг йўқлиги, наркомания, алкоголизм, судланиш, болалардан воз кечишлар).

Ана шундай шароитларда психоген касалликлар билан зарарланган болалар ва ўсмирлар билан, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилари билан ишлар олиб бориш мактаб психологининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қонун, бемор болаларга уни даволашда ёрдам бериш. Катталарни эса тиббий психологик билимлар билан таништириш, психогигиеник ишларни олиб бориш керак. Баъзи ота - оналар ёки ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам психотерапевтик ёрдамга муҳтож бўлишлари ҳам мумкин, чунки нерв-психик бузилиши мавжуд болалар билан уларнинг муносабатларини қийинлаштирувчи, шу билан ота - оналарнинг ҳолатини ёмонлаштирувчи психоген шакллар билан касалланишлари мумкин.

Амалий психолог - ҳозирча талаба катта одамнинг ўзи (ота - онаси ёки ўқитувчининг ўзи психологик касаллик билан кўпинча невроз билан) касалланган бўлиб, ҳеч ҳам ўзини касал ҳисобламайди ва шундай ишонч билан «бу болалар» унинг «асабига» тегади деб ҳисоблайдиган вазиятларга доим тайёр туриши керак, чунки вазият ҳақиқатдан ҳам аксинча бўлиб чиқиши ёки ҳеч бўлмаганда улар бир бирларининг «нервларини» бир хил бузаётган булишлари мумкин, лекин болалар учун бу анча ёмон ва оғир бўлади, кўпгина психолог мутахассислар учун мўлжалланган

психологик адабиётларда кўпинча ҳолларда оёқда ўтказиб юбориладиган психоген касалликлар ҳақида (тиббийёт хизматига муурожаат этмай ва катталарнинг меҳнат қобилиятини йўқотмайди) бирор фикр айтилмайди, лекин амалий психолог айнан ана шулар билан доимий равишда ишлашига тўғри келади. У ана шу касалликлар билан касалланган одамларни, уларнинг ўзларини тушунтиришига қараб, кўзга ташланувчи одатдан ташқари психик ҳолатига қараб аниқлаб олиши, касалликни тўғри аниқлаш, бундай одамларга психологик ёрдам кўрсатишни билиш керак, шунинг натижасида психиатрга, психоневролог ва бошқа мутахассисларга юбориш лозим.

Психологнинг диққат қилиши керак бўлган одамларнинг бошқа бир гуруҳи психонатик шахслардир. Улар тўла маънода психик беморлар ҳисобланмайдилар, балки кўпчилик одамлардан характери диэгармонияси билан фарқ қилади, (паталогик характери ёки шахснинг аломат вариантлари) бу ҳали болалик давридан бошланган характер хислатлари бир текис ривожланмаганлиги оқибатидир. (нерв системасининг тўтма камчилиги сабабли ёки бош миясининг эрта органик зарарланиши, ҳамда нотўғри тарбиялаш, кўринишдаги ижтимоий муҳитнинг патоген таъсири, турли хилдаги психопатиялар уларни шартли равишда 8 та турга ажратадилар яъни психик касалликлардан (шахснинг камчилиги ушиб бормайди) неврозлардан (даволанмайди, яъни тузалмайди) ва олигофренлардан (интеллект сақланиб қолади ва хатто ўсиши мумкин) ва психопатликка ўхшаш ҳолатлардан (бу ҳаёт давомида юзага келади ва бош мияси жарахотланиши, шизофрения, инфекциян касалликлар сабабли келиб чиқиши мумкин ва характери қаттиқ аномолиясидан иборат бўлади) фарқ қилади. Машҳур психиатр П.Б.Ганнушкин чегара ҳолатлари яъни норма ва патология орасида ҳақида таълимот яратди, психопатия ҳам ана шуларга киради.

Психопатнинг характер диэгармониклиги - бу шахснинг диэгармониклигидир, бунда интеллектуал доираси сақланган ҳолда асосан ҳиссий соҳаси зарарланади ёки характер хислатлари ривожланиши нотекис содир бўлади (бир хилларининг етишмаслиги, бошқаларнинг ошиб кетиши).

Бир қатор сабабларга кўра, амалий психолог психопатик шахслар хусусиятлари ҳақида билиши керак. Биринчидан, улар психик жароҳатловчи таъсирларга улар анча заифлар ва демек психоген касалликлар билан осон касалланади.

Иккинчидан, психопатларнинг баъзи турлари (таъсирчан, асабий, тажанг) жамоада ноқулай шароит, жанжалли вазиятда кескинликни юзага келтиришлари мумкин. Учунчидан психопатик шахслар (айниқса болалар) ўзига муносиб, илиқлик, диққат билан муносабатда бўлишга муҳтожлар, уларнинг фаолиятини тарбиявий



йўналишлари бўйича ҳам қатъий индивидуал ишларини ташкил этиш керак.

Шундай қилиб амалий психологдан психопатик шахсларни ижтимоий муҳитга мослаштириш бўйича психогигиеник, психопрофилактик ҳамда узига хос тарбиявий ва касбга йўналтириш ишлари талаб этилади. Психопатларнинг хусусиятларини билиш бундан ташқари уларни психологик касалликлар билан касаланган (турли шахсдаги неврозлар) ва психопатларга ўхшаш касалликлар билан адаштириб юбормаслик керак, чунки уларни психотерапевтик воситалари билан даволаш керак.

Демак, амалий психолог врачдан фарқли равишда мажбурий тиббий ёрдамга муҳтож бўлган эмас, балки асосан ноқулай омилларнинг психик жароҳатланиш таъсирига учраган, психоген касалликлари билан осон касалланадиган ёки касалланиб бўлган, ҳамда соғлом ва беморлар чегарасида ўрин олган психопатлар билан шугулланишига тўғри келади. Шундай қилиб, талабалар амалий психологлар ўргандиган илмий фан сифатида тиббиёт психологияси, психотерапевтик воситалар билан даволаш, диагностика қилиш ва тиббий (врачлик) аралашувсиз (тиббиёт касалларидан даволаниб чиқишидан олдин ва кейин) утадиган нерв – психик касалликларни профилактика қилишни ҳамда тузалаётган психик, соматик беморларни психогигиена ва психологик реабилитация чораларини ҳам тадқиқот мавзуси қилиб олиши мумкин эди.

Психология фанида узининг аниқ ечимини топа олмаган яна бир муаммо, тиббиёт психологиясининг психология соҳаси сифатида тузилиш муаммоси ҳисобланади.

Баъзи муаллифлар умуман бу муаммони четлаб ўтадилар. Бошқалари тиббиёт психологияси таркибига нейропсихологияни, патапсихологияни қандай бўлса ҳам тиббиёт психологияси клиник амалиётида фойдаланадиган ҳамма тиббиёт фанларини киритадилар.

Курсатилган нуқтаи назарларни таҳлил қилиб чиқиш «тиббиёт психологияси» ўқув илмий фанининг таркибий ташкилий қисмларига янги классификацияси кераклигини кўрсатади. Биринчидан, патапсихологияни тиббиёт психологияси таркибида ўрганиш тўғри эмас, чунки у психологик фаннинг назарий ва тажриба мустақил соҳаси сифатида психиатрия ва тиббиёт психологияси учун илмий базани яратади ва у тиббиёт психологиясига шу фаннинг амалий соҳаси сифатида киритилиши мумкин эмас. Невропсихология ҳақида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин, бироқ бузилган олий психик вазифаларни тузатилиши мумкинлиги ҳақидаги ҳулосалар тиббиёт психологиясида бевосита амалга оширилиши мумкин (психокоррекция ишларида), лекин энг асосийси психологиянинг

бу икки назарий, тажриба ва амалий соҳалари тиббиёт психологиясини фундаментал илмий билимлар билан таъминлайди. Иккинчидан тиббиёт психологияси таркибида психатрияни ҳам урганиш тўғри эмас, у клиник тиббиётнинг соҳаси ҳисобланади. Шу билан бир вақтда тиббиёт психологияси ўқув фани сифатида психиатрик фанда ва амалиётда тупланган клиник маълумотлардан фойдаланилмай ўқитилиши мумкин эмас.

Демак, психологик ёки тиббиёт фанлари соҳаларидан ҳеч бири тиббиёт психологияси билан яқин боғлиқ бўлмасин унинг таркибига киритилиши мумкин эмас. Тиббиёт психологиясини амалий фан сифатида ўзининг ўзига хос предмети, ўз муаммолари, вазибалари ва ўз мазмуни мавжуд.

Психологик фаннинг амалий соҳаси сифатида, тиббиёт психологиянинг предмети деб инсонга жароҳат етказувчи ёки даволовчи психологик таъсир кўрсатиш, яъни психик жароҳатловчи ва психотерапевтик омиллар деб ҳисоблаш мумкин. Тиббиёт психологияси мазмунини психиканинг аномал ҳодисаларини (патопсихология, нейропсихология, махсус психология) ҳамда турли касалликлар психосоматик кўринишларини, жароҳатлар ва миянинг тузилиши касаллик билан зарарланиши, беморга психологик таъсир кўрсатишнинг даволовчи натижасини ўрганувчи тиббиётнинг баъзи соҳалари, психиатрия, неврология ва неврохирургия ташкил этади. Тиббиёт психологиясининг амалий аспекти нервпсихик кўринишдаги касалликларни диагностика қилиш, даволаш ва олдини олиш учун (профилактика) илмий психологик ва тиббий билимлардан фойдаланишдан иборатдир.

Тиббиёт психологиясининг асосий бўлимлари қуйидагилардан иборат: психотерапия психофармакология, психопрофилактика, психокоррекция, психогигиена ҳамда психотоксикология.

Тиббиёт психологияси соҳасида амалий психологнинг билимларини қўллаш бўйича фаолият мазмуни қуйидагилардан иборат:

а) ташкилот, корхона, бошқарувда қўл остидаги одамларнинг психик ҳолатларини ўрганиш: психогенкасалликни келиб чиқиши (ёки самотегенли) нерв - психик касалликларини аниқлаш ва диагностика қилиш;

б) нерв-психик жиқатдан касаланган беморлар билан психотерапевтик ва психокоррекция ишларни олиб бориш, зарур бўлганда даволаш муассасаларида, психиатрга ва бошқа мутахассисларга юбориш керак;

в) психогигиеник психоконсультатив ва психопрофилактик хизматларни ташкил этиш ва аҳоли ўртасида унинг ишларини ташвиқот қилиш, ҳамда тиббий психологик билимлар билан таништириш ишларини олиб бориш;

г) турли кўрнишдаги неврозлар билан, психоген психоз билан, иш қобилияти пасайган психопатта ўхшаш ҳолатларда беморларни даволаш учун врач томонидан белгиланган психофармологик воситалардан фойдаланиш.

д) невроз ҳамда бошқа психоген касалликларнинг ўтказиб юборилган кўринишларини аниқлаш ва тиббий назорат ўрнатиш, амбулатория ёки стационарларда даволаш учун йўлланма бериш.

Бу ерда илгари учратилмаган «психопоксология» тушунчаси тилга олинади. Бу тушунча психотомитетиялар ёки галлюциногенлар деб аталувчи (яъни галлюцинация келтириб чиқарувчи) кимёвий (заҳарли) моддалар келтириб чиқарадиган психик касалликларини намоён бўлишини ва даволаш усулини урганувчи тиббиёт психологиясининг бўлишини ифода этади.

Бу моддалар ҳатто жуда кичик миқдорда ҳам психик бузилишлар келтириб чиқариб яъни галлюцинация, алахлаш умумий психологик таъсирланиш, ҳаяжонланиш каби мияга жароҳат етказувчи таъсир кўрсатади.

Бу моддаларни наркотик сифатида қўллаш ҳоллари маълум. Демак, бу ерда тиббиёт психологлари ва амалий психологлар учун муаммолар мавжуд. Энди эса тиббиёт психологияси урганиши керак булган саволларни айтиб ўтиш орқали муаммоли масалалар тизимини тақлиф этиш мумкин. Улар ўқитувчининг фикрига қараб турлича фойдаланилиши мумкин ёки муаммоли маърузада, адабиётларни мустақил ўрганиш учун талабаларга ўқув топшириқларида, семинар машғулоти, гуруҳли машғулотларга тайёрланишида, саволлар ва масалалар тизими:

1. Юқорида келтирилган «тиббиёт психологияси» ўқув фани мазмунининг таърифланишига мурожаат этиб, унга кирувчи ташкилий қисмларни ифода этувчи ҳамма тушунчаларни ёзиб олинг (диагностика, даволаш, психотерапия, психогигиена, психологик реабилитация, психопрофилактика, ҳамда нерв - психологик касалликлар шунингдек, тиббиёт психологиясининг объектини ҳам) ва уларнинг ҳар бирига тушунча беринг (уларни лугатлардаги энциклопедиялар, дарслик ва ўқув қўлланмаларидан топинг).

2. Тиббиёт психологиясининг юқорида келтирилган асосий бўлимлари билан уларнинг дарсликлар, лугатлар ва энциклопедияларда келтирилган тушунчалари билан ўз дафтарингизга ёзиб олинг (психотерапия, психофармокология, психокоррекция, психопрофилактика, психогигиена, психотоксикология).

3. Тиббиёт институтларида урганиладиган тиббиёт психологияси мазмуни бўйича амалий психология фанининг мутахассиси турли гуманитар ўқув юртлари талабалари урганишлари керак бўладиган билимлар доирасида нимаси билан фарқ қилади? Бу фарқнинг асосий сабаби? Тиббиёт ўқув юртлари талабалари учун тиббиёт психологияси бўйича дарсликларни

диққат билан танишиб чиқинг ва врачнинг беморни даволаш таъсири психик методларини назарий-амалий қоидаларини ҳамда тиббиёт деонтологиясини (маънавий ва касбий бурчи, тиббиёт ходимининг беморга нисбатан этикаси, одоби буйича, фан ҳақида) амалий психологга тааллуқли қисмини дафтарингизга ёзиб олинг.

4. Тиббиёт ўқув юртларида талабалар учун мўлжалланган тиббиёт психологияси буйича китобнинг мазмунини ушбу ўқув фаннинг талаби, амалий психологлар учун юқорида айтилган мазмуни ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар билан таққосланг ва бу ҳақидаги узингизнинг фикрларингизни семинар машгулотларида айтинг.

5. Матбуотда турли муаллифларнинг нерв - психологик касалликлар сони ошиб бораётгани ва уларнинг ўз навбатида юрак - қон томир касалликлари учун туртки бўлаяпти, деган ҳавотирли мақолаларни учратиб турамыз. Шундай саволга жавоб беринг: а) нерв - психик касалликларининг сони ошиб боришига нима сабаб? б) юрак-қон томири касалликлари билан нерв - психологик касалликлар боғлиқ бўлишини сиз тушунтириб бера оласизми? Шундан келиб чиқадиган юрак-қон томир касалликларини қандай номлаш мумкин яъни психогенли ёки психосоматик сифатида в) нерв - психик касалликлар билан касалланган одамларга амалий психолог қандай ёрдам кўрсатиши мумкин: г) нерв - психик касалликлар юрак қон томир касалликлари сонини ошиб кетмаслиги учун психолог нима қилиши лозим?

6. Психика ва организм ўртасидаги, инсон психологияси ва унинг физиологияси ўртасидаги боғлиқликлар қонунини билишингиздан келиб чиққан ҳолда қуйидаги саволларга жавоб беринг: психоген ва соматогенли психик бузилишлар (касалликлар) ўртасида ва соматопсихик ва психосоматогенли касалликлар ўртасида қандай ўзаро боғлиқлик мавжудми.

7. Нерв - психик бузилишларнинг турлари жуда кўп бўлгани учун психолог бундай касалликка дуч келган одамларни аниқлаб олиш, диагноз қўйишни ва биринчи ёрдам кўрсатишни билиши керак. Марказий нерв тизими ўқув курси жуда ҳам қисқа ва тажрибалар нерв - психик касалликларнинг ҳамма турларини эслаб қола олмайдилар, уларни эса билишлари керак.

8. Методик маслаҳат:

а) энг кўп тарқалган нерв психик касалликлар ва уларга энг яқин бўлганларининг симптомлари билан талабаларни таништиринг.

б) Амалий машгулотга топшириқ беринг: нерв - психологик касаллиги аниқ намоён бўлаётган ўз танишларингиздан бирортасининг хулқини (ҳолатини) тасвирлаб беринг. Қуйида баъзи касалликлар турлари симптомлари келтирилади № 9-15 саволларга қаранг ҳамда психопатларнинг (16) ва характери акцентуациялашган шахсларнинг (17) симптомлари келтирилади.

Ўқитиш тажрибаларида бундай методика ўзлаштириш учун яхши натижа ва узининг қулайлиги сабабли талабаларга жуда ёқишини кўрсатади.

Юқорида амалий психологнинг мижозлари тиббиёт аралашувисиз, лекин меҳнат қобилияти пасайган ҳолда утадиган психоген касалликлар билан касалланган одамлар булиши кераклигини айтган эдик.

Психоген касалликлар, экинчи турга бўлинади: неврозлар реактив психозлар (уларни яна психоген психозлар деб ҳам аташадилар).

Неврозларнинг асосий шакллари: а) невротения; б) невроз в) мияга ўрнашиб оладиган невроз ҳолати.

Неврозлар психик жароҳат етказувчи таъсирлар остида юзага келади, вақтинчалик яъни ўз вақтида даволашганида тузалиши мумкин (психотерапия, психофармакология, витаминлар, гигиеник гимнастика, ҳавода дам олиш, сувда сузиш). Баъзан кўп йиллик давом этиш характерга эга булиши ва шахснинг невротик ривожланишига ўтиши мумкин. Унинг келиб чиқишга қуйидагилар сабаб булиши мумкин, узоқ вақт чарчаб толиқиш, тез - тез ва давомли стресслар, организмнинг ҳимояланиш кучларининг сусайиши.

Реактив психозлар тўсатдан қаттиқ психик жароҳати (яқин одамларининг тўсатдан вафот этиши, ёнгин ва бошқа сифатлар, қаттиқ қўрқиш ва шу каби) натижасида психикаси буш ёки жисмоний ҳолсизланган психопатик шахсларда юзага келади. Реактив психоз ўткир кўринишида намоён бўлади, лекин тезроқ даволанади (бир неча соатдаги ва қуйидаги бир неча ҳафтагача, баъзида - 4-6 ойда). Реактив психоз билан касалланган беморларни дарҳол даволаш муассасига етказилади.

Реактив психознинг асосий кўринишлари: а) психоген депрессия; б) реактив паралоид; в) асабий реактив психоз.

Саволлар: а) яқинларингиз ёки танишларингизни бирортасини узини туттиши ва ҳолатида сиз невроз симптомларини кузатилишини учратганмисиз? Реактив психозларни сиз кузатганмисиз? Қандай ҳолатларда?

9. Психогенли касаллик билан оғриган беморларнинг ҳолатини энгиллаштириш учун амалий психолог нима ишлар қилиши мумкин?

10. Қуйида энг кўп тарқалган неврозлар - невротения кўринишининг симптомлари келтирилади. Узингизни таниш одамларингиз онгидан хулқи ва ҳолатида ухшаш белгилар кузатиладиганларини топинг, уларни тасвирланг (улар нимада намоён бўлади, мисоллар кўрсатинг) ва бу одамга психологик ёрдам мумкин бўлган вариантлари ҳақида ўз фикрингизни айтинг (агарда бундай ёрдам кўрсатилган бўлса унинг таъсири қандай бўлади).

Невротениянинг симптомлари:

- жаҳли чиқиши, таъсирланиши, асабийлашининг кучайиши, узини тутта билмаслиги, толиқиш, йиглоқилик, узини ночор сезиш, узоқ вақт ақлий ишлаш қийинчилигидан (мумкин эмаслигига) шикоят қилиш, хаёлпаршонлик, хотирасининг бузилиши, чидамсизлик, тинч утира олмаслик, бир иш билан узоқ вақт шугуллана олмаслиги, кўпинча кайфияти ёмонлиги, психик фаолиятлардан кейин кечга бориб касаллигининг кучайиши, дам олганидан кейин белгиларининг бўшроқ намоён бўлиши.

10. Бирор бир невроз билан касалланган одамга нисбатан худди шу масалани ҳал этинг.

Истерик неврознинг симптомлари:

- турлича тарқаладиган ва интенсивликка эга параличлар (мускулларда куч камайиши), оғриқни сезиш, ҳаракатларни бошқаришларининг бузилиши, гиперкинозлар (физиологик мақсадга мувофиқ бўлишган мажбурий ҳаракатлар), қалтираш, нутқининг бузилиши (овози чиқмай қолиши ва соқовликка), тутқаноқлар (10-15 минутдан то бир неча соатгача). Кўпинча узини галати тутиши билан хаёлининг хираланиб туриши кузатилади. Кўпинча астазия - афазия кузатилади, бунда одам оёқлари, мускулларида кучларини сақланиб қолган бўлсалар ҳам бемор юриш, туриш қобилиятини йўқотади, аста-секин йиқилади, ўтириб қолади.

11. Паршонхотирлик невроз билан касалланган одамнинг хулки (ҳолатини) тасвирлаб беринг (агарда ўзингиз кузатган бўлсангиз бошқаларнинг ҳикояларидан фойдаланиш мумкин). Беморни унинг ифодасидан қатъий назар, ундан қутилишига бўлган ҳаракатларига қарамай хаёл, фикр, хавотир, қўрқинчлар, берилишлар юзага келавериб қийнайди. Маслаҳатлар беринг: бемор тuzала бошлаши учун нима қилиш мумкин, унга қандай ёрдам бериш лозим ёки нима қилиш керак?

12. Муҳитнинг психик жароҳат етказиш мумкин бўлган таъсирига осон бериладиган ва у ёки бу кўринишдаги неврозлар билан касалланган одамларга психик ёрдам кўрсатиш учун амалий психолог қайси психотерапевтик методлардан мувафакқият билан фойдаланиш мумкин (врачга мурожаат этишдан аввал).

13. Сизнинг фикрингизча, психоген депрессия шаклидаги реактив психоз билан касалланган бирор бир одамнинг хулки ва психик ҳолатини тасвирлаб беринг унинг симптомлари қуйидагилардан иборат: кайфиятининг тушиб кетганлиги, йиглоқилик, ғам, қайғу қўрқинч, ҳаракатларининг сустлашиши ёки аксинча ҳаяжонланиш бўлиб ўтган бахтсизлик шайтидан кетмайди (мисол учун, яқин одамнинг ўлиши) (депрессиянинг давом этиш - 1-3 ой, 40 ёшдан катта бўлган одамларда эса - 4-6 ойгача бошлангич даврида ўз жонига қасд қилишга уринишлар мумкин).

14. Қуйидаги симптомлар орқали ифода этиладиган реактив паралоид билан касалланган одамга нисбатан худди шу масалани

базаринг; қаттиқ ҳаётӣ алахсираш, хавотирланиш ва ҳаракатлар билан ҳаяжонланиш бирга бўлади.

Алахсираш – бу беморда ҳеч бир ташқи сабабларсиз, уни йўқлигига ишонтириб бўлмайдиган юзаки келишувга объектив ёлгон фикрлари (ёки гоёси).

Реактив алахсираш кўпинча якка ўзи қамалган ҳолларда ривожланади ва шу билан бирга тажовуз қилувчи ёки ҳимояланувчи мазмунидаги оғозли галлюцинациялар билан содир бўлади, баъзан узоқ йўл юриш, қийинчиликлар бирдан иккинчисига ўтиб, ухламай йўл босиб яна спиртлик ичимлик ичиб ҳам юрган шароитдан юзага келадиган, темир йўл транспорти деб аталувчи тури ҳам учрайди.

Реактив алахсирашга ўхшаш ҳолатлар қулоғи оғирлар ва кўзи ожизларда уларга одатий бўлмаган шароитларда пайдо бўлиши мумкин. (ситуатив паралоид, бундай ҳолатларнинг давомийлигига бир неча соатдан бир неча кунгача баъзан хафтагача).

15. Истерик реактив психоз билан касалланган бемор тиббий стационардан ташқарида жуда кенг учрайди, лекин шундай беморни топишга ҳаракат қилиб кўринг (тиббийёт адабиётлардан ёки шахсий учрашувларингиздан) ва психик ҳолатда хулқида намоён бўладиган унинг симптомларини тасвирлаб беринг, ҳаммадан ҳам бир хил ва бир вақтда намоён бўлмайдиган симптомлар хаёлнинг қоронгулашиб йўқолиши (ганзеров синдроми) ёлгон, ақли заифлик бунда бемор гўёки атайин оддий саволларга нотўғри жавоб бераётгандек, оддий ҳаракатлар бажара олмайди, кундалик буюмларининг аҳамиятини тушунмайди, ҳаракатлар сустлашиши ёки бетартиблиги, юзнинг ҳаяжонли ақлсиз, тентакроқ ифодаси, кўзлари кенг очилган; кўп оёқларининг ёки бутун танасининг баъзан кичик қалтираши, сабабсиз кулиши ёки аксинча кайфиятининг тушиб кетиши.

Бу ҳолатнинг ажойиблиги бемор оддий саволларга жавоб бера олмайди, лекин мураккаб саволларга тўғри жавоб бера олишидир (ёлгон ақлипастилик).

- Хулқи, мимикаси ва нутқида тўғрилиқ (катталарда болаларга хос хусусиятнинг пайдо бўлиши: болалар уйинини ўйнайди, инжиқлик қилади, болалардек йиглайди).

16. Турли хил психопатлар билан амалий психолог қандай ишларни олиб бориши мумкин эди?

Кундалик ҳаёт ва ишда психопатлар билан алоқа қилувчи одамларга у қандай маслаҳатлар бера олади? Қуйида психопатларнинг характери асосий белгилари қисқача келтирилади (П.Б. Ганиушкиндан тўла ўқиб чиқиш мумкин) ва сизнинг вазифангиз – ҳаётда одамларсиз ўз кузатишларингизни таҳлил қилиб чиқинг ва психопатик характердаги кўринишларни эслатадиган уларнинг баъзиларини хулқларига мисолни ҳаётдан топишга ҳаракат қилинг. Мисол танлашда сизнинг

танишларингизнинг кузатишларидан далил сифатида фойдаланишингиз мумкин, психопатлар турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари: астеник психопатлар кучли таъсирчанлик, қўрқиш, қатъиятсизлик психик ва жисмоний осонгина толиқиш, уйқунинг тез-тез бузилиши ҳаракатли куч сарфлаш ва узоқ утириб ишлашга тоқатсизлик иштаҳасининг ва бунинг натижасида ошқозон – ичак трактининг фаолиятининг бузилиши ва бундан келиб чиқиб ўзининг жисмоний соғлиғига катта эътибор бериш кўпинча кайфиятнинг бузилиш ҳолати бўлади.

Асабийлашадиган психопатлар ҳаддан ташқари жаҳли чиқиши баъзан ҳеч нарсани кўрмайдиган газабланиш приступларга берувчи сергаклик, арзимас нарса учун одамни хафа қилишлари ҳақоратлашлари, муштлашиш ва ҳатто қотиллик содир этилиши мумкин, кайфият кўпинча қайғу ва газабланиш томонига ўзгаради. Бу одамлар қўпол адоватли, қайсар, фақатгина ўз фикри бўйича иш қиладиган, золим ва беъмани бўладилар. Истерик психопатлар – атрофдаги одамларга аслида бўлганидан кўра анча муҳим шахс бўлиб кўринишига ҳаракат қиладилар ўзларига эътиборни тортишига ҳаракат қиладилар, мавжуд бўлган хислатларнинг борлиғича ишонадилар ёлгон хаёл қилишга берилган кайфияти ўзгарувчан, қайсар шунингдек меҳр қўйишлик ва ташвишланиш чуқур бўлмайди, фикрлари тасодифий ҳолатларга боғлиқ, кучли таъсирчанлик қайсарлик ва қулоқ солмаслик билан бирга бўлиш мумкин. Шизоид психопатлар – яккалик алоқасизлик, яширинлик, одамлар билан муносабатларга талабнинг йўқлиги (одамови), лекин шу билан бирга уларда ички дунёси бой бўлиши мумкин (хаёлпарастлик, ўзини ўрганиш), одамларга ташқи жиҳатдан бефарқ бўлса ҳам диққат эътибор қилади. Бошқаларга уларнинг ташвишларига эмоционал барқарорлик билан тез хафа бўлиш ва кўнгли огриши, аффектив психопатларга – бунинг асосини кўнгли очиқ, хушмуомалали, меҳрибон одамлар, уларнинг кайфиятлари доим ўзгариб туради. Аффектив психопатларнинг икки турини кўрсатадилар:

а) Гипертимиклар (ҳар доим кайфияти баянлик, баъзан мумкин бўлмаган нарсаларга эътиборсизлик, турли ишларга уриниш лекин, бошланган ишни охирига етказмайди: хушмуомалали, ҳаракатчан, муносабатларда кўпинча одобсизлик, тортишишни яхши кўради, шунда тез жаҳли чиқиб, тез жаҳдан тушади; б) гипотимиклар кайфияти доим ёмон, атрофдаги фақатгина ёмон томонларни кўрадилар; ўзларидан ҳар доим кўнгли тўлмай юради ва осонгина руҳи тушиб кетади, камгап, ўзига эътиборни тортишни ёмон кўради, ўзи шақида гапирмайди, ташқи ҳаракатлари суст, ташвишли, ҳовоги осилган хафага ухшайди яқин одамлари орасида кайфияти кўтарилади, ҳазил қила бошлади, бир ўзи бўлганида ва нотаниш (кам таниш) бўлган муҳитда камгап бўлади ва руҳи тушиб кетади.



Психоастеник психопатлар – хавотирланиш, қўрқиш, ўзига ишонмаслик, доим шубҳаланиш ва ўзини текшириш одати, психоастеник фақатгина ҳозир бўлаётган кўнгилсизликлардан қўрқади, кўпроқ кейинчалик бўлиши мумкин, бўлган номаълум воқеадан («ёмон хусусиятдан») кўпроқ қўрқади (мумкин булган хавфни кутиш) шунинг учун бир иш қилишидан олдин жуда кўп ўйлайди, баъзан жуда қийналади, баъзан ҳақиқий ёки ҳаётий бўлган ҳикоялари, хатолари билан банд бўлиш ҳолати юзга келади ва қилинган ишининг бир неча бор такрор қилишга мажбур этади. Психоастеник биринчи навбатда ўзи учун, ўзининг соғлиги, яқинларининг ҳаёти, ўзи хаёл қилаётган қоронғи келажақда қўрқади.

Қийин аҳволга солувчи кутишлари чидаб бўлмас даражага етади ва тунда психостеник ўзига хос бўлмаган тиришқоқлик ва шошилиш билан ҳаракат қилишга киришади, бунга киришар экан у ўзига ва бошқаларга ҳам бир ишни бажармагани тинчлик бермайди.

Барқарор бўлмаган психопатлар – ифодаси сифатларининг бушаши тез таъсирланиш, эмоционал сезгиларнинг мустақкам эмаслиги, фаолиятида қониқиш сабабларининг устун бўлиши, алкоголизмга ўрганиш (ҳамтовоқларининг таъсири билан ичкиликка берилади) характери буш одамлар сифатида улар ҳар қандай ёмон гуруҳларга осон қўшилиб кетадилар, ҳар хил ёмон ишлар қилишлари мумкин. Бошқа одамлардан қолиб кетмасликка ҳаракат қилиб улар бошқа одамлар орасида ҳеч ҳам ёмон бўлиб қолмайдилар, уларни назорат қилиб бориш керак, қаровсиз улар осонгина қиялик бўйлаб пастга кетаверадилар:

Ҳамма нарсани йўқ қилиб ичиб юборадилар, қиморга тикиб юборадилар, жанжалли вазиятларга тушиб қоладилар вазият таъсири остида қаттиқ интизом ва тартиб шароитида беқарор психопат яхши ҳаёт кечириб ва жамият учун фойдали одам бўлиши мумкин. У бошқалар таъсирига осонгина берилади, шунинг учун уни бошқариш осон (астеник психопатлар билан таққослаш) кечади.

Паралоик психопатлар – бу ўзига ишонч, ўзини юқори баҳолаш, қаттиқ қайсарлик, жуда тор дунёқараш, улар шубҳаланиш ва иккиланишни билмайдилар, бир томонлама фикрлайдилар ва баҳолайдилар, «жуда қимматли» гоёлардан бошқаларини билмайдилар улар унинг онгини эгаллаб олиб бошқаларига урин бермайди. Паралоик учун энг ақлли одам – бу унинг ўзи у ҳеч қачон маслаҳат сўрамайди, уни ишонтириб бўлмайди, эътироз билдирмайди, паралоик қасоскор бўлиб, унинг фикрига қўшилмайдиганларнинг ҳаммасини, ўзининг душмани деб билади ёки бошқа ҳолларда аҳмоқ деб ҳисоблайди. Ҳимояланиб доим хужум бошлайди, бошқаларни хафа қилади, лекин ўзини хафа бўлган ҳисоблайди кўпинча унда баҳслашиш тортишга берилиш

кузатилади. Жуда тиришқоқлик тошқирлик билан ўзининг ҳаёлий алоҳида ҳуқуқлари учун курашади (моҳирлик билан тарафдорларини излайди, ўзининг ҳақлиги ва нияти яхшилигига уларни ишонттиради ва баъзан, унинг учун иложсиз туқнашувларда айнан ўзининг тиришқоқлиги ва майдалиги билан голиб чиқади. Аммо паралоик атрофдагилар билан ҳали очиқчасига душманлик адоватга кирмайди, ўзи танлаган соҳаси бўйича бошқа ҳеч нарсага эътибор бермай, тартиб одоб, расмийчилик билан тиришиб меҳнат қилади ва бу у учун жуда фойдали ишга айланиши мумкин.

Психопатик шахслар психик касалланган ҳисобланмасада, лекин ташқи муҳит таъсири остида (психоген ва стоматик) уларда бошқаларга қараганда осонроқ турлича психогенликка ўтувчи реакциялар (неврозлар, психозлар), бу ўтувчи психик бузилишларни психопатлар динамикаси деб аталувчилар қаторига киритадилар ва психолог албатта буларни билиши керак.

Психопатияни профилактика қилишга қуйидагилар хиради:

а) болалик даврида тўғри тарбиялаш;

б) ёшлигида тўғри касб танлашга йўналтириш;

в) психотерапия ва психотроп воситалар билан даволаш (бу одатда декомпенсация даврларига бўлинади ва психоген реакцияларда, баъзан стационар шароитларда).

17. Характер акцентуациясига эга бўлган шахслардан психопатик шахсларни фарқли жиҳатлари нимадан иборат.

а) шахснинг бошқаларига яхши ва хатто юксак барқарорлигига қарамай маълум турдаги психоген таъсирларга нисбатан (огир ташвишлар, жиддий нерв – психик кескинликлардан, баъзиларини зарарланиши (яъни таъсирларда жуда ҳам индивидуал таъсирланиш).

б) ўсмирлик ёшига келиб шаклланиб, улгайиб борган сари эса характер акцентуациялашуви текисланиб боради, ҳар қандай эмас (психопатда бўлган каби) балки ушбу индивид учун мураккаб бўлган психоген таъсирлар натижасидагина намоён бўлади, улар айнан унинг «бўш звеноларига таъсир кўрсатади».

Характерида акцентуацияси мавжуд бўлган шахсларнинг ундан ортиқ турлари фарқ қиладилар, лекин соф турлари жуда кенг, кўпроқ аралаш турлари учрайди.

Тошшириқ: Турли хил акцентуацияга эга шахслар хулқлари хусусиятларини ёзиб олинг ва уларнинг ҳар бирига ўз кузатишларингиздан мисоллар келтиринг, шу билан бирга ушбу шахс қайси бирига кўпроқ йўлиққан.

18. Агарда сиз баъзи турларига мисоллар топа олманган бўлсангиз (бундай турларни сиз учратсангиз), унда сиз одамларни психоген таъсирлардан қандай асраш кераклигини уйлаб кўринг ва ўз фикрларингизни ёзиб олинг.

19. Амалий психолог ота-оналар, ўқитувчилар, болалар муассасалар раҳбарлари билан ишлашда характери акцентуацияли ва психопат

болаларга нисбатан қайси профилактика хусусиятидаги чораларни қўллаш мумкин?

Юқоридагиларга асосланиб, тиббиёт психологиясига таалуқли керакли маърузаларни ўқитиш шарт (психотерапия, психогигиена, психопрофилактика, психофармакология), лекин таъриф этилган масалаларни ечмай туриб улаштиришнинг керакли даражасига эришиш мумкин эмас.

Таклиф этилган масала ва саволларга жавоб бериш шароити маърузалардаги назарий билимларни эгаллаш, адабиётларни ўқиш ва шу билан бирга кузатилаётганларнинг хулқи ва ҳолатини тасвирлаш ва диагноз қўйишда ҳақиқий омилларни таҳлил қилишда саволлар учун жавобларни вақтинчалик орқага суриш мумкин ёки саволга кейинчалик ҳамма билимларни эгаллаб бўлиб қайтиш мумкин.

## ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК УСУЛЛАРИ

Ижтимоий психологияни ўқитиш методикасида бу фаннинг нисбатан ёшлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу фан ҳақда биринчи бор XX асрнинг бошларида фикр юритила бошланган.

Социологиядаги психологик мактаб вакиллари томонидан биринчи бор ижтимоий - психологик назариясини яратишга бир неча бор уринишлар бўлди (Г.Тард, Г.Лебон, У.Макдугалл, Э.Дюркгейм) ва 1908 йилда бу гоё ишлаб чиқилди. У Макдугалларнинг (инглиз психологи, кейинчалик АҚШ да фаолият кўрсатган) «Ижтимоий психологияга кириш» китоби ижтимоий психология бўлими бўйича биринчи китоб бўлди. Шунинг учун бу кунни (1908) кўпинча ижтимоий психологиянинг тарихини бошланиши деб ҳисоблайдилар. Ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришга имкон берувчи қандайдир умумий қонунларни топишга уринган олимлар (мисол учун, одамлар бирлиги ва ҳамфикрлиги манбаларни) оломонни ўрғанадилар, таъсирланиш, фикрларни ўхшашлиги ва тақлид қилиш, «жамоа томонларини», «рухий бирлик қонунларини» ва бошқаларини ўрғанадилар, лекин шу билан бирга ижтимоий қонунларни психология қонунлари билан алмаштириб юборилгани ёки унга бўйсиндирилган, шахс инсонлар жамоасида йўқ бўлиб кетган, мустақил ҳаракат қилиш ва қарорга келиш қобилиятини йўқотган.

Аста - секинлик билан шахсни ўрғаниш зарурлиги тушуниб борилди, лекин яқка ўзини эмас, гуруҳдаги бошқа одамлар билан бирга, одамларнинг гуруҳдаги ўзаро муносабатлари жараёнида шахснинг хислатларини одамнинг ижтимоий гуруҳлар билан муносабатлари натижасида келиб чиқувчи сифатида қараш

кераклиги тушунилды. Уша вақтнинг ўзида шахсни ижтимоий муҳитдан ташқарида ўрганиш мумкин эмас деб танилган эди. Аммо ижтимоий муҳит тушунчасининг ўзи шунчалик тор бўлганки, одамларнинг ўзаро муносабатлари кичик гуруҳ доирасидан четга чиқмас эди, яъни бевосита «юзма-юз» алоқалар олиб борилган гуруҳлардаги ўзаро муносабатлардангина иборат бўлди.

Жамиятнинг ўзи эса ана шундай тасаввурлар қаторида психологик алоқалар тўплами сифатида тушунтирилган. Шундай қилиб, ижтимоий муносабатлар умуман психологиялаштирилди, бу шахснинг ва ижтимоий муҳитнинг ҳақиқий муносабатларини тушунишга, шахсни ижтимоий муносабатлар маҳсулоти сифатида кенг маънода ҳар томонлама ўрганишга имкон бермас эди.

Ғарбда (АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония) 20 йилларда ижтимоий психология, психология фанида етакчи йуналиш бўлиб қолади, бошлангич гуруҳларнинг ўз аъзоларига, уларнинг фаолиятига, одамларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига, меҳнат интизомига ижобий ва салбий таъсирни ўрганиш, ва умуман замонавий ишлаб чиқаришда психологик омилларни ролини ўрганиш хусусан норасмий муносабатлар ва бошқалар амалий аҳамиятта эга эди. Ижтимоий – психологик ҳодисаларни ўрганиш айниқса (гуруҳли ривожланиш жараёни) иккинчи жаҳон уруши даврида фаолашди (булимларнинг бирлашганлиги ва харбий жанговор қобилият) жангнинг жиддий экстремантал вазиятлари таъсир кўрсатиш шароитларида гуруҳ ичидаги алоқаларнинг мустаҳкамлиги ва бошқалар. Гуруҳлар психологиясини ўрганиш фақатгина илмий доирада бўлиб қолмай балки ишлаб чиқаришда бошқарувда ходимларни тайёрлашда, меҳнатни илмий ташкил этишда, ишчи гуруҳларини, илмий гуруҳларни бошқарув органларини тузишда кенг қўлланила бошланди. Бизнинг мамлакатимизда ижтимоий психологиянинг ривожланиши тахминан ўтган асрнинг 20 йилларнинг бошларида рефлексология ижтимоий ҳаётни рефлекслар тўплами сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган вақтдан бошланди. Ундан кейин эса психотехника деярли тақиқлаб қўйилди, бу демак ҳар қандай амалий психологик тадқиқотлар, шу жумладан ижтимоий – психологик тадқиқотлар ҳам тақиқланди. Шундай қилиб ижтимоий – психология психология фанининг мустақил амалий соҳаси бўлиб унга куп бўлмаган вақтлар оралигида ривожланиб келмоқда. Бу фан ҳақида ҳозирги кунгача илмий тортишувлар тугамаган, ижтимоий психологиянинг фан сифатида умумий қабул қилинган тушунчаси ҳам ҳозирча йўқ, аммо мутахассислар томонидан аъёналар сўзсиз унинг концепцияларига кирадиган муаммолар доираси белгилаб олинган.

Шунинг учун талаба адабиётни мустақил ўрганишда бир саволга турлича, баъзан бир-бирига қарама – қарши нуқтаи назарларга дуч келиши мумкин, чунки фан ривожланиш ҳолатида,

аммо ижтимоий психологияни урганишни бошлаётганлар учун бу ҳолат қийнчиликлар тугдириши мумкин, уларни ўқитиш методикасида ҳисобга олиш керак.

Ўқитувчи талабага нима маслаҳат бериши мумкин?

Биринчидан, битта ҳодисани турлича фикрлар, тушунчалар, тушунтиришлар, уларни ажратишга турлича ёндошишлар ҳеч ҳам уни ташвишлантормаслиги керак. Аксинча бундай турлича фикрларни кўриб уларни бир-бири билан солиштириш далилларини тушунишга ва қарорга келишга тўғрисида танлашга ҳаракат қилиши керак. Бундай ёндашиш аниқ нуқтаи назардан оддий ҳақиқатни билиб олишнинг энг самарали усулини билдиради. Демак, баъзи ижтимоий психологик ҳодисаларни тушунтиришда фарқни сезиб қолганингизда ҳеч ҳам ҳаяжонланманг, балки хурсанд булинг, ўйлаб кўришга имконият мавжуд ва муаммога ўз қарашларингизни ишлаб чиқиш имконияти бўлади.

Иккинчидан, агарда ўқитувчи илмий адабиётларда учрайдиган турли нуқтаи назарларни ўз таърифлари билан тушунтириб бергани методик мазмунда фойдали бўлса, бу талаба учун муаммони урганиш бўйича жиддий ва қизиқарли ишлар учун осон бўлади.

Учинчидан, талабаларга ўқув машгулотларида битта муаммо бўйича бир неча нуқтаи назарларни урганиб чиқиш керак бўладиган масалаларни ечиш топширилади. Бу мисоллар талабага муаммога турлича назарий ёндашишларни таққослаш ва таҳлил қилишга, мавжуд илмий қарашларни қайси бирини қўллаш ва нима учунлигига ўргатади, келтирилган саволлардан энг қайси бири айти ана шу турларига киради.

Қандай бўлса ҳам замонавий ижтимоий психология назарий ва амалий йуналишларда анча муваффақият билан ривожланиб келмоқда.

Методик мазмунда фаннинг тарихига назар солиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, бу талабаларнинг ўқув фаолиятига яхши таъсир кўрсатади ва фанни урганишга ёрдам беради. Мустақил ишлаш учун талабаларга ҳуйидаги ўқув топшириқларни таклиф этиш мумкин, уларни семинар ва амалий машгулотларида муҳокама қилиш мумкин бўлади. Бунинг учун уларни давра суҳбати, амалий ўйинлар, ижтимоий психологик тренинглар сценарийлари ва режаларига киритиш керак. Савол ва масалалардан баъзиларини балки маърузаларда ўқитувчи дастлаб тушунтириб ўтиши талаб этилади.

Бу масала ижтимоий психологиянинг предмети ҳақидаги биринчи топшириққа тааллуқли.

1. Адабиётларда «ижтимоий-психология» тушунчасига турлича таърифлар берилади ва ижтимоий психология фани предметини ташкил этувчи муаммолар тартиби берилади. Улар турли муаллифлар томонидан билдирилган бўлиб, бир-биридан фарқ

қилади. Уларни диққат билан уқиб чиқинг ва бу нуқтаи назарлардан бирини танлашга ҳаракат қилинг. Агарда бу нуқтаи назарлардан ҳеч бири тўғри бўлиб чиқмаса, ўзингиз шахсий нуқтаи назарингизни ифода этишга ҳаракат қилиб кўринг.

Ижтимоий психологиянинг турлича қарашлари мана шулардир:

а) бу инсонлар муносабатлари муаммоларини унинг шахслараро («мен», «бошқалар») ва гуруҳлараро («Гуруҳ» «Гуруҳ») шаклларда ўрганадиган фандир, яъни макрогуруҳлар (алоқа қилувчи) сонида ва микрогуруҳлар ўртасидаги одамлар муносабатларини ўрганади.

б) бу фан одамларнинг ижтимоий гуруҳларда иштирок этишлари ҳодисаси сабаблари, уларнинг ҳулқи ва фаолияти қонуниятларини ўрганади ҳамда бу гуруҳларнинг ўзаро психологик таъсиномаларини, шу билан бирга катта ижтимоий гуруҳлар (халқ, миллат, профессионал гуруҳ), кичик гуруҳларнинг (жамоалар, оила, дўстлар гуруҳи) ва бошқалар.

в) бу фан турли оммавий ҳодисаларнинг психологик томонларини ўрганади (тақлид қилиш, таъсирланиш, миш-мишлар, саросима, мода, одатлар, анъаналар).

г) ижтимоий психологиянинг предмети ижтимоий ҳаётнинг (сиёсий, иқтисодий, маънавий, турмуш ...) турли шакллари психологик аспектларини ва мос равишда: сиёсий ҳаётнинг ижтимоий психологияси, бозор иқтисодиётининг ижтимоий психологияси, санъат ва маданиятнинг ижтимоий психологияси, турмуш ижтимоий психологияси ва шу қабилар.

Муаллифларнинг (Г.М.Андрева, А.В.Петровский, Б.Д.Парыгина, М.Р.Битянова, К.К.Платонова, Е.С.Кузьмин, Р.С.Немов ва бошқаларини) мулоҳаза ва далилларини куриб чиқинг ва бир хулосага келинг: ижтимоий психологиянинг предмети таърифлашнинг қайси бири сизнингча тўғри агарда бу фаннинг амалий аҳамиятидан келиб чиқадиган бўлсак. Ушбу савол галаблари учун қийин бўлиши мумкин, чунки «ижтимоий психология» курси предмети ва масалалари ҳақидаги биринчи маърузада ўқитувчи ушбу саволга жавоб топишга ўқувчиларга ёрдам бериш учун маълум назарияни шарҳлаб беришга тўғри келади. Бунинг учун фаолиятни бошланишдаги жамоат, жамоа ва шахснинг ҳам эҳтиёжларини қондирувчи сифатида талқин қилишдан иборат бўлган «Ижтимоий психология» тушунчасининг генетик бошланишини кўрсатишига зарари ҳисобланади, бу унинг биринчи томони, иккинчидан бўлса, шахсни жамоани ва ижтимоий жараёнда, яъни ўзининг келиб чиқиши бўйича ижтимоий фаолиятда муносабатлар маҳсулоти сифатида тушунилиши. Шунинг учун «инсоннинг ҳаётий муносабатлари юзага келадиган ижтимоий - тарихий шароитларни таҳлил қилиш биринчи навбатда инсон фаолият юритадиган аниқ бир ижтимоий

гуруҳларни ва ҳар бир бундай гуруҳ ижтимоий алоқалар кенг сиёсатининг элементи эканлиги ижтимоий меҳнатни тақсимлаш вазиятларини таҳлил қилишдан ташкил топади.

Ижтимоий психологияни бундай тушуниш турли илмий тизимларда таклиф этилган ҳар қандай уни тушунтиришлардан тубдан фарқ қилади».

Шундай қилиб, ижтимоий психология ҳар бири алоҳида шахс индивиднинг гуруҳларда ўзaro муносабатлари сифатида иштирок этувчи фаолияти жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар маҳсулоти ҳисобланади деган нуқтаи назардан инсоният психологиясини ўрганади. Шунинг учун ижтимоий психология инсоннинг гуруҳда юзага келадиган муносабатлари шароитларини ўрганиш ҳам керак.

Бундай тушунтириш предметнинг ўзини кўрсатибгина қолмай, балки, нима учун айнан уни, бошқа бирор нарсани эмас, айрим муаллифларнинг предметни таърифлашларида иштирок этган бошқа нарсаларни урганмаслигини тушунтиради. Агар ўқитувчи фан предметини бундай таърифланиши маъносини очиб берса унда талабаларни ишонтира олади. Талабага нима учун бошқа тушунтиришлар тўғри келмаслигини кўрсатишнинг ўзи қолади.

2. «Ижтимоий психология» тушунчасининг қайси бир таърифга амал қилмаслик сўзсиздир: у ўз предметига албатта гуруҳлар психологиясини киритади, қуйида айтиб ўтилган гуруҳлар классификацияси (Г.М.Андреева бўйича) билан танишиб чиқиб уларнинг ҳар бирини таърифлаб беринг (агарда мумкин бўлса мантиқий тартибли ва қатъий дефференциал) ва гуруҳлар ҳар бир турлари бўйича биттадан мисол келтиринг:

- шартли, ҳақиқий, лаборатория, расмий, норасмий, табиий, катта, кичик, диффуз, номинал, жамоа, профессионал, референтли (шу жумладан ижобий, салбий норматив, тақдосий, ижтимоий – тақдосли).

Талабаларга топшириқлар: гуруҳларнинг ҳар бир турларига ўзингиз мисоллар келтиринг.

3. Ижтимоий психология мазмунини ўқув предметини сифатида «ижтимоий психология ўрганиш билан шугулланадиган ҳақиқий гуруҳлардан» ташкил топадиган деган нуқтаи назар мавжуд (Битянова М.Р. Социальная психология – М. 1994 – 570).

Талабаларга топшириқ: бошқа ҳамма гуруҳлар билан ижтимоий психология шугулланмайдими?, деган савол ҳақида сиз нима деб ўйлайсиз? Бу саволларни семинар машгулотларида муҳокама этишга тайёр бўлинг.

4. Катта ва кичик гуруҳ орасидаги принципал психологик фарқ нимада?

5. Педагог, раҳбар, амалий психолог учун у ишлайдиган жамоа ичида норасмий гуруҳ борлиги ҳақидаги маълумот амалий

аҳамиятга эга бўладими? Агарда аҳамиятга эга бўлса, унда у нимадан иборат бўлади?

6. Битта гуруҳ бир вақтнинг ўзида «референт», «шартли», «катта», «табиий», «ижтимоий», «норасмий», «номинал», гуруҳ бўла оладими?

Агарда шундай бўлса, ўз жавобингизни исботлаб беринг. Агарда бундай бўлмаса бу гуруҳлардан қайси бирини чиқариб ташлаш керак?

7. «Жамоа-ижтимоий қимматли ҳамкорлик фаолиятида ривожланишнинг юқори даражасига эришган умумий мақсадлар ва вазифалари билан бирлашган одамлар гуруҳидир». Жипслашган ва анча олдин уюшган жамоатчилар тўдасини қандай таърифлаш мумкин? Гуруҳ ичидаги алоқалари даражаси бўйича у жамоага ўхшади, лекин унинг аъзолари биргаликда фаолияти ижтимоий йўналганлиги бўйича жамоага қарама қаршидир. Ана шундай ижтимоий қарама-қарши йўналишли гуруҳнинг қайси бирига киритган бўлар эдингиз, шунга ўхшаш бошқа гуруҳларни кўрсатинг.

8. Ижтимоий психологиянинг асосий объектини (гуруҳлар ҳамма турларини) урганиш асосида бу фаннинг амалий психологик, педагогик раҳбар фаолиятидаги ролини қандай қилиб ифода этиш мумкин: бу талабага бўлажак амалий ишига психология фаннинг бошқа соҳалари бера олмайдиган нимани бериш мумкин?

9. Гуруҳда одатда етакчиси бўлади, у расмий раҳбар бўлиши мумкин ёки у бўлмаслиги ҳам мумкин, у тайинланган, ҳатто гуруҳ томонидан сайланган расмий раҳбардан нимаси билан психологик фарқ қилади?

10. Иккита фикрни таққосланг: а) раҳбарни ҳурмат қилиш керак, фақатгина шунда жамоада яхши психологик муҳит ва жамоа аъзоларининг ҳамкорликдаги самарали фаолияти бўлади; б) раҳбар қўл остидагиларининг ҳурматига сазовар бўлиши керак ва шунда жамоа аъзоларининг ҳамкорликдаги етарли фаолияти бўлади. Бу икки фикрдан қайси бири сизга психологик анча тўғридек туюлади? Ёки уларнинг иккаласи ҳам бир хилми? «Ҳокимият обрўси» ва «Обрўнинг ҳокимлиги» тушунчалари ўртасида қандай фарқ бор.

11. Етакчининг обрўси нимага боғлиқ бўлади. (расмий ва норасмий): а) етакчининг «ўзини кўрсатиши» маҳоратига, б) қўл остидагиларнинг ёки ходимларнинг унга бўлган муносабатларига (уни ҳурмат қилишларига) ёки в) унга ҳам бунга ҳам иккаласига бирдек?

12. Ижтимоий етакчига ҳурмат муносабати нимага боғлиқ бўлади?

13. Муомала - алоқа - муносабат бу нима? Тушунча мазмунини маърузада муаммоли метод билан очиб бериш ва «муомала» тушунчасига бир неча хил таърифлар келтирилган



«маъруза ўзининг методикаси» IV бўлим 2 параграфи мисолларидан фойдаланиб, талабаларга шундай топшириқ бериш мумкин? «Ана шу тушунчалардан илмий мазмунини ташкил этувчи ижтимоий психологик ҳодисанинг моҳиятини тўла ва аниқ акс эттирувчисини ўзингиз танланг», «Муносабат» – одамларнинг ўртасидаги маълумотлар алмашиши, уларнинг ўзаро алоқалари» (Немов Р.С. психология ВЗ кн 1. – 1998 – 669), «Муносабат – икки ёки ундан кўп одамлар орасидаги урганиш, билиш ёки эффектив – баҳолаш хусусиятга маълумотлар алмашишдан иборат ўзаро алоқалари» (психологик лугат – М, 1996 – 323 б).

Муносабат ҳамкорликда фаолият талаблари оқибатида юзага келадиган одамлар ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожланиши кўп қиррали мураккаб жараён ва маълумотлар алмашиш, жараёнини идрок этиш ва тушунишни ўз ичига олади» (қисқача психологик лугат – М. 1998 – 229).

Муомала – одамлар ўзаро алоқасидан иборат бўлиб унда эмоционал – сезги ва рационал маълумотларни фаолият билан алмашиш содир бўлади». «Кенг жамоада муносабатлар» тушунчаси», «Ижтимоий муносабатлар бутун тўпламини ўз ичига олади, чунки ижтимоий муносабат – иқтисодий, сиёсий ёки гоъвий – ўзининг ижтимоий-психологик томонларига эга ва одамлар ўртасида бевосита ёки воситасиз алоқада намоён бўлади». «Муносабат одамлар ўртасидаги ўзаро алоқалар, асосан бевосита кузатишлар асосланган, «Муносабат» тушунчаси турли ижтимоий ва маданий тизимлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни таърифлашда ҳам фойдаланилади» («миллатлараро муносабат», «маданиятлар алоқалар»), яъни одамлар ўртасидаги шахслараро алоқаларидан кўра анча кенг маънода», (Замонавий фалсафий лугат – М. 1996 – 337 б).

14. Сиз танлаган тушунча билан «муносабат» тушунчаси илмий мазмундан келиб чиқиб қуйидаги фикрларни таҳлил қилиб чиқинг: «Бола – бу ҳар доим иккита одам – у ва катта одам» (Д.Б. Эльконин). Бу фикр ва топшириқ бўйича IV боб 2§ да келтирилганлардан сиз танлаб олганлигингиз билан мос келадими? Ушбу фикр «муносабат» тушунчаси билан мос келадими?

15. А.С.Вygотскийнинг қуйидаги фикрларини таҳлил қилиб чиқинг: «...инсон ўзи билан ўзи ҳоли қолганида муносабат вазифасини сақлаб қолади», буни индивиднинг ўзи билан ўзи муносабати сифатида тушуниш мумкинми? Агарда шундай бўлса, унда келтирилган тушунчаларидан қайси бирига киритиш мумкин?

16. Қуйидаги масалаларни ечинг?

а) 12 та кемачилар жимгина бир кемада кетмоқдалар. Бу муносабатми ёки йўқми? Агарда муносабат бўлса, унда у қайси тушунчага тўғри келади ва уларнинг қайси бирига қарама – қарши?

б) Она бир ойлик боласини ухлатади. Бу муносабатми ёки йўқми?

в) Инсон телевизорда курсатув томоша қилмоқда, бу муносабатми ёки йўқми? Агар муносабат бўлса, унда маълумотлар алмашиш қани?

г) Маърузачи монолог уқияпти, аудитория эса савол ҳам бермайди, ҳеч бир фикр билдиришмайди, ёзмайди, фақат эшитиб ўтирибди шу орқали улар тушунишмоқдалар деб айтиш қийин. Буни маърузачи билан аудитория ўртасидаги алоқалар деб ҳисоблаш мумкинми?

17. Адабиётларда тўғридан тўғри ва бошқа йўллар билан, бевосита ва билвосита (ёзма ёки тахминий воситалар ёрдамида) шахслараро ва оммавий муносабатларни курсатадилар, илгариги масалаларга қайтинг (16) ва беринг:

«В» масалани воситали муносабатга тааллуқли деб ҳисоблаш мумкинми? Агарда шундай бўлса, унда маълумотлар «Алмашиш» қани: кемачилар ҳаракатларини қайси бирига киритиш мумкин: барча ҳаракатни сезиш орқали муносабатгами ёки бевосита муносабатда фаолият алмашишиши орқали;

18. Муносабатлар вазифалари: 1) боғловчи, 2) шакллантирувчи: 3) «тасдиқловчи» 4) шахслараро «индивидлар» ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш ва олиб бориш: 5) шахснинг ичидаги (ўзи билан ўзи диалог) муносабат

Бу вазифаларни бажарилмаслиги нимага олиб келиши мумкинли-гига мисол келтиринг, боғловчи вазифасини бажармаслигига мисол – муваффақиятга эришилмаган Вавилон минорасининг қурилиши ҳақидаги диний ривоят ва бошқалар.

19. Миллат психологияси (элатлар, халқлар) – ижтимоий – психологик билимларнинг алоҳида соҳаси, у ҳар бир миллат ва халқларнинг бошқаларидан ҳамда унинг тили ва маданиятини, турмуш тарзидан фарқ қилувчи ҳақиқий мавжуд ҳиссиётлари, кайфиятлари, фикрлари, феъли, амал, одатлари кечинмаларини акс эттиради. Савол: миллий психологияни ўрганиш билиш ва ҳисобга олиш инсоннинг амалий фаолиятида қандай мақсадлар ва нима учун керак? Туб маҳаллий миллатнинг психологиясини махсус ўрганиш керакми?

Мисол учун рус одамлари билан ишловчилар рус миллий психологиясини ўрганиш ёки ўз – ўзидан яхши муносабатлар юзага келиши керакми?

20. Кичик гуруҳлар психологиясига (меҳнат, илмий, педагогик, жамоалар): сизнинг фикрингизча гуруҳга раҳбарлик қилишнинг қайси усулуби энг кенг тарқалган (ёки мумкин бўлган услубдан бирини танланг):

Директив услуб	Услуб элементлари	Демократик услуб
Фақатгина яқин келажак мақсадлари қўйилади, узоққа	Мақсадга интилиш	Яқин ва узоқ мақсадларни гуруҳга батафсил етказиш, гуруҳнинг келажакдаги

мулжалланган мақсад эса гуруҳга номаълум		ривожланишини кўрсатиб беринш.
Раҳбар маълумотларни ўзи учун йигади, гуруҳ учун эса у ўз вазифасини бажариш учун кераклилигини етказди.	Маълумот бериш	Раҳбар ва гуруҳ уртасида очиқ ва ўзаро маълумотлар алмашиш
Раҳбар бир ўзи ёки яқин ходимлари билан ҳал этади ва гуруҳдан бажаришни талаб этади.	Қарор қабул қилиш	Гуруҳ бўлиб муҳокама этиш, муҳокамаларда гуруҳлар вакиллари билан маслаҳатлашиш асосида раҳбар қарор қабул қилади.
Гуруҳ фаолиятини раҳбар томонидан тула ва доимий назорат қилиб борилиши	Назорат	Қарор қабул қилиши ва олинган натижани назорат қилиш ва ораликда – гуруҳнинг ўзини назорат қилиш
Соф кўринишда умавжуд эмас, бевосита шаклида ҳисоботлар, баҳолаш, хулосалар, раҳбарият томонидан назоратчиларнинг қарорлари, муҳокама этилмайдиган манбалари, фаолият якунлари бўйича раҳбарнинг сузсиз қарори	Жавобнинг қайта алоқаси	Бутун фаолияти давомида мунтазам оқими, фаолият давомида ва якунида муваффақиятларни фаол рағбатлантириш.
Юқоридан пастга аниқ, тушунарли, қисқа буйруқлар	Алоқа хусусиятлари	Пастдан юқорига муҳокама ва танқидга руҳсат этилади. Муҳокамалар, умумий қарор қабул қилиш ва қарорларни бажарилишини боришини аниқлаш давомида вазифанинг аниқлиги намоён булади.
Қатъий чегараланган	Ваколатларни тақсимлаш	Кенг фойдалана олади.

## Саволлар

1) Бир услубнинг алоҳида хислатларини бошқа услуб хислати билан қушиб ва аралаштирган шолда янада самаралироқ учинчи услуб яратиш мумкинми?

2) Агарда мумкин бўлса сиз нимани таклиф этган булар эдингиз ва қандай мақсадда

3) Келтирилган услублардан қайси бирини (агарда уларга изчиллик билан амал қилинса) самаралироқ ва нима учун?

21. Жамоадаги шахсларо низолар келишмовчиликлар:

1) ҳар доим зарарли.

2) табиий ҳол ва шунинг учун уларни «Фойдали ёки зарарли» деб ҳисоблаб бўлмайди.

3) келишмовчиликлар баъзан фойдали, агарда қонуний асосда содир бўлаётган бўлса, бу жавоблардан қайси бири сизнингча тўғри? Сизнинг жавобларингиздан келиб чиққан ҳолда: жанжал, низоларни олдини олиш керакми? Ёки уларни табиий ҳол деб ҳеч нарса қилмаслик керакми, лекин улар юзага келганда тортишаётган томонлар учун мос келадиган усул билан низоли вазиятни дарҳол бартараф қилиш керакми?

Бу йўллардан қайси бири сизнинг фикрингизга психологик жиҳатдан тўғри?

22. Кичик гуруҳларда умумий келишилган фикр, қарор, хулосага эришиш учун мунозараларни қандай олиб бориш керак?

- муаммони кўрсатиб беринг ва «нима қилиш керак» деган саволни қўйиш керак:

- турлича фикрларга қулоқ солиш керак (бир бирини тўлдирувчи ва бир-бирига қарама-қарши);

- ҳақиқатта яқин турли фикрларни келтириш орқали мунозарани кескинлаштиринг, шу билан жамоатчилик фикрни рағбатлантириш.

- умумий ягона фикрга эришиб (ёки кўпчилик қўллаган мантиқий тўғри хулосага) хулосани ифодалашни таклиф этиш.

Кундалик ҳаётингизда учраб турадиган ўзингизга маъқул масалалардан бири гуруҳли қарор қабул қилиш буйича мунозаралар ташкил этиш режа - сценарийсини тузинг.

23. «Муносабатлардаги тўсиқ» тушунчасининг мазмуни нима? У «коммуникатив тўсиқ» билан мос келадими?

24. Таклиф этилган адабиётларни маъруза матнлари билан солиштиринг ва юқорида келтирилган психологик масалаларни ечишда мустақил ишлаб чиққан жавобларингизни ўрганиш асосида қуйидаги саволларга жавоб беринг.:

1) Ижтимоий психологиянинг Назарий аҳамияти ва унинг психология фанидаги ўрни қандай баҳолайсиз?

2) Раҳбар, педагог, амалий психолог касбий фаолияти учун ижтимоий психологиянинг амалий аҳамияти нималардан иборат?

Ижтимоий психология ижтимоий ҳаёт муаммолари, шахсни ривожланиши, жамиятни ҳаётга муносабатларининг психологик қонуниятларини урганadi.

## ТАЛАБАЛАР ҲУҚУВ МАШГУЛОТЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ

«Назорат» атамасини қўллашга педагогик ҳуқуқ жараёнида ва педагогик психологияда турлича ёндашилади. Педагогика назариясида ва педагогик амалиётда «назорат» атамаси «кенг» ва «тор» маънода учрайди. «Кенг маънода» нимадир текшириш, «тор маънода» эса, кибернетика руҳиятидадан келиб чиқиб, «ўз-ўзини бошқариш учун характерли бўлган тескари алоқа тамойилидир». «Педагогика» ҳуқуқ қўлланмасида бу тушунча юқоридагидек изоҳланади. Бундан келиб чиқадики, «ҳуқувчиларнинг ҳуқуқ машгулотларини назорат қилиш ташқи тескари алоқани ва ички тескари алоқани таъминлайди». «Ташқи тескари алоқа» тушунарли бўлиб: бу ҳуқуқ материалнинг ҳуқувчилар томонидан ўзлаштирилишини текшириш дегани (назорат-суровлар, ёзма ишлар, имтиҳонлар ва ҳ.к.), буларни барчасини ўқитувчи ташкиллаштиради. «Ички тескари алоқада» эса, «ўзгача» – ҳуқувчининг ўз-ўзини текшириши, бу ҳақида бир нечта умумий сўзлар, улардан ҳуқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришида «тескари алоқа»нинг «ички» характерини нимадан таркиб топганини тушуниш мумкин. Бу ҳам барибир «машинали» ёки «машинасиз» дастурлаш воситаларини қўллаш орқали ўқитувчи ёрдамида ташкиллаштирилади. «Ўз-ўзини назорат қилиш» атамасини қўллаш орқали муаллиф, ҳуқувчилар аниқ савол ёки масалаларда ўзини текшираётиб ўзларининг қай меъёрда материални ўзлаштирганларини текширадилар. Бошқача қилиб айтганда, улар ўз-ўзларини текширадилар ва баҳолайдилар. Бу эса амалиётдан маълум бўлганидек, ўқитувчи ёки муаллиф томонидан ўз-ўзини текшириш саволлар бўйича амалга оширилади. Бу ҳам таркиби бўйича «ташқи назорат»га киради.

Педагогик психологияда «назорат» тушунчаси бир мунча ўзга маънода – «ҳуқуқ жараёни»дек – қўлланилади. Ҳуқувчиларнинг ҳуқуқ машгулотлари жараёни ва унинг таркибий элементи сифатида киради. Назорат – ҳуқуқ машгулотининг сунгги натижаси бўйича ўзлаштириш сифатини текшириш каби эмас, балки ҳуқувчининг ўз ақлий жараёнларини унинг таркиби ва тавсифи (принциплари, қонуниятлари, қоидалари) бўйича ўқилаётган ҳуқуқ топшириқларининг тўғри бажарилиши учун мўлжалли асосдек хизмат қилувчи назария каби амалга оширилади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнини бошқариш механизми ҳақида гапирилганда, Н.Ф.Тальзина назоратни унинг созиладиги зарурий таркибий элементи сифатида қарайди. Агар

бошқарилаётган жараён мавзуси билан ҳамжиҳатликда борадиган (ёки дастурли ўқитиш учун - дастур) бўлса, унда ҳеч қандай коррекция талаб қиладиган қўшимча ҳаракатларни юзага келтирмайди. Бироқ жараённинг қандайдир дастурдан чекинишини кўриш биланоқ, педагог унинг чекиниши характери ҳақидаги тескари алоқа жадвали бўйича тушаётган маълумотларни қўллаб, дарҳол, талаб этилган соҳага йўналтирилган ҳолда ўқув машғулотларини ўтказиш бўйича тадбирларни қўллайди. Бу сөзловчи ҳаракатда, тескари алоқа назорат каналидек чиқади, улар педагогик жараённинг охирини кутиб ўтирмасдан, жараённинг бориши ҳақида маълумотларни олади, бу эса унга дарров таъсир ўтказади. Ўқув машғулотларининг бориши бўйича назорати ва коррекцияси – мана шу назоратнинг тушунилишида нималар муҳим, агарда ўқув машғулотлари тутаган бўлса, энди аралашининг иложи йўқ. Агар ўқув жараённинг натижаси шундай бўлса, инсон ўзлаштира олмаган ёки дастурни ёмон ўзлаштиргани, фақатгина жараён охирида бўлади, бунда эса энди уни тўғрилашга имконият бўлмайди.

Тескари алоқани ўқув жараёнида қўлланилиши қўйидаги икки муаммо ечимини ўз ичига олади. Биринчидан, томондан ўқитиш мақсадида, бошқа томондан эса ўқитишнинг психологик назарияси асосида назорат остидагилар тавсифномаси мажмуини ажратиб кўрсатади. Буни эса ўқитувчи дастурлар тузишда асос қилиб олади. Умумий қоида қўйидагилардан ташкил топада яъни мустақил тавсифнома назоратга олинади, уларнинг таркибий ўзгариши бир сифат ҳолатидан бошқасига ўтишига олиб келади.

Иккинчидан, тескари алоқанинг частотаси (оралиги)ни аниқлаш, кузатувчининг тескари алоқа деб номлагани мукамал деб ҳисобланади. Ўқув жараёнига ушбу ҳолатни механик тарзда олиб ўтиш самарали чиқмаган. Бунинг сабаби қўйидагича изоҳланади; назорат ўқув жараёнида фақатгина тескари алоқа функциясини бажарибгина қолмай, балки мустақамлаш функциясини ҳам бажаради. У ўқувчининг мотивацион муҳити билан ҳам шунингдек боглиқдир.

В.В.Давыдов назоратни ўқув машғулотидек кўриб, унинг остида бошқа ўқув машғулотларининг ўқув масалалари ва шарт-шароити талабларига мослигини аниқлашдир. Назорат ўқувчига ҳаракатларнинг услубий таркибини ўзгартириб, олинаётган натижа ва ечилаётган масала шароитлари хусусиятларининг у ёки буниси билан унинг алоқасини аниқлашга имкон беради. Шунинг натижасида назорат ҳаракатларининг операцион таркиби ва уларнинг бажарилиши тўғрилиги керакли ҳажмини таъминлайди.

Назорат, уни бажариш шароитларининг операцион ҳаракатлар таркибига мослигини аниқлашга имкон бериб, таркибсиз рефлексларга асосланади. Таркибий рефлексияни

инсон томонидан шахсий ҳаракатлари асосида кўриб чиқиш ва излаш билан боғлиқ.

Шу тариқа психологик нуқтаи назарда талабанинг ўқув фаолияти деганда – ўз-ўзининг назорати, ўзининг ўқув фаолияти борасида аниқлигини таъминловчи специфик ўқув фаолияти шакли тушунилади.

Ўз-ўзини назорат қилишнинг педагогик тушунчаси эса, ўқув фаолиятини вақти-вақти билан текшириб, боришни эмас, балки ўзлаштириш натижалари бўйича ўқувчи томонидан ташкиллаштирилган ўқув фаолиятидир.

Ҳозир эса, биз ўз-ўзини назорат қилишнинг ўз-ўзини бошқаришга асосланган ўқитиш услуби ва талабанинг ўқув фаолияти сифатида қарамоқдамиз. Бундан келиб чиқиб, биринчи курс талабасининг (иложи борича тезроқ, шахсий ўқув фаолиятини шундай тўғри ва аниқ ташкил этиши керакки, унда ўқув материали уни ўзлаштириш давомида зудлик билан, кечиктирмай ўзлаштирилсин. Демак, бир неча кун тайёрланиб ва дарҳол, бир уринишда ўқилган дастурлар бўйича жавоб бермаслик учун, имтиҳон сессияси келишини кутиб ўтирмасдан, ҳеч нарсани орқага сурмаслик, ўзлаштирилмаган маъруза матнлари ва ўқилмаган илмий матнлар ва ўқув адабиётларни тўпلامаслик керак. Афсуски, кўп биринчи курс талабалари бундай йўл тутишмайди. Талабаларнинг бундай иш услуби олдиндан маълум: билимлари саёз, парчаланган, ҳаёт ва амалиёт билан кам боғланган, исботланмаган, узук-юлуқ, шунинг учун кўпи унутилган эсдагилари ҳам бир-бири билан, мантиқий боғланмаган, ўзлаштирилмаган қисқаси, фан предмети бўйича илмий тошшириқларнинг бутунлиги, аҳамияти узвий боғлиқ ҳолатдек тушунилмасдан эсда олиб қолинган.

Биринчи кунданоқ талабанинг психологик ритм бўйича, кунма-кун, янги илмий маълумотларни ўзлаштириш учун ўқув фаолиятининг назоратига уни ургатиш лозим, бу педагогика ва услубиёти тили бўйича ўз-ўзини назорат қилиш деб аташ мумкин.

Юқорида таъкидланганидек назоратга ургатиш берилган муаммо бўйича махсус ўқув машгулотларини аниқлаштириш лозим эмас. Балки ўқув фаолияти шарт-шароитларидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Ўқув фаолияти қуйидагича ташкиллаштирилади: талаба ўқув топшириқларини бажариш жараёнида, уни ечиш бўйича барча фикрий операцияларини қадамма-қадам назорат қилиб, урганилаётган назарияга айнан мос равишда бажарилсин, фақатгина шу шароитда у исталган натижага эриша олади.

Назоратнинг ўқув фаолиятига ургатиш бўйича алоҳида ташкиллаштирилган машгулотлари одатда утказилмайди, чунки белгиланган фаолиятига ўқитиш жараёнининг ўзи дарслар давомида амалга оширилади. Бир вақтнинг ўзида топшириқнинг

шаргларини ўйлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва талабаларни баҳолаш, ечимларини режалаштириш ва қабул қилиш бўйича бошқа ўқув фаолиятини биргаликда бажариш билан амалга оширилади. Бироқ, ўқув фаолиятлари ўқитувчи томонидан шундай ташкиллаштирилиши керакки, уни амалга оширилиши жараёнида ўқувчининг қандай қилиб органилаётган назариянинг меъёрлари, қоидалари, қонунлари ва бошқа талабаларини қўллашига бутунлай боғлиқ бўлади. Бундан ташқари тошшириқлар шундай тўзилиши керакки, унинг ечими аниқлиги шу талабларга риоя этишга боғлиқ бўлсин.

Психологик назарияни ўқишда ҳам бошқа назарияларда бўлгани каби, талабалар психологик фактларни текшириш ва билишга мўлжалланган машқларни ечишда улардан фойдалансин. Масалан, психологик фаолият тушунчасини ўзлаштириш учун талабаларга берилган ўқув тошшириқларига мурожаат этамиз. Қуйида келтирилган топшириқларни аниқ ва тўғри ечиш учун талаба «фаолият» тушунчасининг белгилари билан узининг ақлий операция жараёнларини доимо таққослаши зарур. Бу белгилар эса, талабаларга ёздириб борилади: аввал тушунчанинг дифференциацияси, сўнгра фаолият таркиби (мотивнинг қандайдир талаб билан боғлиқлиги, мақсади, воситаси натижаси). Мана энди талаба топшириқни бажаришда эҳтиёжлар даражасига қарайди. Унда психологик фаолият белгиларининг мавжудлиги ёки йўқлиги таҳлил қилинади. Агар мавжуд бўлса, унда бу «фаолият»ни тушунчасига тааллуқли, агар йўқ бўлса, унда бу «фаолият» психологик маънода эмаслигидан иборат.

Юқорида ўқув операцияларини куриб чиқиб, таҳлил қилинади. Талаба ўқув топшириқларини доимий назарияга асосланиб ечади, ҳал қилади, уларнинг бажарилиш жараёнини эса (фаолият тушунчаси) мана шундай назорат қилишдир. Е.А.Камилова тадқиқотларида ушбу тушунчага мисоллар талайгина.

Шундай қилиб, қуйида келтирилган мисоллар фаолият тушунчасини мазмунан очиб бера оладими?

- 1) Чарчаган мусофир, оёқларига дам бериш учун, тўнка устига утирди.
- 2) Менделеевнинг ҳозирги кунда «Элементларнинг даврий системаси» номи билан танилган, кимёвий элементлар жадвали тушига кирган ўша жадвални у 1869 йил ўзи кашф қилган шолда қонун яратган эди. Жадвал унинг тушида қўринганлиги фаолият бўла оладими?
- 3) Талаба маърузани маъносига тушунмасдан, таркибини тўлиқ ўзлаштирмасдан, тез ёзаяпти. У фаолият билан бандми?
- 4) Ўқувчи шеър ёдлаяпти, иккинчиси эса аллақачон ёдлаган ва ҳозир жим ўз ўртоғини эшитаяпти. Икковидан қай бири фаолият билан банд? Ёки икковими? Нима учун?



- 5) Тегирмон тармоги ёқилди, у ишляпти, қоплар тез унга туляпти. Бу ерда учта феъл мавжуд. Улардан қай бири фаолиятни англатади?
- 6) Навбатчи мушандис тантанавор равишда янги гидростанциядаги «асосий тармоқни» ишга туширади ва шундан сунг мана 40 йилдирки ГЭС ишламоқда, аввал бошида электр энергиясини Ўзбекистонга, эндиликда вилоятларга узатмоқда. «Ишга тушириш» ва «ишляпти» феълларидан қай бири фаолиятни англатади ёки икки тушунча ҳам мазмунан бир хилми?
- 7) Тренировкада спортчининг югуриши ва қонунбузарнинг назоратчидан қочиши, югуриш – бу ерда қайси бири фаолият.
- 8) Кузиви очган инсон тепасида айиқ бошини кўриб кўрқувдан бақиряпти? Бу фаолиятми?
- 9) Болалар меҳмон кутиш уйнашпти, дастурхон безатилляпти, дастурхон газетадан (овқатли тарелкалар, қошиқлар, пичоқлар, уйинчоқли, газета қоғозидан салфеткалар, «нон» ва ҳ.к.) «меҳмонлар» (қўғирчоқлар)ни ўтказишади, дарҳол барчасини бузишади (меҳмон қилмасдан) яна бошидан овқат пиширишади, стол тузатишади, меҳмонларни ўтказишади ва ҳ.к. улар фаолият билан машғулми?
- 10) Кутилмаганда, севган командаси дарвозасига киритилган голдан стадиондаги (томошабинлар) мухлисларнинг ҳайқириги фаолиятми?
- 11) Командир яқинлашаётган танқдан кўрқиб, орқага қочаётган аскарлардан бирини кўриб, «Тухта, ёт!» деб бақиряпти. Фаолиятми?
- 12) Ёзувчи мана ярим соатдан бери нимадир ёзиш учун стол устида утирибди, лекин ёзмайпти. Бу ерда фаолият борми?
- 13) ЭЎМда маълумот бериляпти: сизнинг ҳаракатингиз хато. Бу нима фаолиятми?
- 14) Телефон тармогининг нариги тарафидан кимдир жавоб бермоқда: «Сиз рақамни нотўғри тердингиз». Жавоб бераётган томонга нисбатан бу фаолиятми?

Кўриб турганимиздек, бу мисоллар оддий турмушдан олинган, жуда содда мисоллардир ва бундай машқларни тайёрлаш ўқитувчи учун унчалик қийинчилик тугдирмайди.

Бироқ талаба бу саволларнинг бирортасига ҳали тўғри жавоб бера олмайди, агар қўл остида фаолиятнинг психологик тушунчаси илмий таркибини шу тушунча белгилари ёзилган асосли қўлланмаси бўлмаса ва мана келтирилган машқларнинг шароитларини баҳолаш ва таҳлил қилиш, ечимини уйлаб топиш ва унинг тушунчасини талабанинг доимий таққослаши ёрдамида ўрганилаётган белгилари ёзилгани билан уларнинг тўғрилигини аниқлаш бўйича ўқув фаолиятидир. Бу назариянинг ўқув ҳаракати ва айнан у «фаолият» нинг психологик илмий тушунчасини шакли

белгисини, қайта урганишсиз, машқларнинг амалий психологик жиҳатдан фактларда берилган тушунчага тегишлилиги ёки тегишли эмаслигидек ҳаракатларни амалий ишлаш жараёнида қўшимча урганишларсиз ўзлаштиришдир. Тушунчанинг илмий таркибини ўзлаштириш амалий ўзлаштириш натижасида бажарилади, чунки уни ҳаётга тааллуқлилигини тушуниш ва тушунганларни мустақкам эслаб қолишда рўй беради.

Берилган ўқиш фаолиятини ташкиллаштиришга келганда бунда исталган ўқув материални бундай тарзда ўзлаштирилишини орқага суришга имтиҳон сессиягача ташламасдан урганиш билан эришилади. Ўқув фаолиятининг назоратининг психологик тушунчаси юқоридагиларда ўз аксини топади.

### ТАЛАБАЛАР ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИНГ КОРРЕКЦИЯСИ

«Назорат» атамаси психологик тушунчаси бўлган билан бир қаторда педагогик кўриниши ҳам мавжуд. Юқорида айтиб ўтилганидек «педагогик назорат» деганда «ниманидир текширилиши» тушунтирилиб, унда ўқув жараёнида эса ўқувчи фаолияти унинг натижалари, билиш кўникмаси ва тушунчаси сифатида текширишдир.

Услубий илмий тартибда психологияни ўқитиши методикаси илмий педагогиканинг қисмидир. Шунинг учун талабаларнинг ўқув фаолияти натижалари назоратни ташкиллаштириш услуби психологиядан ташқари яна педагогик назария ва педагогик амалиёти тажрибасига ҳам асосланиши керак. Бу ўқитиш натижалари назоратнинг барча усул ва услубларига тааллуқли ва ўқув материалининг индивидуал суҳбатларда гуруҳ машғулотида ёзма назоратда, курс ва диплом ишларида, синов ва имтиҳонларида ўзлаштирилганлиги сифатини даврий аниқлаш билан амалга оширишнинг шакл ва вақти буйича фарқларда чегаралар мавжуд эмас. Барчаси пайдо бўлган шарт-шароитлар ва шунга мос ўқитувчининг фикрлари асосида ташкил этилишига боғлиқ. Масалан: агарда илмий адабиётга бўлган енгил қарашларни сезилса, у ҳолда ёзма сўров шаклида ёки семинар машғулотларда тавсия этилган маълумотномалардан муҳим маълумотларни ўзлаштиришлари зарур бўлган жиҳатларни муҳокама қилиш орқали талабалар билимни текширишни ташкиллаштириш мумкин.

Ўқитишнинг якуний текшириши деганда эса, семестр ёки йиллик (ўтилган курс бўйича) битирув давлат имтиҳонларини ёки диплом ишларини тушуниш қабул қилинган.

Баъзи бир ҳолатларда курс ишларини шам ўз ичига олади, чунки бир томонидан қандайдир муҳим илмий муаммони ўзлаштириш тугалланади, бошқа томондан курс имтиҳони ёки

диплом иши (берилган фанда) буйича тайёрлов босқичи вазифасини бажаради. Шу тариқа курс иши тенг меъёردа курсни ўзлаштиришдаги оралиқ натижага келишдек ёки ўрганилаётганлардан узвий муаммосини ўзлаштиришнинг якуний натижаси сифатидаги кўрсаткичидек қаралиши мумкин. Шунинг одатда учун курс ишларини ёзаётганда уни бажариш вақти ва сифатига етарлича қатъий талаблар қўйилади. Бу нафақат ўқиш, балки яна илмий изланиш машқларини ечишдир.

Ўқиш фаолиятининг асосий педагогик функциялари қуйидагилар:

- утилган ўқув материални талаба томонидан ўзлаштирган сифатини текшириш ва баҳолаш;

- барча талабаларнинг ўқув дастурини ўзлаштириши умумий ва ўз олдларига қўйилган мақсад билан ўқиш натижаларини таққослаш воситасида ўқув жараёнининг самарасини баҳолаш;

- йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва эришилган ютуқларни купайтириш буйича асосий йўналтирувчи чораларини режалаштириш, ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг самарали усул ва услублари талабаларнинг мустақил ишларини ташкиллаштиришни ўзлаштириш ва кенгайтириш ва ҳ.к.

Семинар синов ва имтиҳонлар назорат ишлари курс ва бошқа ёзма ишларини утказгач, шунингдек, амалий ва лаборатория машгулотларини текшириб бўлгач ўқув дастурини ўзатиш ва унинг сифат кўрсаткичини оширишга йўналтириш буйича чоралар қўрилади.

Педагогик назорат жадвалини самарали ишлаш учун бир неча талабаларга жавоб бериш зарур.

Биринчидан назорат объектив бўлиши керак. Бу дегани барча ўқитувчи ва талабалар ўқув фаолияти ҳолатини баҳолаётганда келишилган умумий жиҳатлардан уларнинг нимага асосланганлигини олдиндан барчага маълум бўлиши керак.

Иккинчидан, назорат натижасида қўйилган баҳолар ҳажми узгармас деб ҳисобланади ва ҳеч қайси тарафдан на назоратчи, на назорат қилувчи томонидан шухбаланишга йўл қўйилмайди, чунки улар иккала томонга ҳам маълум бўлган объектив критерияларига асосланганлигидир.

Учинчидан, назорат ва унинг натижалари ошкораликни талаб қилади, чунки ҳар бир қизиққон шахс (ўқитувчи ёки талаба) декан ёки кафедра мудирини уларни тулиқ ўрганиб чиқишлари, уларга асосланган хулосалар чиқаришлари мумкин бўлсин. Хулосалар ўзлари учун ишончли ва жадвал ижобий ишларни ҳар бирига алоҳида тааллуқли бўлган ўқув жараёнини йўналтирилишининг зарурий қисмлари буйича танланган бўлиши керак.

Қўйилаётган баҳоларнинг асосланганлиги ва объективлигини таъминлашнинг етарлича қўлай ва таъсирчан воситаси олий ўқув даргоҳларининг тажрибаси кўрсатганидек ўқув муассасада махсус

ишлаб чиқилган, факультетда расман тасдиқланган, шунга мўлжалланган укув кенгашида талабаларни семестрдан семестрга ўтиши, курсдан курсга кўчиришдаги аттестация шароитлари ҳақидаги ҳужжатга боғлиқдир. Ушбу ҳужжат турлича номланиши мумкин. «Талабалар аттестацияси шартлари» ёки «дастурни ўзлаштириш даражасини баҳолаш критериялари» ва ҳ.к. Бироқ мақсади битта назорат қилинаётган объектни баҳолашга бир хилда ёндашишдир. Мисол сифатида бундай ҳужжат вариантларидан бирини келтириш мумкин. Олий ўқув юртларининг бирида тажриба тариқасида ишлатилган ва ишлаб чиқилган психолог амалиётчиларни тайёрловчи муассаса томонидан талабаларни назорат қилувчи, ўқитувчилар томонидан ҳам умумий қониқиш ҳосил қилган ҳужжатларидан бирини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ундаги ҳамма нарса ҳам ҳар томонлама аниқлаштирилган бўлмаслиги идеалдан узоқ бўлиши (умуман идеал амалда бўлиши ҳақиқатдан йироқ) мумкин, аммо у шуниси билан яхшики у икки томонга назорат қилувчига ҳам, назорат қилинувчига ҳам, айнан нима текширилиши ва бу қандай баҳолаши ҳақида етарлича аниқ қатъий мўлжалларни беради.

Мана шу талабаларнинг дастурни ўзлаштириш сифатини баҳолашга тааллуқли ҳужжатдан парча.

Факультет талабаларини аттестацияси шартлари

1. Талабалар аттестацияси улар ўқиган ўқув фанининг ўзлаштириш даражасига кўра, имтиҳон ва синовлардаги текширувлар натижалари бўйича ўтказилади.
2. Ўзлаштириш даражаси. Талабанинг бўлажак амалиётчи психолог мутахассиси ва унинг бўлажак касбий фаолиятига тааллуқли тайёргарлиги умумий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Шунинг учун имтиҳонда ундан икки назарий (билимга) ва амалий (маҳоратга) қисмлардан иборат саволларга жавоб бериш талаб қилинади. Агар савол тузилишида бундай бўлиниш бўлмаса доимо шунга тайёр бўлиши керак. Талаба доим назарий ҳолатларни ўзи билган ҳаётий мисоллар асосида кўрсатиб бериши керак.

Бу дастурни ўзлаштириш чуқурлиги китоб матнини (дарсликлар ва бошқа адабиётлар) услубий тўғри эслаб қолиши (хотираси бўйича айтиб бериши) бўйича баҳоланмайди, аксинча олинган билимларни амалий ҳолатда қўлай билиши бўйича баҳоланади.

3. Талабалар билимларига алоҳида психологик цикл бўйича ўқув фанларига қўйилган талаблар:

- **психология тарихи бўйича - имтиҳон билетлари талаб** қилаётган ҳажми ва ракурсада психология ривожига йўналтирилган аниқ босқичини талаба билиши, бундай ривожланиш қандай амалий талаблардан келиб чиққанини асослаш, тушунтира олишини, исботлаб бериши;

- умумий психология буйича назарий саволларни билиши ва уз билимини амалиётда қўллай олиши аввалдан берилган амалиёт топширигини бажариши ёки назарий ҳолатни кўргазма қилувчи ё тасдиқловчи ҳаётдаги мисолларни келтириш;

- педагогик ва ёш психология буйича талабанинг онтогенезда шахснинг психик ривожланиши ҳақидаги қонуниятларни, шунингдек болалик чоғида бу ривожланишнинг асосий босқич ва даврлари ёки тарбия ва таълимнинг психологик асослари ҳақида шахснинг психик ривожланишининг умумий шакллари билишидан иборат. Шунингдек имтиҳон қилинаётганда самарали педагогик амалиётнинг асосида ётувчи, унинг илмий пойдевори сифатида хизмат қилувчи психик ривожланишнинг қонуниятлари асосидаги мисолларда кўрсатиб бера олиши лозим.

Ижтимоий психология буйича ижтимоий гуруҳларга киритилган инсонларнинг фаолияти ва хулқ-атвори қонуниятлари ҳақидаги яна шунингдек ана шу гуруҳларнинг психологик тавсифи ҳақидаги саволларни билиши, гуруҳнинг хатти-ҳаракати ёки гуруҳ фаолиятидаги ҳолатларни таҳлил қилиш учун шу билимларни қўллай олиши:

- махсус курслар буйича умумпсихологик ижтимоий психологик ва педагогик-психологик қонуниятларни оммавий аҳамиятини болалар ва катталарга таълим ва тарбия беришдаги назарий ва амалий топшириқларини ечиш учун билиши ва шу билимларни педагогик ҳолатларини психологик баҳолаш ва таҳлил қилиш учун ижодий қўллай олиши.

4. Имтиҳон ва синовлардан ташқари талабани аттестация қилиш учун асос бўлиб, унинг семинар ва амалий машғулотлар натижалари, курс ва назорат ишлари сифати буйича ўқитувчи томонидан аниқланган оралиқ баҳолашларини ётказиш улаштиришига хизмат қилиши мумкин.

Бундай ҳолатда талаба берилган фан буйича имтиҳонсиз (синовсиз) «аъло» баҳо билан аттестация қилиниши мумкин.

Бу ерда етарлича талабанинг билими ва маҳоратига аниқ ва қатъий талаблар белгиланади. Шубҳасиз ҳужжатнинг қулайликлари деб – талабанинг ўқув фаолиятининг шундай натижасики, ўқитиш сифатини ҳам назарий билимларга ва уни ҳаётда қўллашнинг амалий маҳоратига боғлиқдир. Ўқитувчи назорат қилинувчи назоратчиларга олдиндан таниш бундай критерий ўқитишни ва талабанинг ўқув фаолиятини бошидан аниқ жиҳатдан йўналтириб, психология буйича ҳолатларда амалий топшириқларни ечишдаги маҳоратини кўрсатиш асосида текширишни назарда тутлади.

Ҳозиргача етарли даражада аниқланмаган ва қайта ишлан талаб қилувчи (балки дарс жараёни давомида изланишларни талаб қилувчи) «маҳорат» ва «билиш» тушунчаларининг аниқ таркиби ҳақидаги савол беришган. Гап шундаки, турли ўқитувчилар ва

бошқа назорат қилувчилар унга турли хил таркибларни киритишлари мумкин. Бироқ психологик жиҳатдан ўқувчи инсон етарлича ишонч ва аниқлик билан ушбу тушунчалардан яширин манбани англаб олиши мумкин. Бу кўрсатилган жиҳатларни қўллаш маҳорати талабаларга салмоқли фойда келтиради, оғзаки жавоб бериш учун имтиҳонларда улардан қандай билимларни назорат талаб қилиниши ва улар нимани ушбу билимларга илова сифатида ҳаётий масалалар асосида кўрсата олишлари лозимлиги юзасидан учун аниқ таассурот қилиб оладилар.

Ушбу жиҳатларни имтиҳонларда билим ва маҳоратларини текшириш учун қўллаш услуби оддий, ҳар бир билимга битта назарий савол ва битта топшириқ киритилади.

Одатда саволлар оддиндан талабаларга маълум бўлади, уларнинг билимларини текшириш учун имтиҳонга киритилган ва дастур билан ҳамжиҳатликда тузилган ва талабаларга маълум қилинган психологик топшириқлар тўпламини қўшиш керак шу орқали улар имтиҳонларга тайёргарлик тартибида барча берилган тўплам топшириқларини ечадилар.

## ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Талабаларни адабиётлар билан мустақил ишлаш маҳоратлари таълим жараёнида шаклланади. Аввалги бобда биз ўқувчи ўқув фаоллигини ўрганиб, ривожланиб бориши ўз-ўзини шакллантиришга, ўз эътиборимизни қаратдик. Бунга талабаларнинг фикрлашларини фаолаштиришга мўлжалланган, уларда берилган юқорида баён этилган барча топшириқлар (савол ва топшириқлар) хизмат қилади. Асосийси ўқувчи шахсининг илмий ва ҳаётий муаммоларини тушуниш қобилиятини эгаллаб ўзини-ўзи яратади.

Талабани мустақил ўқишга ўргатиш психологияни ўқитиш методикасининг муҳим масалалардан биридир.

Психология ва уни ташкил этувчи бошқа ўқув фанлари гуманитар йўналишдаги бошқа фанлари каби тахминан бир хил ўрганилади. Лекин унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб уни ҳисобга олмаслик мумкин. У мақсадлари, масалалари, мазмунидир.

Психологияни ўргатишнинг мақсади-инсонни тушуниши у ким булишидан қатъий назар у билан тўғри ўзаро алоқалар олиб боришга қаратилган бўлса, унда назарий (китобдан) қоидаларини билиш олий ўқув юртида бўлажак мутахассисни ўқитишнинг якуний мақсади бўлмай, балки фақат унга эргаштириш воситаси ҳисобланади. Асосий мақсад – мавжуд одамлар психологиясини билиш маҳоратидир.

Ривожлантирувчи ўқитиш ёрдамида талабада назарий фикрлаш маҳоратини шаклланади ва бу орқали китобдан ўқув материалларини ёдлаш, механик эслаб қолишни йўқотиш,

талабанинг мустақил ўқув фаолиятини тўғри ёндашилган ҳолда ташкил қилиниши.

Бу адабиётларни ўқиганда маъруза тинглаганда талаба олган маърузаларини доим одамларнинг ҳаётий хулқларини шахсий фикрлари, сезги ҳиссиётлари билан хаёлан таққослаши уларни танқидий таҳлил қилиши ва янги илмий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда баҳолашларини аниқлатади.

Бу урганилаётган материалда талаба назарияни ёдлаб олмасдан балки, унинг ёрдамида ҳаётий ҳодисаларни таҳлил қилиб унга янада яхши ўқишга ёрдам берувчи, фикрлашни ривожланишини аниқлатади. Фақат шу йўл билангина психологияни фан сифатида умуман ҳар қандай бошқа фан каби ўзлаштириши мумкин. Бироқ кўлаб бошқа фанларга қараганда психологияни устунлик томонлари мавжуддир. Жумладан, илмий билимларни амалий қўллаш соҳаси шунингдек, амалий материал сифатида қўл остидаги одатлар ва бошқалар.

Курсатилган мақсадларга талабалар эришишлари учун ўқитувчи томонидан қуйидаги масалалар ҳал қилиниши лозим.

1. Талабада фанни чуқур ўрганишга туртки бўлувчи омилни шакллантириш ва шу орқали у қуйидагиларни ҳал этиши лозим. «Психология менга нима учун керак бўлади?», «Нима учун психологияни ўрганиш керак?». Агарда «диплом», «обру» учун бўлган бўлса, унда талабада фанни ўрганиш учун сабаб ўз-ўзидан мавжуд уни ҳали такомиллаштириш кераклигини тушунтиришдир.

Ана шу масала ўқитувчи учун энг биринчи ва билиш учун энг муҳим вазифадир. Уни қандай қилиб ҳал этиш керак? Талабага одамлар психологиясини билиш ҳаётда унга шахсан қачон, қаерда ва нима учун керак бўлиб қолишини тушунтириб бериш ва ҳақозо. Бунга психологияни фан сифатида предмети ва вазифаларини очиб берувчи мақсад биринчи маърузадаёқ амалга оширилади. Маърузада психология инсон ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги, шахс камолга етар экан инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади, шундай экан уларни психологиясини билиш келажақдаги фаолиятлари учун кераклигини аниқлаган ҳолда қизиқтириши керак. Фанни ўргатиш жараёнида зарур эканлигини тушунтириш чуқурлаштирилиб борилади ва натижада психологияга нисбатан қизиқишга айланади. Ана шу ўқув фаолиятида амалий сабаб илмий психологик билимларни эгаллаб олишнинг шахсий мазмунини англаб етишга асосланган, ўрганишга нисбатан қизиқиши ҳақиқатда такомиллашганини аниқлатади.

Маърузалар ва китоблардан олинган билимларни ўзлаштириш учун ҳаётий психологик ҳодисаларни, психологик билимлар асосида тушунтиришга интилиб уларни ҳаётий психологик ҳодисалар билан солиштириш кераклигини талабаларга тушунтириш лозим. Бу масалани ҳал этишда маърузаларда ўқитувчи таҳлил қиладиган адабиётлардан келтириладиган

мисоллар ҳамда амалий машгулотларда, семинарларда муҳокама этиладиган амалий топшириқлар (психология ўқув масалалари) ёки психология фанлар бўйича ёзма назорат ишлар мазмунини ташкил этувчи амалий топшириқлар ёрдам беради. Илмий қоидаларни ҳаётий ҳодисаларга бундай таққослаш одамларни психологияга ўргатиш демакдир. Кундалик ҳаётий ҳодисаларни психологик нуқтаи назаридан ўрганиш ҳар қандай шароитда ҳам инсон билан тўғри муносабатлар қуриш учун уни тушуниш, ўрганишни англатади. Одамларга раҳбарлик қилиш бошқа одамга бўйсиниш ўқитиш ва тарбиялаш шу билан бир вақтда муносабатлар учун қулай психологик муҳитни яратишдан иборат.

Адабиётларни мустақил ўрганишда талаба учун қуйидаги шиор ҳаракатларга чорловчи доимий кўрсатма бўлиши керак. Ҳаётий ҳодисаларни психологик таҳлил қилишдан (тадқиқотларидан) олинadиган барча хулосаларни албатта ёзиб бориш лозим. Бундай ёзувларни амалга ошириб бориш анъанавий ўқитишда (мактаблар олий ўқув юртларида) кўпинча китобдаги мавжуд нарсаларни кучириб ёзиб олишдан иборат бўлган конспектлар ёзиб бориш бўлади. Аммо китобдан бирор фикр келтирилса, унда дарҳол шарҳлаши ҳам керак. Талаба ёзиб олинган қоидаларни ҳаётий тушунишини акс эттирувчи шахсий фикрларини ёзиб бориши шарт. Бу унинг фанни эгаллаб боришини ҳақиқатдан мустақил эканини англатади.

Курсатилган масалалар ҳал этилганда талаба фақатгина маъруза тинглагани эмас, балки унинг мазмунини тушунган ҳолда китобни фақат ўқиб чиқиш эмас, унинг мазмун-моҳиятини англаб етиши, психологик таҳлил қилишга, олган билимлари асосида одамлар хулқини баҳолай оладиган ва илмий билимларидан ўзининг кундалик амалиётда фойдаланишга тайёр бўлиб чиқади. Олий ўқув юртида ўқитиш талабаларнинг сессиялар оралигида ўзи мустақил билим олишини тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлади. Мустақил билим олиш тартиб, китоб ўқишга, навбатдаги вақтинчалик тадбирга айланмаслиги учун (талаба ярим йилда олдига сессия олдидан эса китоб ўқишга киришади) унга бу ишни доимий амал қиладиган тизимга айлантиришга ёрдам бериши керак.

Маълумки, фанни ўрганиш масалани ҳал этишга сунъий мажбурлаш эмас, яхлит ёндашиш, мазмуни бўйича ва бажарилиши юзасидан мустақил бўлишни талаб этади. Алоҳида масалаларни ўрганиш, қандайдир бир хусусий ва бунда расмий бўлган маърузаларга эришиш (мисол учун назорат ишларини ўз вақтида бажарилганлиги ҳақида «ҳисобот» бериши) каби ўрганиш тузилиш элементларининг барчаси бир-бири билан табиий боғлиқ бўлиши ҳамда бир бирдан ажралган ҳолда тула ўзлаштирилиши мумкин бўлмаган фанни қандайдир тизим шароитида мазмунини ўзлаштиришига имкон бермайди. Бирор нарсани эслаб қола олса



ҳам барибир бунӣ чуқур билиб бўлмайдӣ ва шахснинг ижтимоий хулқи илмий бошқарувчиси бўлиб хизмат қила олмайди.

Агарда талаба алоҳида бир масалани ҳал этишга киришса (мисол учун реферат ёзиш бўйича ишларни бажаришга), лекин бу масалани тўла ҳал этиши учун илмий асосларини ҳали ўзлаштирмаган бўлса, у асосий мақсадга эришишида мавжуд одамлар хулқини тушунишга имкон берадиган илмий билимларни эгаллаш йўлида ўзига сунъий тасдиқларни яратади. Шунинг учун муҳит талабанинг ўқув дастури алоҳида қолиплари бўйича ҳисоботлари эмас, фанни қадамма-қадам комплекс ўрганиши бир вақтнинг ўзида ўзлаштириб олиш ва уни барча алоҳида ўқув масалаларини ҳал этишга қўллаш ҳисобланади. Мана шу диалектикадир: талаба аниқ бир масалани ҳал этиб фанни ўрганади, ўрганиш эса кейинги ҳамма ўқув (назарий ва амалий) масалаларни тўғри ҳал этишга қодир бўлиб қолади. Бунга фақатгина фанни ўқитишга хусусан талабанинг мустақил билим олишини ташкил этишга комплекс ва системали ёндашиш ёрдамидагина эришиш мумкин. Мустақил ишлашга комплекс ёндашишни талаба қандай амалга ошириши мумкин. Асосийси талаба дарслик ва бошқа адабиётларни ўқиётганида маърузаларда олган ахборотларга таяниши керак. Бир манбадан ўқиганларини бошқа манбадан олган ахборотлари билан солиштириши, олган билимларини тўлдириб ва аниқлаштириб бориши керак. Уларни ўз навбатида ҳаётӣ ҳодисалар одамларда ва шу жумладан ўзида ҳали кузатиладиган ҳақиқӣ психик ҳодисалар билан солиштирилиши керак. Шундай қилиб, маърузада назарӣ адабиётларга улардан амалиётга утиш ҳодисаси юз беради. Бу эса ўқувчининг онгида мавжуд бўлмаган билимларни эгаллаб олади, яъни ўзлаштириш жараёни кетади. Илмий адабиётлардаги билимлар талабани одамлар психологиясини ўрганиш бўйича амалий аналитик амалларни бажаргани учун олган билимлардан фойдаланишга ўрганиб олгандагина ўзлаштирилган деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай қилиб, талаба томонидан фанни ўзлаштирилиши фақат унинг мазмунини яхши билиш билан эмас, балки яна бу билимларини амалий вазиятларда қўллашни билишини англатади. Мустақил билим олиш тизим сифатида ўз тузилишларига эга. Талаба бу тузилишнинг барча элементларидан тўла фойдаланиш муҳимдир. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳар қандай талаба ҳам ўқитувчига маслаҳат сўраб мурожаат этавермайди. Тажрибалардан кўринадики талабалар ҳатто консультациялар олиш учун навбатчи ўқитувчилар билан учрашувга ҳам келмайдилар. Ўқув материални ўзлаштиришда қийин назарӣ масалани тушуниб олиш учун зарур бўлган жиддий вазиятда талаба биринчи навбатда ўзига ўзининг ўқув ўрганиш фаолиятини қуриш маҳоратига таянади. Лекин нима бўлишидан қатъӣ назар барибир биринчи курс талабаси ҳали ўқишни билмайди. Мустақил билим олиш

маҳоратига тезда ўрганиб олиши учун унга ишлаш методлари ва усулларининг баъзиларидан фойдаланишга ёрдам беради. Бу методларни кўриб чиқиш учун мустақил ишлашни ташкил этувчи қисмларига ажратиб чиқамиз:

- маъруза конспектларини ўқиш;

- ўқув ва илмий адабиётларни ўқиш шарҳлаш ва конспект тузиш;

- имтиҳонларга (синовларга) тайёрланиш.

Маърузалар конспектларини ўқиш бир неча мақсадларга эга:

*Биринчиси*— маърузаларда нималар ҳақида гапирилганлигини эсга олиш;

*Иккинчиси*, талабанинг ишларини маърузаларда эшитганликларини тушунишини мустаҳкамловчи ва гуруҳлаштирувчи ҳаётий мисоллар ва фикрлар билан тўлдириш;

*Учинчиси*, қисқача маърузани тўла очиб бериши мумкин бўлмаган, лекин қандайдир ҳужжатлар ва адабиётларни ўқиш пайтида талабалар алоҳида эътибор беришлари керак бўлган маълумотларни дарсликдан ўқиб олиш.

Бу ҳолатда маърузалар конспектлари кейинги ишлари учун ўзига хос йўл кўрсатувчи, йўналтирувчи бўлиб хизмат қилади. Маърузаларда фақатгина кўрсатиб ўтилган, лекин очиб берилмаган масалаларни яхшироқ ва тўлароқ тушуниб олишга ёрдам беради. Бу ерда у ёки бу психологик ҳодисаларни тушунтириш учун ҳаётий методларни танлаб олиш муҳимдир, чунки талабанинг ҳаётий кузатишларига мос келадиган мисолни танлаб олишда ўйлаш жараёнининг ўзи ушбу мавжуд муаммо ёки мавзунини ҳаётга мос равишда узлаштириш бўйича фикрлаш фаолияти назарияни амалиётда қўллашга биринчи уриниш ҳисобланади.

2. Дарслик билан ишлаш ва психология бўйича илмий адабиётларни ўрганиш.

Дарслик ўқув адабиётининг асосий ва муҳим тури ҳисобланади. Унда материал ушбу фаннинг ютуқлари замон режасида ва талаба тушунадиган тилда тизимли баён этилади.

Ўқув адабиётининг асосий тури сифатида дарсликнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, дарслик илмий ўқув фани бўйича қисқартирилган кўринишда бутун асосий материаллардан иборат. Ёнга ушбу фаннинг барча асосий тушунча ва категориялари керакли ифодалар (дифференциялари) билан киритилади, зарур бўлганда фанда тушунчанинг шаклланиши қисқа тарихи билан берилади. Бу кўпинча фаннинг узини ривожланиш мантиқи ва ҳолатини тушуниш унинг мазмунига боглиқ бўлган умумий асосини ташкил этувчи категориялари бўйича бўлади.

Иккинчидан, дарслик асосий илмий категорияларнинг мазмунини уларнинг муҳим ўзаро боглиқликларида ва ўзаро

алоқадорликларида бир-бирига бўйсунилишини баён этади. Бу ерда янада кенгроқ тушунча ва категориялар ва тор доиралардагиларни (тор хусусий, алоҳида) уз ичига олади ва улар ифода этиладиган предмет ва ҳодисаларни урганиш учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, дарслик билан бир вақтда ўқув фанининг бутун илмий мазмунини тўла очиб бериши мумкин деб бўлмайди, балки асосий йўналишни курсатади. Шундан фойдаланиб фани янада кенг ва чуқурроқ урганилади. Дарслик шу мазмунда ҳодисаларга ушбу фанда бериладиган тушунтиришларга янада чуқурроқ кириб боришга йўл курсатувчи бўлиб хизмат қилади.

Бу айтилган гапларнинг барчаси албатта ҳар қандай ўқитувчи учун таалуқлидир, лекин шунга қарамасдан ўқитувчининг фаолиятида ва талабанинг ўқув фаолиятидаги роли ҳақида яна бир бор ўйлаб кўриш фойдали бўлади. Ўқитувчи ва талаба томонидан ролини баҳолаш нуқтаи назарларидан бир хил эмас, баъзида эса қарама-қарши жараён сифатида эътироф этадилар. Кўпчилик талабалар дарсликка ортиқча баҳо берадилар. Уни билишларнинг ягона манбаи деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун маърузаларни ёзиб бормайдилар, имтиҳон топшириш учун ҳамма нарса бор деб китобга ишонадилар. Бошқа талабалар билим олишнинг асосий манбаи маъруза материаллари яъни бошқа дарсликлардан олинган маълумотлар билан тўлдирилган ва ривожлантирилган маърузалар деб ҳисоблайдилар. Улар илмий ҳақиқатни бошқа жойлардан изламайдилар. Хусусан, илмий психологик билимлар дастлабки манбаи ҳисобланган тавсия этилган илмий адабиётлардан фойдаланмайдилар. Улар дарслик юқори баҳолаб унинг асосида имтиҳон топширишга эришилаётган экан уни фан бўйича етарли манба сифатида ҳисоблаб хато қиладилар.

Лекин шунини ҳам айтиш керакки, талаба психологларнинг бир қисми бўлажак касбий фаолиятида фойдали бўладиган илмий билимлар соҳаси сифатида психология билан жиддий қизиқадилар ва иложи борича кўпроқ махсус психологик адабиётларни ўқишга ҳаракат қиладилар. Шундай қилиб, талабаларнинг баҳолашлари бўйича-дарслик бу деярли барчаси илмий билимларни мужассамлаштиради ва улар кўпроқ унга ишониб муносабатда бўладилар.

Ўқутувчи нуқтаи-назаридан дарслик албатта бутун фан эмас, балки бу биринчи погонадир. Дарсликдан фақатгина илмий психология билан жиддий шугулланишдан бошланади, яъни уни ҳақиқий эгаллаш, психология бўйича махсус илмий адабиётларни чуқур тўла ва қизиқиб ургангандагина мумкин бўлади.

Лекин мажбурий ва илмий билимларнинг бошланғич манбаи сифатида ва фақатгина дарслик орқали урганилиши зарур бўлган талабаларга «катта фан» йўлини курсатувчи сифатида зарурдир. Аммо талабанинг ўқув фаолиятида дарсликни ўрни ва узининг

бундай тушунишда алоҳида педагогик ишларни талаб этади. Психологияни ўқитиш методикаси ана шу ҳақида фикр илгари сурилиши мумкин.

Бу ерда фикр нима ҳақида бориши мумкин.

Биринчи навбатда биринчи курс бошланишида дарслик мазмунини олим-психологларнинг назарий ва амалий ишлари мазмунини функционал боғлиқлигини кўрсатиш, билан психологик адабиётларни мустақил ўрганиш методлари ва усуллари ҳақида талабалар билан махсус машгулот ўтказиш зарурлигидан иборат. Бундай машгулотлардан мақсад психологик муносабатлар билан инсон қалби сирларини тушунтирувчи нозик ва ақлий тажрибалар билан қизиқтиришдир. Талабаларда психик ҳодисалар ҳақида ўзлари ўқиб чиқиши ва тушуниб олиш, мустақамлаш истагини уйғотишдан иборат. Улар илмий психологик адабиётлардан жуда кўплаб қизқарли ва фойдали маълумотларни олиш мумкинлигини тушунганларида фақат дарслик ва маърузалар билангина чекланмайдилар.

Бундай махсус машгулотлардан ташқари доим маъруза ёки гуруҳий машгулотларида дарсликда қисқа баён этилган билимларни назарий ҳолда олишнинг илмий асарларида янги тўла ва жуда тушунарли қилиб очиб кўрсатилишини намоён этиб бериши керак. Агар дарсликнинг мазмуни билан унга машгулотларининг дастлабки манбаи булган илмий китоблар ва мақолалар ўртасида боғлиқлики доимий текшириб келинса, унда дарсликнинг фандаги йўл кўрсатувчи сифатидаги обрўси ўсиб боради.

Психология ўқитиш методикаси билан боғлиқликда дарслик ҳақида айтилиши керак булган асосий фикрлар бу биринчи курс талабасининг дарсликни ўзи билан ишлаш методикаси билан таништириш; уни қандай ўқиш керак, ёдлаб олиш ва такрорлашга ўрганиб қолмаслиги зарурдир.

Талабанинг дарслик билан ишлаш методикасига ўқитиш учун бир томондан радикал, лекин амалий восита мавжуд. Дарслик матнини ўрганишга ўқув топшириги асосий ҳисобланади. (Н.Г.Данри томонидан ўз вақтида «мантиқий топшириқ» деб аталган). Бундай топшириқ жуда оддий тузилади: дарслик матнини ўқиб бориб, ўқитувчи, талаба, ўқувчи ҳам унинг мазмунини англаб етиши, ўқитувчининг мулоҳазаларини мантиқий тушуниши, демак фаннинг узини мантиқий фикрлашни талаб этувчи саволларни ифода этади.

Топшириқнинг саволлари дарслик чегарасидан чиқиш ва дарҳол дастлабки манба китобга мурожаат этишга ҳам мўлжалланган бўлиши мумкин.

Фикримизни мисоллар асосида давом этирамиз. Р.С.Немовнинг дарлигида биринчи китобида қуйидагилар ифодалаб берилган. «Психик жараёнлар идрок этиш диққат, тасаввур, хотира, фикрлаш, нутқ ҳар қандай инсон фаолиятининг

муҳим компонентлари каби иштирок этади» ва муаллиф томонидан улар «фаолият ва билиш жараёнлари психологияси» номли бўлимига киритилган. А.В.Петровский раҳбарлиги остидаги «Умумий психология» дарслигида (1976) идрок этиш жараёнлари шахс психологиясига тааллуқли сифатида қаралади ва «шахснинг идрок этиш» номли бўлимига киритилган. Иккала матнни урганиб чиқинг ва саволга жавоб беринг: нима учун бир вақтда жараёнлар фаолият психологиясида, бошқа вазиятда эса шахс психологиясида ўрганилади. Психологияда мавжуд бўлган фаолиятли ва шахсий ёндашишларни ҳисобга олиб, ушбу ҳолатда бу вариантларнинг қайси бири сизнинг фикрингизга тўғрироқ бўлади. Балки иккита ёндашиш ҳам бир хилда тўғридир, (бошқа манбаларга қаранг) уз жавобингизни асослаб беринг.

«Шахс психология»си бўлимида турли муаммолар шахснинг хислат ва хусусиятлари доир билимларни урганадилар. Мисол учун Р.С.Немов Психология номли китобида ҳатто олтитасини яъни қобилият, характер, ирода, ҳис-ҳаяжон, мотивация ҳисоблаб чиқади. «Умумий психология» А.В.Петровский раҳбарлигида дарслигида улар фақатгина учта темперамент, характер, қобилият бу ерда мотивация ҳам шахс хусусиятларига киритилган, лекин фақат унинг фоолияти билан боғлиқликда ирода ва ҳис-ҳаяжонлари, сезгиларни эса фаолият хусусиятларига киритилган. Бу икки вариантнинг қайси бирини сиз тўғри деб ҳисоблайсиз. Балки улар асосида янги лойиҳани яратиш мумкинлиги ҳақида сизда фикр бордир. Бу саволларни янада тулароқ урганиб чиқиш учун бошқа адабиётларни диққат билан ўқиб чиқинг.

А.Н.Леонтьевнинг «Фаолият, онг, шахс» А.Г.Асломовнинг «Шахс психологияси» (М. 1990) монографиялари билан танишиб чиқинг.

Р.С.Немовнинг Психология дарслигидаги хотира фикрлаш ёки нутқ ҳақидаги бобларини диққат билан ўқиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.

а) Кўпчилик тадқиқотчилар хотира қонуниятларини ўрганганлар ва улар асосан яхши маълумотдир, лекин нима учун ёд олиш ўқитиш учун етарли эмас деб ҳисобланади. Агарда ёд олиш зарарли бўлса, унда нима учун хотира қонуниятларини ўрганиш керак;

б) «Нутқсиз фикрлаш» жараёни бўлиши мумкинми? Нима учун? Мумкин бўлса унда мисол келтиринг;

в) Фикрлаш ва нутқ, нутқ бу фикрни ташқи ифодаси ёки «баланд овоз» (ёзма баён этилган фикр – бу ҳам нутқдир). Инсоннинг ҳаётда бир фикр бўлиб, у бошқа нарса ҳақида гапиришини сиз қандай тушунасиз? Шундай ҳолатларда нутқнинг фикрлаш билан боғлиқлиги намоён бўлишини ва нутқда ҳали фикрда бўлмаган нарса бўлмаслигини ёки нимани уйласа уша ҳақида фикр юритишни исботлаб беринг. Дарсликни ўқиш –

мустақил билим олишнинг муҳим қисмидир. Агарда баъзи талабалар бу ишни ягона керак бўлган иш деб ҳисоблашлари учун ўқув юртлари амалиётида учрайдиган талабалар билимларига расмийлик муносабати оқибатида юзага келган янглишиш ҳисобланади. Мустақил билим олишда дарсликнинг ўрни муҳим лекин, барчаси ҳам эмас, у фанни ўрганишда дарсликнинг керакли вазифалари билан чекланганлигидир.

Дарсликнинг асосий вазифаси ўқув фани дастурига биноан ўзлаштириш керак бўлган билим, малака ва кўникмалар тизимига ўқувчини (талабани) йўналтиришдир. Дарсликда ўшбу фаннинг мазмунини ташкил этувчи илмий қоидаларни чуқурлиги ва амалийлиги билан йўналтирмайди, балки фаннинг асосий тушунчалари ва категорияларини кўрсатади. Уларнинг пайдо бўлиши ва илмий фанда фойдаланиши тарихи ҳақида ҳамда атроф-дунёни тушунтириш учун уларни аҳамияти ҳақида қисқача маълумотлар беради.

Айниқса ўшбу илмий соҳада мутахассис бўлувчи талаба, мисол учун бўлажак мутахассислик мазмунини тушуниш жуда зарур, лекин бу даражадаги билимлар етарли эмаслиги билан белгиланади. У дарсликдан энг қисқа ва энг керакли маълумотларни олгандан сўнг унинг илмий қоидаларини янада чуқурроқ ўрганиши ва ўзлаштириши талаб этилади. Бу илмий қоидаларни чуқур ўрганиш эса биринчи манбаларни психология муаммоларини ўргатувчи, психиканинг фаоллигини қонун ва қонуниятларини аниқловчи олим-психологларнинг асарларидан ўрганиш мумкиндир. Дарслик талабани маълум илмий йўналишларда асосий мактабларнинг номлари ва уларнинг муаллифларини кўрсатувчи йўлбошловчи сифатида хизмат қилади.

Дарсликнинг иккинчи вазифаси ўшбу фан бўйича мажбурий билимлар доирасининг белгилаб берилиши ҳисобланади. Уларнинг келиб чиқишини чуқур очиб бериш ва тўла исботлашга ҳаракат қилмайди. Талабанинг вазифаси тавсия этилган илмий адабиётлардан ўзи тушуниб олиши ва дарсликда йўқ нарсани билиб олиши учун уларни маълумот сифатида қабул қилишдир. Бошқача қилиб айтганда дарслик агарда шартли равишда гапирадиган бўлса, унинг чуқурлиги бўйича эмас «кенглиги» бўйича ўқув фани муаммосида аниқ йўлни кўрсатади.

Дарслик ёдлаб олиш учун мўлжалланган эмас, лекин масалаларни қисқача баён этилиши сабабли у ёки бу бўлим ва параграф, тушунча ёки категорияларни охиригача тушунмай эсда олиб қолинади. Мантиқсиз ёдлаб олмаслик учун матн бўйича конспект тузиш давомида дафтари четда қайси тушунча охиригача тушунарли бўлмай қолганининг белгилаб бориши керак. Бундай ёзувларни амалга ошириб бориш расмийлик эмас, чунки билимларни ўзлаштириш, психологик қонуниятлар нуқтаи назаридан у фикрлаш амалларидан иборат бўлади, бу ерда

фикрлаш амалларининг ҳатто учтаси мавжуд: ўйлаш, хулоса чиқариш, фикрлаш ўқиганларини тушуниб олиш учун мавжуд билимлари етарли эмас, деган хулоса ва ниҳоят тушунмаган саволга албатта жавоб топишлик фикри билан ёзиб бориш асосида ўзлаштиришга йўл эса маълумки фикрлаш орқали боради. Шундай қилиб дарслик талабанинг маърузада олинган билимларини чуқурлаштириб, равшанлаштириб боради ва бир вақтнинг ўзида ўрганилаётган масалаларда тавсия этилган адабиётлардан ўрганишга ундайди. Шу билан бирга асосий қондани эрдан чиқариш керак эмас, янги илмий тушунчалар билан танишаётган ҳолларда улар ҳаётда нимани англашини тушуниб олиш учун уларга мос фактларни атрофдаги одамлар психикасидан излаш ва топиш керак.

Талаба томонидан дарсликни тўғри ўқиб бориш янада тўлароқ илмий асосда ахборотларни тавсия этилган адабиётлардан излашга йўналтириш керак. Дарсликнинг бундай йўналтирувчи таъсир кўрсатиши фақатгина адабиётларнинг кейинги ўрганишларига сабаб бўлиб қолмай, балки, бундай ўрганишнинг йўналтирувчи асоси бўлиб хизмат қилади.

Тавсия этилган илмий адабиётларни ўқиш бу фанни ҳақиқий ўзлаштиришни таъминловчи талабанинг мустақил ўқиш тизимининг асосий ташкилий қисмидир, булажак касбий ишларига мустаҳкам илмий асос яратади. Албатта, ўқиш деганда уни оддий тушунилмайди. Илмий адабиётларни ўқиш ҳар доим ҳам бадиий адабиётларни ўқишдан қийинроқдир. Ундаги турмуш кўринишлари образлари кўпинча тўла асосларсиз, чунки фан сифатидаги мутахассисларнинг барчаси тушунарли аниқ қилиб илмий хулосалар берилади. Мисол учун психологиянинг дастлабки категорияси, предмети, фаолияти ҳисобланади. Маълумки бу қондани умумий танланиши билан бирга унинг мазмуни кўпинча турлича кўринишда бўлади. Бу категорияни тушуниш қандайлиги кўрсатилган. Келтирилган фикрлардан биринчи курс талабасига албатта гап нима ҳақида бораётганини тушуниб олиш қийиндир. «Маълум» деганда биз биринчи курс талабаларини эмас олим психологларни назарда тутиб айтамыз, лекин турлича тушунилади деганимиз улар тўғрисидадир лекин, бу ерда гап психологик фаннинг бошланғич категорияси сифатида предмети, фаолияти ҳақида бормоқда, бу тўғрисида талаба билиши лозим. Аммо бу парчадан кўриниб турибдики, илмий китобни ўқишнинг ўзи айтилган фикрнинг мазмунини тушуниш учун етарли эмас.

Бундай ҳолатларда ўқитувчи ёрдам бериши керак, у талабанинг онгида асосий илмий тушунчаларни шакллантириши ва уларни маърузаларда амалий машғулотлар ва консултацияларда амалга оширади.

Талаба китобни ўрганаётганда у албатта бир алоҳида муҳим керакли фикрни ўқишда тўхтатиб, айтилган иборанинг

мазмунини тушунтирмай бетлар ва бўлимлардан излаб топишга ҳаракат қилмай ўқишда давом этаверади, лекин илмий қондани тушуниб олиш учун у барибир кўп уриниши керак бўлади. Бундан ташқари адабиётни жиддий ўқиганда курснинг навбатдаги мавзуларини тушунишга унинг интеллектуал тайёргарлиги бўлиши илмий асар муаллифи фикрларидан назарий тушунчаларини билиши лозим.

Илмий адабиётларни ўрганиш методикаси буйича бир неча эслатмалар:

Биринчидан, талабага адабиётларни ўрганишда китоб орқасидан китоб ўқиш керак эмаслиги, балки гоёнинг ва назариялар бир бошқа тамойилга асосланишлари лозим. Иккинчи томондан китобда баён этилган илмий гоё ривожлантирилиши, равшанлантирилиши бошқасида аниқлаштирилишидан иборат. Учинчисида, эса асосли танқид қилиниши, тўртинчидан китобда эса янада асосли исботланиб берилиши мумкин.

Талаба ўқитувчидан назариянинг ривожланиши ҳақида билиши жуда муҳим чунки, бир вақтда бир жойда бир маълумотлар бошқа жойда бошқа вақтда ўша маълумотлар кўпинча текширилиши ва аниқланиши ёки рад этилиши мумкин. Илмий хулосаларни тасдиқлаш, рад этиш ҳам фаннинг ривожланиши учун бир хилда фойдалидир. Талаба эса бу ривожланишни тушунишида фойдалидир. Барча ҳолларда ҳам турли манбалар буйича муаммоларни ўрганиш фанни чуқур ҳақиқий профессионал ўзлаштириш гаровидир.

Иккинчидан адабиётларни ўрганиш, мустақил билим олиш бутун тизимни бир элементи ҳисобланиб, тизимнинг бошқа элементлари билан маъруза материалларини ўрганиш дарсликларни ўқиш ва талабаларнинг кейинги ишлари билан (назорат ёки курс ишларини ёзиш имтиҳонларга тайёрланиш) узвий боғлиқ бўлиши мумкин.

Шу ерда айтилганларга қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин: имтиҳонларга тайёрланиш алоҳида, бошқа ўқув ишларидаги каби мустақил фаолият эмас, балки мустақил билим олишни узвий ташкил этиш қисмидир. Ҳар қандай муаммо буйича илмий асарларни ўқиганда талаба у ерда баён этилган гоёларни ўзлаштиради ва демак ўрганилган масала буйича имтиҳонни топширишга тайёр бўлади, лекин кўпчилик талабалар барибир имтиҳонга бевосита имтиҳон сессияси олдидан ёки имтиҳонлар пайтида тайёрлана бошлайдилар. Унга адабиётлар билан мустақил шугулланиш фаолиятлари имтиҳонга тайёрланишга алоқаси йўқдек бўлиб қолади. Буларнинг барчаси талаба имтиҳонда жавоб беришни талаб этадиган саволларни тавсия этилганда гилмий адабиётлардан ўрганиладиган саволлар билан боғлаш қийинлиги ёки ҳатто боғлай олмаслиги сабабли содир бўлади.



Талаба бу қийинчиликларни енгиб утиши учун нима қилиши керак? Ўқитувчи олдиндан имтиҳонлардан анча аввал талабаларга адабиётлар, дарсликни мустақил ўрганишда доимий йўналтирувчи бўлиб хизмат қиладиган саволларни бериши керак, ўзи эса ана шу саволлар асосида имтиҳон билетларини тайёрлайди. Психология бўйича китобни ўқиганда талаба кенг доирадаги муаммоларни шу жумладан имтиҳонда у жавоб бериши керак бўлган саволлар бўйича билимларни узлаштириб боради. Шунинг учун талаба йўналтирувчи саволларга эга бўлиши керак ваз у орқали саволларга жавоб топиш лозимлигини узига белгилаб боради.

Тавсия этилган адабиётларни мустақил ўрганиш одатда имтиҳонга қўйиладиган ҳамма саволларга жавобларни билишга олиб келади.

Шундай қилиб, илмий адабиётларни мустақил ўрганиш жараёни ўқув фанини узлаштириш, имтиҳонга тайёрланиш, сессия даврида дарслик матнларини бир икки кунда такрорлаб чиқиш, эслаб қолиш ва маъруза конспектларини куриб чиқиш орқали сифатини текшириш шакли эмас, балки талабанинг сессиялараро даврида мустақил ўқув фаолиятининг бутун жараёнини самарадорлигини текшириш бўлиб қолади. Шундай қилиб, барча тавсия қилинган мумкин бўлган адабиётларни ўқиш фақатгина дастурга амал қилмай ёрдамчи саволларни ҳам ўрганиш натижасида талаба мустақил билим олади.

Адабиётларни шу жумладан дарсликни ўрганиш билан бир вақтда фан бўйича назорат иши, курс ёки диплом ишларини ёзишга тайёргарлик масаласини ҳам ҳал этиши керак. Юқорида айтилганидек курс ёки назорат ёзма иши бу ягона мақсадда эмас ва психологиянинг асосий назарий қондаларини узлаштириб олишдан аввал улар бўйича ишларни бажариб, олишга интилиши сифатида қаралади. Талаба шахсида кузатиладиган турли хил психик ҳолатларни тахмин қилиш баҳолаш ва таърифлашда узининг назарий билимларини эркин қўллаши учун биргина дарсликни узини ўқиш етарли эмас. Мисол учун шахснинг психологик хусусиятлари ҳақида ана шундай саёз илмий билим билан реферат ёзишганда, одатда атамаларни уринли ишлатишлари мумкин, баъзан эса умуман нотўғри қўллайдилар. Талабаларнинг фаолиятлари «характери бўйича киришувчан эмас, чунки унинг темпераменти холерик», унинг хотираси яхши ривожланган, лекин қисқа муддатли, узоқ муддатли хотираси яхши ривожланмаган, эшитиш қобилияти яхши ривожланган, чунки у мусиқани жуда яхши кўради ва яхши тушунади каби мулоҳазаларни учратиш мумкин, лекин улар ҳодисанини моҳиятини тушунмай туриб дарсликдаги психологик билимларини юзаки узлаштирилишини билдиради. Умуман олганда, бу назарияни билиш эмас, балки терменологияни эслаб қолиш ва танишни одат хусусиятларига боғлашдир, яъни таърифланаётган

шахс психологиясини ўрганишга талабанинг билимларига ҳеч нарса қўшмайдилар.

Шунинг учун курс иши ёки назорат ишларини (реферат) ёзишда назарияни эгаллаганлиги ўзига хос яқин бўлишига эришиши ва талабага шахс психологиясини умумий у ёки бу вазиятларда унда намоён бўладиган баъзи психик жараёнлар ва ҳолатини чуқурроқ тушунишга ёрдам берувчи керакли фикрларни ўзлаштириб бориб материаллар тўшлаб адабиётларни ўрганиш жараёнига тайёрлаш керак.

Ана шундай илмий асосда ёзилган ишлар назарияни ҳаётда қўллашга нисбатан тажрибаси мавжуд бўлиб, лекин аниқ ҳаётий муаммони илмий психологик текширишга уриниш бўлади. Бу жуда ҳам муҳимдир, чунки таклиф этиладиган методика айнан ўқув фаолиятига тадқиқот ишини эгаллаб олишга йўналтирилган, бунда фанни ўқишдаги ҳар бир қадам назарий гоаялар, ҳаётий фактлар билан объектив ҳақиқат билан солиштириш билан олиб борилади.

Фанни ҳаётий амалиёт билан боғлаб ўрганиш бу бир вақтда ҳаётни фан нуқтаи назаридан ҳам ўрганишдир, яъни амалий муаммоларни илмий ўрганишдир. Ҳар қандай катта олим фанни амалиётга солиштиришда шундай тажрибаларидан бошлаган. Аниқ методик тавсиялар одатда ҳар бир курс иши (назорат) мавзуси бўйича топшириқ ҳамда талабаларга бериладиган маърузалар ва қонуниятларда берилади. Бу топшириқни тайёрлашда ва улардан улардан осонлик билан фойдаланишлари учун талабларда ўзлаштирилишига диққат билан ёндашиш керак.

Шундай қилиб, талабанинг мустақил билим олишни бошқариш методикаси ҳақида айтганларига қисқача яқин ясайдиган бўлсак.

1. Асосий талаб илмий ва ўқув адабиётларни назарий қоидаларни албатта ўзида ва узининг атрофида кузатиладиган ҳақиқий психологик ҳодисалар билан солиштириб мустақил ўрганиш керак.

2. Барча ўқув ишлари (курс ёки текшириш ишлари, реферат, синов ва имтиҳонларга тайёрланиш) бир вақтда ва тавсия этилган адабиётларни ўрганиш билан амалга оширилиши керак ва фақатгина уни муваффақиятли бажариш ўрганилган ишларнинг мазмунини ўзлаштиришга кафолат бўла олади.

3. Мустақил ўқув ишлари талабага янги ва ўзи учун фойдали билимларни эгаллаши қизиқарли бўлганда муваффақиятли бўлиши мумкин.

Шунинг учун, ўқитувчи талабанинг психология унинг фаолиятининг амалий сабаблари сифатида ўрганишда юзага келган қизиқишини шакллантириш ва ривожлантириш ҳақида доимо ўйлаши керак, бунинг натижасида талаба адабиётларни қизиқиб ўқийди ва янгиликни билиб олишдан қувончни ҳис этади. Юқоридагилар асосида мустақил билим олиш талаба учун оғир

вазифа бўлмай, балки инсон ижодий иш билан шугулланганида одам ҳис этадиган руҳий қониқиш ҳиссини уйғотади.

## СИРТҚИ ТАЪЛИМДА ПСИХОЛОГИК АДАБИЁТЛАР БИЛАН МУСТАҚИЛ ИШЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бу айтиб утилганлар асосида сиртқи таълим талабаларнинг мустақил ишларини бошқариш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Сиртқи таълим бу масофали ўқитишнинг бир тури бўлиб бунда ўқитувчи ва талаба соф маънода вақт, масофа билан бир биридан узоқда бўладилар. Аммо масофали ўқиш тушунчаси Ғарбда сиртқи таълимни ташкил этиш сабабли эмас, балки ўқитишнинг техник воситаларини ривожланиши алоқа ва ахборотлар тизими телекоммуникация тармоқларининг кенгайиши сабабли юзага келган ўқув ахборотларини ўқувчига унинг билимини бевосита учрашмай туриб етказиши ва талаба бажарган ишларини ундан қабул қилиб олиш ва кейин унга жавобини юбориш имконияти пайдо бўлди. 60-йилларда Ғарб мамлакатларида масофали ўқитиш айнан ана шундай тушунишда кенг тарқалди.

Аммо яқин вақт ичида масофали ўқитиш тарафдорлари техника ролини ортиқча баҳолаб психологик омилларни етарлича баҳоламай масофали ўқитиш гоёсини амалга оширганликлари аниқ бўлиб қолди. Талабалар ва ўқув марказлари ўртасида ахборотлар алмашишдаги хатолар бўлиши аниқланади. Энг муҳими ўқитиш методикаси ва мазмунига ўзгартиришлар, тузатишлар киритиш хатолар, сабабларини билиб олиш қийин эди.

Масофали ўқитишнинг техник воситаларига ҳаддан ташқари берилиб кетиши охир оқибат бошқа ёндашишга йўл бериш керак бўлди. Барча эришилганларни сақлаб қолган ҳолда психологик омилларга кўпроқ эътибор бериш, билимларни ушлаштириш қонунларига хато ва янглишларининг психологик сабабларига боғлиқ муаммолари ва шу кабиларга ўқувчилар билан бевосита учрашилганда юзага келган масалаларини кўплари ҳал этилди. Лекин асосийси телекоммуникация воситаларидан фойдаланишни ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш масалаларига қаратиш у фақатгина хотирани тўлдирмай балки, фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилишдан иборат. Бу масалани ҳал этиш талабага илмий ахборотларини етказиш методикасини ўзгартириш ҳисобига бўлиши мумкин. Масалан, ёдлаб, эсда олиб қолишга йўналтирилган ёрдамчи ва назорат саволлари ўрнига, уларга муаммони ифода этади ва шу билан ўқувчилар фикрлаш фаолиятларини ишга солишади.

Бу масофали ўқитишдаги тарихий ҳодиса техник воситалар айниқса замонавий телекоммуникацион тармоқлар жуда яхши ва сифатлилиги, лекин бу воситалар орқали узатиладиган ўқув материаллари агарда инсоннинг билимини ўзлаштиришнинг

психологик шартларига мазмуни ва методикаси бўйича мос бўлганда тайёр ахборотларни оддий эслаб қолишга эмас, ақлий ривожланишга, фикрлашни урганишга ёрдам бўлгандагина фойдалилигини кўрсатади.

Бутун мамлакатни темкоммуникациялаштиришни кутиб утирмай унинг методикасини такомиллаштириш зарурлиги сабабли сиртқи таълимнинг имкониятлари жуда катта. Бу имкониятлар билимларни ўзлаштиришда психологик қонуниятлардан тулароқ фойдаланишдан иборат. Ана шу қонуниятлардан талаба билан бевосита алоқа қилмай уларнинг ўқув фаолиятларини бошқариш методикаси хусусиятлари келиб чиқади. Сиртқи таълим талабаси учун психологик фанларни ургатиш, ўзлаштириш бўйича ўзининг мустақил ишларини ташкил этиш учун нима қилиш ва қандай бажариш кераклиги ҳақида ҳақиқий амалий йўналиш керак. Мустақил билим олиш аудитория машгулотларидан кўра анча самарали деган жуда кўп фикрлар мавжуд. Улар мустақил ўқиш қийинлиги асосланган «керакли» саволларни тушунтириб берувчи ўқитувчининг ёрдами мавжуд эмас, барча «мажбурий» билимларни ҳеч ким етказиб бермайди.

Билимларни мустақил ишлаш қийинчиликлари ҳақида сиртқи таълим талабалари ва экспертлар ўз тажрибаларидан яхши билдилар.

Аммо сиртқи таълимда кундузги ўқитишдаги мустақил билим олишдан аудитория машгулотларининг устунлиги, гўёки объектив кўрсаткичлар ҳам мавжуд улар имтиҳонлар натижалари сиртқи таълим талабалари кундузги таълим талабаларидан кўра ўртача паст баҳога эгалар яъни ўзлаштиришлари паст бўлади. Мана шу ерда бизнинг фикримизга тўғри асосланган хулоса бўлмайди. Мустақил билим олиш қийин бўлгач натижалари ҳам паст, демак мустақил ўқишнинг самараси паст бўлади. Лекин ўқиш кимни қандай бўлмасин, кундузгими, сиртқими, экстерналик бўлмасин олий ўқув юртлири битирувчиларининг дипломлари бир хил қимматлилиги расман тан олинган.

Бу қарама-қаршилиқни қандай тушунтириш мумкин, кўпчилик сиртқи таълим кундузги каби унчалик самарали эмас деб ҳисоблайдилар, расман эса улар бир хил самаралилиги тан олинган.

Аслида аҳвол қандай? Агарда мустақил ўқиш қийин бўлса, бу самарасизлигини билдирадими?

Агарда ўқитувчининг ёрдами билан (аудиторияни) ўқилса, бу самарали бўлишини аниқладими? Мустақил билим олиш самарасиз бўлгани учун сиртқи таълимда ўзлаштириш кўрсаткичлари пастлиги ёки мустақил ўқиш қийин бўлгани учунми?

Самарасизлик ва қийинлиги бу бир нарса эмасми? Кўп меҳнат талаб қилишса одатда бу қийин бўлади ва кам талаб қилинганда осон ҳисобланади. Ўзи эгалаб, тушуниб олиши қийин,

ўқитувчидан тинглаб тайёр билимларни олиш осон (ҳеч бўлмаганда бу шундай туюлади, тайёрни эслаб қолиш эса бу ҳали узлаштириш эмас) инсонга қисқа йўл билан кам куч ва вақт сарфлаб натижага интилиш хосдир.

Бу албатта табиий ҳолдир. У ўқишда ҳам шундай йўл тутади, агарда ўқитувчидан ёки дарслиқдан янги билимларни эслаб қолиш асосида ўрганган курси бўйича аттестат олиш мумкин бўлса у худди шундай йўлни тутади.

Бу ерда фикр, биринчи курс талабасининг ўзи мустақил ақлий ишларини тўғри қуришни билмаслигидир. Ахир тажрибали одам профессор ва академиклар ҳам бир умр мустақил ўрганадилар. Улар ҳеч қандай ўқитувчиларга мухтож эмаслар, улар қандай ўқишни биладилар, асосийси мутассил ўқишни хоҳлайдилар.

Балки талаба ўз фаолиятини мустақил, ўқитувчининг ёрдамисиз, унинг назорат ва кўрсатмаларисиз ташкил этишга, ўқиш маҳоратини эгаллашдан бошлаши керакдир.

Ҳақиқатдан ҳам кўпчилик ҳолларда талабалар ўзларининг мустақил билим олиш фаолиятларини нотўғри ташкил қиладилар. Бу фаолият кўп меҳнатни талаб қилади, улар эса имкони борича тезроқ ва иложи борича осон йўл билан эгаллаш асосида иш олиб бориб кам меҳнат сафрлашга ҳаракат қиладилар.

Талаба шундай хаёл билан иш тутади, сместр давомида кўп ишларни бажаришга улгуриш керак, чуқур ўйлаб ўтиришга ва узоқ излашга илож йўқ (вақт йўқ, ўзи ҳаммасини ҳал этиши ҳам қийин).

Шунинг учун маърузалар конспектлари ва дарсликлар билан чекланадилар, улар имтиҳонни текшириш учун етарли деб ҳисоблайдилар.

Бу ҳолат ўқув юрти шароитларида мустақил билим олишни билмаслиги сабабли содир бўлади, умуман талабалар бунга ҳеч ўрганмайди. Бунинг натижасида талаба мустақил билимни олишга билимлар олишнинг асосий усули каби муносабатда бўлмайди балки, асосий аудитория машғулотларига қандайдир қўшимча деб ҳисоблайдилар. Маърузалар ёки дарсликлардан олинган айниқса сиртқи таълим талабаларининг ўқув йигинларида олинган билимлари ҳақида фикр юритиш, фаннинг ҳатто энг муҳим муаммолари ҳақида етарлича тўла гапириш мумкин эмас. Шунинг ерда талабанинг фикрлари афсуски тўғри чиқади, имтиҳон олувчилар баъзи ҳолларда дарслиқдан ташқари олинган юзаки билимларга паст баҳо билан баҳолайдилар. Ўқитишни бундай ташкил этишда ҳақиқий мустақил ишлардан, тадқиқотчиликка яқин ишларга хос бўлган, ҳаётнинг муҳим муаммоларига, илмий адабиётлардан жавобларни мустақил излаб топиш бўйича тинимсиз меҳнатдан талаба доим ўзини олиб қочади. Бунинг ўрнига маъруза конспектлари ва дарсликлардан ёдлаб олган «юзаки назарий» билимлари билан кифояланади. Назариядан амалий фаолиятда

қандай фойдаланиш мумкинлигини билмайди. Мана шунинг оқибатида имтиҳонда қийналади. Ҳақиқатда аниқловчи, равшанлантирувчи фикрини дарслик чегарасидан ташқарига олиб чиқувчи саволни берган заҳотиёқ талаба иложсиз ҳолатга тушиб қолади. Демак, замонавий мустақил билим олишда айниқса сиртқи таълимда ички қарама-қарши ва талаба учун яхши бўлмаган ўзига хос вазият юзага келган. Бир томондан мустақил ўқиш-билим олишнинг асосий методи ҳисобланади. Аудитория машгулотлари эса талабанинг адабиётлар билан ишлаш илмий китоблардан олинган назарий билимларидан келиб чиқиб ҳаётий муаммоларни таҳлил қилиш ишларида унга ташкилий методик кўрсатмалар бериб ундан муваффақиятга фойдаланишга имкон бериши керак.

Ҳақиқатда эса мустақил билим олишнинг қийинлиги сабабли талаба кўпроқ, осонроқ бўлган аудитория машгулотларини афзал билади, бу ерда у билимларни ўқитувчидан олишга интилади. Ана шу қарама-қаршилиқ сабабли у осон йўлини танлаган бўлади ва у ўз кучига ишониб қизиқиб меҳнат қилишга ўрганган бўлиши мумкин бўлган тайёргарлигидан анча ортда қолган бўлиб чиқади. Мана шунинг учун сиртқи таълим талабаларининг ўзлаштиришлари нисбатан пастроқ бўлиб чиқади.

Мазкур қарама-қаршилиқни йўқотишнинг йўли борми? Унга жавоб топиш учун мустақил ўқишни психологик нуқтаи назардан ўрганиб чиқиш ва қўйидаги саволларга жавоб топиш зарур. Унинг самарадорлигини қандай шароитларда тупланишига боғлиқ ва қандай қилиб фанни ўзлаштиришни юқори даражада қизиқарли, самарали фаолият натижасида эришиладиган қилиши мумкин! Бу масала сиртқи таълим тизими олдида айниқса кескин турибди.

Бу саволга жавоб топиш учун мустақил билим олиш фаолиятини психологик назарияси нуқтаи назаридан ўқув фаолияти сифатида таҳлил қилиш керак.

Фаолиятнинг сабаблари мақсад восита ва натижалари фаолиятнинг тузилиши ана шу ҳамма компонентлари айнан психологик мазмунга эга, чунки фаолиятни субъект томонидан ифодалайди, у ўзининг қайси эҳтиёжларини қондириши учун ўз олдига мақсадни қўяди, қўйилган мақсадга эришиш учун қандай воситалардан фойдаланади ва қандай натижага эришади.

Талабаларнинг фаолият субъектлари сифатида мақсадлари турлича бўлса, унда бу сабабларини фарқ қилишини аниқлаш керак, унга қараб инсон фаолиятини қайси йўл билан бажаришига боғлиқ бўлиб, демак натижалар ҳам турлича бўлади. Сабаби ва мақсадлари қандай бўлса, одатда ўқув фаолиятининг натижалари, яъни ўқув материалларини ўзлаштириш сифати ҳам шундай бўлади.

Фаолиятда сабабнинг ўрни, мазмунига янада кўпроқ қарайдиган бўлсак, унинг орқасида фаолият предметига, фаолиятнинг ўзига ва унинг натижаларига яширинган шахснинг муносабатига, асосийси унинг ижтимоий мазмунига, бу фаолият

шахсан менга фаолият субъекти сифатида нима учун кераклигини англашдадир.

Сиртқи таълимда таҳсил олаётган талабалар фан асослари бўйича керакли материалларни адабиётлар билан мустақил ишлаш орқали амалга оширадilar.

Хулоса ўрнида, шуни айтиш мумкин-ки, таълимнинг ҳар иккала турида ҳам ўзига хос билимлар манбаи берилади ва қўлга киритилади.

✎

## АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: «Ўзбекистон» 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: «Ўзбекистон» 2000.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: «Ўзбекистон» 2001.
4. Активные методы обучения педагогов и руководителей учреждений образования. Тезисы докладов. –Пермь, 1993.
5. Андреева Г.М. Социальная психология. –М., 1998-376 с.
6. Бадмаев Б.Ц. Психология: как ее изучить и усвоить. –М., 1997. – 256 с.
7. Бадмаев Б.Ц. Психология и методика ускоренного обучения. – М., 1998. –272 с.
8. Бадмаев Методика преподавания психологии М.: 2001.
9. Введение в психологию: Учебник для высш.школы/Под общ.ред. А.В.Петровского. –М., 1996. –493 с.
10. Возрастная и педагогическая психология: Учеб.пособие для институтов /Под ред. М.В.Гомезо и др. –М., 1984. – 256 с.
11. Гальперин П.Я. Психология как объективная наука. Избр. психологические труды. –М.: Воронеж, 1998. – 480 с.
12. Гальперин П.Я., Талызина Н.Ф. Формирование знаний и умений на основе теории поэтапного усвоения умственных действий. – М.: 1968.
13. Гиппенрейтер Ю.Б. Введение в общую психологию. – М.: 1996. – 336 с.
14. Давлетшин М.Г. Ҳозирги замон мактабининг ўқитувчиси психологияси. –Т.: «Ўзбекистон» 1999.
15. Давлетшин М.Г., Жалилова С.Х. Олий мактабда таълим жараёни самарадорлигининг психологик томонлари. –Т.: 2001.
16. Давыдов В.В. Виды обобщения в обучении. –М.: 1972. – 424 с.
17. Зимняя И.А. Педагогическая психология: Учеб.пособие для студентов высш.пед.учеб.заведений –Ростов-н/Д.: 1997. – 476 с.
18. Ильясов И.И. Обучение студентов деятельности учения //Формирование учебной деятельности студентов. – М.: 1989. – С. 35-68.
19. Климов Е.А. Психология: Учебник для школы. –М.: 1997. –287 с.
20. Ляудис В.Я. методика преподавания психологии. –М.: 1989. – 77 с
21. Ляудис В.Я. (ред). Формирование учебной деятельности студентов. –М.: 1989. – 240 с.
22. Нишоновна З.Т. Олий мактаб психологияси. –Т.: 2003.



23. Немов Р.С. Психология: Учебник: В 3 кн. Книга 1. Общие основы психологии. –М.: 1998. –688 с.
24. Немов Р.С. Психология. Книга 2. Психология образования. –М.: 1998. –608 с.
25. Панибратцева З.М. Методика преподавания психологии. –М.: 1971. –152 с.
26. Рухиева А.Х. Психологические особенности самоуправления учебной деятельностью студентов. Автореферат. Дис. Т.: 1993.
27. Тализына Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. –М.: 1984. –344 с.
28. Тализына Н.Ф. Педагогическая психология. Учебн.пособие. –М.: 1998. –288 с.
29. Эльконин Д.Б. Психическое развитие в детских возрастах. –М.: Воронеж. 1995. –416 с.
30. Эсаулов А.Ф. Активизация учебно-познавательной деятельности студентов. –М.: 1982. –223 с.
31. Ғозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси. «Ўқитувчи» -Т.: 1997.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Психология фанларини ўқитиш методикаси фанининг предмети.....	5
Шарқ алломалари асарларида ўқитиш усуллари.....	9
Ўзбекистон психологлари тадқиқотларида ўқитиш муаммолари.....	14
Ўқитувчи касбининг психологик хусусиятлари.....	17
Талабалар ўқув фаолияти психологияси.....	24
Психологияда дарс ўтиш методлари.....	33
Ўқув фаолиятини тапшил этиш шакллари.....	40
Ўқитишнинг интерфаол методлари.....	46
Педагогика олий ўқув юртларида психология ўқитиш методикасининг умумий масалалари.....	61
Психология назарий ва амалий фан сифатида.....	76
Назарий психологияни ўқитишнинг методик хусусиятлари.....	82
Умумий психологияни ўқитишнинг методик хусусиятлари.....	91
Ёш ва педагогик психологияни ўқитишнинг методик ўзига хосликлари .....	109
Юридик психологияни ўқитишнинг методик хусусиятлари.....	114
Тиббиёт психологиясини ўқитишнинг мазмуни.....	119
Ижтимоий психологияни ўқитишнинг методик усуллари.....	136
Талабалар ўқув машгулотларини назорат қилиш ва тартибга келтириш.....	146
Талабалар ўқув фаолиятининг коррекцияси.....	151
✓ Талабалар мустақил ишларини бошқариш.....	155
Сиртқи таълимда психологик адабиётлар билан мустақил ишлашнинг хусусиятлари.....	167
Адабиётлар рўйхати .....	172

76 – буюртма 1000 нусха. Ҳажми 10,1 б.т.  
2006 йил 29 декабрда босишга рухсат этилди.  
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида  
нашр қилинди.

